

R 566

# ТАФАККУР



ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ,  
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ  
ЖУРНАЛ

*Handwritten signature or initials*

ТАФАККУР 3/2014



*Маъмурдоджа Бешбудий*



*Жаҳон – аҳли шиҷоатникидир!*



R 566

J

Alisher Navoiy  
nomidagi  
O'zbekiston MK

## YUKSAK INTELLEKT – TARAQQIYOT OMILI

ЭКС 1

► Бугун, орадан деярли минг йил ўтганидан кейин ҳам биз Ўрта асрларда яшаб ижод қилган, жаҳон цивилизацияси ривожига бебаҳо ҳисса қўшган Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг даҳоси, илм-фаннинг турли йўналишларидаги изланишлари ва қомусий билимлари олдида ҳайратга тушамиз.

► Шарқ, хусусан, Марказий Осиё минтақаси IX–XII ва XIV–XV асрларда бамисоли пўртанадек отилиб чиққан икки қудратли илмий-маданий юксалишнинг манбаи ҳисобланиб, жаҳоннинг бошқа минтақаларидаги Ренессанс жараёнларига ижобий таъсир кўрсатган Шарқ Уйғониш даври – Шарқ Ренессанси сифатида дунё илмий жамоатчилиги томонидан ҳақли равишда тан олинган.

► Ўз тарихига, тўпланган тажрибага, дунёда энг катта бойлик саналган интеллектуал салоҳиятга чуқур ҳурмат билан ёндашиш ҳар қандай давлатнинг моддий ва маънавий тараққиёти асосини ташкил этади, десам, ишонаманки, бу фикрга сизлар ҳам қўшиласиз.

► Барчамиз яхши тушунамизки, эришилган билимларни, ўтмишда, жумладан, Ўрта асрлар Шарқида амалга оширилган оламшумул кашфиётларни чуқур ўзлаштирмасдан туриб на илм-фанда, на бошқа соҳаларда янги, янада юксак марраларни забт этиб бўлмайди. Биз келгуси фаолиятимизда ҳам айна шу тамойилга қатъий амал қиламиз.

► Мен ёшларимизга мурожаат қилар эканман, уларга доимо: “Биз буюк аجدодларимиз билан фахрланишимиз, ғурурланишимиз керак”, деб айтаман. Айна вақтда “Фақат ғурурланишнинг ўзи етарли эмас, келинлар, ўзимиз ҳам, худди улар каби, мана шу бебаҳо меросга ўз ҳиссамизни қўшайлик!” деб тақдорлайман.

Президент Ислом КАРИМОВнинг  
“Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси,  
унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти” мавзусидаги  
халқаро конференцияда сўзлаган нутқидан олинди.



# ТАФАККУР



## Тафаккур

ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ЖУРНАЛ

Журнал 1994 йилдан чиқа бошлаган. Бир йилда тўрт марта нашр этилади.

Бош муҳаррир  
Эркин АЪЗАМ

*Тахририят*  
Муҳаллид РАҲИМ  
(бош муҳаррир ўринбосари)

Собиржон ЕКУБОВ  
(масъул вотиб)  
Кулман ОҶИЛ  
(тахририят мудир)

ШОҲСАНАМ  
(булим мудир)

Ояга ЖОЛДАСОВА  
(булим мудир)

Хуршид ЙЎЛДОШЕВ  
(булим мудир)

Наргиза УСМОНОВА  
(техник муҳаррир)

Гулнора ФАТТОХОВА  
(муҳасаб)

*Жамоат кенгаши*  
Ўрзобой АБДУРАҲМОНОВ  
Дилорам АЛИМОВА  
Хуршид ДАВРОН  
Шухрат РИЗО

Хайриддин СУЛТОН  
Нурилла ТЎХЛИЕВ  
Абдурахим ЭРКАЕВ  
Муртазо ҚАРШИБЎЙ  
Қаҳрамон ҚУРОНБЎЕВ  
Фарҳад ҲАМРОЕВ  
Иброҳим ҲАҚҚУЛ

Муассис – Республика Маънавият ва маърифат кенгаши.

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0219-рақам билан рўйхатга олинган.

Мақолалар фойдаланилган ҳисоб, кўчирма ва маълумотлар аниқлиги учун муаллифлар жавобгардир.

Журналдан кўчариб босилганда манба қайда этилиши шарт.

Манилима: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 36-бино



233-10-68  
233-79-40  
239-46-16

Журнал андозаси тахририятнинг компьютер бўлимида тайёрланади.

“Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. 100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

2014 йил 7 август куни босмаҳонага топширилади. Қоғоз беними 70x100 1/16, 8 босма тобик. 3561-бўзуртма. Нашр адади 2512 нусха.

### НИМА ДЕИСИЗ. ЗАМОНДОШ?

Юрт нуфузи илм-ла ортар. *Геномика ва биоинформатика маркази директори Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ билан суҳбат*..... 4

### ТАРАҚҚИЁТ ТАМОИИЛЛАРИ

Мансур БЕКМУРОДОВ. Жамоат назорати – адолат кафолати..... 16

### АҚЛ МУНОЗАРАСИ

Мансурхон ТОИРОВ. Дўл тоғи ва етти осмон..... 22

### СИРЛИ САРҲАДЛАР

Зухриддин ИСОМИДДИНОВ. Соғинаш..... 36

### МАЪНО ВА МОҲИЯТ

Абдулла ШЕР. Ҳаётбахш қайғу ва умидбахш кулги..... 45



Ўрол ТАНҚИЗОВ. “Қўнағач”

### ИБРАТНОМА

Раъно ИБРОҲИМОВА. Ўрол оғанинг мактублари..... 50

# SAHIFALARIDA

## саҳифаларида

### ТИРИК СЎЗ

Узоқ ЖЎРАҚУЛ. Ишқ қисмати шу азал-абад.....54

### ИНСОН ЎЗИНГ, ИНСОН УЗИНГ

Исажон СУЛТОН. Ўрмондаги кулба. Ҳикоя...62

### БОҚИЙ САРЧАШМАЛАР

Муҳиддин РАҲИМ. Термизий сиёсатномаси....73

### ТАРИХ САБОҚЛАРИ

Омонулла МУТАЛОВ. Эллик йилда келган ишнинг андишаси.....82

### ТАҚДИРДАГИ ТАДБИРЛАР

Иброҳим ҲАҚҚУЛ. Сулҳ қурбони Хонзодабегим.....88

### БУЮКЛИК ТИМСОЛЛАРИ

Шомирза ТУРДИМОВ. Чечаннинг оғзида қисса ўйнайди.....95  
Михли САФАРОВ. Муъжизакор Леонардо....104



Леонардо да Винчи. "Хушхабар"



Исажон СУЛТОН

### ЖАВОНДАГИ ЖАВОҲИР

Фарҳод ҲАМРОЕВ. Нурли дарича.....112

### ТАЛҚИН ВА ТАДҚИҚОТЛАР

Сухроб ФАНИЕВ. Ёшлар ва ННТ.....118  
Шоира КУБАЕВА. Ўйин ҳикмати.....119  
Низом ТАНГИРОВ. Ноосфера: прогрессми ёки регресс?.....120  
Соатмурод ПРИМОВ. Мутакаллимлар устози.....122  
Дилафрўз ҚАЛАНДАРОВА. Дақиқага жо бўлган кечмиш.....123  
Элдор ЙЎЛДОШЕВ. Илк миллий телефильм.....125  
Журналнинг англизча мухтасар мазмуни.....127

# YURT NUFUZI ILM-LA ORTAR

**Геномика ва биоинформатика маркази директори,  
биология фанлари доктори, профессор  
Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ билан суҳбат**

Хонадаги жиҳозлар ҳам эгасининг ўзи каби жуда оддий, саксондан ортиқ ходим хизмат қиладиган замонавий илмий марказ директорининг кабинетига унча ўхшамайди: одми иш столи, суяنجизига оқ жилд қопланган уч-тўрт курсио китоб-журналлар териб қўйилган шкаф. Қандайдир кимёвий модданинг ҳиди анқиб турибди. Хона лабораториялар билан ёнма-ён жойлашган-да.

Икки соатга мўлжалланган гурунгимиз беш соатча давом этди. У ўрни келганида жўшиб, баъзан куйиниб, баъзан ўйланиб, лекин самимий гапира-



ди. Кўп ўқигани, дунё кўргани, муқоясаю мулоҳаза қилишни ёқтириши сезилиб турибди. Шу боис мавзу қамрови кутганимиздан кенг бўлди: яратиш завқи, илм заҳмати, маданият, маърифат, таълим-тарбия, инсоний бурч, олимлик масъулияти...

Табиийки, суҳбат аввалида ўзбек олимлари яратган “Порлоқ-1”, “Порлоқ-2”, “Порлоқ-3”, “Порлоқ-4” пахта навларидан сўз очилди. Ушбу кашфиёт халқаро илмий жамоатчилик, тўқимачилик sanoati ва оммавий ахборот воситаларида шов-шув бўлди. “Пошишо пахта” деган ном ва эътирофга сазовор бўлган янги навларга пахта экадиган мамлакатлар катта қизиқиши билдирди.

Пахтачилик бўйича халқаро маслаҳат қўмитаси – ICASAга гўза парвариши ва пахта савдоси билан шуғулланадиган қирқдан ортиқ мамлакат, жумладан, Ўзбекистон ҳам аъзо. Мазкур ташилот жаҳон мамлакатларида пахта селекцияси бўйича олиб борилаётган йирик тадқиқотлар натижаларига бағишланган “Йил тадқиқотчиси” халқаро танловини ўтказиб келади. 2013 йилда ушбу халқаро эътирофга гўза геномини чуқур тадқиқ этишидаги фундаментал изланишлари учун “пошишо пахта”ни яратган олим ва мутахассислар гуруҳи раҳбари Иброҳим Абдураҳмонов сазовор бўлди.

Бу – пахта илми борасида ёш ўзбек олими эришган ютуқларнинг халқаро миқёсдаги ягона эътирофи эмас. У 2010 йили Жаҳон фаоллар академиясининг (TWAS) қишлоқ хўжалиги бўйича мукофотини ҳам қўлга киритган.

– Домла, мамлакатимиз олимларининг пахтачилик соҳасида эришяётган ютуқлари барчамизни қувонтиради. Бундай кашфиётлар иқтисодий-иштининг жадал ривожланишини таъминлаш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини, халқимиз фаровонлигини юксалтириш, Ватанимизнинг халқаро майдондаги нufuzини мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз. Сиз раҳбарлик қилаётган Марказ жамоаси янги пахта навларини яратиш борасида эришяётган ютуқларнинг омили нима?

– Шўро даврида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида экстенсив ривожланиш устун эди. Яъни факат миқдор кетидан қувилиб, сифат масаласи эътибордан четда қоларди. Минглаб гектар ерга сув чикарилиб, пахта экилди, лекин ялпи ҳосил миқдори ошса-да, ўртача ҳосилдорлик муттасил камайиб борди. Қанчадан-қанча экин майдонларини шўр босиб, Оролдек улкан денгиз қуриди.

Ватанимиз мустақилликка эришгач, Президенти-миз Ислоҳ Каримов бу борадаги эскича қарашларга бутунлай барҳам бериш ва қишлоқ хўжалигида, жумладан, пахтачиликда сифат кўрсаткичларига эътибор



каратиш вазифасини қўйди. Ўзбекистон Фанлар академияси, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирилик, “Ўзпахтасаноат” уюшмаси қошида Геномика ва биоинформатика маркази ташкил этилгани ҳам бунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизда нисбатан янги соҳа – гўза генлари муҳандислиги ва геномикаси йўналишида махсус илмий тадқиқотлар олиб бориш, мутахассислар тайёрлашга катта миқдорда маблағ ажратилиб, кенг имкониятлар яратилди.

Тармоққа янгича муносабат натижасида пахта майдони ҳажми қисқаргани холда ўртача ҳосилдорлик ошиб, толаннинг сифат кўрсаткичлари сезиларли даражада яхшиланмоқда. Ўзбек пахтасига бўлган талаб жаҳон бозорида муттасил ортиб бораёттир. Буни ҳар йили кузда Тошкентда ўтказиладиган Халқаро пахта ва тўқимачилик ярмаркасининг хорижлик иштирокчилари сафи тобора кенгайиб бораётганидан ҳам билиш мумкин. Мисол учун, 2005 йили ўтказилган илк ярмаркада ўттиз мамлакатдан бир юз етмишга яқин трейдерлик ва тўқимачилик компанияси вакиллари катнашган бўлса, 2013 йилги ярмаркада дунёнинг қирқ давлатидан пахта ва тўқимачилик соҳаси компанияларининг мингдан зиёд вакили иштирок этди. Ушбу йирик халқаро ярмаркада Ўзбекистонда етиштирилган 680 минг тоннадан ортиқ пахта толасини харид қилиш бўйича ахдлашувларга эришилди. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик маҳсулотларининг савдоси бўйича эса умумий қиймати бир миллиард АҚШ долларидан ортиқ шартномалар имзоланди.

*– 2013 йилдан “Порлоқ” туркумидаги янги навлар мамлакатимиздаги йиғирмадан ортиқ фермер хўжалигига қарашли олти юз гектардан зиёд майдонда экилиб, қутилган самара бера бошлади. Янги навларнинг қандай афзалликлари бор?*

– Фикримни иложи борича соддароқ тушунтиришга ҳаракат қиламан. Пахтанинг юзлаб навларини ўз ичига олган ўрта толали ва ипак толали турлари мавжуд. Биринчиси (*G. hirsutum*) дунё мамлакатларида кенг тарқалган, ҳар йили миллионлаб гектар майдонга экилади. Иккинчиси (*G. barbadense*) асосан Нил дарёси сохилларида етиштирилгани учун “Миср пахтаси” деган ном билан ҳам машҳур.

Гапни шунисидан бошлайлик. Толаси ўз номи билан ипакдек мулозим, силлик, ингичка, узун. Жаҳондаги барча енгил саноат корхоналари шундай пахтани орзу қилади.

Ўрта толали пахтанинг сифат ва микронейр кўрсаткичлари эса, боя айтганимиздек, ипак пахтага нисбатан паст. Толаси – дағалроқ, йўғонроқ, калтароқ, мўртроқ...

*– Унда нега аксар мамлакатларда ўрта толали пахта экилади? Енгил саноат вакиллари ҳам, трейдерлар ҳам асосан ўрта толали пахтага талабдор...*

– Ўрта толали пахтанинг таннархи нисбатан арзон, шунинг учун харидорғир. Ипак пахтани етиштириш эса гоят серҳаражат ва серзаҳмат иш. Ипак толали пахта пишиб етилиши учун икки юз кундан кўпроқ вақт керак. Бу олти ярим

ой дегани! Мўл сув, муттасил парвариш талаб этади. Ҳосили эса кам. Пахтасини териб олиш ундан-да кийин. Эсласангиз, бир вақтлар ўзимизда ҳам, жумладан, Сурхондарё вилоятининг айрим туманларида ипак пахта экилган, бироқ қўтилган иқтисодий самара бермагани учун бундай ташвишдан воз кечилган эди.

Ипак пахтадан тайёрланган маҳсулотларни харид қилишга ҳаммининг ҳам қурби етмайди – қиммат-да. Дейлик, ўрта толали пахтадан тикилган футболка тахминан ўн минг сўмга тушса, ипак пахтаники беш юз минг сўмгача этади. Бошқача айтганда, ҳеч ким етти кунлик кўзичокни етти яшар туянинг пулига олмайди. Сайёрамизда пахта экиш йўлга қўйилганидан буён ўтган минг йиллар мобайнида дехқону олим, мутахассису харидорни ўйлантириб келаётган ушбу муаммонинг ҳалигача тўлиқ ечими топилгани йўқ. Биз эришган натижалар ҳам ўрта толали пахта сифатини янада ошириш орқали уни ипак пахтага яқинлаштиришдан иборатдир.

*Илмининг табиати, кашфиёт жараёни қизиқ. Фанда кичик бир муаммони ҳал этиши учун гоҳо юзлаб олим, илмий тадқиқот институтлари, халқаро илмий марказлар йўллаб бош қотиради, баҳслашади, тажриба ўтказиши ва... урдасидан чиқолмайди.*

*Муаммонинг ечимини тополмай боши хум бўлиб кетган алломалардан бири озгина тин олмоқ илинжида ўзини дароҳт соясига олади ва иттифоқо шохдан узиллиб тушган олма унинг пешонасини гурра қилади. Айни дамда аллома ичурида гўё чақмоқ чақнайди: “Топдим! – деб ҳайқиради у. – Топдим-а!”*

*Шу йўсинда Ернинг тортишиши кучи ҳақидаги қонун яратилади. Исаак Ньютоннинг бу кашфиёти кейинчалик инсониятнинг самолёт ясаб ҳавога қўтарилишию қитъалараро ракетаалар учуриши, фазои муаллақни ҳар томонлама ўрганиши, Ойга парвоз этишигача – бир қанча оламушумул янгиликларга хамиртуруши бўлди.*

*Кимдир бемаҳалда безовта бўлган товўқлардан хабар олай деб ярим тунда паррандачилик фермасининг чирогини ёқиб, силласи қуригунича “айбдор”ни қидиради ва... тополмайди. Лекин чошгоҳда қараса, товўқлар одатдагидек биттадан эмас, иккитадан тўхум қўйганини кўради.*

*Шу тариқа ёруғликнинг маҳсулдорликка ижобий таъсирига оид назария амалда ўз тасдиғини топади.*

– Кўсак қурти – пахтаниннг ўзи каби қадимий. Дехқонлар асрлар оша бу баалога қарши не-не чора-тадбирларни ўйлаб топмаган, воситаларни қўлламаган! Аммо экинларни алмашлаб экишдан то ўнлаб турдаги кимёвий моддаларни ишлатишгача бўлган хилма-хил тавсияю воситаларнинг фойдаси оз-у, атрофмухитга зарари кўп бўлди. Кўсак қуртини пахта майдонларидан бутунлай “ҳайдаб чиқариш” осон кечмади. Касаллик нафақат тажрибали дехқону фермерлар, балки қилни қирқ ёрган пахташуносларнинг ҳам тинка-мадорини қуритди.

“Табиатда ҳамма жонзот ўз қушандаси билан яратилган, – деб қолди бир қуни устозимиз, академик Абдусаттор Абдуқаримов. – Кўсак қуртига қарши қурашда энди биологик воситаларни синаб қўрсак-чи?”

Шундай қилиб, таджикотчилар қатори камина каби талабалар ҳам “топган-тутгани” – даррахт япроғио меваси, нўхату ловия, мошу гуручгача олиб келиб, боқиманда қуртлар оғзига тута бошлади.

Мен ўшанда Ўзбекистон Миллий университетининг биология факультетида ўқир, айни чоқда, Фанлар академияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтида лаборант бўлиб ишлар эдим. Бир шанба тушлиқда қовун еб, уругини мечкай қуртлар олдига ташладик. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, иштахаси очилган пайтда кўсак қурти қорамолни ҳам чангида қолдиради. Пайкалга қорамол ораласа ҳайдаб чиқариш осон, кўсак қурти дориган майдондан эса жудо бўлдим деяверинг – гўзага қирон келтиради газанда... Хуллас, қуртларга қовун уруги бериб, уй-уйимизга кетдик. Эртаси қуни қарасак, ҳаммасининг оёғи осмонда – ўлиб ётибди. “Дарвоқе!” деб пешонамизга урдик: халқ табобатида ошқовоқ уруги гижжа касаллигига даво сифатида қўлландику! Кўсак қуртининг қушандаси дунёдаги энг тогли неъматлардан бири – қовун уруги экани хаёлимизга келмаганини қаранг! Шундай қилиб, қовун уругидан кўсак қуртига қарши қурашда қўл келадиган биологик модда ажратиб олдик ва бу илмдаги илк муваффақиятларимдан бири бўлди.

Янги толали пахтанинг яратилиши ҳам, бир қарашда, ана шундай оддий. Дейлик, ипак толали ва ўрта толали пахта уругини чапиштириш, генларини клонлаш ёки гўзасини пайвандлаш орқали мақсадга осонгина эришиш мумкиндек. Шундай қилинган ҳам. Бундай усуллар жаҳон селекциясида бир эмас, юз, минг марталаб синаб кўрилган десам, муболағага йўйманг. Дастлабки натижалар ҳам ёмон бўлмаган. Аммо вақт ўтиши билан янги навлар панд берган – гўзанинг кейинги авлодлари “бузилиб кетган”, ё ипак толали гўзанинг (кечпишар ва камҳосил), ё ўрта толали гўзанинг (толаси дағал) хоссасио хиссаси оша бошлаган. Уриниш, изланишлар қумга синган сувдек бесамар бўлган.

– *Энди-чи, “поишо пахта” гўзаси ҳам панд бермасмикан, ишқилиб?*

– Йўқ. Лекин, шоир айтганидек, “ғишт устига ғишт қўйиш учун ҳам фурсат керак”. Биз бу борадаги узок йиллик тажриба ва синовлар жараёнида бошқачароқ йўлни танладик. Марказимиз жамоаси АҚШ Қишлоқ хўжалиги департаменти ҳамда Техас университети мутахассислари билан ҳамкорликда ген-нокаут технологиясини яратди. Батафсилроқ айтганда, гўза геномидаги авлоддан авлодга ўтадиган генлар аниқланиб, замонавий тезкор ассоциатив хариталаш усули кашф этилди. Натижада гўзадаги генлардан фойдаланишнинг янги имкониятлари очилиб, замонавий ген-нокаут ва маркерларга асосланган селекция усуллари ишлаб чиқилди. Бу буткул янгича хусусиятларга эга “Порлок” ва “Равнак” гўза навлари туркумини яратиш сари йўл очди.

Ген-нокаут (инглизча *gene knockout*), илмий тилда айтганда, РНК интерференцияси – молекуляр генетика усули организмдаги муайян генлар фаолигини тўхтатиб қўйиш имконини беради. Қишлоқ хўжалиги экинларининг биологик кўрсаткичлари – ҳосилдорлик, эртапишарлик, зараркунанда ва ҳашаротларга чидамлилиқнинг намоён бўлишида иштирок этувчи генларнинг таркиби ҳамда функцияси аниқлангандан сўнг муайян ген фаолиятини кучайтириш ёки, аксин-


ча, сусайтириш, ҳатто тўхтатиш мумкин. Масалан, ўсимликнинг етилиш жараёнини секинлаштирувчи генлар фаолиятини сусайтириб ёки бутунлай тўхтатиб, эртапишарликка эришиш имконияти мавжуд.

Бир вақтлар матбуотда ўкиганим бор: адибларимиздан бири hozir халқаро истилоҳда бўлган юнонча “ген” атамасини туркийча “кон” сўзининг ўзгарган шакли, деб изоҳлаган эди. Бу тахминда ҳам асос йўқ эмас. Ҳарҳолда “кон суради”, “суяк суради” деган ўзбеккона иборалар мавжуд-ку. Зеро, ген ирсиятга бориб тақалади. Организмдаги ҳар бир геннинг ўз вазифаси бор. Ген-нокаут технологиясида ана шу вазифаларга қараб иш тутилади. Бизнинг инновацион ғоямиз ҳам шунга асосланган. Баъзи ўсимликлар сояда тезроқ ўсади, барвақт етилади, эртарок гуллайди ва кўпроқ ҳосил беради. Фанда “соялаш синдроми” деб аталган ушбу механизм замирида молекуляр соатларни (вақтни) бошқарувчи асосан қизил ва тўқ қизил нурларга мойиллиги баланд рецептор генлар фаолиги мужассам. Сояда ўсаётган ўсимлик вегетация даври охирида, куз келаётганидан “хавотирга тушади”. Бутун ички имкониятларини ишга солиб, гуллашга ва ўздан тезроқ авлод колдиришга ошиқади. Масалан, ривожланаётган ғўза коронги жойга қўйилса, пояси ҳам, толаси ҳам тез ўса бошлайди.

*Боя айтганимиз – товукларни эсланг: тунда чироқ ёқилгач, улар тонг отиб қолганидан “ташвишга тушиб”, шоша-тиша тухум қўйган. Чироқ ўчирилгач, эрталабгача дам олиб, тонгда яна тухумлаган.*

*Булар, таъкидланганидек, ёруғликнинг ҳосилдорликка ва маҳсулдорликка изобий таъсирига мисоллардир.*

*Ушбу назарияни технологияга айлантириш учун Геномика ва биоинформатика марказида 2009-13 йиллар мобайнида бир неча халқаро ва маҳаллий*



лойиҳалар амалга оширилди. Вазифаси қизил, оч қизил ёруғлик нурларини “ютиши”дан иборат гўза генлари жаҳонда биринчи бўлиб Ўзбекистонда клонланди ва тавсифланди. Кейинги босқичларда эса гўза генлари фаоллигини сусайтириб (бокседаги каби нокаут қилиб) қўйиш гоёси лабораторияда муваффақиятли синовдан ўтказилди.

**– Ген-нокаут технологияси ҳақида батафсилроқ гапириб берсангиз.**

– Аввал лаборатория, кейин дала шароитида ўтказилган синовлар ген-нокаут технологияси ёрдамида олинган гўзаларнинг ривожланиши бир хил шароитда ўстирилган гўзаларга нисбатан жадаллашгани, илдизи икки-уч баробар узайганини кўрсатди. Мазкур технология асосида етиштирилган гўзалар ўн кунгача эрта гуллади, шоналади, ҳосил тугди, одатдагидан 10 миллиметр гача узун тола берди. Толасининг сифат кўрсаткичлари яхшиланиб, ҳосилдорлиги 20 фоиз ошди. Ушбу технология асосида олинган гўзаларнинг курғокчилик, шўрланиш ва совуқка чидамлилиги ҳам амалдаги навларга нисбатан юқори экани таъкидланмоқда. Бу ҳам бежиз эмас. Биз тавсифлаб берган ёруғлик рецептори генлари ўсимликларнинг (фақат гўзанинг эмас) курғокчилик ва шўрхокликка чидамлилигини оширади.

Айни чоқда, гўзанинг ривожланиш (сенесенс) жараёни тезлашгани боис ҳосили жадал етилади, чаноғи тез очилади, барглари ҳам дувва тўкилади.

*Шундай қилиб, ўзбек олимлари яратган ушбу янги туркум навлар деярли барча кўрсаткичлар бўйича Миср пахтасига яқинлашиб, “янги толали пахта” деб аталди. Янги технологияга халқаро патент олинди. Жаҳоннинг энг нуфузли илмий наирларидан бири – “Nature Communications” журналида олимларимиз кашф этган ген-нокаут технологияси ҳақида батафсил мақола чоп этилди. Мутахассисларнинг фикрича, ген-нокаут технологияси жаҳон пахта саноатига миллионлаб доллар фойда келтириши ва халқаро бозорни тобора кенг эгаллаётган сунъий тола ишлаб чиқарувчилар билан рақобатда пахтакор фермерларга жуда асқатиши мумкин.*

**– Айбга буюрмайсиз, домла, гени ўзгартирилган маҳсулотлар ҳақида ган кетганда, одатда, саломатлик ва экологияга оид хавотирли саволлар пайдо бўлади. Бу ҳақда нима дея оласиз?**

– Гапингизда жон бор. Лекин ген-нокаут технологияси ва “попшо пахта” ҳақида сўз юритилганда бундай ташвишларга асло ўрин йўқ. Ушбу технология ҳам, “Порлок” туркумидаги янги навлар ҳам экологик жиҳатдан хавфсиз. Негаки, “Порлок”да жаҳоннинг айрим мамлакатларида яратилган биотехнологик (трансген) гўзалардан фаркли ўларок, ҳеч қандай “бегона” ген ишлатилмаган. Гўзанинг ўзидаги айрим генлар сусайтирилган, холос. Халқона айтганда, сопи ўзидан чиқарилган.

**– Лекин ҳар қандай кашфиётнинг ҳам ўзига хос камчилиги бўлади-да...**

– Тўғри. “Порлок” туркумидаги навлар ҳам камчиликдан холи эмас. Уларнинг чигити йирик, серёғ, толаси 5-10 миллиметр узун. Таъбир жоиз бўлса,

чигитининг “соchi” узун, лекин сал сийракрок. Бу ҳам табиий. Сабаби – пахта илмида тола узунлиги билан вазни ўртасида ўзаро тескари мувозанат мавжуд. Масалан, ипак толали пахтада толанинг умумий миқдори жуда паст. Зеро, ипак тола ўрта толага нисбатан енгил бўлади.

– *Мазкур лойиҳа америкалик мутахассислар билан ҳамкорликда амалга оширилгани ҳақида гапирдингиз...*

– Бундай йирик, серзахмат ва серхаражат лойиҳа кенг қўламли халқаро ҳамкорликни тақозо этиши табиий. Америкалик ҳамкорларимиз ажратган грантлар асосида бир қатор лойиҳалар амалга оширилди, жумладан, ўн нафар ёш олим Техас университети, АҚШ Қишлоқ хўжалиги департаменти лабораторияларида малака оширди. Халқаро нашрларда пахтачилик бўйича ўнлаб илмий мақолалар эълон қилинди. Бундай самарали ҳамкорлик Хитой, Ҳиндистон каби мамлакатлар билан ҳам йўлга қўйилган.

– *Ген-нокаут технологияси бошқа ўсимликларда ҳам синая қўрилса керак?*

– Албатта. Марказимиз олимлари ген-нокаут технологиясини бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари, жумладан, картошка етиштиришда ҳам қўллаш борасида тадқиқотларни давом эттираётир. Изланишларимиз қутилган самара бериб, картошка илдизи икки-уч баробар узайса, ҳосилдорлик кескин ошади.

– *Ушбу кашифётнинг иқтисодий самарадорлигини хомчўт қилиш имкони борми?*

– Майли, айрим рақамларни келтириб ўтай. Масалан, пахта толасининг 5 миллиметр узайиши жаҳон бозорида ҳар килоси нарҳини 22-25 центга, ингичкалик кўрсаткичининг уч-тўрт фоиз яхшиланиши эса яна 46 центгача оширади. Тола қанча узун, қанча ингичка, қанча силлик бўлса, ундан тайёрланган маҳсулот сифати ҳам, нарҳи ҳам ортиб бораверади. Энди ушбу рақамларни миллионлаб тонна “оқ олтин”га қўпайтириб олаверинг!

Буларга чигит экиш, парвариш қилиш, иқлим ва табиий шароит билан боғлиқ ноқулайликлар, ҳосилни йиғиб олиш учун кетадиган бошқа қўлаб ташвишу харажатларнинг қамайишини ҳам кўшинг!

Дунё бўйича 34 миллион гектар ерга пахта экилади ва унинг толасидан олиннадиган йиллик фойда ўрта ҳисобда 27 миллиард АҚШ долларидан ошади. Демак, олимларимиз яратган мазкур технологияга халқаро миқёсда лицензия олиниши мамлакатимиз иқтисодиётига яхшигина даромад келтириши шубҳасиз.

– *Ган генларга бориб тақалган экан, яна бир савол тугилади. Халқаро илмий доираларда сайёрамизда Одам Ато ва Момо Ҳаво авлодларининг пайдо бўлиши ҳақида баҳс кетса, одатда, аввал Африка, Жануби-Ғарбий Осиё, Европа ва шундан кейингина Марказий Осиё минтақаси зикр этилади. Эмишки, одамзод даставвал Африкада пайдо бўлгану кейин айтилган тартибда бутун дунёга ёйилган. Сўнги йилларда баъзи мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистонда ўтказиладиган илмий тадқиқотларнинг натижалари бундай қарашни шубҳа остига қўймоқда...*

– Ўрта Осиёда одамзоднинг пайдо бўлиши масаласида фанда уч хил қараш мавжуд. Дастлабки қарашга (*melting point* – этилиш нуктаси) кўра, Африкадан Шарққа – Ҳиндикуш тоғлари ва Хитойга йўл олган *Homo sapiens* (Одам Ато ва Момо Ҳаво авлодлари – аждодларимиз) Марказий Осиё худудига келиб қолган ва узок муддат шу ерда турғун яшаган. Бошқача айтганда, генлар “етилган”. Кейин уларнинг бир қисми Шарққа, бир қисми Ғарбга йўл олган. Натижада, Ғарб ва Шарқ одам генофонди шаклланган.

Иккинчи фарз – “аралаштиш” ёки *admixture* назариясига мувофиқ, Африкадан чиққан дастлабки одамларнинг бир қисми Марказий Осиё худудини четлаб ўтиб, Шарқий Осиёда қўним топган. Бу қарашга кўра, Марказий Осиё халқлари цивилизация натижасида Ғарбдан Шарққа ҳамда Шарқдан Ғарбга кўчиш даврида элатларнинг аралашувидан шаклланган. Учинчи тахмин – “дурагайлаштиш зонаси” (*hybrid zone*) назариясига кўра, Марказий Осиё худудига энг қадим замонда европоид ирки яшаган, Ғарб ва Шарқ миграцияси даврида улар ўзаро чатишиб кетган. Ушбу уч назариядан фанда кўпроқ тан олинадигани – иккинчиси. Лекин бу фарзга қўшилиш кийин.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг илмий текшириш институтларида, жумладан, бизнинг Марказимизда ҳам бу йўналишда баъзи тадқиқотлар олиб борилган ва изланишлар ҳозир ҳам давом эттирилмоқда.

Тадқиқотларда биз Ўзбекистоннинг 12 вилоятида яшаётган, камида уч авлоди ўзбек миллатига мансуб бўлган 100 кишининг генларини таҳлил қилдик ва қуйидаги хулосага келдик: 1) ўзбеклар генофонди гоят хилма-хил; 2) ўрганилган индивидларнинг 53 фоизи – европоид, 47 фоизи – осий генига эга; 3) ўзбекларда ўрганилган генларнинг умумий ёши 50 минг 700 йилдан ошади; 4) ўзбекларнинг генетик жиҳатдан қадимийлик тарихи Ғарб ва Шарқ аҳолиси ўртасида – марказий ўринда туради.

Мамлакатимиз аҳолисининг келиб чиқишига оид энг тўғри қараш, назаримизда, *hybrid zone* назарияси бўлиб, бугунги Ўзбекистон худудига Ғарб ва Шарқ миграциясидан олдин европоидлар яшаган ва миграция даврида улар ўзаро чатишиб, дурагайлашиб кетган. Тадқиқотларимиз натижасида, айниқса, Сурхондарё вилоятидан олинган намуналардан топилган инсон цивилизацияси энг қадимий генлари Марказий Осиёдаги *hybrid zone* назариясига ишонччи янада оширади. Бунга кўра, Ғарб ва Шарқ миграциясидан олдин худудимизда тарихий шаклланган европоид иркига мансуб аждодларимиз яшаган.

Бу борадаги илмий изланишларимиз натижалари халқимиз генофонди таркибини янада чуқурроқ ўрганиш, геном тарихи ва эволюциясини, жадал ўзгариб бораётган геном “минтакалар”ни ва унинг тадрижий йўналишларини кенгрок аниқлаш зарурлигини кўрсатди. Зеро, илмий маълумотлардан тиббиёт ва молекуляр фармакологияда оқилона фойдаланиш халқимиз саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Президентимиз Ислам Каримов “Ўрта асрлар шарқ алломалари ва мутафакирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривождаги роли ва аҳамияти” мавзуйида шу йил 15-16 май кунлари Самарканд шаҳрида бўлиб

Ўтган халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқида бугунги кунда инсоният олдида пайдо бўлаётган янги, глобал муаммоларни ҳал этиш интеллектуал салоҳиятнинг ҳар томонлама ўсишини, кўп асрлар мобайнида вужудга келган қонунларни қайта идрок этиш ва янгича баҳолашни, бизни қуршаб турган борликни кенг миқёсда ўрганиш бўйича чуқур илмий тадқиқот ва тажриба-балар олиб боришни тақозо этишини алоҳида таъкидлади. Бу вазифалар биз, олимлар зиммасига юксак маъсулият юклайди.

– *Халқаро илмий анжуманларда маърузаларингизни тинглаганлар бир ҳолни мамнуният билан эътироф этишади: ўзбек тилида ҳам, инглизу рус забонида ҳам қозоғга қарамай, барчага тушунарли расо тилда, бенуқсон гапирар экансиз. “Қишлоқдан чиққан бала” бунча нарсани қачон ўрганишга улгурди экан, деб кўнчиликнинг ҳаваси келади...*

– Гапим балиндпарвозроқ туюлса-да, айтай: истиклол шарофати, юрти-мизда ёшлар камолотига кўрсатилаётган доимий эътибор самарасидир бу! Ана шундай улкан ғамхўрлик бўлмаганида мен каби минглаб йнгит-қизлар, айникса, чекка қишлоқлардан чиққан ёшлар хориждаги нуфузли олий таълим ва илмий даргоҳларда ўқиш, тажриба ва малака ошириш имконига эга бўлар-миди? Йўқ, албатта. Дарахт қуриб-қакшаган чўлда эмас, саховатли заминда барқ уриб ўсади, мева беради.

*Иброҳим Абдураҳмонов 1975 йили Наманган вилоятининг Чуст туманидаги Ғова қишлоғида туғилган. Оилада улғайган беш фарзанднинг бари*



биолог. Бу – оила бошлиги, биология ўқитувчиси Йўлчи Абдурахмонов тарбиясининг самараси. 1992 йили Қарши шаҳрида мактаб ўқувчиларининг республика олимпиадасида машҳур олим, академик Абдусаттор Абдукаримов билан танишув Иброҳим Абдурахмоновнинг ҳаётида муҳим аҳамият касб этди. Ўшанда олимпиадада биринчи ўринни эгаллаган йигитчани академик лабораториясига ишга таклиф қилган эди. Мактабни олтин медаль билан тугатиб Ўзбекистон Миллий университетининг биология факультетига ўқишга кирган талаба ўша йили лабораторияда иш бошлади ва ҳозиргача у ердан қадамни узгани йўқ.

– Такдир мени устозлардан сийлаган. Абдусаттор ака раҳбарлигида лабораторияда муттасил тажриба орттирган бўлсам, таникли биолог ва кимёгар олим Гафуржон Мавлоновдан молекуляр биология сирларини ўргандим.

1997 йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг Иктидорли ёшларнинг чет элда таълим олишيني қўллаб-қувватлаш “Умид” жамғармаси йўлланмаси билан Техас Аграр-механика университети аспирантурасида таҳсил олдим. Буни қарангки, Америкада ҳам атоқли генетик олим, доктор Алан Пеппер ва ҳақли равишда “АҚШ пахтачилигининг отаси” деган юксак эътирофга сазовор бўлган профессор Камол Элзик раҳбарлигида илм ўргандим, тажриба оширдим. Ана шундай нуфузли университетларда ўқиш ва жаҳон фани даргалари қўлида сабоқ олиш олим ва инсон сифатида шаклланишимда жуда муҳим омил бўлди.

*Иброҳим Абдурахмонов – АҚШда чоп этиладиган “International Journal of Plant Genomics”, “American Journal of Plant Sciences and Molecular breeding”, Испанияда чиқадиган “Journal of Integrated OMICs”, Буюк Британияда нашр қилинадиган “International Journal of Plant Genomics” каби нуфузли халқаро илмий журналларнинг таҳририяти аъзоси, Халқаро гўза тадқиқотчилари уюммаси бошқаруви аъзоси. Бундай шараф ҳам камдан-кам олимга насиб этади.*

**– Ҳозирги замонда умрини илмга бағишлашга аҳд қилган, олимлик унвонига даъвогар одам қандай бўлиши керак?**

– Бу саволингизга катта ҳаётий тажриба, бой илмий салоҳиятга эга устозлар жавоб берса тўғри бўларди. Маъзур тутинг-у, мен ўзимни ҳатто олимман деб айтишга тортинаман. Олимлик ҳамма замонларда ҳам юксак ном, буюк шараф, улкан масъулият ҳисобланган. Киши профессор, академик унвонига эришиши, юзлаб китобу рисоалар чоп эттириши, халқаро танловларда ғолибу музаффар бўлиши, ўнлаб шогирдлар тайёрлаши, лекин чинакам олимлик мақомига стол-маслиги мумкин.

Фикримни шунчаки, йўлига айтилаётган сохта камтарлик ё гапдонликка йўйманг. Яратганнинг гўзал исмларидан бири Олим эмасми?! Бу сўзнинг замирида ғоят залворли юк мужассам: олим нафақат кенг билим, юксак инсоний фазилатларга эга, эл-юртнинг энг илгор фарзанди ҳам бўлиши шарт!

Табиийки, инсоннинг ҳаётда ўз ўрнини топиши, дилига туккан эзгу мақсадларига эришишининг ягона йўли – меҳнатдир. Илм ўрганиш игна билан

кудук казишдек захматни талаб этади. Болалигимизда отам – ўрта мактабнинг биология ўқитувчиси бот-бот айтар эдики, қадимда Шарқда уч кучга – қилич, бойлик ва кўзгуга ишонганлар. Шуларнинг ичида энг афзали, инсон ўзлигини англаб етишининг тимсоли кўзгудир. Одамдан қиличу бойликни тортиб олиш мукин, лекин уни эгаллаган билимидан жудо қилишнинг иложи йўқ.

Ҳаётда оқ-қорани таний бошлагач келган хулосам шуки, қобилиятсиз одамнинг ўзи йўқ. Ҳар бир одамда оздир-кўпдир худо ато қилган иқтидор бор. Мамлакатимизда ёшлар салоҳиятини ҳар томонлама намоён этиши, жамиятда муносиб ўрин топиши учун барча шароит яратилмоқда. Лекин бу имкониятлардан, афсуски, ҳамма ҳам самарали фойдалана олмаётир. Сабаби оддий – ўз кучию иқтидорига ишонмаслик, ғайрат-шижоат етишмаслиги, мақсаднинг майдалиги. “Дипломни олдим, муродимга етдим” қабилда иш тутиш. Бошқача айтганда, бизга шуниси ҳам бўлаверди, деган даққионуздан қолган ақидага амал қилиб, замондан ортда қолиш. Ўқиб-ўрганишга қўл силташ.

“Ҳаётда ўз ўрнимни топишим учун нималар қилишим керак?” деган саволни ўзига қайта-қайта берган Лев Толстой шундай хулосага келади: инсон ўз олдига буюк мақсад қўйиб, унга эришиш учун кун сайин, соат сайин тинимсиз ҳаракат қилиши, ўқиб-ўрганиши, тиришиб-тирмашиши, агар бу йўлда хатога йўл қўйиб, пешонаси кашка бўлса, аввалгидан ҳам кучлироқ иштиёқ билан олға интилиши лозим.

Шу ўринда Марказимизда шижоатли ёшлар кўплигини алоҳида таъкидлагим келади. Аслида, бунинг ажабланарли жойи йўқ. Зеро, илм, ижод, яратиш завқи кўпроқ ёшликка хос. Швейцарияни яхши биласиз. Табиий ресурслари кўп эмас. Ҳудудининг асосий қисми тоғу тош, сувликдан иборат. Лекин жуда бой мамлакат, аҳолиси фаровонликда дунёнинг олди. Банк иши, соату шоколад деганда жаҳон аҳли аввало шу мамлакатни кўз олдига келтиради. Масалан, бунда кашф этилган шоколад қайси мамлакат, қайси корхонада ишлаб чиқарилмасин, олинган даромаддан Швейцарияга улуш тўлайди. Мамлакат халқини дунёга танитган, бойитган ва бойитаётган оламшумул кашфиётлардан бири ана шу ширинликдир.

Орзум – бизнинг ҳам ўткир интеллектга асосланган шундай миллий брендларимиз кўпайиб, бутун жаҳонни забт этса!

*– Балки, янги миллий брендларимиздан бирининг номи ген-нокаут технологияси, “пошио пахта” деб нисбат берилаётган “Порлок” туркумидаги янги навлар бўлар?*

– Шояд!..

**Қулман ОЧИЛ**  
суҳбатлашди.

Мансур БЕКМУРОДОВ



## ЖАМОАТ НАЗОРАТИ –

Мустақил Ўзбекистоннинг эзгу мақсади – юксак ривож топган ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишдир. Аслида, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти гўё ялакатмағиз – улар бир-бирини тақозо этади ва бир-бирисиз яшай олмайди. Бундай давлат ва жамиятнинг асосий белгиси эса фуқароларнинг юксак онглилигига таянган қонун устуворлигидир. Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов шу ҳақда фикр юритиб, қонун устуворлиги “инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришига монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишида кўмаклашади, – деб таъкидлайди ва сўнгра бундай давом этади. – Айни вақтда бошқа одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўйилмайди. Яъни эркинлик ва қонунга бўйсунуш бир вақтнинг ўзида амал қилади” (Ислоҳ Каримов. *Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқа-*

*дорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., “Ўзбекистон”, 1997, 173-бет).*

Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятида гарчи давлат назорати ўз кучида қолсада, бироқ жамоат кузатуви етакчи ўрин эгаллайди. Юртбошимиз жамоат назоратининг давлат текширувидан афзал эканини бундай изоҳлайди: “Шуни унутмайликки, биз давлатнинг назорат функцияларини қанча кучайтирсак, назорат билан шугулланувчи давлат тузилмалари ва органларини қанча кўпайтирсак, амалдорларнинг зўравонлиги ва коррупция шунча авж олаверади. Шунинг учун биз жамоатчилик назоратини... ҳар томонлама кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Бу масалада бундан бошқа муқобил йўл йўқ” (Ислоҳ Каримов. *Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Т., “Ўзбекистон”, 2002).*

Жамоат назорати – аввало, давлат, қолаверса, жамият ва шахс фаолиятини

конунийлик, адолат, инсоф, виждонийлик, тўғрилик тамойиллари асосида баҳоловчи ҳамда умум томонидан қабул қилинган меъёрларга риоя этишга ундовчи ижтимоий фаолиятдир.

Жамоат назорати не-не асрлардан буён инсонлар қалбида етишиш мушкул бўлган орзу, идеал сифатида яшаб келган. Шарқ ва Ғарб ижтимоий тафаккури тарихига бир қур назар ташлабоқ бунга тўлиқ ишонч ҳосил қилиш мумкин. Келинг, дастлаб Шарқ, сўнгра Ғарб мутафаккирларининг шу ҳақдаги қарашларига қисқача тўхталайлик. Қадимги Хитой мутафаккири Конфуций (мил.авв. 552-479) жамият аъзолари агар ахлоқ, маърифат билан тарбияланса, бир сўз билан айтганда, жамоат назорати йўлга қўйилса, юртда тинчлик-осойишталик, ижтимоий барқарорлик устувор бўлади дейди: “Раият амру фармонлар билан идора қилиниб, жазо чоралари билан тизгинлаб турилса, гарчи халқ жиноят содир этишдан

зирлар, сипоҳ, раият (омма) барчаси ўз ваколати – ҳуқуқ ва бурчларига кўра фаолият юритди (Ҳ.Бобоев. *Амир Темур ва унинг қарашлари. Т., “Ўзбекистон”, 1992, 38-бет).*

Давлат ва жамият бошқарувида меъёр ҳамда адолатни таъминлашга эришган Амир Темур бундай деган: “Пирим Зайнуддин Абубакр Тойободий менга шундай ёзмашларким, Абул Мансур Темур салтанат ишларида тўрт нарсага амал қилгин: яъни, 1) кенгаш; 2) машварату маслаҳат; 3) қатъий қарор, тадбиркорлик, хушёрлик; 4) эҳтиёткорлик... Гарчи ишнинг қандай яқунланиши тақдир парда-



## ADOLAT KAFOLATI

вақтинча фориғ бўлса-да, аммо жиноятнинг иснод эканини ҳис қилмайди. Ахлоқий меъёрлар билан идора қилиниб, адаб-таомил (маърифат) билан тийиб турилсагина раият ҳалол ва ор-номусли бўлибгина қолмай, балки ўзини ўнглаб ҳам олгай” (Конфуций. *Муҳокама ва баён. Т., “Янги аср авлоди”, 2013, 56-бет).* Демак, жамоат назорати наинки одамларнинг ижтимоий талаблар асосида мўтадил яшадини таъминлайди, балки уларнинг турмушига фаровонлик ҳам олиб киради.

Ислол фалсафаси асосчиларидан бўлган Абу Наср Форобий (870-950) “Фозил одамлар шахри” асарида ижтимоий назорат фақат илмли, маърифатли жамоаларгагина насиб этади, илмсиз, маърифатсиз халқлар эса ҳукм билан бошқарилишга мойилдир, деб таъкидлайди (Форобий. *Фозил одамлар шахри, Т., 1974, 56-бет).*

Соҳибқирон Амир Темур (1336-1405) ўз салтанатини тўра ва тузукка, яъни давлат ва ҳуқуққа таяниб бошқарди. Амирлар, ва-

си ортида яширинган бўлса ҳам, ақли расо ва хушёр кимсалардан кенгашу тадбир истаб, фикрларини билмоқ лозимдир” (Темур тузуклари. Т., “Ўзбекистон”, 1992, 14-15-бет).

Ғарб ижтимоий тафаккурида эса дастлаб жамоат назоратига қаршилик кўрсатиш руҳи устун келди. XV-XVI асрларда Никколо Макиавелли (1469-1527), Жан Боден (1530-96), Гуго Гроций (1583-1645) каби Ғарб мутафаккирлари мамлакатни идора этишда жамоатнинг эмас, давлатнинг родини кучайтириш зарурлигини асослашга интилди (қаранг: *Макиавелли Н. Государь. М., 1996, стр. 65-71; Боден Ж. Шесть книг о государстве. // Антология мировой философии. Том 2. М., 1976, стр. 58-63).*

Жамоат назоратига доир назарий ёндашувлар XVII-XVIII асрларда бирмунча жонланди. Чунонди, Томас Гоббс (1588-1679), Жон Локк (1632-1704), Жан-Жак Руссо (1712-78), Клод Гельвеций (1715-71), Поль Анри Гольбах (1723-89) асарларида давлат бошқарувида омма иштирокини таъминлаш-

га доир қарашлар илгари сурилди. Гоббс “Левиафан” (1651) асариди фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштироки қонуний негизда ва маданий шаклда амалга оширилиши зарурлигини таъкидлайди (*Гоббс Т. Избранные произведения. В двух томах. Том 2, М., 1964, стр. 184*).

XIX-XX асрларда Ғарб ижтимоий тафаккурида жамоат назоратига доир қарашлар кенг ривож топди. Чунончи, француз социологи Огюст Конт (1798–1857) жамоат кузатуви бобида асосий ижтимоий куч деб позитив дунёқарашни тарғиб этувчи зиёлиларни кўрсатди. Мамлакат барқарорлиги давлатнинг иқтисодий ва сиёсий хавфсизлигини қандай таъминлашига боғлиқ бўлса, жамият барқарорлиги эса зиёлиларнинг нечоғли саъй-ҳаракат кўрсатишига боғлиқ бўлади (*Конт О. Дух позитивистской философии. СПб, 1910, стр.81-84*).

Олмон социологи Ральф Дарендорф (1929–2009) жамоат назоратини ижтимоий низолар билан боғлаб тушунтиришга интилди.

Жамоат фикрини ифодаловчи ижтимоий гуруҳлар мавжудлиги, одатда, аҳоли муайян зиддиятлар бағрида яшашига боғлиқ, деб ҳисоблайди олим. Аини чоқда, у жамият қатламлари орасида манфаатлар мувозанатини ўрнатишга интилиш билан мамлакатда барқарорликни таъминлаб бўлмайди, деган қарашни илгари суради. Масалан, бирмунча паст фоизли ишсизлик кадрлар сифатини яхшилашга хизмат қилиши мумкин. Демак, жамоат назоратида ана шу жиҳат албатта ҳисобга олинмоғи даржор (*Дарендорф Р. Современный социальный конфликт. “Иностранная литература”, 1993, №4, стр.235-238*).

\*\*\*

Бир юз ўттиз йиллик истибдод даврида ўзбек халқининг жамоат назоратига доир орзу-умидлари гўё саробга айланди. Аиниқса,

собиқ Иттифоқ раҳбарияти “Партия назорати”, “Давлат назорати”, ҳатто “Халқ назорати” каби текширувлар орқали одамларни ялпи сикувда ушлаб туришга интилди. Нихоят, истиқлол туфайли юртимизда жамоат назорати аввал ижтимоий ғоя сифатида қайта жонланиб, сўнг ижтимоий фаолият ўлароқ шакллана бошлади. Шак-шубҳа йўқки, бу – мустақиллик даврида халқимиз эришган энг катта ютуқлардан биридир.

Хуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг бирламчи шартини қонун устуворлиги экан, бундан, табиийки, жамоат назорати ҳам қонун асосида ташкил этилмоғи зарур, деган хулоса келиб чиқади. Бошқача қилиб айтганда, аввал жамоат назоратининг хуқуқий асосларини яратиш, сўнгра

эса уни ҳаётга татибик этиш лозим. Шу жиҳатдан, 2014 йил 17 апрелдан кучга кирган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар кириштириш тўғрисида”ги Қонун беқиёс аҳамиятга молик. Бош

Қомусимизнинг 32-моддасига киритилган “давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш” деган қўшимча туфайли мазкур ижтимоий фаолият конституциявий мақомга эга бўлди. Ушбу қўшимча “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонун сари йўл очгани билан ҳам эътиборли, албатта.

Маълумки, давлатимиз раҳбари парламент палаталарининг 2010 йил 12 ноябрь кунги қўшма мажлисида тақдим этилган “Мамакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да шундай қонунчилик ташаббуси билан чиққан эди. Юртбошимиз “Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга

оширишининг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишга қаратилган “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш фурсати етди”, дея таъкидлаб, уни яратиш юзасидан аниқ тавсиялар берган эди.

Қонун ҳар жиҳатдан пишиқ-пухта ишлаб чиқиши учун барча чора-тадбирлар кўрилди. Чунончи, ишчи гуруҳ бу борадаги хорижий тажрибани ҳам атрофлича ўрганди. Қонун лойиҳаси пойтахтимиз ва вилоятларда бир неча марта муҳокама этилди. Уларда мазкур қонундан манфаатдор жамоатчилик бирлашмалари вакиллари ҳам иштирок этиб, 250 дан зиёд таклифлар билдирди.

Давлат органлари устидан жамоат назоратини юритишга доир ягона қонуннинг юзага келиши жамиятимиз ҳаётида жуда муҳим воқеа, албатта. Ҳамма гап шундаки, дунёнинг Буюк Британия, АҚШ, Германия, Швеция каби ривожланган давлатларида шу юзасидан махсус қонун қабул қилинган эмас. Бу мамлакатларда жамоат назорати турли ҳуқуқий ҳужжатлар орқали тартибга солинади.

Юртимизда фуқаролик институтларининг жамоат назоратини юритишига оид қоидалар 40 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб қўйилган. Уларда мазкур ижтимоий фаолият бўйича 70 дан зиёд меъёрлар акс этган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-, 12-, 32-, 35- ва 60-моддаларида фуқаролик институтлари ва жамоат назоратига доир талай қоидалар мавжуд. “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида”ги, “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги каби кўплаб қонунлар, Меҳнат кодекси, Ер кодекси, Ҳаво кодекси, Уй-жой кодекси ҳамда бошқа қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда аниқ қоидалар баён этилган.

Фуқаролик жамиятининг асосий хусусиятларидан бири – одамларнинг давлат тузилмалари билан ўзаро алоқаси бевосита эмас, билвосита, яъни жамоат ташкилотлари орқали амалга оширилишидир. Мустақиллик даврида мамлакатимизда бун-

дай тузилмаларнинг ташкил этилишини ҳар томонлама рағбатлантириш, аҳолининг корпоратив негизда бирлашувига янада кенг йўл очиш баробарида давлат тузилмалари фаолияти устидан жамоат назоратини йўлга қўйишдек ижтимоий ҳаракатга ҳам асос солинди. Бугун мамлакатимизда жамоат назорати 10 мингга яқин маҳалла фуқаролар йиғини, 4 та сиёсий партия, 6 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда бошқа фуқаролик жамияти институтлари (чунончи, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати) томонидан амалга оширилади.

Жамоат назорати фуқароларнинг ўзаро жамоавий бирикуви кенгайиши, нодавлат нотижорат ташкилотлар мавқеи юксалишига бевосита боғлиқ бўлгани сабаб мазкур ҳаракатни қуйидаги йўналишларда амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1) аҳолининг давлат органлари фаолияти ҳамда уларнинг истиқбол режаларидан хабардорлигини доимий мониторинг қилиш;

2) давлат тузилмалари ва маҳаллий ҳокимликларнинг қарорлар қабул қилиш жараёнида нодавлат нотижорат ташкилотлар иштирокини янада кенгайтириш;

3) давлат органлари фаолияти шахсининг ҳуқуқ ва эркинликлари нечоғли таъминланишига хизмат қилаётгани юзасидан аниқланган фактларни кенг оммалаштириб бориш, бунда оммавий ахборот воситалари ва интернет имкониятларидан самарали фойдаланиш;

4) аҳолининг этник-сулолавий ёки ҳудудий-минтақавий негизда бирлашувига эмас, балки умумдавлат кўламидаги ижтимоий мақсадлар, маънавий эҳтиёжлар, шунингдек, савия, дид, қизиқишларга кўра корпоратив асосда уюшувга интилишини мунтазам рағбатлантириш;

5) атроф-муҳит ва экология ҳимояси бўйича жамоат назоратини амалга оширувчи нодавлат нотижорат ташкилотлар тармогини ривожлантириш.

Юртбошимизнинг “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”, айни чоқда, ишлаб чиқариш, таълим ва бошқа тузилмалар билан

қамраб олинмаган аҳоли қатламлари орасида ҳам жамоат назоратини жонлантиришни кўзда тутати. Бинобарин, нафақат давлат тузилмалари, балки жамият қатламларини ҳам доимо эътиборда тутиш вазифаси кун тартибига қўйилмоқда.

\*\*\*

Жамоат назорати ғоят масъулиятли фаолият ҳисоблангани боис унга адолатпарвар ва кўпни кўрган шахсларни жалб қилиш мақсадга мувофиқдир. Бу кишиларда учта касбий-инсоний хислат мужассам бўлмоғи зарур. Биринчиси – ватан, жамоа манфатини фидойилик билан ҳимоя қилиш; иккинчиси – жамоадаги муаммоларга оқилона ечимлар топа билиш, шу ечимларни сабот ва қатъият билан амалга ошириш; учинчиси – меъёрни сақлай олиш, инсон қадрини топтамаслик, шаънини ерга урмаслик.

Жамоат назоратига масъул шахс меъёр туйғусини унутса, жамоада гуруҳбозлик кучаяди, муҳит бузилади. Назоратчи

ташкilotда бирор камчиликни аниқлагани ҳамона буни дарҳол барчага ошкор қилиш пайдида бўлса, мазкур вазиятда аҳвол баттар ёмонлашади. Демак, жамоат назоратига масъул шахс ижтимоий хавфи катта бўлган хато билан ижтимоий хавфи катта бўлмаган хатони, корхона фаолиятига доир нуқсон билан ходим шахсиятига доир нуқсонни, масъулиятсизлик оқибатида юзага келган айб билан касбий савия пастлиги сабаб рўй берган айбни, тасодифан қилинган хато билан атайин қилинган хатони дуруст фарқлай билиши зарур.

Таълим соҳасида жамоат назорати педагог ва ўқувчи (талаба) фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилади. Баъзан ўқувчининг таълим олишга бўлган ҳаваси

ва иштиёқи сусайиши ҳолларига дуч келамиз. Лекин бундай оқибат сабабини топишга кўпинча қийналамиз. Чунки педагог ишга ўз вақтида келади, дарсни талабга мувофиқ ўтади, журнални намунага кўра тўлдирди, мажлисларда иштирок этади, жамоа тadbирлари, ҳашарларда қатнашади. Бир қарашда унга ҳеч қандай ҳуқуқий-маъмурий эътироз бўлиши мумкин эмасдек. Аммо ўқувчилар негадир ана шу педагогдан таълим олишни хоҳламайди. Улар ўз норозилигини дарсга қатнашмаслик, фанни ўзлаштирмаслик, ташаббус кўрсатмаслик шаклида намoён этади. Айни шундай ҳолларда жамоат назорати вазиятни ойдинлаштиради ва адолатни тиклайди.

Ўқув даргоҳи раҳбари бундай вақтда педагог фаолиятини чуқурроқ ўрганиш учун жамоат назорати гуруҳини тuzиши ва унинг текширувини оқилона йўналтириши лозим.

Эсга олиш жоизки, бундан ўн йиллар муқаддам барча таълим муассасаларида жорий этилган жамоат фикрини урганувчи “Адолат

кутилари”, афсуски, дуруст самара бермади. Чунки миллий менталитетимиз ҳамма бир-бирини яхши биладиган жамоада педагог ёки ўқувчи ўз шахсини махфий тутиб, бу даргоҳдаги нохуш ҳолатлар ҳақида яширин хабар беришдан кўра юзага келган муаммони ошкора ҳал этишни маъқул кўради. Айнан ошкора шаклдаги жамоат назорати бунга имкон беради.

Жамоат назоратининг муҳим афзаллиги шуки, у маъмурий назорат доирасига кирмайдиган масалаларни ҳам ҳал этиш имконига эгадир. Таълим соҳасида педагог ва талабаларнинг ташқи кўриниши, саломлашув одоби, бўш вақтини ташкил этиши, китобга муҳаббати, интернетдан фойдаланиши, аёлларга ҳурмати кабилар шулар жумласидандир.

Таълим соҳасида жамоат назорати, шунингдек, оила ва маҳалланинг мактаб билан ҳамкорлигини яхшилашда ҳам намоён бўлади. Абдулла Авлоний номидаги Республика раҳбар педагог кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтининг мактаб директорлари орасида ўтказган социолог сўрови натижаларига кўра, ота-оналар йиғилишига барча таклиф этилганлардан атиги 20 – 30 фоизи келар экан, холос. Бу эса мактаб таълими устидан оила ва маҳалла назоратини янада кучайтириш зарурлигини кўрсатади.

\*\*\*

Юртбошимиз маҳалла институтига алоҳида эътибор қаратиб, унинг фаолиятини кенгайтириш лозимлигини бот-бот таъкидлаб келади. Бугун маҳалла зиммасига давлат органлари фаолияти устидан жамоат назоратини йўлга қўйишдек янги ижтимоий вазифа юклатилаётгани унинг обрўсини кўтариш баробарида масъулиятини ҳам оширади (*Ислом Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т., 2010, 45-бет*). Маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари саъй-ҳаракати билан эр-хотинлар ўртасидаги ажралишлар, қизларни эрта турмушга узатишлар, оилаларга бузғунчи ғояларнинг суқилиб кириши ҳоллари камайди. Эндиги вазифа маҳалладаги барқарор ижтимоий-маънавий муҳитни асраш билан бирга аҳолининг туб ислохотлардаги иштирокини кенгайтириш, фуқароларни янада фаоллаштириш орқали уларни бунёдкорлик ишларига кўпроқ сафарбар қилишдан иборатдир.

Маҳаллада жамоат назорати фуқароларнинг турли комиссиялар фаолиятида иштирок этиши орқали рўёбга чиқади. Гап ана шу комиссиялар ишини ҳар тамонлама жонлантириш ва тизимли йўлга қўйиш устида бормоқда.

Демократик янгиланиш шароитида сиёсий партиялар жамоат назоратида алоҳида

фаоллик намунасини кўрсатиши ниҳоятда зарур. Бунинг учун ҳар бир партия, ўз дастурий мақсадлари асосида, юртимизда кечаётган муҳим жараёнларни конструктив таҳлил қилиб ва аини чоқда, мақбул ечимларни тавсия этиб бормоғи лозим.

Жамоат назоратини йўлга қўйишда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ўрни ҳам каттадир. Маълумки, ёшлар ўз табиатида кўра максимализмга, яъни ҳар қандай ишни тез, юксак савияда бажаришга мойил бўлади. Ёшларнинг айнан шу хислати жамоат назорати самарадорлигини таъминлаши, давлат идораларидаги бюрократизм ҳолатларига барҳам бериши, айрим раҳбарларга “оёғи ердан узилгани”ни кўрсатиб қўйишда қўл келиши мумкин.

Жамоат назоратида ҳаммани баб-баравар қўллаб-қувватлаш ёки одамларни давлат органлари таъсиридан ҳимоялаш курали, деб қарамаслик керак. Жамоат назорати, аввало, ходимларнинг тўғри ва ҳалол ишлаши, раҳбарларнинг оқилона қарорлар қабул қилиши, шахслараро манфаатлар мувозанати сақланишига қаратилган ижтимоий фаолиятдир. Жамоат назорати лоқайд, дангаса, беҳафсала ёхуд касбий малакаси паст бўлсада, ўз устида ишлашни хоҳламайдиган одамларга таъсир ўтказиши билан эътиборлидир.

Давлат қачон жамият назорати остида бўлишни хоҳлайди? Қачонки, у ўзининг тўғри йўлдан бораётганига, инсон манфаатларига хизмат этаётганига қатъий ишонса. Бугун давлатимизда ўзига ана шундай ишонч мавжуд ва бу юртимиз равнақи учун мустақкам пойдевор бўлаётир.

Мамлакатимизда жамоат назорати икки асосга таяниб амал қилади. У, бир томондан, тўғрилик, тартиботга ҳурмат, бунёдкорлик, ватанпарварликдан куч олса, иккинчи томондан, давлатнинг барча ҳуқуқий, иқтисодий, молиявий, маънавий имкониятларни яратиб берганидан қувватланыпти. Жамоат назорати Ўзбекистон юксак ривож топган мамлакатлар сафидан муносиб жой олишида юрtdошларимизга куч ва қанот бахш этади.

Мансурхон ТОИРОВ



DUG'LO'G' I VA YETTI OSMON

*Дунёни қизганма мендан, а шуним,  
Мен сениг кучангдан утмасман тинҳор.  
Мениг бу оламда ўз иштар сўзим  
Ва уним сизинлар мазорларим дор.*

Абдулла ОРИПОВ

Афсуски, Қуръони каримни бошдан-охир ўқиб чиқмоқ ва ўқиб олмоққа барчада ҳам бирдек лаёқату имконият йўқ. Биринчидан, аксар одамлар мудом катта-кичик турмуш ташвишларига кўмилиб яшайди. Шу сабаб Аллоҳ каломи ҳақида озгина ўқигану эшитганлари билан қаноатланади.

Иккинчидан, дин илми вакиллари орасида ҳар хил муболағаларга йўл кўювчилар учрайди. Бу ҳол ҳам одамларнинг Қуръони каримни тўғри англашига ҳалал бериши тайин. Дарвоқе, кейинги муаммо энди пайдо бўлган эмас. Атоқли олима Фозила Сулаймонова "Шарқ ва Ғарб" монографиясида


(Т., "Ўзбекистон", 2001, 387-бет) айрим тафсир, меърожнома ва қисас ул-анбиёларда ҳаёлотга беҳад эрк берилгани ҳақида ёзади (Масалан, Ҳазрат Алининг қиличи 40 қулоч деб талқин қилиниши мантиққа зид. Аслида, бу қилич Туркиядаги музейда турибди ва 70-80 сантиметрдан узун эмас).

Эйнштейн башариятга Ньютон таълим-тининг чекланганлигини исботловчи нисбийлик назариясини тақдим этар экан, "Кечир мени, Ньютон!" дея хитоб қилади. Зеро, Эйнштейн инсониятга Ньютон ғоят азиз эканини билар, аммо ҳақиқат ундан-да азизроқлигини ҳам англар эди. Шу каби, мўмин-мусулмонлар учун Қуръони карим тафсирларию тафсирчилари ҳам жуда азиз. Бироқ Аллоҳ ва унинг муқаддас Китоби улардан-да азизроқдир. Чунки ўзга Аллоҳ йўқ ва бўлмайти ҳам. У Зот башариятга ўзга Китоб туширмайти ҳам. Аммо инсоният беҳисоб муфасссирга эга бўлиши ва улар беҳисоб тафсир яратиши мумкин. Биз эса шулар орасидан энг аълоларини саралаб истифода этмоғимиз лозим.

Ҳозирги вақтда Қуръони каримнинг баъзи сура ва оятлари, замонавий илм-фанга таянмай, юзакироқ тафсир этилаётганидан фойдаланиб, бу Китоб Аллоҳнинг ваҳийси эмас, балки Муҳаммаднинг сўзларидир, деган қарашни ёйишга интилишлар ва сура-

оятлар мазмунига ғайир кўз билан қарашга уринишлар кучаймоқда. Қуйида биз интернетдаги "Коранический взгляд на Вселенную" (<http://ru.wikiislam.net/wiki/>) ва "Научные ошибки в Коране" ([http://islamuncovered.info/scientific\\_errors\\_in\\_quran/](http://islamuncovered.info/scientific_errors_in_quran/)) саҳифаларини бугунги фан хулосалари асосида баҳолашга уриниб кўрамиз.

Қуръоннинг ғайир муносабатга дучор бўлган оятларидан бири мана бундай: "Аллоҳ булутларни ҳайдашини, сўнгра бирга тўплашини, сўнгра уйиб қўйишини кўрмайсанми?! Бас, унинг орасидан ёмғир чиқараётганини кўурсан. У Зот осмондан, ундаги тоғлардан дўл тушириб, у билан Ўзи хоҳлаган кишиларга мусибат етказур ва уни Ўзи хоҳлаган кишилардан буриб юборур. Унинг қақмоғининг ярқираши кўзларни кетказудек бўлур" (Қуръони карим ва унинг маънолари таржимаси, мутаржим – Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. 24-сура,



*Журналда эълон қилинаётган "Дўл тоғи ва етти осмон" мақоласи ҳам диний, ҳам дунёвий олимлар назаридан ўтказилди. Диний олимлар муаллиф хулосаларини яқдил қўллаб-қувватлади. Зеро, имон аҳлининг Қуръон ҳимояси йўлида айтилган сўзга бундай муносабатда бўлмоғи табиий ҳол, аслида. Дунёвий олимлар эса, мақоладаги етти осмон шарҳи тўлиқ қаноатланарли эмас, дея иштибоҳ билдирди. Чунки фан, ўз табиатида кўра, фақат объективликни тан олади, ваҳоланки, мақолада баъзи субъектив талқинлар ҳам мавжуд.*

*Гапни физика-математика фанлари доктори, профессор Мансурхон Тоировда эътироз уйғотган интернет мақолаларидан бошлай қолайлик. Глобал тармоқдаги бу мақолалар муаллифи (у номини махфий тутган) Қуръонни илоҳий эмас, башарий китоб деб ҳисоблайди. Унинг шу фикридан Қуръон VII асрда яратилган бўлиб чиқади. Бу гоё, ўз навбатида, бошқа хулосани вужудга келтиради: Қуръоннинг олам ҳақидаги қарашлари ҳам VII аср тафаккури даражасидадир. Ўн тўрт аср наридаги тасаввурларнинг бугунги тушунчалар олдидан ибтидоий бўлиб қолишини эса исботлашга ҳам ҳожат йўқ. Бироқ интернетдаги муфасссир бошқаларни шу хулосасига ишонтирмоғи учун даставвал Қуръон илоҳий эмас, башарий китоб эканини исботлаб бермоғи лозим (чунки унинг тафаккури асосига қўйилган ҳукм ўз-ўзидан маълум ҳақиқат, яъни аксиома эмас). Мабодо аноним муаллиф, Қуръон – башарий китоб, деган фикрини шак-шубҳага ўрин қолдирмас*

43-оят). Ушбу оятни И. Крачковский русчага бундай ўгирган: **"Разве ты не видишь, что Аллах гонит облака, потом соединяет их, потом превращает в тучу, и ты видишь, как из расщелин ее выходит ливень. И низводит Он с неба горы, в которых град, и поражает им, кого желает, и отклоняет, от кого пожелает. Блеск молнии Его готов унести зрение"**. Бу оятга ўз номи-ни сир тутган "интернет-муфассир" (балки "интернет-муфассирлар"дир) бундай муносабат билдирибди (иктибосларни аслият тилида бераётирмиз – М.Т.): **"Град образуется в переохлаждённом дождевом облаке, за счёт замерзания отдельных капель. Такие зародыши могут вырасти до значительных размеров благодаря замерзанию сталкивающихся с ними переохлаждённых капель. Однако, автор Корана ошибочно приписывает формирование града мнимой горе на небе"**.

Агар муаллиф Куръон оятига холис қараганида эди, ўзи танқид қилган калимани ўқиғач, имон келтирган бўлармиди! Сабаби – чиндан ҳам дўл ёғишидан олдин ва у ёғаётган пайтда осмонда зичлиги турлича бўлган муз тоғи вужудга келади!

Келинг, бу ҳодисани бир ботишдан кузаттайлик. Одатда, дўл момақалдиروقни ҳам

юзуга келтирувчи тўп-тўп, қатлам-қатлам ёмғир булутларидан ҳосил бўлади. Бу булутлар тик, яъни вертикал ҳолатда жойлашган бўлиб, "чўққи"си 10 километрдан ортиши мумкин. Ушбу "тоғ" ичида кучли шамол таъсирида юқорига қараб ўрлаётган оқим тезлиги секундига 100 метргача бўлиши аниқланган. Мазкур оқим булутлардаги сув томчиларини ҳарорати жуда паст, яъни минус 20–50 градусли юқори атмосфера қатламларига кўтариб чиқади. Натижада, сув томчилари музга айланади, улар ҳам, ўз галида, бир-бири билан қўшилиб, дўл "гувалача"лари шаклига киради. Ҳосил бўлиш шароитига қараб, дўл турлича кўриши олиши мумкин, лекин аксар соққасимон бўлади. Ушбу дўл "гувалача"лари гоҳ тепа, гоҳ пастга қараб бетиним ҳаракатланади. Миллиардлаб бундай дўл "гувалача"лари осмонда мудом чайқалиб турган улкан муз тоғи қиёфасини олади.

Дўлнинг вази уни учирадиган шамол кучига боғлиқдир. Чунки дўл "гувалача"си, уни шамол учириб юрагини сари катталашиб бораверади. Тасаввур қилинг, диаметри 10 сантиметрли дўл "гувалача"си ҳавода муаллақ тура олиши учун шамолнинг тезлиги соатига 200 километр бўлиши зарур. Дўл ўз оғирлиги таъсирида пастга қараб

*даражада исботлаб беролмас, барча даъвоси оппа-осон пучга чиқади. Бизнингча, фикрлаш усулидаги ана шу биргина хатонинг ўзиёқ интернетдаги муфассирни ҳар қанча танқидга дучор этмоғи мумкин. "Дўл тоғи ва етти осмон" мақоласи, шу сабабга кўра ҳам, бежиз ёзилмаган, назаримизда.*


*Мансурхон Тоировнинг етти осмонга доир шарҳи тўлиқ қаноатланарли эмас, деган иштибоҳга келсак, бунда ҳам жон бор. Чунки ўқувчи унинг ушбу мақоласидан барча саволларига бекам-қўст жавоб топиши мушкул. Аслида-ку, коинотга оид ҳозирги билимлар доирасида етти осмон жумбоғини бус-бутун ечиб бермоқнинг ўзи иложсиз! Бинобарин, Мансурхон Тоировнинг, XXI аср фани хулосаларига таянган ҳолда, муаммон теранроқ англашга даъват этишдан ўзга нияти ҳам йўқ, аслида. Демак, унинг мақоласини илмий тадқиқот эмас, фалсафий мушоҳада сифатида қабул қилган маъқулроқ. Муаллифнинг бирмунча эҳтирос билан сўзлашини ҳам шу билан изоҳлаб бўлар, эҳтимол...*

*Ишончимиз комил, ушбу мақола сизнинг зеҳингизда ҳам янги фикрларга йўл очади, азиз муштарий! Келинг, шундай ният билан сўзимизга яқун сайлик: ҳаргиз ақл-тафаккуримиз ҳақиқатга элтгувчи йўлдан тоймасин! Дарвоқе, ўрта асрлар араб файласуфи Абу Якуб ал-Киндий (801-866) бундай деган экан: "Ҳақиқат изловчи учун ҳеч бир нарса ҳақиқатнинг ўзидан қимматлироқ эмас!"*

Таҳририят

шўнгиса, кучли шамол уни яна юқорига иргитади ва шу тариқа дўлни ҳавода учириб юради. Бу ҳолни такрор ва такрор “бошдан кечирган” дўл “гувалача”лари улканлашиб, оғирлиги бир неча килограммгача етиши мумкин. Шамол дўл “гувалача”ларини тугтиб тура олмасагина улар ерга ёғади. Демак, ўша пайтда дўл ёғаётган ҳудуд узра муз тоғи сузиб юрган бўлади. Дўл булутлар ичида юзага келгани сабаб улар қанча қалинлашса, дўл ёғиши эҳтимоли ҳам шунча ортади. Қалинлиги 12 километр бўлган булутдан дўл ёғиш эҳтимоли 50 фоизга тенг. Булут 14 километрли қалинликда бўлса, дўл ёғиш эҳтимоли 75 фоизга етади. Булут қалинлиги 18 километрга етганда эса, дўл ёғиши муқаррар бўлади. Менимча, Қуръони каримнинг осмондаги улкан муз тоғидан дўл ёғиши ҳақидаги ояти нечоғли тўғрилигини асослаш учун биз келтирган далил кифоя қилса керак.

Энди “интернет-муфассир”нинг бошқа даъволарига эътибор қаратамиз ва уларга ҳам бугунги фан хулосаларига таяниб жавоб берамиз. У Қуръони каримнинг олам ҳақидаги қарашларини бундай танқид қилади: **“Вселенная авторов Корана весьма проста, мала, содержит только плоскую Землю и окружающие ее небеса”**. Шундан сўнг Қуръони каримнинг русча таржумасидан куйидаги оятларни келтиради: **“Он – тот, который сотворил вам все, что на земле, потом обратился к небу и строил его из семи небес. Он о всякой вещи знающ!”** (Коран, 2:29); **“Разве вы не видите, как сотворил Аллах семь небес рядами?”** (Коран, 71:15); **“Он – Тот, Кто сотворил рядами семь небес в гармонии друг с другом”** (Коран, 67:3). “Интернет-муфассир” ўз фикрини бундай давом эттиради: **“Земля, окружена слоем воздуха толщиной около 10000 км. Этот слой называется атмосферой. Атмосфера удерживается вокруг Земли благодаря земному притяжению. Чем выше высота, тем меньше воздуха содержится в атмосфере, а сама она сливается с космическим пространством, где воздуха нет. Слои атмосферы условно можно**



**поделить на семь небес. По нисходящей: Седьмое небо это Магнитосфера, Шестое небо это Ионосфера, Пятое небо это Экзосфера, Четвертое небо – Термосфера, Третье небо это Мезосфера, Второе небо – Стратосфера, Первое небо – Тропосфера”**.

Келинг, энди “интернет-муфассир”нинг Аллоҳ каломидagi етти осмонга доир таълимотга муносабатини кўриб чиқайлик. Хўш, бу етти осмон қандай? **Биринчи осмон**. Барчамизга маълумки, самолётми, дирижаблми, варрак ёки қушми уча бошласа, биз уларни осмонга кўтарилди деймиз. Осмонда етти-та сфера – Магнитосфера, Ионосфера, Экзосфера, Термосфера, Мезосфера, Стратосфера, Тропосфера мавжудлиги бор гап бўлақолсин. Лекин бу етти сферани кимдир бештага келтириши, кимдир ўнтага етказиши мумкин. Тайинсизроқ ҳолат, шундай эмасми? Биз яхшиши бу сфераларни биринчи осмоннинг атмосферасига қатламига мансуб деб қабул қилайлик. Шу тариқа, биринчи осмон дея самолёт, дирижабл, варрак ёки қушлар учаётган фазо ҳудудини оламиз ва бунга ҳеч ким эътироз билдирмаса керак.

“Интернет-муфассир” яна бундай деб ёзади: **“За дополнительными подробностями об устройстве небес можно обратиться к рассказу о ночном путешествии Мухаммеда (Сахих аль-Бухари – 1513 (3887). Текст слишком велик, чтобы цитировать его полностью, однако ниже будут приведены ключевые моменты. Например, непосредственно над куполом первого неба Мухаммед**

**встретил Адама и обнаружил источники рек Тигр и Евфрат (видимо, при отсутствии познаний в области географии)".** Дажла ва Фрот дарёлари биринчи осмондан сув ичади, дейилганидан ушбу ҳадисда ҳеч бир муболага йўқ. Чунки бу дарёлар сув ичадиган тоғ чўққилари, дарҳақиқат, мазкур осмон худудида жойлашган. Демак, ушбу ҳадис бизнинг "биринчи осмон" тушунчасини тўғри белгилаганимиздан далолат. Юқоридан биз Имом Бухорий ҳадисига юзаки қарасак, уни инкор этишга рағбат уйғониши мумкин эди, лекин кўрдикки, у ҳақиқатдан ҳам саҳиҳ экан.

**Иккинчи осмон.** Маълумки, сунъий йўлдошлар Ер орбитасига чиқиб олиши учун секундига 8,2 километр тезликда уча олиши шарт, акс ҳолда, у Ер орбитасига чиқа олмайди. Чунки иккинчи осмонга хос физик "қатлам"ни ёриб ўтиш учун шундай тезлик талаб этилади. Бу тўсиқдан ўтиб олган сунъий йўлдош эса иккинчи осмонга етади. (Ҳозирги фан Ер орбитасини "коинот" деб аташи барчага маълум.) Шу тариқа, космик кемалар Ер атрофида сунъий йўлдош бўлиб айланиб юривчи фазо худуди – космосни иккинчи осмон деб қабул қилиш мумкин. Бундай осмон мавжудлигини фалакшунослар минг йиллар аввал ҳам фараз этган, аммо у ҳақидаги аниқ тасаввур 1957 йили осмонга илк космик кема кўтарилгандан сўнггина юзага келди.

"Интернет-муфассир" космик кеманинг фазога кўтарилиши хусусида бундай деб ёзади: *"Первый космический полет был совершен не-мусульманином пятьдесят лет назад. Космические станции человека исследуют поверхность Луны, Марса и Венеры и даже, вышли за пределы Солнечной системы. Однако автор Корана полагает, что космические полеты невозможны без согласия Аллаха. Учитывая, что десятки астронавтов являются атеистами, мы должны спросить, почему всеведущий Аллах сделал такое ошибочное пророчество? – О сонм джиннов и людей! Если можете проникнуть за пределы небес и земли, то пройдите! Не пройдете вы, иначе как с властью"* (Коран, 55:33).

Қуръони каримнинг ушбу оятида инсон ва жинлар осмонга Аллоҳ хоҳиши билан чиқиши ҳақида хабар берилмоқда. Лекин "интернет-муфассир" бунинг учун фақат мусулмонларга изн берилган, дея хулоса чиқариши унинг бадниятигидан бошқа нарса эмас. Чунки мусулмон ҳам, ғайридин ҳам, ҳатто худосиз ҳам Аллоҳ бандасидир. У Зот осмонга чиқмоққа кимга изн беришни ёлғиз Ўзи билади. Катта адрон коллайдери ни ишга туширишда жонбозлик кўрсатган Россия олимлари координатори, Москва давлат университети қошидаги Ядро физикаси илмий текшириш институти директори ўринбосари В.Саврин 2008 йил 10 сентябрдаги матбуот анжуманида "Баъзан пайдо бўладиган "қора ўралар" жуда қисқа фурсат роялди. Чунки дарров портлаб кетади. Ҳатто коллайдер деворларигача етиб боришга улгурмайди... Бу масалага турлича ёндашиш мумкин. Чунончи, худо ...кўриб-билиб турибдики, инсоният (мен аввало физикларни назарда тутяпман) аниқ мақсад сари интиляпти ва ҳақиқатга етмоқ учун бор ақл-заковати, куч-қувватини сарф қиляпти. Худо охир-оқибат ўша ҳақиқатни билиш учун ижозат этишига имомини комил", деган гапларни айтди. Қаранг, улкан давлатнинг йирик олими Яратгандан кашфиёт қилмоққа рухсат сўраётир...

Дарвоқе, иккинчи осмон ҳақида айтилганларга бир фикрни қўшимча қилиш мумкин. У, Қуръонда айтилганидек, биринчи осмонни ҳам ўз ичига олади.

**Учинчи осмон** деб Ойнинг Ер атрофида миллиард йиллардан буён ҳаракат қилаётган орбитаси худудини олсак тўғри бўлар. Уни ўзига макон қилган Ой шу худуд бўйлаб кўчиб юрар экан, ўз таъсир доирасини ҳам кўчиради. Учинчи осмон, яна Қуръонда айтилганидек, биринчи ва иккинчи осмонни ҳам ўз ичига олади.

**Тўртинчи осмонга** чиқиш учун космик кема секундига 11 километрдан юқори тезликка эга бўлиши керак. Шунда у Ернинг тортиш кучи таъсиридан қутулиб, Қуёшнинг сунъий йўлдошига айланади ва Қуёш атрофида, Ер ва бошқа сайёралар каби, маълум орбита бўйлаб айлана бошлайди.

Дарҳақиқат, Ер ва бошқа бир неча сайёра Қуёш атрофида шундай орбита бўйлаб айланаётир ва буни тўртинчи осмон деб олишимиз мумкин. Яъни Ер тўртинчи осмонда Қуёш атрофида ҳаракатланади ва бу осмон ўз ичига биринчи, иккинчи ва учинчи осмонни ҳам олади. Дастлабки уч осмонга Ер ҳукмронлик қилса, тўртинчи осмонга Қуёш ҳукмрондир.

**Бешинчи осмон.** Қуёш фазода барча сайёраларини эргаштирган ҳолда секундига 295 километр тезлик билан Қутб юлдузи йўналишидаги марказ атрофида ҳаракатланади. Қуёш бу ҳаракатни Сомон йўли галактикасида амалга оширади ва мазкур ҳудудни бешинчи осмон деб қабул қилиш мумкин. Бу осмонга энди Сомон йўли галактикаси ҳукмрондир. У ўзига тобе осмондан Қуёшнинг чиқиб кетишига йўл қўймайди. **“Солнце завершает свой путь, направление и срок которого определены ему Аллахом Всемогущим, Мудрым, ведающим обо всём”.** (Коран, 36:38.) Кўриб турганимиздек, Қуёш муайян йўналишда маълум муддатгача ҳаракатда давом этади. Ҳозирги замон фани буни инкор қилмайди, бильакс, тасдиқлайди. **“Клянусь солнцем и его сиянием, и месяцем, когда он за ним следует”.** (Коран, 91:1-2.) Кейинги оят Қуёш Ойни ўзига эргаштириб, етаклаб юришидан дарак беради. Бу ҳам ҳозирги фан хулосаларига зид эмас. Зеро, Ой ҳам Қуёшга эргашиб, Сомон йўли галактикасида секундига 295 километр тезликда ҳаракатланаётир. Бешинчи осмон биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи осмонни ҳам ўз ичига олади.

**Олтинчи осмон.** Агар фазо кемаси Қуёшнинг Сомон йўли галактикасидаги ҳаракати тезлигидан ҳам жадалроқ уча олса (бу тезлик қанча бўлишини астрономлар ҳали ҳисоблаб чиқмаган), Сомон йўли галактикасини ҳам ортда қолдириб, унинг таъсиридан четга – кейинги осмонга чиқади ва ушбу ҳудуддаги беҳисоб галактикалар каби ўзи ҳам муайян йўналиш бўйича, маълум марказ атрофида сузувчи жажжи “галактика”га айланади. Бизнинг жажжи “галактика”миз бошқа сон-саноқсиз галактикалар билан бирга ҳаракатланиб юрган фазо ҳудудини

олтинчи осмон деб қабул қилиш мумкин. У биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи осмонни ҳам ўз ичига олади.

**Еттинчи осмон** деб ҳозирги фан, тўғривоғи, Альберт Эйнштейн фикрича, мавжуд олам чегарасининг нариги томонини олиш мумкин. Барча галактикалар, ўз юлдузлари билан бирга, олтинчи осмон маркази атрофида жуда улкан тезликда ҳаракатланганча олам сарҳадида қараб кенгайиб бормоқда (уларни еттинчи осмондаги қайсидир улкан куч ўзига тортиб тургандек). Бу галактикалар тезлиги ёруғлик тезлигига тенглашгач, улар маълум муддатдан сўнг еттинчи осмонга ўтиб кетади-да, бизга буткул кўринмай қолади. Яъни, фазо кемаси ёруғлик тезлигидан илдамроқ уча олса, бизнинг олам чегарасидан ўтиб кетиши мумкин. Баъзи юлдуз ва галактикалар бот-бот нариёққа ана шундай ўтиб туриши фанга аён. Шу тариқа, бизнинг оламимиз сарҳадининг бошқа томонидаги фазони еттинчи осмон деб олишимиз мумкин. Бу осмон биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи, бешинчи ва олтинчи осмонни ҳам ўз ичига олади.

Мана, Қуръони карим оятларида зикр этилган “етти осмон” тушунчасини озми-кўпми изоҳладик, десак бўлади. Албатта, биз мазкур осмонлар ҳақида Ерга нисбат фикр юритдик ва Қуръонда ҳам аслида шундай қилинган. Аксар тафсирчилар оятлар шарҳида Ерни олам марказига қўйиб хулоса чиқарганига сабаб ҳам шу бўлса, эҳтимол! **“Он – Тот, Кто сотворил рядами семь небес в гармонии друг с другом”.** (Коран, 67:3.) Дарҳақиқат, етти осмон бир-бири билан ниҳоятда уйғун экани, яъни биридан бошқасига силлиққина – ҳеч бир ёриқ ёки тирқишсиз ўтиб боришини тасаввур этиш қийин эмас. Ёки: **“Разве ты не видишь, как сотворил Аллах семь небес рядами?”** (Коран, 71:15.) Шунингдек, етти осмон қатма-қат (ичма-ич) жойлашганига ҳам ҳеч бир кимса шубҳа қила олмас?

Қуръони каримнинг 21-сура 30-оятда “Кофир бўлганлар осмонлар ҳам, Ер ҳам (аввалда) яхлит бўлганини, бас, Биз уларни ёриб юборганимизни ва барча тирик мавжудотни сувдан (пайдо) қилганимизни

кўрмдиларми?! Энди ҳам имон келтирмайдиларми?!" дейилади. Космогония фани илгари сураётган Буюк портлаш назарияси ушбу оят замонавий фан хулосаларига ҳамоҳанг эканини тасдиқлайди. Кашфиётлар шуни кўрсатмоқдаки, қачонлардир Ердаги қуруқлик бир бутун, яхлит бўлган. У кейинчалик қитъаларга ажралган. Ҳаёт эса дастлаб сувда пайдо бўлган, шу боис космос ва бошқа сайёралардан ҳаёт унсурини қидираётган фазогирлар авваламбор сувни илаёттир.

Қуръони каримнинг 41-сура 11-ояти ўзбекчага куйидагича ўгирилган: "Сўнгра тутун ҳолатда бўлган осмонни (яратишни) қасд этиб, унга ва Ерга: "(Фармонимга) ихтиёрий ёки мажбурий ҳолда келингиз", деган эди, улар "Ўз ихтиёримиз билан келдик", дедилар". Ўзбек тилига "тутун" деб таржима қилинган сўз В. Порохованинг русча таржимасида "пеленой из дыма" (тутун қатлами) деб берилган. Ажабо, космогония фани XX асрдагина олам газ-чанг (тутун) булутидан (қатламидан) пайдо бўлганини аниқласа, Қуръони карим бу ҳақда 14 аср аввал хабар бериб турибди!

Мазкур оятда осмон ва Ер ўз ихтиёри билан яқинлашгани айтилади. Ўз ихтиёри билан демоқнинг маъноси Ерда ҳам, осмонда ҳам бир-бирига интилиш мавжуд деганидир. Физикадаги бутун олам тортишиш қонуни гравитация майдони билан боғлиқ. Унга кўра, жисмлар бир-бирига маълум қонуният билан ихтиёрий равишда тортилади. Гравитация майдонида электр ёки магнит майдонлари табиатига хос итарилиш хусусияти йўқ. Зарраларнинг (жисмлар, сайёралар, юлдузларнинг) ўзаро тортишиши (гравитация кучи, оятдаги ихтиёрийлик) сабаб жисм соққасимон шакл олиши ҳозирги фанга аён. Шунинг учун ҳам Қуёш, сайёралар, уларнинг йўлдошлари ва юлдузлар шакли думалоққа яқин. Афсуски, шу вақтгача замонавий фан гравитация табиатини тўлиқ-туғал тушунтириб бергани йўқ.

Қуръоннинг 41-сура 12-оятини И.Крачковский бундай таржима қилган: "**Он сотворил их семью небесами за два дня и внушил каждому небу его обязанности.**

**Мы украсили нижнее небо светильниками и берегаем его (или для берегания его). Таково предопределение Могущественного, Знающего".** В. Порохова таржимасида эса айни оят "Он семь небес в два дня установил, и каждому назначил службу. Украсили мы ближний свод огнями и обеспечили ему охрану – Того, Кто безграничной власти преисполнен" тарзида берилган. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф таржимасида "Бас, икки кунда етти осмонни барпо этди ва ҳар бир осмонга ишини ваҳий қилди. Биз дунё осмонини чироқларла зийнатладик ва кўридик. Бу азизу ўта илмли Зотнинг ўлчовидир" тарзида баён этилган. Худди шу оят Олтинхон Тўра таржимасида "Кейин ул икки кунда аларни етти осмон қилиб бино қилди ва туширди, ҳар осмонга анга муносиб ҳукм ва зийнат бердук. Биз дунё осмонин чироқлар ила ва маҳфуз сақладик ани. Бу ғолиб Зотнинг тадбиридир" шаклида ифодаланган. Мазкур оятдан юлдузлар пастки осмонда жойлашган деган хулоса келиб чиқаётгани йўқ. Балки яқин, яъни одамзодга кўриниб турган осмонни юлдузлар чироқ каби безаб турибди деган маъно бор. Кўриниб турибдики, И.Крачковский таржимасидаги "нижнее" сўзи биз мурожаат қилган бошқа вариантларда ўзгача берилган. Жумладан, В. Порохова "ближний" сўзидан фойдаланган. Нимага нисбатан яқин, балки Қуёшгадир? Биз чиқарган хулосага кўра, Ер тўртинчи осмонда бўлса, унга энг яқини – Қуёш сузиб юрган бешинчи осмондир ва у миллиардлаб юлдузлар билан гулдастадек безатиб қўйилган. Хўш, бунинг нимаси тушунарсиз?! Крачковский "нижний" сўзини топиб ишлатган, Порохованинг "ближний" сўзи ҳам ўринли, ўзбекча таржималардаги "дунё осмони" бирикмаси ҳам аниқ-равшан. Демак, биз ўзбекча таржима бўйича дунё деганда Сомон йўли галактикасини тушунмоғимиз керак. Бунда бизнинг дунё – бизнинг галактика маъносини ифодалаётди, яъни "дунё" сўзи "галактика" сўзига синоним бўлаёттир. "Олам" сўзи эса барча галактикаларни ўз бағрига олади дейилса, барча нарса жой-жойига тушади-қўяди. Дунё осмони деган-

да, нега Сомон йўли галактикасини англа-маслигимиз керак?!

“Интернет-муфассир” ўз фикрини давом эттириб, яна бундай ёзади: *“Эти небеса являются твердыми объектами, и это можно продемонстрировать следующим образом. В первую очередь, они играют роль крыши, защищая то, над чем они раскинуты. Защитный характер этой крыши показан в таких стихах, как: Мы сделали небо оберегаемой кровлей, однако они отворачиваются от его знамений (Коран, 21:32). Осколки небес могут падать и, возможно, ранить жителей Земли: Если Мы пожелаем, то заставим землю поглотить их или же низринем на них кусок неба”* (Коран, 34:9). Осмоннинг қаттиқлигига далил шуки, бир осмондан иккинчисига ўтиш учун сарф бўладиган куч ҳар қандай пўлат деворни тешиб ўтишга қодир, яъни осмон ҳар қандай пўлатдан қаттиқроқдир. Атмосфера ҳам бизга том бўлиб турганига шубҳа йўқ. Фақат ақли ноқисларгина том албатта қамиш, шифер ёки тунукадан бўлади, деб ишониши мумкин.

*“Фактически, небеса настолько тверды, что на них можно забраться при помощи лестницы: Если тебя тяготит их отвращение, то если ты сможешь отыскать проход в земле или лестницу на небо, то принеси им знамение. Если бы Аллах пожелал, то собрал бы их всех на прямом пути. Посему не будь одним из невежд”*. (Коран, 6:35.) “Интернет-муфассир” ушбу оятни И.Крачковский таржимасидан баъзи хатолар билан кўчиради. Мазкур оят В.Порохова таржимасида куйидагича: “А если тебе в тягость их презренье, То даже если б мог ты отыскать Расселину в земле иль лестницу на небо, И тем явить еще одно знамение им (То все равно бы не уверили они). И будь на то желание Господне, Собрал бы Он их всех на праведной стезе. А потому (о Мухаммед!) не будь в числе невежд! (В.Порохова 379-изоҳда бу оят бирор мўъжиза кўрсатиш талаби кўйилаверганидан сўнг тушганини айтади, 380-изоҳда эса оятдаги “То все равно бы не уверили они” сўз-

лари Крачковский ва Саблуков таржимасида негадир тушиб қолганидан ҳайрон бўлади. Баъзи ўзбекча таржималарда бу сўзлар изоҳ сифатида келтирилди.)

*“И наконец, небеса, по-видимому, настолько тяжелы, что им требуются опоры. В отличие от современных мусульман, авторы Корана признают, что небесам необходимы опоры, добавляя при этом, что они невидимы: Кулиев – Аллах вознес небеса без опор, которые вы могли бы увидеть; Османов – Аллах вознес небеса на невидимых вами опорах (Коран, 13:2). Здесь авторы Корана воспринимают очевидным то, что небесам необходимы опоры. Но они концентрируют свое внимание не на их отсутствии, а на невидимости.”* Бу даъвога куйидагича жавоб бериш мумкин. Ахир, гравитация майдонида ўша “тяжн” – “опора”! Қандай ҳам кўриб бўлсин уни! Бўлмаса, уни ким ушлабдию ким кўрибди? Қойил қолмайсанми, эй банда? Ньютон кашф этган бутун олам тортишиш қонуни шу оятга ишора қилаётир-ку! Ҳозирги фаннинг энг буюк жумбоғи ҳам гравитация майдони бўлиб турибди-ку!

“Қоран он прибыл туда, где закатывается солнце, он обнаружил, что оно закатывается в мутный (или горячий) источник. Около него он нашел народ. Мы сказали: “О Зуль Карнейн! Либо ты накажешь их, либо сделаешь им добро” (Коран, 18:86). *Хотя в случае восхода Солнца никакие “мутные источники” не упоминаются, описываются люди, живущие непосредственно рядом с этим местом: Когда он прибыл туда, где восходит солнце, он обнаружил, что оно восходит над людьми, которым Мы не установили от него никакого прикрытия”*. (Коран, 18:90.) Зулқарнайн дунё четига борганида, юнон мифларидаги осмонни кўтариб турувчи атлантларни кўрмаган ва осмонни ҳам қозон каби ерга тўнкариб қўйилган деб айтмаган. Зулқарнайн қуёш ботаётган томонда ҳам, чиқаётган томонда ҳам одамлар яшаётганини айтган. Шунингдек, бирор осмон ҳам Ер катталиги билан

чеклангани Куръон оятларида келмаган. Ер туналоқ ва доирасимон, унга осмон қозондек тунқарилган қабилидаги оятлар Куръонда йўқ ва буни Куръон ғанимлари ҳазм қилиши оғир, албатта.

*“Следует заметить, что во всем Коране нет каких-либо упоминаний галактик и их скоплений, квазаров или пустого пространства. Просто вода, престол и сам Аллах: Он сотворил их семью небесами за два дня и внушил каждому небу его обязанности. Мы украсили ниже небо светильниками и оберегаем его (или для оберегания его). Таково предопределение Могущественного, Знающего”.* (Коран, 41:12.) *Авторы Корана не допускали и мысли о том, что звезды могут быть объектами такого же масштаба, как и Солнце, но расположенными гораздо дальше”.* Етти осмоннинг икки кунда (ёки айрим таржималардаги каби “икки давр”да) барло бўлишига келсак, бутун олам ичра энг мураккаб яратиқ – Ердир. Энг улкан юлдуз ҳам, инсон у ёқда турсин, ҳатто ҳашарот қадар мураккаб эмас, чунки улар асосан модда шаклларида бири бўлмиш плазмадан иборат ҳамда аксар осмон жисмлари энергия ва нур кўринишидадир. Фалакшунослар осмон жисмларининг 95 фоизи бизга маълум бўлган материядан фарқлигини икки сўз билан “қора (номаълум) энергия” ва “қора (номаълум) материя” деб изоҳлайди. Етти осмонни яратиш Ер ва ундаги махлуқот, дов-дарахт, ўт-ўланни яратишдан жўнроқ кечган ва шу боис кам вақт талаб этган бўлса не ажаб! Ҳозирги фан олам Катта портлаш натижасида бундан тахминан 11 миллиард йил илгари, Қуёш ва Қуёш системаси, чунончи, Ер эса 5 миллиард йил илгари пайдо бўлган деган хулосага келган. Агар 11 миллиарддан 5 миллиардни олиб ташласак, 6 миллиард қолади. Албатта, бу вақт ўлчови Ерга, унинг Қуёш атрофида айланишига нисбатан олинаётир. 11 миллиард йилни биз қуйидагича тушунишимиз ҳам мумкин. Барча галактикалар олтинчи осмонда маълум бир марказ атрофида, Ер Қуёш атрофида айланаётганидек, ҳаракатланади. Бу марказ (ўқ) атро-

фида, айтайлик, Сомон йўли галактикасини бир маротаба тўлиқ айланиб чиқиш учун кетадиган вақт бир кун деб олинса (Ер ўз ўқи атрофида бир марта тўлиқ айланиши бир кун деб қабул қилинганидек), бу бир кунлик вақт, эҳтимол, Ернинг Қуёш атрофида миллиард маротаба айланиб чиқишига тенг бўлган фурсатдир (буни ҳали фалакшунослар қиёсий ҳисоблаб чиқмаган). Демак, Куръонда келтирилган бир кун Ернинг тахминан бир миллиард йилига тенг бўлаётир. Зотан, Аллоҳни шоширадиган ҳеч қандай куч йўқ. Куръонда аввал икки кунда осмонлар, сўнгра тўрт кунда Ер ва ундаги ҳаёт яратилгани ҳақида сўз борадики, бу оят юқорида айтган фикримизни тасдиқлайди.

*“Солнце и Луна описаны менее однозначно... Эти два светильника (вместе со звездами и планетами) следуют по предписанным им путям вдоль изогнутых стен твердого небесного купола: Именно Он сотворил ночь и день, солнце и луну. И все они плывут по небосводу. (Коран, 21:33); Солнцу не следует догонять луну, и ночь не опережает день, и каждый из них плывет по небосводу. (Коран, 36:40); Солнце плывет к предназначенному для него местопребыванию: таково предписание Великого, Ведающего. (Коран, 36:38.) Вообще, Коран делает следующие замечание, которое фактически делает затмения невозможными: Солнцу не надлежит догонять луну, и ночь не опережает день. Каждый плывет по орбите. (Коран, 36:40.) Однако, чтобы произошло солнечное затмение, необходимо, чтобы Солнце и Луна “догнали” друг друга. Но так, как сама Луна в это время не видна, авторы Корана никогда не обращали на это внимания.”* Қуёш туттилишига Ой сабабчи эканини юнон олимлари Куръони карим нузулидан минг йилча аввал билган ва бу ҳақдаги маълумот Арабистонни ҳам четлаб ўтмаган. Бироқ юқоридаги оятлар Қуёш тутилганида Ой унга етиб олмагани, орадаги масофа 150 миллион километр эканию ҳар иккиси ҳам ўз орбитаси бўйлаб ҳаракатдалигига ишорадир. Ердаги одамгина Ой Қуёшга етиб олди ва шу

сабаб Куёш тутилди, деган хулосага келиши мумкин, эммо барча нарса Ўзига аён бўлган Аллох эмас! Дарҳақиқат, Куёш ўз манзили сари мана 5 миллиард йилки (Қуръон бўйича беш кун), ҳаракат қилаётир ва ўша манзилга қачондир етажак.

*“Затем, в процессе обсуждения конца света, авторы Корана заявляют, что лунное затмение (которое может произойти только тогда, когда Солнце и Луна расположены по разные стороны Земли) будет происходить в то же время, когда Солнце и Луна наконец “догонят” друг друга: Он спрашивает, когда же наступит День воскресения? Когда взор будет ошеломлен, луна затмится, а солнце и луна сойдутся. (Коран, 75:6-9.)*

*Тот факт, что Солнце сойдется с Луной, демонстрирует не только то, что они “догонят” друг друга, но и то, что авторы Корана верили в то, что это два объекта сравнимы по размерам. Авторы Корана не понимали того, что Солнце и Луна на самом деле являются причиной затмений, а не только объектами, испытывающими их”.* Фалакшунно Б. Воронцов-Вельяминов бундай ёзади: “Янги юлдузлар” деган ном қадим замонлардан бери мавжуд бўлиб, бу ном чиндан ҳам янги кашф этилган юлдузларга берилган. Олимлар хулосаларига кўра, аслида кўзга кўринмас юлдуз азалдан бор бўлади-ю, кўкқис чарақлаши боис кузатувчиға ўзини янги юлдуз сифатида намоён қилади. Бундай қақнаш фақат ўта қайноқ ва секин ҳаракатланувчи юлдузларда рўй беради. Барча янги юлдузлар қўшалоқдир, деган гумон ҳам йўқ эмас. Агар шундай бўлса, Куёшга бундай қақнаш хавф солмайди. “Агар шундай бўлса...” дея шубҳа ва умид билан Куёш портламас, демоқда астроном олим. Лекин 75-суранинг 7-оятда Аллох бандаларини “Бас, кўз қамашганида”, дея огоҳлантираётир.

Куёш улканлашгандан улканлашиб, ўз теграсида ҳаракатланувчи сайёраларни – аввал Меркурий, сўнгра Венерани домига тортиши мумкин, лекин Ер бундан мустасно деган нуқтаи назар бор. Мабодо шу ходиса

рўй берса, Куёш қизил гигантга айланиб, Ойни ҳам ютиб юбориши мумкин, дегани бу. Яъни 9-оятда айтилганидек, Ой ва Куёш бирлашади. Рўзи Махшарда Куёш одамлар бошида тик туради деган башоратни ким ҳам эшитмаган, дейсиз.

Юлдузлар оламидаги жараёнлар нафақат секин, балки тез рўй бериши ҳам мумкин. Масалан, бир йилга яқин вақт ичида ўртача юлдуз улкан юлдуз каби қақнайди, сўнгра шунча муддат орасида равшанлиги пасаяди. Оқибатда, у нейтронлардан таркиб топган юлдузга айланади. Демак, фан юлдузларда миллиард йилларда содир бўлиши кутилган жараён бир зумда рўй бериши ҳам мумкинлигини тасдиқлайди. Куёш, Ой, юлдузлар ва улардаги эволюция жараёни бир зумлик қақнаш билан поёнига етиши ҳеч гап эмас. Бундай пайтда, оятда айтилганидек, кўз қамашади.

*“Также они не понимали того, что Солнце является причиной возникновения как дня, так и ночи. С коранической точки зрения ночь – это не просто отсутствие дня. День и ночь – это две совершенно отдельные сущности, созданные Аллахом: Ты удлиняешь день за счет ночи и удлиняешь ночь за счет дня. Ты выводил живое из мертвого и выводишь мертвое из живого. Ты даруешь удел безо всякого счета, кому пожелаешь. (Коран, 3:27); Воистину, в сотворении небес и земли, а также в смене ночи и дня заключены знамения для обладающих разумом. (Коран, 3:190); Он – Тот, Кто распростер землю, установил на ней незыблемые горы и реки, взрастил на ней из разных плодов по паре. Он покрывает день ночью. Воистину, в этом – знамения*



для людей размышляющих. (Коран, 13:3); Это – потому, что Аллах удлиняет день за счет ночи и удлиняет ночь за счет дня, а также потому, что Аллах – Слышащий, Видящий. (Коран, 22:61.)

*День и ночь являются созданиями, совершенно независимыми от Солнца, Луны или других небесных объектов. Нет ни малейшего намека на то, что Солнце является причиной возникновения дня и ночи:* Воистину, ваш Господь – Аллах, Который сотворил небеса и землю за шесть дней, а затем вознесся на Трон (или утвердился на Троне). Он покрывает ночью день, который поспешно за ней следует. Солнце, луна и звезды – все они покорны Его воле. Несомненно, Он творит и повелевает. Благословен Аллах, Господь миров! (Коран 7:54); Аллах – Тот, Кто создал небеса и землю, ниспослал с неба воду и взрастил ею плоды для вашего пропитания, подчинил вам корабли, которые плывут по морям по Его воле, подчинил вам реки, подчинил вам солнце и луну, непрерывно движущиеся по своим орбитам, подчинил вам ночь и день. (Коран, 14:32-33); Он – Тот, Кто сотворил ночь и день, солнце и луну. Все плывут по орбитам. (Коран, 21:33); Разве ты не видишь, что Аллах удлиняет день за счет ночи и удлиняет ночь за счет дня, и подчинил солнце и луну, которые движутся к назначенному сроку, и что Аллаху ведомо о том, что вы совершаете? (Коран, 31:29); Он сотворил небеса и землю во истине. Он покрывает ночью день и покрывает днем ночь. Он подчинил солнце и луну. Все они движутся к назначенному сроку. Воистину, Он – Могущественный, Всепросящий. (Коран, 39:5.)

*Если Солнце не является причиной возникновения дня и ночи, то каково же его предназначение, кроме того, чтобы просто быть более ярким светилom из двух? Ответ прост: цель этих двух светил в том, чтобы люди могли отмерять по ним время и вести летоисчисление:* Он разверзает [мрак] утром, ниспосылает успокоение ночью, обраща-

ет солнце и луну в средство исчисления [дней и месяцев]. Таково установление Великого, Всеведущего (Коран, 6:96).”

Куръонда зулмат ва кечанинг ўзаро фаркланиши жуда хайратланарли. Зулмат Ерга боғлиқ эмас, бироқ кеча ва кундуз Ерга, Ернинг ўз ўқи атрофида айланганига боғлиқ. Ер ўз ўқи атрофида айланмаганида, “кеча” ва “кундуз” тушунчалари ҳам бўлмас эди. Кеча ва кундуз Ерга тааллуқли ва бири ҳисобига бошқаси туғилади. Юқорида келтирилган “Он – Тот, Кто сотворил ночь и день, солнце и луну. Все плывут по орбитам (Коран, 21:33.)” ва “Солнцу не надлежит догонять месяц, и ночь не опередит день, и каждый плавает по своду (Коран, 36:40.)” оятларидан кўриняптики, Қуёш ҳам, Ой ҳам, кеча ва кундуз ҳам фалақда ўз орбиталари бўйлаб ҳаракат қилади. Қуёш ва Ойнинг ҳаракат қилаётганини қадимданок кузатиш мумкин бўлган, лекин кеча ва кундуз орбита бўйлаб ҳаракатда эканини ким ва қачон кузатган? Бу – Қуръони карим мўъжизаларидан эканига шубҳа бўлиши мумкинми?! Мазкур оят Ернинг шарсимон экани ва ўз ўқи атрофида бир суткада бир марта тўлиқ айлини қиқиши, айни чоқда, фазода ҳам маълум орбита бўйлаб ҳаракатда эканини кўрга ҳассадек қилиб айтиб турибди-ку! Ернинг ўз ўқи ва Қуёш атрофида ҳаракатда эканини бундан ортиқ қандай ифодалаш мумкин?! Мабодо, Ер Қуёш атрофида айланади, деганга ўхшаш оддий фикр оят бўлиб келганида, “интернет-муфассир” ва унинг маслақдошлари “Бу фикрга қадимги юнон олимларининг хулосаси сабаб бўлган”, дейиши аниқ эди!

*“Авторы Корана не чувствовали сильной необходимости описывать природу и структуру Земли, так как ее обитатели и так знали о ней все, что им было нужно. Однако описания Земли в Коране все же имеются, и они могут привести к некоторым весьма любопытным выводам.*

*Прежде всего, Земля в коранической Вселенной плоская. Для описания Земли авторы Корана часто использовали слова “распростереть” и “разо-*

стать". Эти слова арабы использовали в повседневной речи применительно к ковру. Не удивительно, что в Коране имеются сравнения Земли с ковром: Мы простерли землю, поместили на ней незыблемые горы и взрастили на ней в меру всякие вещи. (Коран, 15:19); [Он] – тот, который сделал землю для вас подстилкой и проложил для вас по ней дороги, низвел с неба [дождевую] воду. И Мы взрастили благодаря ей всевозможные растения. (Коран, 20:53); Он сделал для вас землю колыбелью и создал для вас на ней дороги, чтобы вы могли следовать прямым путем. (Коран, 43:10); Мы простерли землю, установили на ней незыблемые горы и взрастили на ней всякие великолепные пары растений. (Коран, 50:7); Мы разостлали землю, и как же прекрасно Мы расстилаем! (Коран, 51:48); Он – Тот, Кто распростер землю, установил на ней незыблемые горы и реки, взрастил на ней из разных плодов по паре. (Коран, 13:3); Он – тот, который землю сделал для вас ковром, а небо – зданием, и низвел с неба воду. (Коран, 2:22); После этого Он распростер землю. (Коран, 79:30); Аллах сделал для вас землю ковром. (Коран, 71:19); Разве Мы не сделали землю подстилкой. (Коран, 78:6); Неужели они не видят, как созданы верблюды, {...} как распростерта земля? (Коран, 88:17-20); Клянусь землей и Тем, кто ее простер! (Коран, 91:6.)

Дарвоқе, Куръони каримда Ер шакли қандай ифодалангани сўнги асрларда бу китобнинг ифодалигини эътирофу инкор этувчилар ўртасидаги баҳсларда бош масала бўлиб турибди. Мен Куръони каримнинг ўзбекча таржималарини ўқиб ва уларни русча таржималарга қиёслаб, бундай хулосага келдим. Биринчидан, Куръони каримда Ернинг шакли ҳақида очиқ бир гап айтилмаган. Аллоҳ ўз оятларида "Ерни ёйиқ қилдик", дея ваҳий юборади. Бирор оятда Ерни доира шаклида текис яратдик дейилмаган. И.Крачковский ушбу оятни "...и землю после этого распростер" деб, В.Порохова эса "Потом Он землю распростер", дея таржима қилган. "Распрос-

тер" сўзи ўзбек тилида кенг ёзмоқ, катта очмоқ, кермоқ, ёймоқ, тарқатмоқ, чўзмоқ каби маъноларни англатади.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатларида "ёйиқ" сўзи ясси, юза каби маъноларни ифодалаши қайд этилганки, улар ўз ичига жуда кўп (учбурчак, тўртбурчак, чўзиқ, шарсимон, спиралсимон ва ҳоказо) тушунчаларни олишини унутмаслик даркор. Масалан, шамдан таралаётган нур (ёйилаётган, ёйиқ) шарсимон бўлади. Илк тафсирчилар ўзи учун қулай бўлган "ёйиқ" сўзини танлаган. Эҳтимол, бу кейинги муфассирларни "Аллоҳ Ерни доира шаклида текис яратди", деган хулосага олиб келгандир?

"Также Коран отмечает, что если бы не горы – Земля была бы гораздо плосче, чем она есть: В тот день Мы заставим двигаться горы, и ты увидишь, что земля станет плоской. Мы соберем их всех и никого не упустим" (Коран, 18:47.) Ушбу оятда Ер фақат бир ҳолда, яъни қиёматда текис бўлиши аниқ айтилган. Яна бир бор "Он – Тот, Кто сотворил ночь и день, солнце и луну. Все плывут по орбитам" (Коран, 21:33.) оятига мувожаат этилса, Ер шарсимон экани ва ўз ўқи ҳамда Қўёш атрафида ҳаракатланиши яққол аён бўлади. "Набавъ" сурасининг 6-7-оятлари И.Крачковский таржимасида куйидагича: 6-оят: "Разве Мы не сделали землю подстилкой"; 7-оят: "и горы – опорами". Ўзбек тилидаги таржимада 6-оят: "Биз Ерни тўшак қилиб қўймадикми?"; 7-оят: "Тоғларни эса (Ерни тутиб турувчи) қозиклар қилиб қўймадикми?" тарзидадир.

"Опора" ва "қозик" сўзлари маъно жиҳатидан фарқланади. Шу боис ўзбекча таржимада "қозик" сўзи оят маъносини тўлиқ англата олмагани учун қавс ичида "Ерни тутиб турувчи" деган изоҳ берилган. "Опора" – тирговчи, тиргак, тирак, таянч, суянчиқ, асос, негиз, пой ва ҳоказо маъноларни ифодалайди. Шунга кўра, 7-оятдан ҳар бир тоғ Ернинг тагида (асосида) турибди, деган маъно чиқади. Аслида инсонга тоғлар осмонни кўтариб тургандек кўринади. Ваҳоланки, самодан заминга назар солган фазогирлар барча тоғлар Ер юзи аҳолисига пой бўлиб турганини кўрган. Евроосиё, Аф-

рика қитъалари тоғлари Америка қитъаси одамлари учун, Америка тоғлари эса Евросиё ва Африка қитъалари аҳли учун негиз бўлиб турибди.

*“Имеется один неясный аспект в исламской космологии: Коран упоминает некие семь земель, но не дает объяснений, что это такое (впрочем, некоторые предпочитают видеть здесь слои геосферы): Аллах – Тот, Кто сотворил семь небес и столько же земель. (Коран, 65:12.)*

*Если с семью куполами неба все понятно, то с “семью землями” – нет. Коран лишь делает замечание, что предметы могут “проникать” как в небо, так и в землю: Он – Тот, Кто сотворил небеса и землю за шесть дней, а затем вознесся на Трон (или утвердился на Троне). Он знает о том, что входит в землю, и о том, что выходит из нее, о том, что нисходит с неба, и о том, что восходит туда. Он с вами, где бы вы ни были. Аллах видит все, что вы совершаете. (Коран, 57:4.) Можно сделать вывод, что эти “семь земель” представляют собой стопку, подобную стопке монет”.*

“Интернет-муфассир” мужоаат қилаётган “Аллах – Тот, Кто сотворил семь небес и столько же земель (Коран, 65:12.)” оятидан кўриниб турибдики, Аллоҳ етти осмон ва етти ерни яратган. Биз юқорида етти осмон ҳақида муайян хулосага келдик. Етти ер деганда эса, ушбу муаллиф каби, етти қават ерни тушуниш, менимча, ножоиздир. Сир эмаски, Қуёш системасида яқин-яқингача ҳам планеталар сони тўққизта деб келинар эди. Ўн йилча бўлдики, Плутон планета талабларига жавоб бермайди, деб топилди ва оқибатда сайёралар сони биттага камайди. Ушбу саккиз планетадан Қуёшга энг яқин жойлашгани – Меркурийдир. У қачон планетага айлангани ҳақида аниқ маълумот йўқ. Планеталарнинг пайдо бўлишига доир асосий гипотеза – небуляр гипотезадир. XIX асрдан буён Меркурий бир вақтлар Венера-нинг табиий йўлдоши бўлган ва кейинчалик уни Қуёш тортиб олган деган фараз мавжуд. 1976 йили Т. ван Фландерн ва К.Харрингтон математик ҳисоб-китоблар орқали ушбу фа-

раз асосли эканини исботлади. Шу тариқа, ҳозир етти планета мавжудлиги аён бўлиб турибди. Аллоҳнинг етти ер ҳақидаги ояти ана шу етти планетадир, десак мантиққа зид бўлмас.

Қолаверса, Қуръоннинг “Аллах – Тот, Кто сотворил семь небес и столько же земель (Коран, 65:12.)” оятида фалақда шарт-шароити, жонзотлари, ўсимлик дунёси ва ҳоказоси Ерга монанд сайёрадан еттита-си яратилганига ишора бордир, эҳтимол. У ҳолда биз оламда ўзимизникидан ташқари яна олтита “Ер”да ҳаёт бор деган фаразга келишимиз мумкин. Инсоният вақт-соати етиб уларни кашф этишга муяссар бўлар балки.

“Он сотворил их семью небесами за два дня и внушил каждому небу его обязанности. Мы украсили нижнее небо светильниками и оберегаем его (или для оберегания его). Таково предопределение Могушественного, Знающего”. (Коран, 41:12.) Авторитетный среди мусульман Тафсир ибн Касира раскрывает значение аята тем же образом: В рассматриваемом аяте [41:9-12] содержится доказательство того, что Аллах начал творение с земли, после завершения ее творения Он сотворил семь небес. Такое можно наблюдать при строительстве здания, постройка начинается снизу вверх. Об этом говорили комментаторы, о чем мы разъясним позже по воле Аллаха”.

Юқоридаги оятлар асосида Аллоҳ аввал осмонни, сўнгра Ерни яратган деган хулосага келиш мумкин. Лекин, айна чоқда, Қуръоннинг 41:9-12-оятлари хулосасини ҳам назардан четда қолдириб бўлмайди. Агар ана шу оятларни инobatга олсак ва Ер ҳам осмоннинг бўлаги эканини назарда тутсак, осмон ва Ер бир вақтда барпо этилаверган, лекин осмон икки кунда барпо қилиб бўлинган, Ерни барпо қилишга эса яна тўрт кун керак бўлган, деган хулосага келамиз...

Ривоят қилишларича, бир шайх аср мози олдидан гусл қилиб, таҳорат олиш учун ҳовлиси этагидан оқиб ўтувчи дарё сари йўл олибди. У йўл-йўлакай қозонга ёғ қуйиб,



*Ўрта асрларда яшаган rassom тасавуридаги коинот*

кечки овқатга уннаётган хотинига бир-икки танбех бериб ўтибди. Дарё қирғоғида сувга тушмоқ учун ечинар экан, осмону фалакка, теварак-атрофга разм солиб, “Наҳотки, Аллоҳ шундай муаззам оламни олти кунда яратган бўлса?” деган шубҳани кўнглидан ўтказибди. Сўнгра шайх дарёга шўнғибди-да, ғусл олиб чиқиб, ўзига боқса, узун қопқора сочли, ўн саккиз яшар гўзал қизга айланиб қолганмиш. У ўзининг шу ҳолидан кўркувга тушиб, авратларини қандай яширишни билмай лол турганида, бир бадавий чавандоз келиб қолибди-ю, қизни ердан даст кўтариб, тиззасига ўтқазганча тулпорини чоптириб кетибди ва уни ўзига кенжа хотин қилиб олибди. Шайх бадавий билан

30 йил яшабди, ундан 9 фарзанд кўрибди. Бадавий ҳар кун зулм қилавергач, аёл сиймосидаги шайх ахийри жонидан тўйибди-да, шу яқиндан оқиб ўтувчи дарёга ўзини ташлабди. Бироқ жон ширин эмасми, нафаси обдон бўғилгач, типирчилаб сув юзига чиқибдию у ёқ-бу ёққа аланглаб, ғусл олмоқ учун дарёга шўнғиган жойидан чиқиб қолганини англабди. Аслига қайтган шайх апил-тапил таҳорат олиб, кийим-бошини кийиб, салласини ўраб, уйи сари равона бўлибди, қараса, хотини қозонга солган ёғини ҳалиям қиздириб улгурмаган экан...

Қиссадан ҳисса шуки, ҳар не бўлганда ҳам, шайх ҳолига тушмаслик чорасини кўрган маъқул...

Зухриддин ИСОМИДДИНОВ

# SOG'INISH

Жавзо бошланиб, девору тош қизийдиган кунлар келганда олисларни жимир-жимир ҳовур эпкини чулғайди. Бундай паллаларда одам алланечук эринчоқ бўлиб қолади, ҳаммаёқ сукутга чўмади, ҳатто баланд терак учлари ҳам қилт этмайди, уй шифтига ёпишган қалдирғоч инидаги полапонларнинг чийиллашидан ўзга товуш эшитилмайди. Бунақа дамларнинг гашти бўлакча. Билмадим, нима учундир, шундай кезлари болалигим ёдимга тушади, бир замонлар бўлиб ўтгану ҳозир эсдан ҳам чиқиб кетган воқеалар ёди, айниқса, ўсмирлик дамларида бошдан кечирилган туйғулар аллақерлардан ёпирилиб келади, аммо афсуски, бир зум, бир лаҳза, холос – киприк қоққунча ўтади-кетади. Аммо нима учундир, ўша дамларни, ўша одамлар даврасию ўша далалар бағрини қўмсаб қоламан, уларга қанийди бир бор яна қайта олсам дейман, бироқ... қаяқда!

Сўнг ўйлаб кетаман: одам кимнидир соғинмай ё ниманидир қўмсамай яшаши мумкинми ўзи? Соғиниш ҳиссидан фақат инсон баҳрамандми ё у бошқа жонзотларга ҳам тегишлими? Башарти соғиниш жониворларга ҳам хос бўлса, бу туйғу уларда кўпроқ бўладими ёки бизда? Соғиниш нима ўзи?

Мундай қарасангиз, соғиниш аслида кераксиз нарсандай. Рост-да, хотиржамгина юрган одам бефойда ўй-хаёлларга андармон бўлади (сиз минг ўйлаганингиз билан у ёнингизга келиб қолармиди?), кимнидир соғинсангиз, ундан ўзгаларни ёқтирмай ҳам қўясиз.

Унда, нега кимнингдир “Сени соғиндим” дея айтган бир оғиз гали бизга ҳар қандай мақтов, олқиш ва тасаннодан кўпроқ ёқиб тушади? Нега ҳаммамиз, кимдир бизни ҳам соғинса экан, деб турамиз? Онамизни яна шу-

нинг учун ҳам севамизки, бизни ундан ортиқ соғинадиган одам йўқ дунёда...

Кимнидир соғиниб қолсак, фикр-ёдимиз ўша одамда бўлади, юрсак ҳам, турсак ҳам уни



уйлаймиз, ҳозир нима қилаётган экан, деб тусмоллаймиз, ёнимизда юрган чоғда пайқамаган фазилатларини кашф этамиз. Ҳша одамни деб хавотирланамиз, ишқилиб бирон зиён-заҳмат етмаса экан, деймиз.

Соғиниб-соғиниб, киши қадрига ета бошлаймиз, одамни эъзозлайдиган бўламиз. Башарти кимдидир соғинмасак, ботинан англаймизки, ундай кишининг аслида бизга кераги йўқ... Одам боласига кулги, иштаҳа ё йиғи қанчалик табиий эҳтиёж бўлса, соғиниш ҳам шунчалик зарур бир руҳий ҳолат.

Аммо қўмсаш ҳаддан ошиб кетса, одам ичкариди. Иштаҳаси йўқолиб, инжиқ, паришонхотир бўлиб қолади. Болаларда соғиниш туйғуси айниқса кучли кечади. Бировнинг дийдорига зор бўлган гўдак ичкиса, касалга чалинади.

Менинг Омонжон деган тоғам бўларди, тўғриси, тоғамнинг ўғли, у тўрт яшар чоғида, соғина-соғина, урушда ўлган отасининг биттаю битта фотосуратини чайнаб еб қўйган экан! Мен тоғамнинг ҳатто расмини ҳам кўрмаганман...

\*\*\*

Одам бировни соғиниши, қўмсаши учун озгина вақт бўлса-да, уни кўрмаслиги, ҳолидан хабардор бўлмаслиги керак. Тўғри-да, ёнингизда турган кишини соғинмайсиз-ку!

Ўзини кўрмаётган бўлсангиз-у, овози келиб турса ҳам, соғиниш деган туйғу сўнишга қараб кетади, албатта.

Соғиниш қанчалик табиий ва ёқимли бўлса, унинг акси – соғинмаслик шунчалик ғалати ва беўшшов ҳолат...  
Мақтабдалик

чоғимиз кўшни синфда Содиқ деган бир йигит ўқирди. Ота-онасининг тўнғичи, эркаси, кўзларининг оқу қораси. Армияга чақриқ қоғози келганида Содиқнинг отаси у ёққа чопиб, бу ёққа чопиб, ахийри шаҳар военкоматидагиларнинг кўнглини топди – ўғлининг чекига шу ердаги ҳарбий қисмда хизмат қилиш "тушди". Сиз ўшанда бир кўринг эди бу бахтиёр ота-онани: қўйлар сўйилган, вадаванг зиёфатлар, ҳар ҳафта ўрис камандирларнинг оғзи мой. Шунинг ҳурматига Содиқнинг ДОСААФда шофёрликка ўқиганини ҳисобга олишиб, "обрули" ишга қўйишди – ҳарбий қисм бошлигини ташийдиган "УАЗ"ни ҳайдайдиган бўлди. Ана энди Содиқбойга худо берди, тўғилиб-ўсган шахрининг таниш кўчаларини чангитиб, солдат формасида ҳали у томонга ўтади, ҳали бу томонга. Кунда-кун ора уйларига кириб, онаси тайёрлаб ўтирган паловхонтўрани "уриб" ҳам чиқади. Кўчада бизни кўриб қолса, гўё армияда эмасдек, кўл кўтариб, ё сигнал чалиб, саломлашган бўлиб ўтиб кетади.

Муддати тугаб, армиядан қайтганида эса боягининг акси бўлди: Содиқ, гўё уйдан эрталаб кўчага чиқиб кетиб, оқшомда қайтиб келгандай кутиб олинди. "Ҳа, келдингми?" дейишди уйдагилар. Уни ҳеч ким, ҳатто ота-онаси ҳам... соғинмаган эди.

Ўшанда соғиниш зарурат эканини, рух озиғи эканини пайқагандим. Қорни оч одамга қоқ нон паловдан тотли туйилади. Шифокорлар эса гоҳ-гоҳ оч қолиш ҳам керак дейишди, бу организм учун фойдали эмиш. Ана шунда аъзои баданимиз жунбушга келаркан. Шу сингари, кишининг кимлигини уни соғинганда биламиз.



Соғиниш асли айрилик, фироқ туфайли юзага келади. Фироқ йўқ экан, соғиниш ҳам бўлмайди. Диний нуқтаи назардан, алмисоқда – ҳали одамзод яралмасидан аввал барча инсонларнинг руҳлари Парвардигордан айрилган. Демак, фироқ, соғиниш алмисоқдан бошланган экан. Руҳ мудом ўз Яратувчисини соғинади, Унга интилади.

Соғинч жониворларга ҳам хосми, ё у фақат одам боласига берилган фазилатми, деб савол ташлаган эдим боя. Ҳайласам, тирик жон борки, бу туйғудан маҳрум эмас экан. Алпомиш қалмоқ зиндонда ётиб, етти йилдан сўнг кутулиб келганида Бойчибор отининг энаси Тарлон бия ҳам боласи билан искалаб кўришади, ялаб-юлкайди-ку? Бошқа одамга сотиб юборилган от тасодифан эгасини ёки ўша оиладаги бошқа одамни кўриб қолса, кишнаб уни чорлаганини, кўзларидан мўлт-мўлт ёш оққанини кўрган одамлар бор, беш йил фронтда бўлиб қайтиб келган эгасини дарвоза ортида туриб томоғини қирганиданоқ таниб, у кириб келгач, атрофда гир-гир айланиб тавоф қилган итлар ҳақида озмунча асар ёзилганми?

Тирик жон борки, соғинади. Онги ривожланган одамларгина эмас, жон-жониворлар ҳам соғинса, унда, бу туйғу онга эмас, аввало ботиний онга тааллуқли экан. Ботиний ондаги нарсани эса йўқотиш, ё ўзгартириш мумкин эмас; унда одамнинг ўзи моҳиятан ўзгариб кетади. Қўмсашнинг ботиний онг маҳсули эканига иккинчи далил – сиз соғиниш бехуда эканини, бу билан ўзингизни фақат қийнашингизни биласиз, англайсиз, аммо соғинмай тура олмайсиз, демак, ботиний онда бори ондаги нарсадан зўрроқ, устунроқ бўлар экан. Буни ўз тажрибангиздан ҳам билсангиз бўлади: бирон нарсани қилишга чоғланасиз, аммо дилингиз чопмайди; алал-оқибат, кўнглингиз сезгани тўғри бўлиб чиқади. Зоҳирий онгни ақл дейиш мумкин бўлса, ботиний онг кўпроқ кўнгилга тўғри келади.

Илмий манбаларда таъкидланишича, ботиний онг (айрим адабиётларда гоҳо “онг-сизлик” ва “беихтиёрлик” каби икки қатламга ажратиб ҳам тасниф қилинади) инсон психикасининг чуқур пойдеворидир. Аслида, ҳеч бир нарсани “онг маҳсули” ва “онг ости

маҳсули” деб қатъий иккига тақсимлаб бўлмайди. Ботиний онг – онгнинг замини, асосидир. Иморат пойдеворсиз қурилмаганидай, ботиний онг қанчалик пойдор бўлса, онг ҳам шунчалик кучли ривожланади. Масалан, Расули ақрамга Куръон нозил бўлаётганида ёнидаги саҳобалар пайгамбар оғзидан чиқаётган катта-катта сураларни эшитибоқ ёдлаб олишган – бирон сўзи ҳам ўзгармаган. Имом Бухорий бир неча юз минг ҳадисни сўзма-сўз ёд билган. Пўлкан шоирнинг хотирасида етмишта катта-кичик дoston тизилиб турган, қирғиз оқини Саёқбой Қоралаев “Манас” эпосидан бир миллионга яқин мисрани ёдида сақлаган, бир китобхон Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романини бошдан-оёқ ёд айтиб, адибни қойил қолдирган, академик Воҳид Абдуллаев ҳатто номини ҳам кам одамлар эшитган юзлаб шоирларнинг манзумаларини ёдаки айтган... Буларнинг бари ботиний онга тааллуқли ҳодисалар, башарти ботиний онг суст бўлса, минг урининг, деярли натижа чиқмайди.

Онг ўзгариши мумкин. Мумкингина эмас, онг ўзгарувчандир. Одам билим олиши, хунар эгаллаши, маърифатли бўлиши, нималаргадир эътиқод қўйиши, қарашлари тизимли тус олиб, принциплари шаклланиши мумкин. Аммо ботиний онг маълум даражада ирсиятга тааллуқли – у деярли ўзгармайди. Кишининг хатти-ҳаракатлари, зеҳн-шуури унинг ботиний онгига боглиқ равишда юзага чиқади. Башарти диний қарашларга дахл қилаяпти, дея айблашларидан чўчимганимизда, ботиний онг – кишининг пешонасига битилган тақдири азали, деб айтган бўлардик. Чунки кишининг характери асосан ва аввало ботиний онда белгиланган бўлади, бошқача айтганда, аъмомимиз – ботиний онгимизнинг реаллашувидир.

Тақдири азални – пешонага ёзилганини ўчириб бўлмаганидек, ботиний онгни ўзгартиришга уриниш бехуда. Жаҳлдор киши, минг уринса ҳам, ювош бўлиб қолмайди, оғиркарвон кас ҳеч серҳаракат кимсага айланмайди, бир умр тумтайиб юрадиган тунд кишини хушчақчақ одамга айлантириш-да амри маҳол. Шунинг учун ҳам, тоғ ўрnidан кўчибди деса ишон, аммо фалон кишининг феъл-атвори ўзгарибди дейишса, ишонма,

дейишади. Чапақай одам ўнғақай бўлишга уринса, бош мия паллаларидаги жараёнлар бузилади. Шу сингари, ботиний онг маҳсули бўлган жиҳатлар одам учун тўғма бўлиб, уларнинг лоақал биронтасидан воз кечиш ҳам бутун организмдаги энг муҳим физиологик бутунлик, яхлитликни издан чиқаради.

Хотира – ботиний онгнинг асосий функцияларидан биридир. Унинг маҳсули бўлган соғинч туйғуси эса элементар ҳолатида нутққа боғлиқ бўлмаган тарзда юзага чиқади. Яъни соғиниш, ўз-ўзича, тил билан ифодаланмайди, ботиний онгда юзага келади ва ғайришуурий хатти-ҳаракатларда намоён бўлади. Соғинч – одамзод тараққий этган ҳозирги даврда юзага келган юксак ақлий бир ҳосила бўлмай, энг олис замонларда унинг ботиний онгига сингган, унинг ўзак ҳосилаларидан бири бўлиб қолган психикадир. Соғиниш йўққа чиқса, хотира ҳам барбод бўлади. Хотиранинг хиралашуви эса кишининг ақлий қувватини сусайтирибгина қолмай, одамийлиги, одамгарчилигига ҳам путур етказида. Ахир, ҳамма нарсани унутиб кўя берадиган одам... биров қилган яхшилиг ёмонлики эслолмас, билмас, бас, унинг инсонийлиги ҳам ҳаминқадар бўлиб қолади-да!

\*\*\*

Соғиниш ижтимоий тус олса, ностальгия юзага келади. Ностальгия – ўтмишни улуглаш эмас, балки ўтмиш ҳақида эзгин хотираларга берилишидир. Ҳар бир миллат қадим ва яқин ўтмишини улуглайди, ўша замонларда яшаган одамларнинг жўмардлиги, соддалиги, меҳмондўстлиги каби фазилатларини соғиниб эслайди, эъзозлайди, фарзандларига ибрат қилиб кўрсатади.

Ностальгия лотин тилида "уйга қайтиш, ватанини соғиниш" дегани. Чиндан ҳам, юридан олисда яшаётган аксар кишиларда юрак сиқилиши, зеркиш, бора-бора ҳаётдан тўйиб кетиш ҳоллари юз беради. Утмишда бу ҳодиса кўп учраган: ёт юртларда узоқ йиллар жангда юрган аскарлар, ўзга элларга савдо билан бориб қолган тужорлар, бир сабаб билан бўлак диёрларда кун кечираётган кишилар... Улар орасида соғиниш – ностальгия боис эрта куни битганлар кўп бўлган.

Аммо ностальгияга чалинган одам аслида ватанини эмас, ўтмишини – болалик ва ўсмирлик дамлари кечган паллаларни соғинар, уларни эслар экан. Ностальгияда ўтмиш, фақат ўтмиш бўлгани учунгина улугланмайди, балки ўтмиш ҳақида эзгин хотираларга берилиш юзага чиқади. Бунинг боиси, кенг маънода оладиган бўлсак, ҳар бир халқнинг тарихи, торроқ маънода эса, ҳар бир одамнинг тақдири – бизга совет даврида уқтирганларидай – фақат ғам-алам, кулфат ва мотамсароликдан иборат бўлмаган. Ҳаётда ташвишлар билан бирга, ҳамма замонларда қувонч онлари, миллатнинг юксалиб, нашуу намо топган паллалари, фарахбахш дамлар ҳам бўлган, ностальгияда миллатнинг ана ўша навқирон, бахтли дамлари, одамнинг камолот палласи кўмсалади. Шу маънода, ностальгия бир одам ё бир оилагагина эмас, бутун миллат ё халқлар гуруҳи, ҳатто бутун башариятга ҳам хос бўлиши турган гап. Фитрат "Темур сағанаси" асарида Темур даврининг шаън-шавкатини кўмсайди, шу орқали ўзи яшаб турган олағовур, маъносиз турмушни инкор этади. Бундай ностальгия эски замонларга қайтишга чорлаш эмас, балки муқаддас ўтмишни унутмаслик, ундан руҳ олиш орқали яна дориломон ҳаётга интилишдан юзага келади. Шу маънода, ностальгия – кучли ижтимоий эҳтиёж натижаси.

Ўтмишни кўмсаш, табиийки, шўро замонида бўлмагур, қораланадиган бир ҳодиса сифатида талқин этиларди. Чунки ёрқин келажак сари йўл олган иттифоқ таркибидаги юзлаб миллатларнинг ўтмишни соғинишига йўл қўйиб бўлмасди. Шу сабабли академик Иброҳим Мўминов таҳририда чоп этилган ўн тўрт жилдлик "Ўзбек совет энциклопедияси"ни ўша замоннинг "сиёсий зийрак" намояндалари илмий ё бошқа жиҳатдан эмас, айнан ўтмиш алломалари, тарихимизда ўтган буюк жаҳонгирлар, мумтоз адиблар ижодига батафсил ўрин берилгани боис, "ностальгия руҳи етакчилик қилиши"да айблашган. Аммо энди англая-мизки, атоқли олим шўро мафкурасининг ногорасига ўйнамасдан, тарихимизни фақат қора ёки туссиз бўёқларда тасвирлашга йўл қўймасдан, тўғри қилган экан.

"Чинор" романида (Асқад Мухтор) бир қисса бор: қадим замонда Белужистон подшоҳи кўшин тортиб келиб, Мовароуннахрни талайди, жами ишга яроқли кишиларни олиб кетиб, улкан қурилишга – "жаҳоннинг саккизинчи мўъжизаси"ни бино қилишга солади. Олис ўлкаларда илм олиб қайтган Абу Наср Форобий қул қилиб ҳайдаб олиб кетилганлар орасида акаси ҳам борлигини эшитиб, Белужистонга жўнайди, юз минглаб қуллар орасида бир ихтиёрий қул бўлиб ишлаб юра беради. Қишин-ёзин, эртаю кеч ана шу "бунёдқорлик" давом этади. Бироқ сал ўтмай қуллар орасида номаълум бир касаллик тарқаб, ўлим кўпаяди. Ҳеч бир табиб бунга чора топа олмайди. Аҳвол шундай давом этса, қуллар қирилиб битиб, "саккизинчи мўъжиза"нинг дунёга келиши гумон бўлиб қолади. Подшоҳ қуллар орасида Форобий ҳам борлигини эшитгач, уни чорлаб, устоздан бу офатни даф этишни сўрайди. Форобий шоҳга қуллар ватан соғинчида касал бўлишгаётгани, ёппа қирилиб кетмаслиги учун уларни озод қилиб, ватанларига қайтариш зарурлигини ўқтиради. Аммо қайси замонда қай бир ҳукмдор олимлар маслаҳатига қўлоқ солибдики, Белужистон подшоҳи алломаи замон сўзларини тингласа? Қулларнинг ўлиши билан шоҳнинг мутлақо иши йўқ, ишқилиб мўъжиза бино бўлса бас эди. Шунинг учун Форобийга ғазаб қилиб, саройдан ҳайдаб солади. Муаллим ус-соний тагин қуллар орасига қайтади, яна оғир, тинкани қуритадиган меҳнат, азоб-уқубат. Аммо бир оқшом Форобий қўйнидан най чиқаради. Шундай наволар чаладики, қуллар оҳанглар оғушида болалик ва ўсмирлик чоғлари кечган сўлим қишлоқларини, пишқириб оққан сойларини, муаттар саболар эсган саҳроларини кўргандек бўладилар, оҳ тортиб, ватанларини ёдга оладилар, кўзлари ёшга тўлиб, Форобийдан ҳар оқшом наво чалишни сўрайдилар, ватан соғинччи най оҳанглари орқали бир қадар туйиб, таскин-тасалли топадилар ва оқибат – даҳшатли қиргин аста чекина бошлайди. Қуллар ватан ҳажрида дард чекаётган, ҳозирги тилда айтганда, ностальгия хасталигига чалинган эканлар...

Ёки сизга таниш яна бир мисол: Ҳиндистонга подшоҳ бўлган Бобур юртидан

олиб келинган битта қовунни кўриб, ватан ҳажрида йўғлайди. Битта қовун – ватан тим-соли бўлиб кўринади Бобурга.

Ностальгия адабиётда ватанпарварлик мавзуининг бош омилидир. Ёдингиздан чиқмаган бўлса керак,

*Бўйи жўйи Мўлиён ояд ҳаме,  
Ёди ёри меҳрубон ояд ҳаме...*

деб бошланадиган газални Рўдакий оғзидан эшитиши билан амир лашкарни Бухорога қайтаришга фармон бериб, ўзи этигини ҳам киймай отга минган – ватан ҳажрининг ўтли ифодаси подшоҳ юрагини шунчалар ларзага келтирган эди!

Муҳаммад Юсуф "Ўзбекистон" шеърисида она юртининг бедапоясини Римга, битта тандирини Парижнинг энг зўр ресторанига олишмаслигини айтади, ўзга юртга боргач, уч кун ўтмай ватан соғинчида ўртаниб, саёхатдан воз кечганини, баҳорда Бахмалда туғилган кўзи учун араб оҳусидан ҳам азиз эканини измиҳ қилади. Ватан ҳақида ёзилган ушбу саволлар, таъсирчан шеърни ностальгияга бағишланган асарларнинг нодир намуналаридан дейиш мумкин. Сўз санъати тарихида бундай мисоллар беҳисоб.

Ностальгия болалик ва ўсмирлик даврини – ҳаётининг энг тотли дамларини соғиниш, униб-ўсган жойларини қўмсаб тарзида намоеън бўлади, дедик. Шу боис, ватанимизда туғилиб, болалиги шу ерларда кечган, аммо ҳозир бошқа бир юртда умргузаронлик қилаётган ватандошларимиздаги ностальгияни ҳеч нимага қиёслаб бўлмаслиги аниқ. Улар йил ўн икки ой – бир умр ватанни қўмсаб яшайдилар ва ўз туйғуларини фарзандларига ҳам васият қилиб қолдирадилар. Аммо... асл ватанни оталари каби соғиниш иккинчи, айниқса, учинчи авлодга ҳам хос бўладими, улар ҳам асл ватанни аҳждодлари каби қўмсайдиларми – бу саволга жавоб бериш мушкул. Негаки, уларнинг болалиги – ностальгия туйғуларини кўзғатадиган паллалари – бошқа жойларда, бошқа вазият ва манзаралар оғушида кечади... Гарчи улар, Ўзбекистонни соғинишини, шу юрт улар учун асл ватан эканини ҳарчанд таъкидласаларда, туғилиб ўсган ва камол топаётган ватанлари энди бошқа. Бундан маълум бўладими,

бир замонлар хорижга мажбуран чиқиб кетганлардан фарқи ўлароқ, кўпроқ пул топиб, осонроқ яшаш илинжида чет ўлкаларда яшашни ихтиёр қилаётган одамлар, айниқса, уларнинг фарзандлари томири ватан заминдан узилиши, ахйир бoshқа миллат ва эл кишиларига айланиши турган гап...

Гарчи соғинган одам аҳволдан шикоят қилса-да, ностальгия, кўмсаш туйғуси аслида киши руҳини аллалайди, унга ором беради. Соғинган одамнинг юраги ширин ҳаловат туяди, киши ботинан шу соғинч янада ортиб боришини истайди, чунки соғинган, соғинаётган паллаларида ўзи руҳан ўсади, янада олижаноб бўлиб қолади. Бу ҳолатни жуда теран туйган мавлоно Фузулий уни мухтасар ифодалаб, "Бу сенинг дарди фироқинг – бани жонима хузур" дейди. Қаранг, фироқ дарди, яъни умуман олганда дард... жонга хузур беришга ҳам қодир экан. Шундай дамлар ҳам бўладики, киши матлаби кимнидир ё ниманидир кўриш, ё унга етишиш эмас, балки шу соғинишнинг ўзи бўлиб қолади.

Нега? Чунки биз гарчи реал оламда, бир-биримиз билан бирга кун кечираётган бўлсак-да, айна пайтда ҳар бир одам ўз ички оламида, ўз фикр-хаёллари, орзу ва туйғулари оғушида яшайди. Унинг бу ички олами унинг учун бу кураш ва галваларга тўлган серташвиш дунёга қараганда чандон гўзал, саришта ва осойишта, мукамалдир. Киши бундай дамларда аввало ана шу соғинч туйғуларини ардоқлайди. Чунки соғинч ҳадафи бўлган одам ёки нарса фақат соғинч кўзговчи хислатлар мажмуигина эмас. Реал ҳаётда бу киши ёки бу нарса нафақат соғинтирувчи, балки бездирувчи феъл-атворга ҳам эга бўлиши мумкин. Бинобарин, соғинган одам унинг ўша яхши, ширин ва латиф хислатларинигина кўмсайди, яъни тасаввурдаги одамни соғинади. Соғинган одам учун аввало ўз истаги, интизорлиги, мушқоқлиги тотли.

Хўш, одамда соғиниш туйғуси қачон ва қандай пайдо бўлади? Мен бу ўринда аллакимга ишингиз тушган-у, унинг тезроқ кела қолишини кутишингиз каби соф рационал ва прагматик вазиятни эмас, балки сизга нафи тегмайдиган, болалик чоғларингизнинг аллақайси пучмоғида қолиб кетиб деярли

унтилган, аммо қай бир сабаб, масалан, айвонда ўтирган чоғингизда гириллаб эсган шабада баҳона, дилингизга ёпирилиб келган хузурбахш, тотли туйғуларнинг – бир пайтлар кечирган ҳиссиётларингиз, кўрган, лекин ҳозир эсдан чиқаёзган манзараларингиз ёдингизга тушгани каби ҳолатларни назарда тутяпман – ана шунинг манбаи ва маншаи нима? Масалан, мен бирон дарахтзор орасидаги юқорига ўрлаб чиққан ва яна пастга эниб кетган йўлни ҳеч қачон кунботар чоғида кўрмаганман, аммо қачон Усмон Носирнинг "Боғларга намозгар салқини тушди..." деган мисрасини ўқисам, лоп этиб бояги манзара кўз олдимда намоён бўлади, шу ҳолатни соғинавераман. Шу ҳолат – менинг армоним, менинг ностальгиям.

\*\*\*

Кўмсаш, тусаш, соғиниш эслаш орқали юзага келади. Кўмсаш – ёдга олиш маҳалидир. Ёдга олган паллангиз унга етишишни истасангиз, соғинган бўласиз. Эътибор қилгандирсиз, киши соғинган одами ё нарасига етса, уни ўз ичига олгиси келади – анор ё анжирни ютоқиб ёйди, ёрни, фарзанд ё дўстни кучиб, ўпади. Ўпиш ҳам, аслида, ичга тортиш – ейишнинг имитациясидир, бунинг иложи бўлмаса, қучади, баргига босади. Бу ҳолатнинг асосларини изоҳлаш физиолог олимларга ҳавола, аммо соғиниш – муҳтожликнинг сезилиши, юзага чиқиши экани аниқ.

Соғиниш – хотира маҳсули. Аммо соғиниб эслаш орқали хотираю хофиза ҳам кучайиб кетади. Бунга ёқтириб ёдлаган шеърингиз билан мажбуран ёдлаган шеърингизни эслаш орқали ишонч ҳосил қилиш мумкин – аниқки, кейингиси тезда фаромуш бўлади. Ҳозир ҳамма дарров қабул қилишга, дарров унутушга ўрганган. Хотирамиз сусайиб боряпти. Натижаси эса маълум: поляк адиби Станислав Ежи Лес истеҳзо билан қайд қилганидек, "Ҳамма эсимда йўқ дейди, аммо ҳеч ким эсим йўқ демайди".

Бугун исталган тўрт юз одамни бир залга тўпланг, улар ичнда тўртта шеърни ёд билладиган, ё биронта ҳикояни чиройли қилиб айтиб бера оладиган одамни топа олармикансиз? Хотирани, соғинчни, кўмсашни онгимиздан ситиб чиқарганимиз сари, одамгар-

чилигимиз ҳам шунга яраша йўқола боради, ўзгаларнинг қадрига унча етмай кўямиз, уларнинг кимлиги, қандай инсон эканлиги бизни деярли қизиқтирмайди, одамларга биз гўё бир буюмга қарагандай назар соламиз, “фойда етказиш коэффициенти” қанчалигига кўра муомала қилиб, одамиилигимизга пугур еткази бошлаймиз.

Аммо ботиний онг бунга жавобан ўзини бот-бот эслатиб туради. Эътибор берганмисиз, бирон танишимизга дуч келсак, кўпинча у билан кулимсираб сўрашамиз, бир қадар уни соғинганимизни билдирган бўламиз. Бунда, фақат танишимизнигина эмас, ўзимизни ҳам уни кўмсаганимизга ишонтиришга уринамиз. Шу сингари, ватанини севган одам, ҳатто она юрти бағрида яшаб ҳам, уни соғинаверади, бу эса гўдакнинг оқшомдан тонг отгунига қадар онасини кўргиси келавергани каби инжа бир туйғу.

Соғиниш кўнгилни олижаноблаштиради. Олижаноб одамгина соғинади. Бадхоҳ, худбин кас ҳеч кимни, ҳатто туққан онасини ҳам кўргиси келмайди. Саид Аҳмаднинг “Уфқ” романидаги қочоқ Турсунбой ана шулардан бири. Ахир, у тўқайда яшириниб юрган чоғида онасини интиқ кутади-ку, дейишингиз мумкин. Йўқ, онасини эмас, тўқай ичигади капасига онаси оқеладиған овқатни соғинади, бир гал эса севгилиси Зебига узоқдан кўзи тушади, аммо унга Зеби эмас, унинг қўлидаги кумгон азизроқ кўринади.

\*\*\*

Соғинишнинг бегоналашуви – тамаддуннинг, айниқса, ҳозирги тараққиётнинг одамзодга етказган, етказаетган энг катта зиёнларидан биридир. Илгари бировни соғинардик, аммо ета олмас эдик, энди эса унга етишишдан осони йўқ, аммо... соғинишимиз маҳол! Чунки яқин одамингиз дунёнинг нариги чеккасида бўлса ҳам, телефонда ҳар кун овозини эшитиб, интернетдаги электрон почтаси орқали боғланишингиз, қўл телефонингиз орқали ҳатто ер қаърида – юз эллик метр чуқурликдаги метро вагонда шувиллаб кетиб бораётганида ҳам сўзлашиб, “видеоқаирув” орқали кўришиб, гаплашингиз мумкин – виртуал дийдор дийдаси қаттиқ одамлар учун дийдор ўрнини

бемалол босадиган бўлиб қолди. Унинг тури кўпайиб, ўзи тобора мураккаблашиб, оммалашиб бораётир.

Олмон олими Освальд Шпенглер “Европанинг сўниши” асарида маданият билан тамаддунни шартли равишда қиёсан таҳлил қилади. Олим маданият – тараққиёт даражасидир ва у муайян даражага етиб боргач, тамаддунга айланади, тамаддун эса тараққиётнинг секинлашуви, қотиб қолиши, аста-секин заифлашиб, сўнишидан иборат, деб уқтиради (қаранг: Умаров Б. Қалбнинг гўзаллиги – бебаҳо бойлик // “Маънавий ҳаёт” журнали, 2013, нишона сони, 91-бет). Шу маънода, кишилиқ тарихида маданиятнинг роли ижобий, тамаддуннинг роли эса салбий, деса бўлади. Агар бу фикр, ҳатто шартли равишда бўлса ҳам, мақбул деб топила экан, унда биз ҳозир тамаддун даврида яшаётган бўлиб чиқамиз. Чунки бу давр, мазмунан, инсоннинг ўзлигига, туб моҳиятига, жумладан, ботиний онги ривожига зид амаллар етакчилик қиладиган замонга айланади.

Биз ботиний онгимизни маҳв этиш, унинг табиатига зид ишлар билан машғулмиз. Онгимиз тараққий этгани сари ботиний онгни кейинга суриш, унга эътибор бермасликка интиламиз. Ҳолбуки, ботиний он зоҳирий оннинг асосидир; ақл, феъл-атвор, табиат, зехну шуурнинг бари ботиний ондан келади. Шундай экан, ботиний онни хиралаштириб, сўндирадиган ишларнинг бари пировард-натигада зоҳирий онга ҳам заха етказилади. Зоҳирий онг баайни кишилиқ жамияти бўлса, ботиний онни табиатга қиёслаш мумкин – биз табиатга қанчалик зуғум ўтказсак, охири оқибат, у бизга янада даҳшатлироқ жавоб қайтариши тайин-ку?

Глобаллашув деган “қора туйнук”ка хоҳнохоҳ равишда, аммо йил оша, яна ҳам тезлашган ҳолда кириб кетаётган одамзод кунни келиб бу тамаддуннинг касрига қолиши тобора аниқ бўлиб борапти. Бунинг оқибатини англаб, унга қарши туришга интилаётганлар аввало миллий маданиятлар, минг йиллик тарихий тажрибада шаклланган олижаноб урф-одатлар, анъаналарнинг поймол бўлишига ачиниш билан қарайдилар, шу боис, бу тузоққа илинмасликка даъват этадилар. Бу,

албатта, тўғри, ammo умуминсоний миқёсда олганда-чи, бу сатҳда биз нимага ачинишимиз керак?

Бир қарашда, одамзод техникавий ва технологик инқилоблар дунёсида яшаётир ва бу инқилоблар чексиз давом этадигандай. Техник-технологик тараққиёт эса одамнинг машаққатини камайтириш, унинг огирини энгил, узогини яқин қилишдай кори хайрагина хизмат қилмай, шу билан бирга, оғзидан чиққанини муҳайё қилиш, истаган тантиқлигини бажо этиш, кўнгли тусоганини ўринлатишга ҳам имкон берадики, бундай вазиятда одам боласи ишлашга, меҳнат қилишга мажбур бўлмай қолади. Илгари меҳнат нафақат тирикчилик воситаси, балки ҳаётий эҳтиёж ҳам эди. Энди меҳнат қилиш, чинакам, астойдил ишлаш, тер тўкиш инсоннинг инсонлигини, унинг моҳиятини белгиловчи мезон саналмай кўйди. Бу эса одамларда турли янги хасталиклар, жисмоний заифликнинг келиб чиқишига сабаб бўляпти. Зеро, одамлар энди ўта мураккаб техника, энг сўнгги технология устида бош қотиришга маҳкум. Бунинг оқибатида асабийлик, жиззакилик, тегманозиклик ортиб, янги касалликлар кўпаяётир. Маълум бўладики, одамзод гарданадаги машаққат бир миқол ҳам камаймай, жисмоний соҳадан ақлий-руҳий соҳага кўчиб ўтибди, холос.

Фақат шугина эмас.

Соғиниш – ботиний онгининг энг муҳим хоссаларидан бири. Аниқроқ айтадиган бўлсак, айнан соғиниш ҳаётимизнинг асосидир. Масалан, севги, ишқ-муҳаббатни – ана шу ҳаёт бешигини бир лаҳзага, ҳатто хаёлан бўлса ҳам, соғинишсиз тасаввур этиб бўладими? Соғиниш бўлмаган жойда ишқ-муҳаббатга ўрин қолмайди, соғинчсиз севиш – йўқ нарса. Ахир ўзингиз ўйланг, севгиси шу қадар аланга олармиди Қайснинг, агар Лайли ҳамиша ёнида бўлиб, хоҳлаган пайт у билан кўриша олганида?

Биз эса бугунги кунда айнан соғинишни йўққа чиқаришга киришдик. Ундан-да ўтиб, ишқ-муҳаббатнинг ширин соғинчларидан ҳам воз кечишга тайёрляямиз ўзимизни. Қандай қилиб денг? Тунов кун қўл телефонимга Юсел компаниясидан СМС хабар келди. Ўқисам, "Ишқий ҳиссиётлар етиш-

маяптими? Қизлар учун севги ихзори – КЗ, йигитлар учун – ВЛ сўзини 5744 га юборинг. Бир кириш СМС – 10 цент" деган сўзлар битилган. Ажаб, бўлажак умр йўлдошимизга ҳам бировнинг гапини айтиб шакарғуфторлик қиламизми энди? Ўйлаб қарасам, компания фақат буни кўзда тутаётганга ўхшамади. Ният бошқачароқ. Улар миллатнинг маънавиятини, ахлоқини шу зайдда "оз-оздан" буза бориб, бир умрлик муҳаббатни эмас, бугун бировга, эртасига бошқага қилинадиган "севги ихзори" рецептини тиқиштиришмоқчи (бу айни пайтда бизнес ҳам). Бугун бир нотаниш қизга уни севиб қолганингизни айтасиз, уч кун ўтиб – бошқасига. Қаранг – Юселчилар ҳатто қизлар учун ҳам севиб беришга, уни дoston қилишга ҳозир у нозир. Йўқса, қиз бола ёки аёл зоти (ҳатто фоҳиша бўлса ҳам), шарм-ҳаёни юзидан сидириб ташлаб, эр кишига уни "севиб қолгани"ни айтадими? Буни бизга четдан олиб келиб тиқиштиришяпти, дейсизми? Ҳа, шунақа. Ва шунақа деб айоханнос солишдан осони йўқ. Унга ўзимиз замин тайёрлаб бераётганимиз эса ёдимизга ҳам тушмайди. Ахир, бир эслаб кўринг, оналарга алла айтишни ўргатиш, ҳали буй қизлар ўртасида ҳам "алла танлови" кабиларни ўтказишлар ўзимиздан бўлмай, кимдан чикди? Алла айтиш ўргатиладиган, алла хониши – танлов қилинадиган санъатми? Ахир, ҳар бир она фарзандига ўзи алла тўқийди-ку? Алла – онанинг ижоди, она уни кўпчилик олдида эмас, жигарпораси билан ёлғиз қолганида айтади-ку? Бунда "оммабон" сахнага ўрин йўқ. Аллада, ҳатто, сўз ҳам бўлмаслиги мумкин, ширали овоз ҳам шарт эмас, у – дил тубидан чиққан нола, ҳиссиёт тўлқини. Алла – вокал жанр эмас, юрак кўшиғи.

Севги ихзори SMS тарзида сотиб олиб, аллани эса фонограммага солиб, биз ботиний онгимизни заҳарляямиз, уни барбод этиямиз. Ахир, биров тўқиган "муҳаббатнома"ни айтиб севиб бўладими, чинқириб айтилган "алла" аллами? Хонанда аёлнинг алласи дилдан эмас, бўғиздан чиқади. Шу каби, аслида бир оғиз сўз айтмай ҳам севиш мумкин. Сўз, хусусан, Юселчиларнинг "севги ихзори" каби сохта ишқномалардаги сўз туйғуни маҳв этади. Аслида, сўз дил калити эмас, балки кўнгли ойна-

сини тўсувчи пардадир. Соғинчнинг энг юқори нуқтаси – унинг юракка сигмай, арзиҳол тарзида изҳор этилишидир. Аммо баён этилгач, соғиниш бир қадар сўнади.

Онгни ишга солиб бировнинг фикрини ўзгариши, онгни чалғитиш мумкин. Бироқ ботиний онга тегишли нарсалар фақат ҳақиқий, асл бўлсагина яшай олади – бу борада бировни алдаш қийин. Масалан, зўраки кулиш, сохта аразлаш, ёлгондан соғиниш амри маҳол. Шунинг учун ҳам ҳозир жуда оммалашиб кетган бир ҳол – атиги икки кун аввал кўришган таниш-билишлар билан кучоқлашиб кўришиш ниҳоятда совуқ кўринади. Чунки бу апоқ-чапоқ бўлаётганларнинг юз-кўзида энг муҳим нарса – соғинч кўринмайди, уларнинг ҳеч бири кўмсаганига шеригини ишонтира олмайди. Бундан кўра оддий кўл олишиб саломлашиш анча самимий чиқади. Зеро, одамларнинг соғинчини яширишга урингани қанчалик гўзал бўлса, бу туйғуни ошириб-тошириб кўрсатиши шунча хунук ва совуқ...

Аммо ҳозир рационал ахборот даври. Ахборот товарга айланди. Ҳис-туйғулар эса эскилик саналади. Жумладан, соғиниш ҳам. Биз хотира маҳсулини онг-шууримиздан ситиби чиқариб, уни даставвал лойга, тошга, суякка, папирусга, қоғозга битиб кўядиган бўлдик; эндиликда компьютер, кўл телефони сингари техникавий анжомлар "хотира"сига кўчириб ўтказяпмиз. Бу сунъий хотиралар йилдан-йилга каттароқ қувват ва каттароқ сиғимга эга бўла боряпти, уларнинг қувваи ҳофизаси улканлашгани сари одамзотнинг хотираси кичрайишга қараб кетяпти, энди бутун бошлик дostonларни ёд биладиган одамларни етти иқлимдан қидириб ҳам топа олмайсиз, зеро, "ортиқча" хотирага эҳтиёж ҳам йўқ – бани башар хотирадан маҳрум бўлишга қараб кетаётир...

Техника хотирасини қанча улканлаштириб, у бажарадиган иш турини қанча кўпайтириб, компьютерларни гаплашадиган, ҳатто маслаҳат берадиган қилиб "одам"-лаштирганмиз сари ўзимиз шунча роботлаша боряпмиз. Чунки... ботиний онгимизни ўлдиряпмиз, бизни одам қилиб турган ўзагимизни қиряпмиз. Ботиний онгидан мосуво

кимса – манкурт, у шу дамдаги фойдани ўйлаб яшайди, вассалом. Ёқтириш, нафратлашиш, кулиш, севиш ва ҳоказолар унга бегона. Манкурт кулмайди ҳам, соғинмайди ҳам.

...Абитуриент эдим. Ҳар кун китоб кўлтиқлаб Тошкентнинг Гагарин паркига, "мутолаа"га келаман. Бирон скамейкага ўтириб, китобни очаман, аммо хаёл уйимизга – отаонам, укаю сингиллар, ёр-дўстларга кетади. Ҳатто оғилдаги кўй-кўзилар ҳам бирмабир эсланади. Китоб варақлари эса "Мени ўқимайсанми?" дегандай ланг очилганча юзимга қараб туради. Натижаси – маълум... Келаси йил ҳам шу аҳвол бўлди. Аммо соғинмай турулмасам, нима қилай? Ниҳоят, учинчи йили аҳд қилдим: "Соғиниш шу бўладиган бўлса, энди ҳеч кимни соғинмайман, ким ёдимга тушса, ўша заҳоти дарров хаёлимни бўлиб, китоб ўқишга тушаман". Ана, дорилфунунга ҳам кириб ўқиялман. Аммо... алланамани бой бергандай, сал манкуртлашиб қолгандай сезиб қолдим ўзимни. "Соғинчли салом хат" дея сарлавҳа қўйиб, бирон кишига мактуб ёзмаганимга ҳам ўттиз йилча бўлибди. "Ё тавба, наҳотки ҳеч кимни соғинмаган бўлсам? Йўқ, ундай эмас, – деб яна ўзимни овулган бўламан, – ҳозир ахборот асри, хат ёзишадиган замонлар ўтиб кетди..."

Энди соғинишнинг асти иложи йўқ, соғинишга ҳатто вақт ҳам йўқ!

Шу кетишда нима бўларкан: одамийлигимизни пайдар-пай бой бера-бера, бир кун асл инсоний моҳиятдан ҳам тугал воз кечиб қўймасмиканмиз?

Соғиниш... Нақадар тотли, нақадар кўнгилга яқин туйғу!

*Ту бо мани, дар Ямани – пешу мани,  
Ту бе мани, пешу мани – дар Ямани!*

Яъни:

*Кўнглинг менда, сен Яманда – ёнимдасан,  
Кўнглинг менсиз, сен ёнимда – Ямандасан!*

Ушбу байтни Хожа Аҳрор вали қаламига мансуб дейишди. Дарҳақиқат, соғиниш – одамийлик белгиси, кўнгили яқинлиги эса инсоний фазилат. Шундай экан, бу борада ҳазратдан ўтқилаб яна нима дейиш мумкин?

Абдулла ШЕР

# НАҲОТБАҲШ ҚАЙГ'У ВА УМИДБАҲШ КУЛГИ

Инсон шундай ноёб мавжудотки, у ўз қайғусидан ҳаётбахш руҳ топа билади, кулгисидан фалсафа ясай олади, кўзёш билан кулиб, кулиб туриб кўзёш тўқишга қодир. Чунки унинг ҳаёти икки кутб – фожиа ва қувончдан иборат. Инсон ана шу қўш кутбнинг жонли маркази сифатида азалу абад ҳам фожиага, ҳам кулгига ошно бўлишга маҳкум. Ана шу ҳолат, шубҳасиз, унинг маънавий изланишларига таъсир кўрсатади, ижодкорликка ундайди ва яратган санъат асарларини эстетик жиҳатдан юксалтиради. Бу хусусиятлар нафосат фалсафасида “фожиавийлик” ва “кулгилилик” тушунчалари орқали ифодаланади. Дастлаб уларга алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтамиз.

“Фожиавийлик” нафосат фалсафасининг қамровдор ва муҳим тушунчаларидандир. Унинг замирида фожиавий зиддият мужассам. Фожиавий зиддият шахс орзу-истаклари, мақсадлари билан жамият талаблари орасидаги қарама-қаршиликдан вужудга келади, бошқача айтганда, фожиавий зиддият – эркинлик ва зарурият ўртасидаги қурашдир. Бу қурашда “зарурият – объект, эр-

кинлик эса субъект демакдир” (Шеллинг Ф. *Философия искусства. М., “Мысль”, 1966, стр. 400*). Эркинликни ўзида мужассамлаштирган фожиавий қахрамон, яъни субъект зарурият тажассуми бўлмиш воқелик – объект билан тенгсиз қурашда ҳалок бўлади.

Шуни айтиш керакки, фожиавий ўлим оддий – табиий ўлимдан ҳам, фожиали ҳалокатдан ҳам фарқ қилади. Дейлик, тўқсондан ошган қария вафот этди. Унинг ўлимини ҳеч ким – оила аъзолари ҳам, маҳалла-қўй ҳам фожиа сифатида қабул қилмайди, аксинча, фотиҳа ўқилгач, Худо у кишининг ёшини бизга ҳам берсин дейди, ҳатто бу ҳолга ҳавас қилади. Чунки инсон ўлимдан қочиб қутулолмайди. Ошини ошаб, ёшини яшаган, биологик умр нуқтаи назаридан қариган одамнинг аъзои бадани ўз тириклигини нафақат табиий равишда, ҳатто тиббиёт ёрдамида ҳам таъминлай олмай қолади. Шунинг учун бундай ўлимга фожиа эмас, табиий ҳодиса сифатида қаралади. Фожиали ҳалокат эса ундан фарқ қилади. Дейлик, ёшгина қурувчи йигит иморатдан қулаб тушиб, тасодифий фалокат сабаб ҳалок бўлди. Унинг ўлими

ачиниш уйғотади, мархумнинг ҳамкасблари, оиласи ва қариндош-уруғлари томонидан фожиа сифатида қабул қилинади. Бироқ бу "фожиали ҳалокат" деб аталса-да, фожиавий ўлим эмас.

Фожиавий ўлимнинг моҳияти шундаки, унда давр, жамият, миллат қаҳрамони ҳалок бўлади. Лекин қаҳрамон ғоялари, идеаллари абадий қолади ва келгусида жамиятнинг янгилиниши, инсонийлашуви, эркинлашуви, фаоллашувига хизмат қилади. Бошқачароқ айтганда, у идеал реаллик билан курашда ҳалок бўлади ва ўлими орқали ўзининг шу реалликдаги боқийлигини таъминлайди. Яъни фожиавий ўлимда чекланганлик ва чексизлик, ўлим ва ўлмаслик диалектикаси воқе бўлади: чекланганлик – чексизликка, ўлим – ўлмасликка айланади. Масалан, Жаллолиддин Мангуберди ёки Жанна д'Арkning ўлими давр учун фожиа, миллат, жамият, ҳатто бутун инсоният учун ўрнини тўлдириб бўлмайдиган йўқотишдир.

Фожиавийлик табиатда ҳам намоён бўлиши мумкин. Лекин у объектнинг эмас, асосан субъектнинг ички кечинмалари натижасида, инсон қалбнинг маҳсули сифатида руй беради. Дейлик, сиз овчисиз, қўлдан бир нечта ўрдак отдингиз. Хурсандсиз, уларнинг ўлимига ачинмайсиз. Лекин модасидан айрилган оққушнинг сўнги бор қийқириб, қўл билан, офти билан, ҳаёт билан видолашиб, осмону фалакка учганини ва кўз илғамас баландликдан, қаноатларини йиққанча ўзини ерга отиб ҳалок бўлганини кўргангизда юрагингиз ачишиб кетади, унга ачинасиз, афсус чекасиз, бироқ ич-ичингиздан уни олқишлайсиз. Чунки парранданинг ўлимида севги, садоқат ва мардликни, бир сўз билан айтганда, оққушнинг одамийлашганини кўрднгиз.

Дарҳақиқат, табиатдаги фожиавийликни ҳайвонлар, паррандалар, ҳатто ўсимликларда ҳам учратиш мумкин. Аммо бундай ҳодиса кўпроқ санъатда мажозийлик орқали воқе бўлади. Мисол тариқасида Чўлпоннинг машҳур "Бинафша" шеърини олиб кўрайлик, ундаги мана бу сатрларга эътибор қилинг:

*Бинафша сенмисан, бинафша сенми –  
Кўчада ақчага сотилган?  
Бинафша менманми, бинафша менми –  
Севгингга, қайгингга тугтилган?*

*Бинафша, нимага бир озроқ очилмай,  
Бир эркин кулмасдан узилдинг?  
Бинафша, нимага ҳидларинг сочилмай,  
Ерларга эгилдинг, чўзилдинг?..*

*Бинафша, йиллама, бинафша, кел бери,  
Қайгингни қайгимга кўшгил.  
Бинафша, сен учун – кўкрагим эрк ери,  
Бу ердан кўкларга учгил.*

*(Чўлпон. Асарлар. Уч жилдлик, 1-жилд.  
Т., Фағур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. 42-43-бетлар).*

Бир қараганда, бинафша оддий дала чегаги, илк баҳорда очилади, уни кўчаларда кичик-кичик гулдаста қилиб шаҳарликларга сотишади. Бу одатий ҳол, унинг фожиавийликка алоқаси йўқдек. Бироқ шу дала гули ижодкор юрагига кўчиб, мажозийлик касб этганда, шоирнинг ғояларига йўғрилиб, Ватан қиёфасига айланади. Энди у бинафша эмас, сибсат бозорида сотилаётган, эрка эришгану яна эркинликдан узиб олинган Туркистон фожиасининг тимсоли; энди Туркистон эрксиз, фақат шоир қалбидагина яна эрка эришиши ва шу ердангина кўкларга буй чўзиши, эркин нафас олиши мумкин. Шеърдаги фожиавийлик руҳи қалбнингизга кўчиб ўтади: шаклан бинафшага айланган Туркистон сизда ҳамдәрлик, ачиниш ҳиссини уйғотади, бирваракай ҳам бинафша, ҳам Туркистон, ҳам эрксиз Ватан шоирнинг фожиаси кўз олдингизда жонланади.

Санъатда фожиавийликнинг намоён бўлиши ўзига хос тарихга, тадрижийликка эга. У антик санъатда, хусусан, фожиа жанрида дастлаб қаҳрамонларнинг хатоси, фожиавий тақдири сифатида, кейинроқ фожиавий айб тарзида инъикос этади; қаҳрамонларнинг ўз машъум тақдирини ўзгартириш йўлидаги ҳар бир ҳаракати айнан ўша тақдирни яқинлаштиради. Бунинг мисолни Софоклнинг "Шоҳ Эдип" фожиасида кўрамыз. Эдипнинг тақдирдан қочиши аслида унга интилиши билан яқунланади. Кейинги даврларда, хусусан, синфийлик ва табақалашш жараёнлари сусайиб, миллий яқдиллик кучайиб боргани сари фожиавийлик қаҳрамоннинг комиллиги жамиятнинг номукаммалиги билан изоҳлана бошлади, яъни умуминсоний ёки умуммиллий ижтимоий ҳодиса сифатида талқин этиладиган бўлди.

Санъатдаги фожиавийлик инсон қалбини фориғлантиради, кўрқинч, ачиниш, ҳамдардлик туйғулари воситасида қалб – рух салбий, майда ҳислардан тозаланади. Натижада инсон, Арасту таъкидлаганидек, бир томондан, бошига тушган кўрғиликларга хотиржам қарай бошласа, иккинчи томондан, бахтсизлик гирдобидагиларга нисбатан ачиниш, раҳм-шафқат ҳиссини туяди. Бошқача айтганда, фожиавийлики идрок этгандан сўнг инсондаги ўзгариш ожиз кўзнинг очилишига ўхшайди: у дунёни янгитдан кўра бошлайди. Жисмоний азобдан, ҳатто бадантарбия машқларидан сўнг кишининг вужуди қандай яйраб ором олса, рух ҳам фожиавийлик орқали шундай ҳолатни бошдан кечиради. Фожиавийлик рух учун пировард натижада роҳатга айланади, у, маълум маънода, рухнинг "бадантарбияси"дир. Чунки фориғланиш узоқ муддат давом этмайди, тирикчилик ташвишлари яна қалбингизни қамраб олади-да! Шу боис инсон санъат воситасида фориғланиш, йириклашиш, олижаноблашиш ҳолатини туяди.

Шундай қилиб, фожиавийлик фориғланиш орқали инсонни тазарруга ундайди, шукроналикка, сабр ва кенгфэълликка ўргатади. У, бир жиҳатдан, улкан йўқотишнинг қайғули марсияси, иккинчи томондан, боқийлик рутбасига эришган инсон ҳақидаги улугвор мадҳия тарзида маънавий ҳаётда ўзига хос ўринга эга. Шу сабабли баъзан уни улугворликнинг мантиқий давоми ҳам дейишади.

Шу ўрингача биз фожиавийликнинг бир тури – кўтаринки рух берувчи ҳаётбахш фожиавийлик тўғрисида фикр юритдик. Унинг иккинчи тури ҳам мавжудки, унда нисбийлик – ҳаётбахшлик хусусияти йўқ, мутлақ фожиа бор, холос. Бу эстетикага доир адабиётларда "даҳшатлилик" деган тушунча билан ҳам ифодаланади. Агар тубанликда узоқ муддат ўтгач, улугворликка инсоннинг эҳтимоли ёки инсон яшаши учун ўта шартли имкон, бошқачароқ айтганда, туннелнинг адоғидаги ёруғликка озгина илнж сақланиб қолса, бундай фожиавийликда инсоннинг, ҳатто инсониятнинг яшашига мутлақо шароит қолмайди, келажак маъносини йўқотади – абсурдга айланади, тушкунлик ўзининг ҳадди аълосида намоён бўлади. Шу боис уни туш-

кун фожиавийлик, қаҳрамонсиз, жасоратсиз фожиавийлик деб аташ мумкин. Бу ҳолатни буюк инглиз шоири Жорж Байрон "Зулмат" деган кичик достонида акс эттирган; қуёш совиғач, дунёни босган зулмат ичида одамлар сўнгги гулханларнинг кўридан тафт излайди, уларнинг ваҳшийликда ҳайвондан фарқи қолмайди. Очликдан, совуқдан ўлиб битадилар. Қачонлардир ҳашаматли пойтахтда доимо ўзаро душманликда яшаган икки одамгина тирик қолади; улар ўзлари билмаган ҳолда баравар бир кўрни титади ва унинг сўнгги ёруғида бир-бирини кўрган захотиёқ жонлари узилиб, йиқилади; ой йўқ, юлдуз йўқ, булут йўқ, шамол йўқ, осмон билан ер қоришиб кетган, ҳамма раҳса ҳаракатдан тўхтаган – олам бўм-бўш... (*Байрон. Соб. соч. в 4 т., Т.2., М., "Правда", 1981, стр. 95-97.*)

Бундай мушкул фожиавийликнинг тасвирини санъатда у қадар кўп учратмаймиз. Шу сабабли фожиавийлик ҳақида гап кетганда, одатда, ҳаётбахш руҳдаги, улугворлик билан боғлиқ фожиавийлики назарда тутамиз.

Фожиавийликнинг зидди – кулгилилик. Агар фожиавийлик кишини изтиробга солса, ачиниш уйғотса, кулгилилик, аксинча, идрок этувчида хушнуд кайфият, қувонч туғдирадиган эстетик хусусиятдир. Унинг фалсафий моҳиятини очиб бериш учун яна Шеллингга мурожаат қилайлик: агар фожиавийликда эркинлик субъектда, зарурият эса объектда берилса, кулгилиликда бунинг акси кузатилади – эркинлик объектда, зарурият субъектда воқе бўлади ва улар орасидаги курашдан кулгили ҳолат вужудга келади (*қаранг: Шеллинг Ф. Философия искуства. Стр. 418*). Яъни субъектдаги торайиб, майдалашиб қолган, умрини яшаб тугатаётган реаллик ҳаёт қонунларига биноан ўз ўрнини олиши зарур бўлган, келажакки порлоқ идеалликка қарши курашади, унга жой бергиси келмайди, бошқалар кўриб турган оддий ҳақиқатни кўрмайди, беҳуда "ўжарлик" қилади, натижада атрофдагиларда кулги уйғотади. Оддий бир мисол: кўп йиллар аввал машхур боксчи бўлган, лекин кексайиб, кучдан қолган қариянинг ҳали ҳам ўзини зўр ҳисоблаб, йигирма яшар чемпионга қарши рингга тушишини тасаввур қилинг. Шу ҳолатнинг ўзиёқ ҳали беллашув бошланмасдан туриб, томо-

шабинда гуррос кулги кўзгайди. Лекин чол буни тушунмайди ва жанг талаб қилади. Унинг рингдаги йиқилиб-суринишлари, охиروقибат, энгилишига ҳеч ким ачинмайди, аксинча, маълум маънода унинг учун фожиавий бўлган ҳолат умумий қаҳқаҳа, хурсандчилик остида кечатади, фақат ўринсиз дашво қилган чолнинг ўзигина кулмайди, холос: объект кулади, субъект кулги бўлади.

Кулгиликнинг асосида, табиийки, кулги ётади. Кулги фақат инсонга хос хусусият. Агар фожиавийликни инсон бевосита ёки билвосита идрок этганида, ачиниш, қайғуриш, изтироб чекишдан бошқа имкони қолмаса, яъни шуларга мажбур бўлса, кулгилик фақат эркинлик билан боғлиқдир. Чунки кулгида соф эркинлик намоён бўлади. Инсонни ҳеч қачон мажбурлан кулдириб бўлмайди. Ҳаётда ҳазил-мутойибани ёқтирмайдиган, уни "майнавозчилик" деб атайдиган, ҳатто ундан ғазабланадиган "жиддий" одамлар ҳам учрайди. Улар аслида кулгидан, ёнидаги одам қилган ҳазилдан эмас, балки кулги орқали ифода тогган эркинликдан ғазабланади, ҳазиллашган одамни "ўзидан кетган" деб ҳисоблайди: нима учун одам ўзини бу қадар эркин ҳис қилиши керак?! Мана, масала нимада. Бундай олиб қараганда, тарихда кулги ҳатто қулда ҳам эркинлик ҳиссини уйғотганини, у ўша чоқда ўзини атрофдагилар билан тенг, эркин сезганини кўрамайди.

Лекин ҳар қандай кулги ҳам кулгиликка айланавермайди. Масалан, Африкада кулги дарахти бор, мевасидан еган одам ўз-ўзида кула бошлайди, кўпроқ еб қўйса, ҳатто кулгидан ўлиши ҳам мумкин. Шунингдек, бирор меҳмонни кутиб олаётганингизда ёки кузатаётганингизда этикет юзасидан жилмайишингиз ёинки қиз боланинг ибод билан табассум қилиши ва шунга ўхшаш кулгилар кулгиликка асос бўлмайди.

Гап шундаки, кулгининг кулгиликка айланиши учун аввало унга каттами-кичикми ижтимоий юк юкланиши лозим, унинг замирида муайян ғоя, мақсад ётиши керак, қолаверса, кулги танқид руҳига эга бўлиши шарт.

Кулгилик доирасидаги кулгиларнинг хили кўп: кинояли кулги, истеҳзоли кулги, мийиғида кулиб қўйиш, қаҳқаҳа, заҳарханда. Уларнинг санъатда намоён бўлиши ҳам ҳар

хил, тўғрироғи, ҳар бир кулгининг "ўз хили", "ўз жанри" бор, улар фожиавийликдагидан кўп ва ранг-баранг. Чунончи, ҳазил – юмор кўпроқ комедия (кулги), мутойиба, латифа, лоф, пародия, масал жанрларида, драматургияда ҳам, насрда ҳам, шеърятда ҳам қўлланиши мумкин, бизда унинг ҳатто махсус "санъат тури" бор – аския. Ҳажвий (сатирик) кулги – заҳарханда, истеҳзо, киноя эса кўпроқ комедия, масал, қўшиқ, мусиқада намоён бўлади.

Ҳазил (юмор) – ўз объектининг реалликдан узилиб қолишини истамайди, унга кўпинча меҳр билан қарайди, фақат баъзи иллатларни танқид остига олади, бу иллатларни йўқотишда кўмаклашади. Ҳажвий-сатирик кулги эса ўз объектини реалликдан узоклаштиради, ундаги баъзи жиҳатларни эмас, унинг ўзини бутунлай иллат деб ҳисоблайди ва танқид тиғи билан унга унганмайди билан қилиб зарба беради. Ҳазилда субъект кулги объекти билан ҳамқадам бўлиш, яшаш, ишлашни хоҳлайди, бунга халақит бераётган майда-чуйда нуқсонлардан унинг тезроқ қутулишини истайди, унга дўст сифатида қарайди. Ҳажвий кулгида эса субъект объектни душман деб билади ва уни маънавий ўлимга маҳкум этишга интилади, атрофдагилар ундан қанча тез қутулса, жамиятга шунча яхши бўлади деб ҳисоблайди.

Энди ҳар икки кулги турига мисоллар келтирамай. Эркин Воҳидовнинг "Шоир умри" деган пародиясини олиб кўрайлик:

*Мана, мен Лермонтов ёшига етдим,  
Бир шоир умрини яшадим чиндан.  
Шеърят кўкида тик парвоз этдим,  
Парвозим баланддир учқур лочиндан.*

Сайёр

*"Мана, мен Лермонтов ёшига етдим,  
Бир шоир умрини яшадим чиндан".  
Қанча қоғозларнинг бошига етдим  
Ва лекин Лермонтов чиқмади мендан.*

*Дўстларим, ортиқча камтарлик нега,  
Келажақ ўн йилни кўрдим олдиндан.  
Вақт келар, етарман Пушкин ёшига,  
Ушанда... Пушкин ҳам чиқмайди мендан.*

(Эркин Воҳидов. *Ишқ савдоси. Сайланма, 1-жилд. Т., "Шарк", 2000, 44-бет*).

Бу пародияда муаллиф кулги объектининг бир жиҳатини – нокамтарлигини, ўз

қобилияти, яратган асарлари савиясини ҳисобга олмай, ўзини буюклар қаторига қўшмоқчи бўлганини кулги остига оляпти. Шоир "Оғайни, мақтанма, камтарроқ бўл", деган аччиқ ҳақиқатни мийиғида қулиб, объекта оғир ботмайдиغان қилиб, шеърй ҳазил шаклида айтмоқда. У объектдан кечмоқчи эмас, уни яхши кўради, фақат унинг мақтан-чокликдан фориг бўлишини истайди.

Абдулла Қаҳҳорнинг "Сўнги нусхалар" комедиясидан олинган куйидаги парча эса сатирик кулгига мисол:

"Ч о л. Ҳар қайсинг йигирматадан шайтонни яйдоқ минасан!.. Мен булар нега маҳаллага қўшилмайди, нега кўни-қўшини билан кирди-чиқди қилмайди, деб ҳайрон бўлардим, энди билсам, иккови ҳам олқинди ўгирлаган ҳаққадай тоганини бир марта чўкиб, ўн марта атрофга қарар экан. Шундайми, Нетайхон?"

С у х с у р о в. Хотинимнинг отини оғзинга олмай, имонсиз, хотиним сенга ҳеч ким бўлмайди!

Ч о л. Кечирасан, билмасдан айтиб қўйибман, маҳаллада ким отини айтса оғзини чайқайди" (*Абдулла Қаҳҳор. Асарлар. Олти томлик, 5-том. Т., Фахур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1968, 230-бет*).

Муаллиф бу асарида пораҳўр амалдор, мунофиқ имом-хатиб, бузуқ аёлни сатира қамчиси билан савалайди, уларни жамиятдан узоқлаштиришни истайди. Келтирилган парчадаги масхара, мазах шаклидаги кулги сатирик қаҳрамонларни "ерга киргизиб юборади" ва шуни билан томошабинда қаҳқаҳа уйғотади. Кўриб турибмизки, қутилмаганда, тўсатдан айтилган қизик гап – ҳажвий мақсадга йўналтирилган истиора, мажоз кулгига асос бўлмоқда. Зеро, кулги айнан ана шу қутилмаганликдан, фавқуллодликдан келиб чиқади.

Ёлгон биз энг катта ёвузлик, хавф-хатар деб билемиз, доимо инсонни ва жамиятнинг ундан фориг қилиш учун курашамиз. Чунки у ҳаётда ҳақиқат ниқобини кийиб, бизни қийнайди, яшашимизга халақит беради; ёлгон сабаб ҳақиқий реалликнинг тескарасини тушунамиз, алданиб, ундан узилиб қоламиз, натижада кўпгина фожиалар рўй беради. Аммо кулгиликда у ғоят безарар ва айна пайтда кулги уйғотадиغان ҳодиса сифатида намоён

бўлади. Буни қадимдан Шарқда машҳур бўлган лоф жанрида кўришимиз мумкин. Лофда ниқоби йиртиб ташланган, "ҳақиқатдан тозаланган" соф ёлгон кулги уйғотади, одамлар яланғоч ёлгон устидан қуладилар.

Кулгиликнинг ҳаётда зоҳир бўладиган соҳалари, санъатда акс этадиган жанрлари кўп, биз имкон доирасида уларнинг баъзиларига тўхталиб ўтдик. Муҳими шундаки, кулгилик одамга фақат хушнудлик бахш этиб қолмай, фожиавийлик каби фориглантириш хусусиятига ҳам эга. Кулганда ғазаб, гина, миннат каби номақбул ҳислар қалбдан чиқиб кетади, руҳ тозарайди, янгиланади, чарчоқ ёзилади, асаблар жойига келади, инсон ўзида янги маънавий қувват ҳис қилади. Зотан, "Битта кулги тўртта тухумнинг кучини беради", деган ҳазиломуз нақл бежиз айтилмаган. Хуллас, кулгилик, ўз ижтимоий юқининг залворидан қатъи назар, у энгил юрорми, ўткир сатирами, пировард натижада инсонни, жамиятни яхшилаш, инсонийлаштиришга хизмат қилади.

Фожиавийлик билан кулгилик ҳам бошқа жуфт эстетик хусусиятлар ва тушунчалар каби ўзаро алоқадор. Ҳаётда қайғу ва қувонч ёнма-ён яшаганидек, санъатда ҳам фожиавийлик билан кулгилик кўп ҳолларда ёнма-ён келади, баъзан эса бири иккинчисининг ҳужайрасига сингиб кетади. Масалан, Мақсуд Шайхзоданинг "Мирзо Улғубек" асарида фожиавийлик билан ёнма-ён Бобо Қайфий қиёфасидаги кулгиликни кўрамиз. Шароф Бошбековнинг "Темир хотин" асарида эса бу икки ҳодиса бир-бирига сингиб кетганига гувоҳ бўламиз: ўзбек аёлининг меҳнати шу қадар оғирки, унга ҳатто аёл шаклида ясалган робот ҳам дош беролмайди. Бу – миллий фожиа, лекин соддадиллик билан шу темир хотинга уйланаман деган Кўчқорнинг хатти-ҳаракатлари кулги уйғотади. Мазкур асарнинг жанри трагикомедия деб аталади; унда мохиятан йиғи – кулгига, кулги – йиғига айланиб кетади.

Шундай қилиб, фожиавийлик ва кулгилик хусусиятлари бир-бири билан диалектик алоқада бўлган ҳолда, ҳаётда ҳам, санъатда ҳам бир томондан – қайғу, ачиниш, иккинчи томондан – қувонч, кулги орқали инсонни тафаккур қилишга ўргатади, маънавий юксакликка даъват этади.



## O'rol og'aning maktublari

Ижодкорга рафиқа бўлмоқ – оғир қисмат, ижодкорнинг рафиқа танламоғи эса мушкул савдодир. Чунки ижод аҳлида ноёб истеъдод билан бирга инжа таъб ҳам бўлади. Балки шунинг учундир, Ўзбекистон халқ рассоми, табиатнинг ҳассос қуйчиси Ўрол Тансиқбоев (1904–74) ўз юлдузини анча кеч учратган. Мусаввир қалбини асир этган аёл – Елизавета Морозовская (1915–88) Иккинчи жаҳон уруши даврида Украинадан Ўзбекистонга кўчирилган эди. Рассом бу дилбар ва зукко аёлни бир умр севиб, ардоқлаб яшади. Лиза опа эса Ўрол оғага ҳам ёр, ҳам дўст, ҳам маслаҳатчи бўлди. Мусаввирнинг умр йўлдошига ёзган мактублари билан танишиб, бунга ишонч ҳосил қиласиз.

Хатларнинг бирида лаббўёқ изларига кўзингиз тушади. Ушбу манзара дафъатан қалбни жунбушга келтиради. Зеро, бундан рафиқаси Ўрол оғадан орзиқиб хат кутгани ва юракдаги соғинч алангасини мактубни ўпиб бостирганини англаш мумкин. Бизда Ўрол оға билан Лиза опа орасидаги меҳр-муҳаббат номаларда қандай акс этгани-

ни ўрганмоққа иштиёқ уйғотган ҳам ана шу лаббўёқ излари бўлди.

Ўрол оғанинг Москва, Олма-Ота, Нукус каби турли шаҳарлардан рафиқасига йўлланган хат ва телеграммалари у умрининг кўп қисмини ижодий сафарларда ўтказганидан далолат беради. Рассом турмуш ўртоғини бот-бот ёлғиз қолдиришга мажбур бўлганидан афсусланиб, “Азизам, сени қаттиқ кучиб ва ўпиб қоламан”, деб ёзади. Бу сўзларга у бутун борлиғи, оташин муҳаббатини жо этади. Хатлар мазмунидан Ўрол оға ёши ўтгани сари аёлига қаттиқроқ боғланиб борганини англайсиз.

Ўрол оға нафақат рафиқа танлаш, балки дўст орттиришда ҳам ўта талабчан бўлган. Яқинларининг хотирлашича, у бир сафари чоғида поезддаги купедошлар билан яхши чиқишиб қолади. Ҳамроҳлар тушлик учун дастурхон ёза бошлаган пайтда, Ўрол оға вагон йўлагига чиқиб, Қозоғистон манзараларини томоша қила кетади. Шунда бир купедоши уни дастурхонга таклиф этар экан, “Тезроқ кира қолинг, бирга тамадди

қиламиз, ажабо, нимани томоша қиялпсиз, ахир, ҳаммаёқ тап-тақир чўл-ку?!" дейди. Шу лаҳзадан бошлаб янги орттирилган таниш-лар рассом учун гўё йўқликка сингади.

Ўрол оға архивида сақланаётган ёзишмалардан у қўл учуда ишлайдиган ҳамкасбларини ёқтирмаганини англаш мумкин. "Яқин орада Размаховни уйига жўнатсак керак. Чунки роса кўтар-кўтар қилинган бу "даҳо" қўлидан тузукроқ иш келмайдиган "косиб" бўлиб чиқди, – деб ёзади у бир хатида. – Уюшмамиз аъзолари Москвада нега синовдан ўта олмайдди, шунисиға ҳайронман. "Етакчи" рассомларимиз нима учун Москвада ишладан кўрқишини энди-энди тушуняпман. Майли, ўзларига қийин. Бир жойга биқиниб олиб, умр ўтказган билан истеъдодсизлигини узоқ яшира олишмайди. Бу – кундек равшан. Иван Ефремович билан сўхбатимизда у уюшмамиз аъзоларидан кўпчилигининг дунёқараши торлиги ва бурнидан нарини кўролмаслигини айтди. Мен унинг фикрига қўшилдим. Яна шуни ҳам айтиш жойки, бундай рассомларда ор, номус, виждон йўқ ҳисоби. Улар гапга уста-ю, аммо ишга лаёқатсиз". Хат сўнггидаги "...менинг бирон кимсага хусуматим йўқ, шу боис гапларимни нотўғри тушунма", деган изоҳига қараб, буларни рассом азбаройи тўлиб кетганидан ёзганини англаш қийин эмас.

Ўрол оға ёзишмаларини, мавзу эътиборига кўра, тўрт гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчидан, хатларда янги картина яратиш ишлари қандай давом этаётгани батафсил ҳикоя қилинади. Иккинчидан, санъаткорнинг ўз маҳбубасига оташин севгиси ҳар бир сатрда ловуллаб турадики, бу ёлқин ўқувчи қалбига ҳам кўр ташлайди. Учинчидан, мактублар мусаввирнинг оилавий борди-келдилари, яқин дўст-биродарлари дунёсига бизни олиб қиради. Тўртинчидан, улар рассомнинг волидаси, опа-сингил, қариндош-уруғларига нечоғли меҳрибон ва гамахўр бўлганидан далолат беради.

Хатларнинг барчасида ёзилган вақти ва жойи аниқ қайд этилган. Бунда рассом табиатиға хос батариблик кўринади. Хатлар, одатдагидек, ручкада эмас, настель қаламда битилган. Уларнинг баъзилари ёзилганига

60 йилдан ошганига қарамай, настель қалам ранги ҳануз ўчмагани ҳайратланарли. Аммо бундан улар тоабат шу ҳолда қолади деган маъно чиқмайди, албатта. Демак, Ўрол оғанинг хат, ҳужжат ва ёзишмаларини зарур тартибда сақлаш ва келажақ авлодга етказиш чорасини кўриш зарур.

Ёзишмалардан Ўрол оға картиналари орасида 30-йилларга мансублари ҳам мавжудлиги, чунончи, "Хотин-қизларнинг озодликка чиқиши" асари (1933) борлигини билиб оламиз. У бир хатида шу хусусда бундай ёзади: "Сизга ўзимда ягона нуҳсада сақланиб қолган картина фотонусхасини юборяпман. Ўша кезлари Ўрта Осиёда аёлларни озодликка чиқариш, саводсизликни тугатиш, паранжи ташлаш кампаниялари кенг миқёсда олиб борилаётган эди. Саводсизликни тугатиш мавзуи мени рассом сифатида жуда қизиқтириб қўйди. Уч қисмдан иборат триптихимда шу мавзуни ёритишга ҳаракат қилганман. Асарнинг марказий қисмида саводсизликни тугатиш курсида аёллар ўтирибди. Деворға портрет осиб қўйилган. Аёллардан бири доскага лотин алифбосида ёзмоқда. Ушбу асарим Ўзбекистон маориф халқ комиссарлиги мулки бўлгани сабаб, ҳозир унинг қаердалигидан беҳабарман".

"Огонёк" журнали бош муҳаррири юборган хатда (сана кўрсатилмаган) И.Горюшкин-Сорокопудов асарлари репродукцияси эълон қилинаётгани боис, Ўрол оғадан устози ҳақида ўз хотираларини ёзиб бериши илтимос қилинади. Рассомнинг ушбу хатга жавоби ва устози ҳақидаги эсдаликларидан унинг И.Горюшкин-Сорокопудовга эҳтиромга гоёт юксак бўлгани, бу мусаввирдан тасвирий санъат сир-асрорини пухта ўрганганини билиш мумкин. Хусусан, у этюд, эскиз устида ишлаш, ранг танлаш маҳоратини айнан шу мўйқалам устасидан ўзлаштирган. "У бизга... оқ гамма, фактура, нуқтаи назарға доир топшириқлар берарди, – деб хотирлайди Ўрол оға. – Композиция эскизларини қайта-қайта ишлашга мажбур қиларди. Бироқ мавзуни шахсий таассуротлардан келиб чиқиб танлашга ўргатарди. Рус ҳаётидан расм ишлашга мажбур этмас, аксинча,

*Ўзинг яхши билган нарсаларни чиз, дерди. Ўзбекиона мавзудаги "Бозор", "Чойхона" каби асарларим шу тариқа дунёга келган."*

Рассомлик мактаби Пенза шаҳридагина эмас, Қозонда ҳам бўлган. Бундан ёш Ҳрол ҳам бохабар эди. Бироқ у И.Горюшкин-Сорокопудов кўлида таҳсил олиш учун айнан Пензани танлайди. Устози ёрдамида Релин, Суриков, Иванов каби машҳур рассомларнинг бадиий олами кашф этиш, уларникидек бетакрор асарлар яратиш сирларини эгаллашни ният қилади.

Ёш рассом интизом – муваффақият гарови эканини устозидан ўрганди. И.Горюшкин-Сорокопудов шогирдидан дарс қолдирмасликни талаб қилар, зеро, унинг ҳар бир сабоғи таъсирли санъат дунёсига тобора ичкари етакларди. Ёш Ҳрол қиш кунларида ранг музлаб қолмаслиги учун унга скипидарни кўпроқ кўшиш зарурлигини ҳам устозидан ўрганади. Шунда скипидар тез бўлганиб, ранг оқиб кетмас экан. Бошқа бир дарсида эса устози хомаки бўёқ қатламини қандай суриш усуллари билан таништиради.

Ўша кезлари замон оғир, кунлар совуқ, энгил-бош юпун, нон карточкага берилишию уни олишга ярим тундан навбатга турилишига қарамай, Пенза аҳлининг меҳр тафтидан ёш рассом қалбига илиқлик югурарди. *"Гарчи улар оч-наҳор, юпун бўлишса-да, саховатли эди, нонга, ҳатто кинога навбатда турганида ҳам, бошқа юртдан келган мусофир дея, талабаларни ўзидан олдинга ўтказиб юборишарди"*, деб хотирлайди рассом.

Ҳар бир йирик мўйқалам устаси каби Ҳрол оғанинг ҳам ўз ишлаш услуби бор эди. Унинг 1971 йил 19 январь кун Москвадаги Марказий музей директориға ёзган хатидан аён бўлишича, Ҳрол оғага кўргазмада намойиш этиш учун ўз эскизларини юборишини сўраб мурожаат этишган. *"Афсуски, бу илтимосингизни бажо келтира олмайман, – деб ёздади жавоб хатида Ҳрол оға. – Ҳозир "Чорвоқ ГЭСи қурилиши" деган картина устида ишляпман. Мен, одатда, эскиз чизмайман, кўргазмага қўйишга яроқсиз, фақат ўзимгагина тушунарли майда, хомаки лаъхалар чизаман"*.

Демак, рассом йирик полотнолар устида ишлаганда ҳам эскиз, этюддан фойда-

ланмаган, хомаки нусханигина чизиб олган, холос. Бунинг боиси – унинг кучли хотирага эга бўлгандир. Шу ҳақда замондошлари ўз эсдаликларида кўп бор ҳикоя қилади.

Ҳрол оға уй-музейида сақланаётган хатларнинг аксариятида рассомнинг ижод жараёни ўз аксини топган. Шунингдек, у рафиқасига маиший юмушлар – харидлар (*"Сенга тузукроқ оёқ кийим тополмаяпман"*), учрашувлар (*"Буғун павильонга Виктор келди, лекин у билан гаплаша олмадим. Чунки бу пайтда Ромаснинг ёнига кетаётган эдик. Кечкурун олдимизга келишга ваъда берди"*), қалам ҳақи (*"Олд томон панноси учун пул олдим, мингини Костяга бердим, мингини сенга жўнатаяпман"*), дўст-биродарлар (*"Кеча Борисниқига бордим, унинг оиласидагилар соғ-саломат. Сенга кўпдан-кўп салом айтишди"*; *"...Вокзалда бизни Нурбек, Ваня (Нурбекнинг дўсти), Искандар Мирвоҳидович, Лутфулла кутиб олди. Борис Ленинградда экан, шу сабаб вокзалга келмабди"*; *"Кеча Иван Ефремовичниқига бордим, мени кўриб, хурсанд бўлиб кетди"*) тўғрисида ҳам хабар беради.

1951 йили Ҳрол оға К.Чепраков, М.Аринин каби бир гуруҳ рассомлар билан бирга Москвада ВДНХнинг ўзбек павильонини безатиш ишларида қатнашиб, бир неча панно яратади. Қатъий интизом, бетиним меҳнат ва катта маҳорат талаб этувчи ижодий ишнинг боришию унинг кўзга ташланмас баъзи икир-чикирлари рассомнинг рафиқасига ёзган мактубларида батафсил акс этган. *"Бизга 15 та панно топширилди. "Посредства" меҳмонхонасида эскизлар устида ишляпмиз. Ҳозирча ишимиз чакки эмас. Панноларни топшириш муддати – 1 июнь. Фурсат жуда оз"*; *"Кеча эскизлар устида ишладик. Буғун павильонда уларни кўздан кечирдишди. 16 эскиздан 12 тасини ҳеч бир эътирозсиз, 4 тасини эса айрим тавсиялар билан ўтказдик. Кичик полотнодаги расмларни бадиий ва услубий кенгаш тасдиқлаши шарт эмас экан – бу ишимизни анча осонлаштиради. Панноларимизни павильон раҳбарлари баҳолаб, хулосалайди. Уларнинг тавсияси билан меҳнатимизга ҳақ тўланади. Хуллас, ишимизнинг бир қисмини ёмон бажармаб-*

миз... Бир-икки кундан кейин павильонда иш бошлаймиз... Бу ерда об-ҳаво расво, шуниси жонга теғди. Павильондаги 28 та паннонинг барчасини ишлаш орзусидамиз, лекин буну удалашга кучимиз етмайди"; "Афсуски, нохуш хабар ҳам бор. Кўразмага янги қурилишлар мавзуида бирорта ҳам панно кўйилмасин, деган гап юрибди. Бу сирага қорақалпоқ мавзуида ишлаган триптихимиз ҳам киради. Бугун Одиллов биздан янги панно ҳақида ўйлаб кўришни илтимос қилди. Биз – "кичик одамлар"миз, агар зарур бўлса, янги панно устида ишлаймиз ҳам. Муҳими, ишимиз яхши кетаётгани. 16 та паннодан 10 тасини бир гайрат билан битирдик. Яқин кунларда ранг беришга ўтамиз"; "15 апрель – қоршанба куну 11 та расми матода топширамиз, шунда 5 таси қолади. Афсуски, матомизнинг 4 таси грунтотка қилинмаган, бу ишимизни бир оз орқага суради. 16 майга 16 та полотнони тўлиқ топшириш учун гайрат қилмасак бўлмайди", деб ёзади у.

Ўрол оға хатларидан маълум бўлишича, у ҳар қанча машхур рассом бўлмасин, ҳаётда турли қийинчиликларга ҳам дуч келган. Чунончи, у бир хатида бундай ёзади: "Деярли янгилик йўқ. Ишимиз чакки эмас. Фақат бу ерда рўйхатдан ўтиш жуда қийин экан. Ун кун, хатто ундан ҳам кўпроқ вақтимиз шунга сарф бўлди... Уй бошқарувчисидан Леоновкадаги 22-уйда яшамаслигим ҳақида маълумотнома ёзиб беришини сўрайвериб чарчадим. Бунақа аёлни умрим бино бўлиб учратмаганман. Афтига қарагим ҳам келмайди. Қачон сўрма вақтим йўқ дейди, нукул ваъда беради-ю, аммо бажармайди." Аёл зотига эҳтироми ғоят баланд, ўзи ҳам оғир-вазмин рассомнинг қаттиқ жаҳли чиққанича бор, шекилли.

Ўрол оға ёзишмаларидан унинг рассомликдан ташқари, бошқа санъат турлари, масалан, театрга иштиёқманд эканини ҳам билиб олиш мумкин: "Хатимни ишдан сўнг, театрга кетиш олдинда ёзмоқдаман. Яқинда "Малий театр"га тушиб, "Сердаромад жой" спектаклини кўрдик. Бугун эса "Иван Грозний"ни томоша қилгани кетяпмиз."; "Икки марта "Малий театр"га бордик, энди бормасак керак. Охири кўрган спектакли-

миз "Иван Грозний" бўлди. Расво спектакль экан". Афтидан, бу асар рассомнинг дидага ўтирмаган, бироқ айнан қайси жиҳати – драматургиясими, режиссурасими ёки актёрлар ижросими, бу ҳақда, афсуски, маълумот йўқ.

Харид бобида барча эркаклар ҳам бирдек чапдаст бўлавермайди. Бироқ Ўрол оға рассом эканию рангларни ўзгача ҳис қилгани учунми, ҳарқалай, кийим-кечак хариди унинг зиммасига юкланган. "Мостора" марказидан костюмбоп газлама сотиб олиб, ўша ернинг ўзида тиктирса ҳам бўлар экан. Агар тузукроқ газлама топсам, бурюрта бериш ниятим бор", деб ёзади у бир хатида.

Рассом отасидан эрта етим қолгани, болалиги уқубатли кечгани учунми, самимий инсонларни жуда қадрлаган, ўзи ҳам шундай бўлишга интиланган. "...Иван Ефремович, ваъдага биносан, соат учда павильонга келиб, мени МГУнинг янги биносини кўрсатгани олиб борди. Ҳар гал у билан учрашганимда, нақадар ажойиб инсон-а, деб ҳайратланаман ва унга ўхшаш одамлар камайиб бораётганидан афсусланаман", деб ёзади рассом.

Ўрол оға умр йўлдошига мактубларини "Сенинг Ўролин" деган сўзлар билан яқунлайди. Ҳар гал ана шу сўзларга кўзим тушганда, "Ўрол"нинг лугавий маъноси нима экан, дея ўйга толар эдим. Жумбоқни ечишда қозғитонлик бир тарихчи олим ёрдам берди – "Ўрол" исмининг кўпгина маъноларидан бири "бахт келтирувчи" экан. Афтидан, онаси шу фарзандининг қадами кутлуг келишини сезган. Чиндан, йиллар ўтиб, она орзуси ушалди – Ўрол Тансиқбоев машхур рассом бўлиб етишди.

Тақдир-да, начора, Ўрол оғанинг пешонасига фарзанд битилмаган экан. Бироқ мажозан уни дунёдаги энг серфарзанд, кўп болали инсон деб айтиш мумкин. Мусаввирнинг фарзандлари – чизган расмлари тўрт юздан зиёд. Аксарияти жаҳон музейларидан ўрин олган. Қолаверса, бу улуг зот ҳаёти ва ижоди қирраларини акс эттирувчи ҳужжатлар ҳам деярли тўлиқ сақланган. Улар бу йил таваллудига 110 йил тўладиган Ўрол Тансиқбоев сиймосини аниқроқ тасаввур этишга ёрдам беради.

# ISHQ QISMATI SHU AZAL-ABAD

Бугунги ўқувчини билмадим-у, биз тенги, биздан олдинги авлод энг кўп ўқиган роман қайси, деган савол кўйилса, бунинг жавоби, албатта, “Ўткан кунлар” бўлади. Қиёсنى ўзимдан олсам, бу китобни ўттиз-қирқ мартача ўқиб чиққандирман, десам муболага бўлмас. Нимагадир қайта-қайта мутолаа қилавераман. Ҳар сафар бир варақлаб кўйиш учун кўлга оламан-да, охирига етказмай кўймайман. Ҳар сафар бир янгилик топаман. Маҳзун бўлганимда, қувонганимда, болалик йилларимга қайтган келганда, халқимиз ва миллийлигимиз ҳақида ўйлаганимда, покизалик ва нафосатни соғинганимда ўқийман. Ҳар сафар шундай улкан асарни ёшгина бир йигит ёзганидан ҳайратланаман. Жаҳон насрининг кўплаб намуналарини ўқиганим, улар тўғрисида фикр айтишга имконим бўлгани ҳолда, “Ўткан кунлар” олдида ҳамон оддий бир ўқувчи эканимни ҳис қиламан. Негадир бу роман ҳақида қогоз қоралашга журъатим етмайди.

Роман тўғрисида кўп ва ҳўб ёзилган. Йирик-йирик адабиётшуносларимиз бу борада озмунча қалам сурмаган. Ниҳоят, ёшим элликка яқинлашганда мен ҳам шу ишга жазм қилдим. Илк ўзбек романи ҳақидаги рисоламдан бир бобини “Тафаккур” муштарийларига ҳавола этар эканман, ёлгон, пуч ва чучмал талқинлардан асрамоғини Яратгандан ўтинаман.

**Х**оҳлаймизми-йўқми, Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар”ига қадар ўзбек адабиёти тарихида роман жанри талабига айнан жавоб берадиган асар ёзилмаган. Қодирийнинг баъзи

замондошлари томонидан “миллий рўмон” ўлароқ тақдим этилган битикларни эса, бекам-кўст роман дея олмаймиз. Бу – биринчидан. Иккинчидан, Қодирий мансуб миллий адабиётда тўлақонли роман жанри тажриба-

си бўлмаган. Уччинчидан, баъзи тадқиқотчилар Қодирий романчилгининг шарқона манбаи ўлароқ қарашга мойил араб ёзувчиси Жўржи Зайдон романлари солномавий табиати, жанр жиҳатидан қиссага яқинлиги билан бундай юк залворини кўтаришга ожиз. Тўртинчидан, роман аввалидаги "Ёзғучидан" деган мухтасар сўзбошида Абдулла Қодирийнинг ўзи санаб ўтган "Тоҳир-Зухра", "Чор дарвеш", "Фарҳод-Ширин", "Баҳромгур" сингари асарларда халқ ижодиёти анъаналари етакчилиқ қилади. Улар роман учун муайян даражада аҳамиятли бўлса ҳам, асос вазифасини бажара олмайди. Бешинчидан, Қодирийгача бўлган "Лайли ва Мажнун", "Фарҳод ва Ширин", "Юсуф ва Зулайхо", "Баҳром ва Дилором", "Гул ва Наврўз" сингари классик достонлар шакл ва мазмун қоидаларига кўра тамомила ўзгача ҳодисалар бўлган. Олтинчидан, Абдулла Қодирий романни "Оврўпо рўмончилиги йўлида" ёзишни ниёт қилганини таъкидлаган эди. Аммо Европа романчилиги анъаналари Қодирий замонидан 1500–1700 йил наридаги қадим юнон романига бориб боғланади. Шарқ дунёсида поэзия нақадар изчиллиқ ва назокат билан ривожланган бўлса, Европа романи ҳам XX асргача тахминан шунга яқин йўлни босиб ўтган. Қодирий даврига келиб, Европада мукамал ва хилма-хил роман намуналари ижод этиб бўлинган эди. Шунга қарамай, романчилик узоқ муддат етакчилик макomini қўлига олган реализмдан (шунингдек, бошқа кўплаб роман анъаналаридан) чекиниб, декадент адабиёти тимсолида инқироз палласини бошидан кечираётган эди. Шундай экан, Европа романчилиги ҳам Қодирий учун тайёр андоза бўлиши қийин эди. Агар, ҳақиқатан ҳам, биринчи ўзбек романи бу жараёнга алоқадор бўлса, Қодирий Пушкин, Толстой, Стендаль, Бальзак, Достоевский тимсолидаги реалистик романчилик анъаналари қолиб, тамоман янги, аини пайтда, анъанавийлик (бу шунчаки анъанавийлик бўлмай, масала моҳияти рисоланинг бошқа бўбларига ёритилган) сингиб кетган "Ўткан кунлар"ни ёза олмас эди. Саккизинчидан, Европа романлари ичиде сюжети ва қаҳрамонлари жиҳатидан Қодирийга бирмунча яқинроқ, ўзбек ўқувчисига "Тамилла", "Қамар"

сингари асарлари билан таниш Фердинанд Дюшень ижодида эса тор маиший талқин етакчилиқ қилади. Қолаверса, мазкур асарлар "Ўткан кунлар"дан кейинроқ ёзилган.

Хўш, унда "Ўткан кунлар" анъанавийми ёки янги романими? Бу роман барча адабиёт намуналарида барқарор яшаб келаётган классицизм тамойилларини қай даражада акс эттирган? "Ўткан кунлар" классицизм намунасими ёки классик асарми?

Мазкур саволларга жавоб бериш учун, биринчи навбатда, роман жанрини белгилловчи муҳим бадий компонент – сюжетдан келиб чиқиш мақсадга мувофиқ. Негаки, романинг композиция, портрет, характер, услуб сингари бошқа компонентлари кўпроқ ижодкор, макон ва замон индивидуаллиги билан боғлиқ. Шунингдек, бу компонентларни ташкил этишда муаллиф шахсияти, бадий маҳорати ҳамда жорий эстетик эҳтиёжнинг таъсири бўлмаслиги мумкин эмас. Сюжет ва образ, бадий асар қайси макон, қайси замон ва қайси ижодкор томонидан ёзилган бўлмасин, шартли равишда типологик, анъанавийдир. Анъанавийлик эса моҳият эътибори билан классицизм тамойили ҳисобланади. Шу маънода, дунёда бирор асар йўқки, классицизм тамойилидан холи бўлса. Бу шунчаки тамойил эмас, балки адабиётнинг темир қонунияти ҳамдир. Фақат шу темир қонуният доирасида қолиб кетган асар классицизмга хос (намунанинг ўхшаши), уни ичидан туриб бузган, янгиланган асар эса классик (мумтоз), яъни "намуна"нинг ўзи саналади.

"Ўткан кунлар" биринчи миллий романимиз, ҳатто энг сеvimли асаримиз бўлгани учун эмас, балки ўз-ўзича классик асардирки, бу фазилат ундаги сюжетнинг (ва бадий компонентларнинг) илк тизимли таҳлилидаёқ кўринади.



Бу фикрни асослаш учун, энг аввал, **“илк сюжет”** тушунчаси, унинг роман жанрини ўрганишдаги ҳамда жаҳон ва ўзбек романи тамомилидаги ўрни хусусида мухтасар тўхталиб ўтиш лозим.

“Илк сюжет” – адабиётшунослиқда айнан шу тарзда қўлланмаса-да – барча қадимий жанрлар, хусусан, роман сюжет ташкил асосини ҳам айна умумбашарий истилоҳ этиши этади. Қайд этиш жоизки, Европа ва рус адабиётшунослари тарихий поэтика негизида “бобо сюжет” (*gainst subject*), “бобо образ” (*protoplast, prefiguration*) истилоҳларини қўлайдилар. Аммо бу истилоҳ биз назарда тутаётган универсал ҳодиса моҳиятини тўлиқ ифодалашга ожизлик қилади. Қолаверса, Европа ва рус адабиётшунослари ушбу истилоҳни бадиий асар намуналарига татбиқ этар экан, айнан биз кўзда тутаётган ҳодисани асос ўлароқ қабул қилмайдилар. Балки бу истилоҳлар орқали фольклор ва ёзма адабиёт таркибида шакланган тайёр бадиий сюжет ва образларни тушунадилар. Биз назарда тутаётган “илк сюжет” тушунчаси эса фақат бадиий, ижтимоий, маданий қамров билан чекланмайди. Балки башарият ҳаётининг илк даври, одамзоднинг илк самовот, илк заминда ибтидо топган турмуши билан туташади.

Илк сюжет деганда биз илоҳий китоблар, хусусан, Қуръони каримда келган илк одам – Одам алайҳиссалом тўғрисидаги самовий хабар – оятни назарда тутамиз. Оятда келишича, Оллоҳ тооло Одам алайҳиссаломни яратгандан сўнг унга “барча нарсаларнинг исмларини ўргатди”, уни Ўз маърифатидан баҳраманд қилди. Одам алайҳиссалом айнан маърифати – Оллоҳга яқинлиги, Уни танигани боис барча махлуқотдан, ҳатто фаришталардан ҳам устун бўлди. Оллоҳ тооло “Бақара” сурасида шундан марҳамат қилади: “...Биз фаришталарга Одамга таъзим қилинг дейишимиз билан саждага эгилдилар. Фақат Иблис кибр ва ор қилиб – кофирлардан бўлди” (34-оят) (*Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. Т., “Чўлпон” нашриёти, 1992 (Қуръони каримга доир барча иқтибослар шу манбадан олинади – У.Ж.)*).

Шу жойда Одамнинг бутун махлуқот аро мақоми аниқ бўлди. У барча яратилмишлардан азиз ва муқаррам қилинди. Шу лаҳзадан эътиборан маърифат ва жаҳолат, эзгулик ва ёвузлик, имон ва куфрнинг чегараси белгиланди. Оллоҳ Одам ҳамда Ўзининг Азозил аталмиш фариштаси мисолида маърифат ва жаҳолат орасини ажратди. Жаҳолати – итоатсизлиги, кибри ва исёни боис фаришталар мударриси бўлган Азозил абадий лаънат тамғаси урилган Иблисга айланди. Маърифати туфайли Одам ва унинг жуфтига илк олий мукофот берилди. “Ва айтдик: “Эй Одам, сиз жуфтингиз билан жаннатни маскан тутинг ва ундан хоҳлаган жойларингизда бемалол таомланинг. Фақат мана бу дарахтга яқинлашмангки, у ҳолда золимлардан бўлиб қоласиз” (Бақара, 35). Бу инсоният ўз тарихи давомида гувоҳ бўлган энг саодатли онлар эди. Жаннат саодати олий бир тахт бўлса, висол фароғати шу тахт соҳибига кийдирилган бебаҳо тож эдики, инсоният ҳамон бу бахтни соғиниб яшайди. Асл адабиёт эса, том маънода, мана шу соғинч изҳоридир. Мумтоз аллома Жалолиддин Румийнинг:

*Тинглагил, най не ҳикоятлар қилур,  
Айриликлардин шикоятлар қилур...*

деган мисралари ушбу абадий соғинчнинг ўта мухтасар, аммо аниқ баён этилган, ўзига хос лирик ифодасидир.

Ҳар бир адабий тур бу соғинччи ўз йўли, ўз тили билан изҳор этади. Лирикада бу инсон ҳиссиётининг олий лаҳзаси, драмада эса ҳаракатнинг бетимсол мароми сифатида тавсифланади. Эпоснинг бу борадаги йўли тамомила ўзига хос. У, ўз табиатига кўра, бу соғинччи кенг эпик қамровда тасвирлар экан, илк сюжет таркибидаги Одам (а.с.) ва унинг жуфтига доир бирламчи илоҳий хабарни “учрашув” мотиви тарзида, умумсюжетнинг муҳим, жамловчи бўлаги сифатида талқин қилади. Айни жиҳати билан эпик тур, хусусан, роман жанри халқ эпоси аънаналари билан туташади. Чунки барча адабий тур ва жанрларнинг пойдевори бўлган халқ эпосларидаги учрашув мотивининг асоси ҳам илк сюжетда келган ана шу ахборот асосига қурилади. Уларда пайгамбарлар ҳаётига доир илоҳий

хабарлар сюжет таркибидаги мотивлар тизими сифатида акс этади. Демак, айтиш мумкинки, ҳар учала адабий турни (ҳатто лирик турни ҳам) сюжет типологияси жиҳатидан боғлаб турувчи асос-унсур ана шу илк сюжет – Одам (а.с.) ва унинг жуфти ҳақидаги илоҳий ахборотдир. Бу ахборот дастлаб Одам (а.с.) томонидан унга замондош авлодларига оғзаки нақл қилинган бўлса, кейинроқ ҳар бир пайғамбарга юборилган ваҳийлар, саҳифалар ва китобларда қайта-қайта такрорланган. Инсоният ўз пайғамбарлари, уларга келган илоҳий нақллارни унутган маънавий инқироз – жоҳилия даврларида эса (бундай инқироз ва янгиланиш жараёнлари башарият тарихида жуда кўп бор такрорланган), асл хабарлар турли даражада бузилиб, мифга айлантирилган. Аммо у ҳар сафар хабарлар, китоблар воситасида тузатилиб, қайта янгиланаверган. Бундай нақллар илоҳий манбалар – Забур, Таврот, Инжилда дастлаб аниқ баён этилган бўлса, кейинчалик уларнинг мифлашган, бузилган вариантларини Қуръони каримдаги оятлар сўнги бор янгиладик, шунинг учун илк сюжет ҳақидаги қарашларимизда айна манбага таяниш ҳар жиҳатдан тўғри ва зарур.

Қайд этганимиздек, Одам алайҳиссалом ва Ҳавво онамиз қиссаси жаҳон адабиётининг деярли барча намуналарида кўчиб юради, ҳар хил даражада бадий талқин этилади. Европа адабиётшунослиги эса уни умумий тарзда “учрашув мотиви” деб номлаган. Аммо шу ўринда айна терминга доир бир масалага аниқлик киритиб кетиш зарурати сезилади. Биз назарда тутаётган илк сюжет тизимида (шунингдек, Европа романиларида ҳам) учрашув мотиви икки марта келади. Дастлаб ошиқ-маъшуқа қисқа муддатга учрашиб, кўп ўтмай ажрашишса, иккинчи учрашув узокроқ, ҳатто бир умр давом этиши мумкин. Биз келтирган илк сюжет бўлаги эса қадим юнон адабиётидан ибтидо олган Европа аънавий романчилигида ҳам мустақил сюжет бўлаги сифатида тасвир этилади. Аммо, шунга қарамадан, роман тадқиқотчилари, жумладан, Европа романини бир бутун система сифатида ўрганган Михаил Бахтин ҳам уларнинг ҳар иккаласини

бир хил – “учрашув мотиви” тарзида номлаган. Ҳолбуки, умумсюжет таркибида ҳар икки учрашув мотиви мустақил, такрорланмас компонент сифатида намоён бўлади. Шундан келиб чиқиб, романдаги бу икки мотивни алоҳида-алоҳида – бирини “илк учрашув”, иккинчисини эса “висол” мотиви тарзида номлаш мақсадга мувофиқдир. Негаки, учрашув сўзида онийлик, муваққатлик бўлса, “висол” калимасида собитлик ва давомийлик бор. Буни илоҳий манбаларда акс этган илк сюжет тизими ҳам, шунга боғлиқ ҳолда роман сюжети ҳам тўлиқ тасдиқлайди.

**А**лалхусус, Одам (а.с.) ва Ҳавво онамиз ҳақида юқорида келтирилган Қуръон оятига кўра, уларнинг жаннатда бирга бўлиши илк учрашув, ундан кейин келадигани – башарият ҳаёти учун муҳим учрашувнинг дебочаси эди. Бу ўта ноёб ҳодиса бўлиб, инсоният ўз тарихи давомида илк учрашув мақомига қайтиб эриша олмаган (эришиши мумкин ҳам эмас). Бундан кейин адабий, маърифий, ижтимоий жиҳатдан талқин этилган барча катта ва кичик учрашувлар асл воқеага тақлид ва ҳавас, холос. Улар ушбу ягона (инсоният тарихидаги биринчи ва сўнги), улуғвор (Оллоҳ ҳузуридagi), фарахбахш (жаннатдаги) учрашувга на мазмун, на замон ва на макон нуқтаи назаридан тенглаша олади. Аниқроқ айтганда, бундан кейинги барча учрашувлар ерда, ижтимоий турмуш доирасида содир бўлган ва бу ҳамон давом этаётир.

Европа аънавий романчилиги, хусусан, айна романчиликнинг онаси ҳисобланган антик юнон романи ҳам бу қолипни ўз мақсади, замон-макон табиатига мос тарзда истифода этади. Европа романининг теран билимдони М.Бахтин таснифига кўра, антик юнон романи сюжетидаги учрашув мотивига хос бадий қолип бундай: “Н и к о ҳ ё ш и д а г и й и г и т в а к и з. Уларнинг насл-насаби номаълум ёки сир сақланади. Улар м и с л с и з г ў з а л л и г и билан бошқалардан ажралиб туради. Шунингдек, улар ҳаддан зиёд п о к и з а (маъсум)дирлар. Йигит билан қиз **к у т и л м а г а н д а** (кўпинча тантанали байрамларда) учрашиб, бир-бирини л а ҳ з а л и к, ж и л о в б и л м а с эҳтирос билан

севиб қолади..." (Бахтин М. *Форма ва вақт ва хронотопа в романе // В кн.: Вопросы литературы и эстетики. М., "Художественная литература", 1975, стр. 237-238 (таъқиқотда келтирилган иқтибослар шу манбадан олинади. Таржима бизники – У.Ж.)*


Айни мотив антик юнон романидан бошланиб, Европа романининг бугунги даврига қадар қайсидир даражада яшаб келяпти. Уни италян, испан, инглиз, француз, немис, рус ва бошқа миллатлар романчилигининг исталган намуналаридан топиш мумкин. Биринчи ўзбек романи – "Ўткан кунлар" сюжети воқеалари ҳам худди шу илк учрашув мотиви асосига қурилган. Марғилонга тижорат мақсадига келган Отабек "ариқ бўйида" Кумушни учратади ва бир кўришдаёқ севиб қолади. Роман сюжетининг кейинги барча компонентлари шу мотив билан шаклан ва мазмунан боғланиб, узвийлашиб кетади. Аммо Қодирий романини Европа романчилиги аъёналаридан кескин фарқлайдиган, унинг оригиналлиги ва шарқоналигини таъмин этадиган томони ҳам айни мотив билан боғлиқ. Аввало, Отабек ва Кумушнинг "ариқ бўйи"даги кўришуви учрашув мотиви билан бевосита таркибдош эмас. Яъни бу ҳодиса айнан илк учрашув мотивини англашмайди. Шу боис ҳам, Қодирий роман сюжетининг маълум нуқтасига қадар бу учрашувни яширади. Илк учрашувгача бўлган сюжет воқелигини Шарқ адабиётидаги аъёнанавий ғойибона ишқ мотивига ўхшатиб қуради. Романни биринчи бор мутолаа қилаётган китобхона бу учрашувга доир муаллиф изоҳини ўқиғунга қадар барча воқеалар баёни ва бош қахрамон Отабекнинг психологик тасвирларида ғойибона ишқ таъмини ҳис этади. Ошиқ ва маъшуқа ўртасида кечган бу ҳолат гўёки илк учрашувга тақдир ишорати сифатида талқин қилинади. "Ўткан кунлар" сюжетининг Европа аъёнанавий романи сюжетига илк учрашув мотивидан кескин фарқи ҳам айнан шу нуқтада кўзга ташланади. Европа романи сюжет қолипига қахрамонлар ҳеч бир ишоратсиз, илоҳий, ижтимоий, маънавий асосларсиз, фақат "тасодиф" дейилгучи мантиқсиз воқелик воситасида учрашиб қолади. Роман сюжетининг кейинги компонентлари ҳам

шунга (мантиқсиз тасодиф пойдеворига) боғлиқ равишда шакллантирилади. Қодирий романидаги "ариқ бўйи" учрашувининг эса тасодифга мутлақо алоқаси йўқ. Аксинча, ёзувчи бу учрашувни романнинг бир неча ўрнида (дастлаб Мирзакарим қутидор меҳмонхонасида Зиё шоҳичи тилидан, сўнгра Қутидор ва Офтобойим ўртасидаги мулоқотда, учинчи марта Худоёрхон саройида, Мусулмонкул ва Отабек ўртасида кечган мантиқ мувоҳасасида) "тақдир шамоли" дея тилга олади ва буни чуқур бадиий мантиқ билан асослайди.

**Х**усусан, романнинг "Бек ошиқ", "Марғилон ҳавоси ёқмади", "Қутлуг бўлсин" деб номланган бўлимларида Отабекда рўй бераётган ғайриодатий ҳолатларни унинг хизматкори ва маънавий отаси Ҳасанали пайқайди. Ўз кузатувлари натижасида бир тўхтамага келган Ҳасанали Отабек дардига шифо истаб, Зиё шоҳичи эшигига бош уради. Масала моҳияти аниқ бўлгач, улар совчиликка боришга қарор қилдилар. Романнинг шу нуқтасида, Мирзакарим қутидор уйига совчи бўлиб борган Зиё шоҳичи тилидан илк бор "тақдир шамоли" калимаси айтилади: "Шаръят ишига шарм йўқ, дейдилар ўртоқ, агарчи сиз билан менга бирмунча оғирроқ бўлса ҳам, яна сўзлаб ўтишга ҳожат бор: кунлардан бир кун **тақдир шамоли** юрадир-да бир кишининг ифбат пардаси остида ўлтурган қизининг юзидаги никобини кўтариб, иккинчи томондан бизнинг Отабекни шу афифага рўбарў қилади. Шу дақиқадан бошлаб бекда у афифага қарши бир ишқ, ҳам чин бир ишқ туғилади..." (Қодирий А. *Ўткан кунлар. Ўзбеклар турмушидан тарихий рўмон. Т., "Янги аср авлоди", 2011, 49-50-бет (Роман таҳлилига доир барча иқтибослар шу манбадан олинади – У.Ж.)*. Фақат шундан сўнггина "Ўткан кунлар"даги илк учрашув мотиви томон йўл очилади. Ошиқ-маъшуқанинг илк учрашувига шаръий никоҳ орқали тамал тоши қўйилади ва Кумушнинг Отабекка қарата айтган "Сиз ўшамми?" калимасидан бошлаб илк учрашув мотиви ишга тушади. Европа романида эса илк учрашувдан никоҳгача аллақанча воқеалар содир бўлади. Яъни: "келиннинг тўй арафа-

сида ўғирланиши, ота-онанинг розилик бермаслиги, севишганларнинг бошқа биров билан аввалдан унаштириб қўйилгани, севишганларнинг қочиб кетиши, уларнинг сафарлари, денгиз тўфони, кеманинг фарқ бўлиши, мўъжизавий омон қолиш, қароқчилар ҳужуми, асирлик, қамоқ" ва ҳоказолардан кейингина "романлар севишганларнинг қовушуви билан ижобий якун топади" (*Бахтин М. Ўша манба, 238-бет*). Кўринадики, бу романларда ошиқ ва маъшуқа тўйгача туғилган маконини ташлаб қочиб кетади, биргаликда кўп воқеаларни бошдан кечиради (замонавий Европа романларида бирга яшаб, фарзандли ҳам бўлишади). Роман сюжетининг якуни эса никоҳ, Демак, Европа романи қаҳрамонлари ҳаёти, уларнинг умр йўлларида муҳим роль ўйнайдиган илк учрашув ҳам тақдир эмас, тасодиф туфайли майдонга келади, деган қараш марказий поэтик концепцияни ташкил этадики, унинг биз назарда тутаётган самовий идеаллардан, хусусан, Қодирий романи марказий концепциясидан кескин фарқи шунда.

Қодирий романи худди шу илк учрашув мотивиданоқ биз юқорида келтирган Қуръони карим мазмунига, демакки, самовий ҳақиқатларга айнан мос тушади. Дарҳақиқат, Одамнинг (а.с.) яратилиши, унга маърифат ато этилиши, шу боис унинг фаришталардан-да устун қилиниши, ниҳоят, унга атаб покиза бир жуфт – Момо Ҳаввонинг яратилиши сира ҳам тасодиф эмас, билъакс азалдан "Лавҳул махфуз"да битилмиш тақдир эди. Уларни тасодиф эмас, тақдир қовуштирган, никоҳларини эса Оллоҳ таолонинг ўзи ўқиган. Худди шу қуръоний ҳақиқатдан келиб чиқиб ёндашганимизда, Кумушббининг Отабекка айтган "Сиз ўшами?" сўроғи "ариқ бўйида" учратилган йигитга эмас, балки ўзига тақдир битган ошиққа қарата айтилган умумбашарий, ҳатто самовий (зотан, ҳар бир ошиқ ёки маъшуқа фақат ўз тақдирига битилмиш ёрга дуч келади) калима экани маълум бўлади. Шу боис, биз илк учрашув мотиви таркибига киритмаган "ариқ бўйи"даги учрашувнинг реал сюжетга бевосита алоқаси йўқ (у сюжет таркибидан тушириб қолдирилганда ҳам роман ютқизмайди). Айни ҳолатнинг муаллиф



Рахим РИЗАМУҲАМЕДОВ. "Абдулла Қодирий  
Ёқшишаҳарда"

томонидан дастлаб яширилиши, кейинчалик, реал ўқувчининг реал талабларини ҳисобга олиб, изоҳ тарзида берилиши ҳам шундан.

Шаръий никоҳ ва бахтиёр маъшуқанинг "Сиз ўшами?" калимасидан сўнг "Ўткан кунлар" қаҳрамонларининг чин маънодаги "илк учрашув"и, саодатли кунлари бошланади. Бу гўёки Одам Ато ва Момо Ҳавво жаннатда топган саодатнинг ердаги соясига, илмий тил билан айтганда, бадиий моделига ўхшади. Зотан, бунда ошиқ ҳам, маъшуқа ҳам (худди жаннатдаги Одам Ато ва Момо Ҳавво сингари) бирдек бахтиёр эди. Улар учун бундан ортиқ саодат йўқ эди. Аммо бу бахтиёр кунлар узоққа чўзилмайди. Ошиқ-маъшуқа ўртасига шайтон оралайди...

"Бас, уларни шайтон йўлдан оздириб, масканларидан чиқарди ва айтди: "Тушингиз (жаннатдан ерга)! Сизлар бир-бирингизга душмансиз. Энди маълум вақтгача (ажалларингиз етгунча) Ерда маскан тутиб яшайсиз" (Бақара, 36). Одамнинг жаннатдаги ҳаёти осуда давом этар эди. Бу эса у сабабли лаънатланган шайтоннинг ҳусадини қўзғар, ўч олишни ўйлаб ҳаловати йўқолганди. Кунлардан бир куни лаънатланган иблис мақсадига эришди. Уларнинг "Фақат мана бу дарахтга яқинлашмангки, у ҳолда золимлардан бўлиб қоласиз", деган Оллоҳ ҳукмига хилоф йўл тутишига эришди. Ана шундан сўнг "ТУШИН-ГИЗ!" ҳукми янгради. Мана шу ҳукм билан Одам оёғи ерга тегди. Айни лаҳзадан баша-

рият карвони Ер аталмиш уловга ўтирганча, ўз тақдири томон йўлга тушди. Башариятнинг заминдаги тарихи шу нуқтадан бошланди. Мана шу нуқтадан Одам (а.с.) ва Ҳавво онамиз (ва уларнинг авлодлари) қисматнинг шафқатсиз синовларига рўпара этилди. Ривоят қилинишича, Одам (а.с.) ва Ҳавво онамиз Ер шарининг икки томонига туширилган. Улар токи бир-бирини топгунга қадар икки юз йил (баъзи ривоятларда уч юз йил) ўтган. Ҳижрон узоқ давом этган. Ниҳоят, Маккада айрилиқнинг узун йўллари туташган. Шундан сўнг одамзоднинг кейинги авлодлари дунёга келган. Башарий жамият пайдо бўлган. Тақдирнинг бундай сермашаққат синовлари Одам (а.с.) ва Ҳавво онамиздан кейин уларнинг авлодларига мерос бўлиб қолди. Бу ҳақдаги илоҳий ахборотлар эса роман сюжетидаги "илк учрашув" – "айрилиқ" – "висол" мотивлари учун асос бўлди.

М.Бахтин юнон романи сюжети ҳақида сўз юритар экан, изланишлар натижаси ўлароқ бундай хулосани илгари суради: "... у ч р а ш у в – а й р и л и қ – қ и д и р и ш – т о п и ш сингари асосий мотивлар уйғунлиги фақат бир нарсада – инсоннинг ўзини англаши ҳақидаги сюжетни ифодалашда намоён бўлади" (*Бахтин М. Ўша манба, 256-бет*). Ҳақиқатан ҳам, қисмат машаққатлари ва тақдир синовлари инсон феноменининг шаклланишида муҳим ўрин тутади. Ошиқнинг маъшуқа висолига қадар чўзилган узун йўли жамият ичра яшашга ҳозир мустақил жуфтликни, ичра оилани вужудга келтиради. Бу эса, ўз навбатида, жамият тараққиёти, башарият турмушининг давомийлигини белгилайди. Европа романининг ниҳояси шундай. Аммо том маънодаги шарқона бадий талқин бу нуқтада яқун топмайди. Жараёнлар ошиқ ва маъшуканинг ўлимидан кейин ҳам давом этаверади (Лайли ва Мажнуннинг висол эмас, ҳижрон томон интилгани, ўлимдан саодат топганини эсланг). Эндилликда висол дарди Ҳақ жамолига мушаррафлик истаги билан уйғунлашиб кетади. Ҳақ висолига эришиш эса Шарқ ошиқларининг (шунингдек, маъшуқаларнинг ҳам) буюк армони, олий мақоми ҳисобланади. Ана шу жараёнларнинг барчаси "Ўткан кунлар" воқелигида

турли ҳажмдаги романтик, сентиментал, рамзий, саргузашт, детектив ва реалистик сюжетлар (ва мотивлар) тизими ўлароқ ақс этган.

Роман сюжетидаги "айрилиқ" мотиви ошиқ ва маъшуканинг сўнгсиз изтироблари, ижтимоий-маиший турмуш фожиаси сифатида берилади. Покиза муҳаббат асосида бунёд бўлган никоҳ риштасини узишга, оила кўрғонини бузишга чоғланган куч, ёзувчи томонидан, "шайтанат" дея номланади. Шайтанат – шайтони лаъиннинг кўплиги, бошқачароқ айтганда, иблис болаларининг қилмиши деган маънони билдиради. Роман сюжетида шайтанат салтанатининг махсус манзиллари, вакиллари, ҳаракат доиралари ва усуллари, ҳатто тил ва ифода услубларигача индивидуаллаштирилган. Иблис Одамга (а.с.) ҳасад қилиб, унинг жаннатдаги саодатли ҳаётига раҳна солганидек, "Ўткан кунлар"даги шайтанат ҳам Отабек ва Кумушнинг шаръий турмушини бузишга қасд қилади. Бунга маълум муддат эришадими ҳам. Мана шу муддат роман сюжетидаги айрилиқ мотиви ҳисобланади. Бу мотив роман хронотопида икки йил давом этади. Отабекнинг икки йиллик умри шайтанат билан курашда ўтади. Бу ўртада Отабек уста Алим билан учрашади. Унинг юсак романтика ва сентиментал ҳолатлар билан боғлиқ ҳикоясини тинглайди. Ундан ўз муҳаббати йўлида идеал қидиради. Гоҳ бу идеални топган, гоҳ йўқотгандек бўлади. Ҳижрон изтироби, ботинидаги шайтанат зунғумидан фориг бўлиш мақсадида ерости дунёсининг рамзий модели Хўжа маъоз қабристонидан тунайди. Натижада барча кўргиликлар тақдирда битилиши, ундан қочиб бўлмаслиги, Оллоҳ ёзигининг ҳақлиги, мўминнинг бахти ҳаюлат ва ғазабда эмас, чиройли сабрда, висолда эмас, ҳижронда экани ҳақидаги сазовий хулосага келади. Шайтанат кутқулари аро йўқолаётган имонини, том маънодаги ўзлигини топади (гўё қайта туғилади). Мана шу исломий хулосадан сўнггина, ошиқнинг тақдир сўқмоғида ўзгариш бўлишига илоҳий ишоратлар зухур эта бошлайди. Аввалига ошиқ тақдир йўлиқтирган уста Фарфнинг соф реалистик ҳикояси, детектив мантик

билан қоришиб кетган мулоҳазаларидан хабардор бўлади. Ўз душманларини – шайтанат салтанати фуқароларини танийди. Улар билан муросасиз жангга киришган дақиқадан бошлаб ошиқона саргузашт (авантюра) иштирокчисига айланади. Уч малъун рақибга қарши яккама-якка жанг қилиб, маъшуқасини қутқазади. Азобли ҳижрон кунларига яқун ясайди. Ёр дийдорига восил бўлади.

Романнинг сюжет тизимида Отабек ва шайтанат аро кураш уч сатҳда кечади. Буларнинг *биринчиси* Отабек ва ижтимоий (миллий) шайтанат сатҳи ўртасидаги кураш бўлиб, бунга романнинг бошидаёқ муайян ишоралар берилади. Зиё шоҳичи меҳмонхонасидаги зиёфатда Отабек маърифати, дунё кўрган илғор фикрли шахслиги билан кимда ҳавас, кимда ҳасад уйғотади. Сиёсий иерархия (Худоёрхон, Мусулмонқул, Азизбек) ҳақида билдирган ҳаққоний фикрлари боис мажлис аҳли (жамоат хулосаси Ақром ҳожи тилидан баён қилинади) томонидан: "...ийгитларимиз ичиде энг ақлиги экан... Агарда хон кўтариш маним кўлимда бўлса эди, хон қилиб Отабекни кўтарар эдим" (*Қодирий А. Ўша манба, 22-бет*) тарзидаги мақтовга лойиқ топилади. Айни пайтда, бундай ҳавас қилгулик фазилатлари, теран фикрлари билан шайтанат вакиллари (хусусан, уни дор остига етаклаган Ҳомид) кўлига курол ҳам тутқазади. *Иккинчи сатҳ* маиший турмуш воқелиги билан боғлиқ. Роман сюжетининг бошидан охиригача таранг тортилган маиший шайтанат муаммолари, ўз моҳиятига кўра ижтимоий шайтанатдан ортиқ бўлса ортиқки, сира кам эмас. Бу қатлам шу даражада мукамал берилганки, у алал-оқибат, ошиқ-маъшуқа ҳаётига ҳам, роман сюжетига ҳам хотима қўйишгача боради. *Учинчи сатҳ*ни роман сюжететида у қадар ҳам очиқ кўринмайдиган, аммо асар воқелиги ва қахрамонлар ҳаётида муҳим ўрин тутадиган ботин шайтанати ташкил этади. У биргина Отабек тимсолидаёқ (сабрсизлик, ичкилик, газаб сингари) тур-

ли қиёфаларда намоён бўлади. Фақат бош қахрамон башарий ҳаёт моҳиятини тўғри ва чуқур англагандагина (Отабекнинг Хўжа маъвоз мазориде тунаши) ботин шайтанатининг дами қирқилади, қахрамон кўнгил ҳаловатига эришади. Шундан сўнг роман воқелигида ҳам, қахрамонлар тақдирида ҳам кескин бурилиш рўй беради.

Тўғри, асарда висол узоқ давом этмайди. Роман сўнгида ошиқ ҳам, маъшуқа ҳам ҳалок бўлади. Аммо шу ўтган қисқа вақт янги ҳаётнинг барпо бўлиши (Ўдгорбекнинг туғилиши), ошиқ-маъшуқа авлодларининг давомийлиги (роман сўнгидаги "Ўзгучидан" деб номланган изоҳда Ўдгорбекдан "икки ўғул" қолгани айтилади) учун кифоя қилади. Ошиқ-маъшуқанинг чин муҳаббати замин аро изсиз йўқолмайди. Энг муҳими, ҳар икки қахрамон ҳам, ислом шариятига кўра, дунёни шахид мақомида тарк этади. Роман сюжетининг бу тарзда тугаши биринчидан, унинг Қуръони каримда келган илк сюжет воқелиги билан ҳамоҳанглигини кўрсатса, иккинчидан, роман сюжетининг том маънода шарқона, айнан шарқоналиги боис, жаҳон романчилиги доирасида оригинал бадиий воқелик эканини ҳам тасдиқлайди.

**И**нкор қилмаймиз, Қодирий даврида ҳам, ундан олдину кейин ҳам жаҳон романчилиги ўз ўқувчиларига бир қанча оригинал сюжетларни тақдим этди. Европа, америка, рус, украин, турк, араб, форс, озар, арман, грузин, қозоқ, қирғиз ва бошқа халқлар романчилигида жаҳон адабиётшунослари юксак баҳолаган, ҳисобсиз ўқувчиларига эга бўлган, асрлар оша яшаб келаётган романлар оз эмас. Аммо уларнинг бирортаси, биз илгари сурган самовий, умумбашарий мезонлар билан ўлчанганда, Қодирий романига тенглаша олмайди. Зотан, бундай оригинал сюжет асосида мингйиллик шарқ-ислом маданияти аъённалари, хусусан, ўзбек халқининг теран илдизларга эга маънавий захиралари турибди.

# О'рмондаги кулба

## Ҳикоя

Эй руҳ! Фитратининг ўрмонларида  
көзинган, эзилган, озурда эй руҳ!  
Заҳмат сойларининг ҳовурларию  
ғусса водийларин шовурларида  
бир ўзи йиглаган,  
ўксиган, куйган,  
ҳасрат ёмғирининг куюкларида  
илма-тешик бўлиб  
изиллаб турган!  
Эски зиндонингдан бир зум чиқақол!..

## Муқаддима

### Ўғил

Шабада эсмас, лекин ўрмон гувуллаб-шовуллаб турар эди.

Сарв, қайрағоч, арчалар баланд ўсган, ўт-ўланлар пояси тўқ яшил, дарахт остидагилари эса сийрақроқ, ранги ҳам нимдошроқ, баъзилари гуллаган, майда-майда гулчалар узра асаларилар гўнғиллаб учиб юрар эди. Дарахтлар ортида кўринмаса-да, қайдадир қуёш ёрқин нур сочарди.

Осмон кўм-кўк, уада оқ булутлар қимир этмасди.

Кўпдан бери инсон зоти юрмаган сўқмоқдан тез-тез одимлаб борардим.

Ичимдаги сурур қайдан пайдо бўлганини билмасдим. Бу ўрмон менга ёқар, кечагина минг хил ташвиш билан пешона тириштириб юрган бўлсам, энди ҳаммасини унутгандек, хаёлимга “Қара-я, ўрмон жонга роҳат бахш этаркан-ку” деган ўй ортидан “Нима бўлганда ҳам инсон табиатнинг фарзанди, бағрига тортаверади-да” дегандай “жиддий фикр”лар ҳам келмоқда эди.

Одамнинг ўйи қизиқ-да. Бир нимани кўрсангиз, беш-олти хил фикр бирдан уйғонади. Энг маъқулини танлаб оласизу қолганини ташлаб юборасиз гўё. Лекин ҳозир ўйларимнинг бари қийматлидай, биронтасини рад қилиб бўлмайдигандай туюлди – ўзимча мамнун илжайиб қўйдим.

Шу сабабли ўрмонда қиладиган ишим бехавотир кўринди.

Ҳа, шу яқин ўртада эски, кимсасиз бир кулба бор. Мен унинг ертўласига тушишим керак.

Яна пича одимлагач, сўқмоқ адоғида ўша уйча кўринди. Кичкина, тик томли экан. Қурилганига неча йиллар бўлгандир... Олдидаги майдончага терилган тошлар орасидан ўт ўсиб чиқибди. Тарвақайлаган мевали дарахт бўй чўзибди – ўрикка ўхшайди, шохларида довуччалари ҳам бор.

Дарахт ёнидан ўтиб, уйчанинг тош зинасидан юқори чиқдим. Эшик очик экан.

Бу ерга кўпдан бери инсон қадами етмаган эса-да, эгалари қайгадир кетганига бир-икки ҳафта бўлгандай, назаримда. Чунки рўзгор ашёларининг бари ўз ўрнида, аммо уларни хиёл чанг қоплабди. Ўнг томондаги жавоннинг эшиклари ёпик, ичида уй эгаларининг буюмлари бўлса керак. Дераза тагида каттагина стол, устида эскироқ компьютер, қалам-қоғоз ёнида сўлий бошлаган чечаклар ҳам бор, ҳарҳолда, уй бекаси нозиктабиат аёл, шекилли. Деразага оч-сарғиш гулли парда тутилган. Бориб, тавақаларни очиб юбордим, ўрмоннинг ўт-гиёҳлар исига тўла тоза ҳавоси ичкарига ёпирилди. Катта жигарранг печка устида оғир чўян чойнак, ерда эса беш-олтита қарағай саржини, гугурт доналари сочилиб ётибди.

*Бу рамзий ҳикояни шарҳлаш учун замонавий фан руҳиятшунослик деб атайдиган бир илмга эҳтиёжимиз бор.*

*Инсон қалбининг сир-асрорини кўриб-билиб турадиган зот фақат Яратганинг ўзидир, бироқ Ўзигагина хос шу билимлардан бир улушини бандаларига ҳам ҳадя этган. Руҳий таҳлил илмида таъкидланишича, киши хатти-ҳаракатларининг ўзаги ақлу шуурнинг ҳам тубидаги онг ости қатламида пинҳон. Соддароқ тилда айтсак, инсон ўз жавҳарини қалбининг туб-тубига яшириб қўяди. Шу сабабли атрофимиздаги кишиларнинг ички кайфиятини ҳар доим ҳам сезавермаймиз.*

*Руҳиятшуносликда инсоннинг онг остини таҳлил қилишга мўлжалланган бир қанча синовлар бор. Масалан, ўзингизни ўрмонда тасаввур қилинг. У ерда бир уйча бор, сиз ўша уйчанинг ертўласига тушишингиз керак. Ертўла пиллапояларининг саноғи киши ўз шахсиятини қалбига қанчалар чуқур яширганини англатади.*

Чап томондаги хона эшиги ёпиқ. Болалар хонаси бўлса керак. Балки меҳмонхонадир?

Ҳа, шинамгина-ю, аллақанча муддат қаровсиз қолган бир уй.

Ўзи ертўлага тушишни ўлгудек ёмон кўраман. Нимқоронғи, кераксиз ашқол-дашқоллар бетартиб қалашиб ётган, зах ҳиди анқиётган жой тасаввуримда жонланади. Баъзилар ҳаво алмашиши учун туйнук ҳам очади, туйнуги бўлмаса, ертўла ҳавоси оғир, дим бўлади-да.

Хув анави ерда яна бир эшик – ертўла эшиги, шекилли. Очиқ турибди.

Эшик олдига келиб, пастга қарадим. *Беш ёки олтита пиллапояс* бор-ов.

Аста қадам босдим – кўндаланг тахталар ғичирлаб кетди.

### Она

Умр бўйи дала-тузда овораи сарсон, болам-чақам деб заҳмат чеккан бир аёлман-у, кутилмаганда менга “Ўрмонга бор” дедилар.

Ўрмон тушимга ҳам кирмаган – сап-сариқ куму лойқа сувлар орасида катта бўлганман-да, аммо рости, бу манзараларни кўриб оғзим очилиб қолди. Ҳамсояларим эсимга тушиб кетди, бечоралар, оила-рўзғор заҳматидан ортиб шунақа кўркем жойларни ҳам кўришса эди, деб илиндим.

Чиндан ҳам жуда чиройли, сарвлари ва номини мен билмайдиган тик қадли оғочлари енгил шабадада шовуллар эди.

Сўқмоқ тор, одам юрган ерларида сийрак майса ўсган, четларидаги ўт-ғиёҳлар мовий, сариқ ва оқ тусда гул очибди. Дарахтларда қушлар сайрайди. Бир қарағай шохиди жажжи олмахонни кўрдим, кўлида бужур ёнғоғи ҳам бор, мунчоқ кўзларини менга беҳадик тикиб ўтирибди.

Ўрмондаги уйчанинг эшиги очиқ экан. Эгалари қани, дея хавотирланиб ичкарига мўраладим. Ҳеч ким йўқ, ҳаммаёқ ораста, батартиб, ёғ тушса ялагудек. Дераза тагида катта бир стол, устига оппоқ дастурхон ёзилган, кўкимтир шиша гулдонда уч дона чиройли гул. Печка устида ялт-ялт кулранг темир чойнак, ерда текис тахланган беш-олтита саржин ўтин.

*“У ерда кимдир бор ва нима биландир машғул, сиз унинг овозини эшитдингиз. У қандай овоз эди?” Бу саволнинг жавоби шундай: ўша овоз кишининг ўз қалб сасидир.*

*“Шу вазиятда нима қилган бўлардингиз: ёнига борасизми ёки ортга қайтиб чиқиб кетасизми?” Жавобингиз ҳаёт олдингизга қўядиган муаммоларга муносабатингизни билдиради.*

*“Ва ниҳоят, зинада яна кимдир пайдо бўлди, ким у?” У – инсоннинг ҳар қандай вазиятда ҳам қўмагига ишона оламан дейдигани, яқин тутган кишисидир.*

*Ҳикояга мана шу нуқтаи назардан ёндашсак, буткул бошқа маъноларни уқамиз.*

*Эътибор қилинг, мақсадлари муштарак, бир тану бир жон бўлиб яшави керак бўлган бир оиланинг уч вакили қалбига айри-айри кириб боряпмиз. Ҳикояда шунга ишора этилади-да. Ўғил ҳам, Она ҳам, Ота ҳам ертўлада ўзига таниш*

Дераза ҳам очик, оппоқ парда майин шабадада хилпираётир.

Ҳарҳолда, уй эгалари саранжом-саришта экани кўриниб турибди. Дарвоқе, қайга кетишган экан?

Шу уй ертўласига тушишим керак.

Ертўла жуда чуқурга ўхшайди, ғира-ширада зиналарнинг охири кўринмайди. Ўлсин, қоронғи экан, деб ўйладиму пастга қараб қадам босдим.

## Ота

Ташвишим бошдан ошиб ётибди-ю, ўрмонда бало борми менга?

Бунақа ўрмонни йигитлигимда – ҳарбийда кўрганман. У маҳалларнинг меҳнати оғир эди, шунақа бепоён бир ўрмонда дарахт кесганман...

Шамол оғочларнинг қуриган шохларини қисирлатиб синдираётир – шунинг шовқини. Баланд-баланд дарахтлар оғир-оғир чайқалиб ингранади, йўл устидаги ўту гиёҳлар эгилиб-букилиб шитирлайди.

Майсалар гулини ер узра сочиб юборибди. Ўрмон гувуллаб-шовуллаётир – аллақаяқлардан ваҳимали овозлар келаётир.

Кимсасиз бу ўрмонда ваҳший ҳайвонлар ҳам бордир? Ана, нимадир ўкиргандек бўлди. Айиқми, силовсин, ё бўримикан?

Сўқмоқдан қачондир ароба юрган – ғилдирак излари ўрни тақир, тупроқ қуруқ, аммо излар орасида ўт гуркираб ўсибди.

Салдан кейин ёмғир ёғса ажабмас – осмондаги булутлар тўдалашиб-уюлиб келмоқда. Бу – шамолнинг иши.

Ваҳший ҳайвонлар оч бўлса, ҳужум қилиши турган гап. Тезроқ хув анави уйчага етволишим керак.

Тез-тез юриб уйчага келдим. Эшиги ёпиқ экан, аста итарсам, тарақлаб очилиб кетди.

Бу ерга инсон қадами тегмаганга ўхшайди. Ҳаммаёқни қалин чанг қоплабди. Дераза пардаси эски, тўқ жигарранг тусда. Уй ҳавоси дим. Деразаларни ланг очиб юбордим. Стол устида қизғимтир шиша гул-

*анжомларини кўриши, яккаш манзаралар ҳар бирига турлича намоён бўлиши – буларнинг бари қаҳрамонлар ички дунёсининг тартиботидан дарак беради. Ўғил – ҳали ҳаётдан задаланмаган, содда-самимий йигит. Болалик бисотини топиб завқланган йигит каби ертўладаги овоз ҳам завқланиб куляпти: “Борайчи, қизикроқ бир нимани кўриб қолганмикан”. Онанинг кўнглида эса дарду ғусса ҳужмрон: ертўлада бир аёл ўқиб-ўқиб, ёлкалари силкиниб-силкиниб йиғлаётир. “Ким бўлсаям, ёнига борай, ҳол-аҳвол сўрай деб ўйладим. Одам тафтини одам олади. Қозиқдан онамнинг рўмолини олиб, бошимга ўрадиму у томон юрдим”.*

*Ота – бениҳоя ёлғиз одам. Унинг характери ифодаларига қаранг: нимадандир (ҳаётданми, яқинлариданми, қисматиданми) ўта норози, шу сабаб ҳам гўлдираб сўкинади, қўлига илинган нарсани отиб, тепиб юборади.*

*Энди имдод саҳнасига диққат қаратайлик. Ўғилнинг қошига дўсти келмоқда. “Юр, юрақол юқорига, – деди дўстим кулимсираб. – Бу ерда нима бор*

дон, ичидаги суви лойқаланиб сасиб кетибди. Печкага анчадан бери ўт ёқилмаган, кули олинмаган, ичида чала ёнган икки-уч саржин...

Айтганимдай, салдан кейин ёмғирнинг шитирлаши эшитилди.

Чанг устида из қолдириб, ертўланинг ёпиқ эшиги томон юрдим. Очиб, *етти ёки саккизта пиллапоя* босиб пастга тушдим.

## 1. Ертўлада

### Ўғил

Ертўла кенг-мўлгина экан. Қоронғи – охири кўринмайди. Кераксиз нарсалар тиқилиб ётибди бу ерда. Оёғим остида эски ўйинчоқлар, дарахт новдасидан ясалган ўқ-ёй, пушти ва оқ копток, кўғирчоқлар... Улар ҳам чангга ботган.

Ие, ўзимнинг ўйинчоқларим-ку?! Бу ерда нима қилиб ётибди?!

Яна одимлайман. Туйнуқлар очиқ, ҳаво ростдан ҳам майин. Ертўла зах эмас. Туйнуқларни ким очди экан? Ҳозир-ку баҳор, аммо қишда туйнуқлар ёпилмасми?

Ўйинчоқлар болалигимни эслатгани боис ертўла бегона туюлмади, худди бир сирдан воқиф бўладигандек, қалбимда илиқ туйғу бош кўтарди. Шу кичкина ёйдан қушларга ўқ узардим, ўқни беҳи новдасидан ясардим, табиийки, биронта қушни отиб ололмаганман, лекин ўша маҳаллар ўзимни довюрак овчи дея хаёл қилганларим, қийқира-қийқира дарахтзор оралаб чопганларим эсимда.

Яна бир-икки қадам босган эдим, тўсатдан ертўла адоғидан, қоронғилик қаъридан бир-овоз келди. Ие, бу ерда биров борга ўхшайди.

Ҳа, ўша ёқда – тахта рафлар зулмат ичида кўзга кўринмай кетган жойда кимдир ўзича *завқланиб кулмоқда* эди.

Овозига қараганда, мен тенги йигит, шекилли. Нега куляпти экан? Мен каби ертўлага киргану болалик бисотини топиб олиб, ўша маҳаллардаги бирор воқеани эслаб кулаётган бўлса-чи? Кулги сасини эшитганим ҳа-

*сенга?!*" Дўст – йигитнинг ота-онаси билмайдиган кечинмаларидан хабардор ва энг муҳими келажак сари елкама-елка, бирга-бирга борадиган сафардоши. Жуда озорланган ва қалбининг туб-тубида ўксик ота-онадан фарқли, ўғилнинг руҳияти кувватлироқ, чунки келажак ҳали олдинда. Ўғилнинг назаридаги келажак – ёрқин ва нузли.

Она қошига қутилмаганда боласи ё эри эмас, отаси кириб келяпти. Яъни, ёлғиз суянчиги – отаси. Шу сабабдан ҳам сўралмоқдаки, "Ажаб, нега болангни чақирмадинг, авайладингми? Нега зрингни чақирмадинг, кўнглинг йўқми? Она кизим, қиз учун отадан улугроғи йўқ деддингми?"

Ота қошига эса ҳеч ким келмади, чунки унинг суянадиган кишиси йўқ. Ота психологияси шундай: у ўз оиласидаги кимгадир суянишни эмас, балки ҳаммага пуштипаноҳ бўлишни ўйлайди. Назарида, оиласи ҳимояга муҳтож ва у ҳаётий вазифасини бажариб, аҳли аёлини муҳофаза этиши шарт.

моно менга зиён етказмаслигига ишонч ҳосил қилдим. Чунки беғубор-беозор кулги эди бу. Эски-тускини титкилаб, қадрдон буюмини топиб олган бўлса керак. Узун бўйли, сочлари қоп-қора, кўзлари чақнаган ва, табиийки, шошқалоқлигидан кўпинча хато ҳам қилиб кўядиган софдил-самимий бир йигитга ўхшайди.

“Борай-чи, ким экан?” дея у томон қадам ташладим.

### Она

Бир маҳаллар ота уйимизнинг ертўласида сабзи-пиёз сақлар эдик. Катта хумларда ёғ, гуруч, буғдой, чоғроқларида мош, ловия, нўхат бўларди. Кейинчалик эски тўшакларни ҳам олиб тушиб, думалоқлаб ўраб қўйган эдим. Бу ахир ўша нарсалар-ку, аввал қандай бўлса, шундайлигича турибди.

Ертўла саришта, аммо ўтмиш иси келади. Ие, оламдан ўтиб кетган онаизоримнинг қўйлаги, рўмоли ҳам шу ерда эканми? Йўқотиб қўйганман деб эзилиб юрардим. Мана бу отамнинг тўни эмасми? Шифтга эски бешик илиб қўйибди, ёпқичи остидан қовузлари, қўлбоғичлари кўриниб турибди.

Худого шуқр, бегона жой эмас экан.

Яна бироз юрган эдим, ертўла бурчагидан, қоронғилиқдан бировнинг овози келди. Шошиб қолдим. Тавба, у ерда бир аёл ўқсиб-ўқсиб йиғламоқда.

Букчайиб ўтирибди – озгин елкаси, униққан қўйлаги, нимдош ҳаворанг рўмолини илғадим. Юзи кўринмайди, аммо нимадандир эзилиб-эзилиб, тўлиқиб-тўлиқиб йиғлаётир.

Чорасиз одам шунақа кўзёш тўкади. Дунёи дунда ҳаётининг қиймат-сизлигидан, ҳарчанд тиришмасин рўшноликка чиқа олмаётганидан, умр эса ўрмонни чайқатган шамол каби долғалар сола-сола елиб ўтиб кетаётганидан юраклари ғамга тўлиб, Худого ёлвора-ёлвора нола қилади.

Бечора, ертўлада нима қилаётган экан? Балки шу уйнинг бекасидир? Бошига бирор мусибат тушган бўлса-чи?

*Исажон Султон бу ўринда генотип ҳаётини руҳиятшунос сифатида таҳлил қилишга уринади. Ҳа, бир оила, яқдил яшаётгандай туюлса-да, қалб тубидаги орзу-армонлар турли-туман ва... улар ҳеч қачон ошкор қилинмайди. Шу сабаб яна саволлар тугён қила бошлайди. Нега бир оила аҳли қалбан яқин эмас? Ким қайда хато қилди?*

*Ушбу ҳикоянинг мен илғаган тағмаъноси ана шулардан иборат. Хотима ҳам алоҳида эътиборга молик. Нидо кимга оид экани эса зукко ўқувчига ҳавола қилинади: “Найлайн, ертўладан чиқай дёсам – чиқолмайман. Қолавераман, ғалати ўрмоннинг, ертўланинг, сас-товушларнинг ҳайбатлари аро... чуқур-чуқурларга яшириб қўйилган маънолар қаршисида, полу хайрон, музтар-музтар...”*

— Абдуғафур РАСУЛОВ

Жоним ачиб кетди. Ким бўлсаям, ёнига борай, ҳол-аҳвол сўрай деб ўйладим. Одам тафтини одам олади, агар мусибатзада бўлса, Худо меҳрибон, ҳар мусибат ортидан бир яхшилик кўрсатади, деб тасалли бергим келди. Фарзандлари бордир, улар олдида ҳаёт ташвишлари нима бўпти? Аёл турмуш қуриб, бола-чақали бўлгач, ўзини оиласига фидо қилиб юборади, ўксинманг ахир, дея юпатгим келди.

## Ота

Ҳм-м, ертўла бўм-бўш экан.

Бунақа жойларда каламуш урчиб ётади. Ҳойнаҳой илон ҳам бордир? Йўқ, зах жойда илон бўлмайди. Захсевар майда-чуйда ҳашаротлар ўрмалаб юрган бўлиши мумкин.

Чап томонда – девор тагида ётган асбоб-анжомлар ишлатилмаганидан занг босиб кетибди: болта, арра, теша, ўроқ, дастасиз кетмон. Бир уюм қийшайган мих-пих...

Нима зарил эди бу ерга келиб? Норозилик ила секин-аста одимлайман.

Зах тупроқни селгитиш учун анча меҳнат қилиш керак. Туйнук-деразаларни очиб, яхшилаб шамоллатмаса бўлмайди.

Ертўлада бир неча хона бор экан. Ҳаммасининг эшигига қизил бўёқда *"Кириш мумкин эмас"* деб ёзилган тахтача-лавҳа илиб қўйилган.

Ким ёзган экан уларни?

Теварагимни кузатиб, мулоҳаза қилиб турганимда, хув наридан, қоронғилиқдан инсон саси келди.

Ўша ёққа қараб, гавдаси мен қурам, орқа ўгириб букчайиб турган кишининг қорасини кўрдим.

*Ўлдираб сўкинар эди.*

Нимадандир жуда норози, эски ашқол-дашқоллар орасидан бир нималарни қидиради, қўлига илинган нарсани отиб, тепиб юборади, бундан баттар тутоқиб, баттар ғудранади...

Нега сўкинаётган экан? Оиласи, бола-чақаси қаёққадир кетгану ҳали қайтмаганидан жаҳли чиққандир? Бир нима дегим келди-ю, ниятимдан қайтдим.

Негаки, бизнинг ёшга етган одамни ўз ҳолига қўйиш керак. Гоҳ-гоҳ шунақа бир ертўлага тушиб, ўкраб-ўкраб йиғлаб олсаям бўлади. Енгил тортади-да. Чунки биз тенги одамлар юрагида кўпинча зил-замбил тош олиб юради. Аммо йиғлаб ёки сўкиниб хуморидан чиқса бўладиган жой топилмайди. Бу ер зап жой экан... Анави одамни танимадим.

Ёнига боргим келмади. Ўз ҳолига қўйиш керак дедим-ку. У билан неча пуллик ишим бор? Ўзимнинг ташвишим ҳам етиб ортади. Мана, ертўлага тушдим, айтарли ҳеч нарса топмадим, энди қайтиб чиқиб кетсам ҳам бўлар. Тезроқ уйимга борганим маъқул, қанча юмушим бор ахир, бу ерда нияям қилдим?

## 2. Чорлов

### Ўғил

Ашқол-дашқоллар орасидан бир маҳаллар севгилимга ёзган хатларим чиқиб қолса бўладими! Қизиқ, у қиз паққос унутилган-у, хатлар турибди. Қай тарз бу ерга келиб қолган – ҳайронман. Хатлар мазмуни эсда йўқ, аммо баъзи сўзлари ёдимда.

“Сенсиз менга ҳаёт керакмас”, деб ёзган эдим, шекилли.

Шу маҳал боя кулган йигит мени чақириб қолди.

“Келақолсанг-чи, ахир!” дер эди у.

“Ғалати бир нарса топиб олдим, кел, сен ҳам кўр”, дер эди.

Нима топиб олган экан? Кимлигини билмасам-да, ҳарҳолда мени танийдиганлардан биронтаси эканига ақлим етиб турибди. Йўқса чақирармиди?! Менга алоқадор бир нарса бўлса керакки, чақиряпти.

Кўнглим тошиб у томон ошиқдим. Кимлигини билгим келди, бу ғалати ўрмонда ёлғиз эмаслигимдан кўнглим хотиржам тортди. Балки синфдо-шимдир, балки болалик ўртоғимдир?

### Она

Шу маҳал ўша йиғлаган аёл мени чақирди.

Вой тавба, мени танирканми?

Бечора, бу ерларга қандай келиб қолди экан? Бола-чақам деб ўрмонда мева-чева териб юргану шу ертўлага кириб, бир нимани кўриб қолганмикан? Нима бўлганда ҳам ўзимга ўхшаган бир боёқш-да. Йиғлаб ўтиришидан билувдим, бир дард-изтиробни борлигини!

Ҳозир ёнига бориб ҳол сўрайман. Балки боласидан, ё эридан, ёки бирон жигаридан айрилиб қолгандир?

Қозикдан онамининг рўмолини олиб бошимга ўрадим у томон юрдим.

### Ота

Қайтиб чиқиб кетмоқчи эдим, букчайиброқ турган нотаниш киши тўсдан хиёл ўгирилиб, исмимни айтиб чақирди.

Иккиланиб қолдим – борайми, бормайми?

Э-э, нимадан чўчийман? Аммо танимаган одамга ишониб бўлармиди? Ён-веримга қараб, ушлагша қулай, учи оғир таёққа кўзим тушди. Кетмон сопи экан. Отамнинг катта кетмони бўларди, фақат сопи қолибдими дейман?! Олиб қўлимда айлантириб кўрдим: мабодо ҳамла қилиб қолса, бошига ураман деб ўйладим. Ҳа, бошига уриш керак, зарба кучли бўлса, кўз олди қоронгилашиб, ҳушидан кетади. Лекин ёрдам сўраётган бўлса-чи? Ҳозир бировга кўмак берадиган пайтми, ўзим кўмакка зорман-ку!

Нега хавотир олганимни ўзим ҳам билмайман. Ким билсин, овлоқ ўрмон бўлса...

Таёқни икки қўллаб маҳкам тутиб, эҳтиёткорлик билан ўша томон юрдим.

### 3. Келган ким?

#### Ўғил

Овоз эгаси томон бир неча қадам босган эдим, кутилмаганда тепада, ертўла эшиги томонда яна кимнингдир шарпаси сезилди.

Қадам товушлари залворли эди.

Ким бўлиши мумкин?

Ўрмонда бошқа бировни кўрмаган эдим-ку!

Келган киши эса менинг исмиمنى айтиб чақиряпти.

Ие, дўстим-ку! Энг яқин, жонажон дўстим!

Шошиб, ортимга ўгирилдим. Кўрганларимни унга айтиб бераман, кейин бирга анави йигитнинг олдига борамиз. Ёлғиз эмасман, дея кўнглим таскин топди, журъатим ошиб, истиқболига дадил юрдим.

#### Она

Тўсатдан ертўла эшиги яна ғийқиллаб очилди-да, кимдир кириб келди. Уни кўриб, шошиб қолдим.

Отамга ўхшайди-я?

Вой, отам-ку!

"Жоним отам, ўтиб кетган эдингиз-ку?"

Э тавба, тирик экансиз-да?!

Кулишларингиз ўша-ўша, бағрикенглигу хушфёъллик билан жилмайиб турибсиз!"

Кучоғига отилгим келди.

Аммо кап-катта хотинман-ку!

Кап-катта хотин бўлсам нима қипти? Отам-ку, пуштипаноҳим, суянган тоғим ахир! "Отажоним!" дея бирданига хўнграб, бағрига отилдим.

#### Ота

Тепадаги эшик ғийқиллади.

Яна кимдир келдими?

Йўқ, ҳеч кимнинг қораси кўринмайди.

Айтмоқчи, шамолдир!

Ҳа, кўча эшик очиқ қолувди. Бу ёққа келаётганимда кучли шамол турган эди. Очиқ қолган эшикдан шамол кириб, уй ичини обдон тўзитган, ертўла эшигини ҳам ғийқиллатган бўлиши мумкин.

Ҳар эҳтимолга қарши яна қарадим: йўқ, ҳеч зоғ йўқ!

Ростдан ҳам шамол экан. Ана, пиллапоянинг чангини яна тўзитди.

Ортимга қарадим: сас келмай қўйганди, бояги одам қаёққадири ғойиб бўлибди!

#### Аёл отасининг руҳи

Оҳ, содда қизгинам, ўрмоннинг ўрмон эмаслигини билмадингми?

Ахир, манзараларга сер солиб қарамадингми, ўзинг кўрган, ўзинг билган ҳамма нарса кўз олдингда жонланди-ку!

Ой қизалоғим, ҳалиям ёш гўдакмидинг? Кап-катта ўғлинг, эринг бўла-  
туриб, мени йўқлаганингдан хавотирландим, жон болам.

Ажаб, нега болангни чақирмадинг, авайладингми?

Нега эрингни чақирмадинг, кўнглинг йўқми?

Она қизим, қиз учун отадан улугроғи йўқ деддингми?

Мана, ошиғич келавердим қошингга.

Модомки келдим, юрақол, иккимиз ўша ўқсиб йиғлаётган аёлнинг  
ёнига борайлик, кўзёшларини артиб, юпатайлик.

Юрақол, оппоқ қизим...

## Бўшлиқ

Ким мени бўм-бўш деб айтди?

Кўзингиз илғамаса, қулоғингиз эшитмаса, танингиз сезмаса бўм-бўш  
бўлаверадими?

Мен оддий бўшлиқ эмасман. Тўлдирилиши керак бўлган бўшлиқман.

Замин бўшлиқлари ўт-ўлану майса билан, само бўшлиқлари ҳаво, тур-  
фа ислар билан, одам қалби бўшлиқлари меҳр ва севги ила тўлганидай...  
тўлиши керак бўлган бир яратикман.

Тўлсамгина тилга кираман мен.

Эвоҳ, бир маҳаллар бундай бўм-бўш эмас эдим. Дарахтларим, майса-  
ларим бирин-кетин сўлиб, қуриб-қақшади. Улкан оғочларим бўронларда  
қарсиллаб ағдарилди. Сувим эпкинларда чайқала-чайқала қуриди, осмо-  
нимнинг булутлари учиб йўқолди. Шамолларим эсмай кўйди.

Шу тариқа ҳеч нарса қолмади бағримда.

Ҳой, шу бўшлиққа бир майса, бир чечак қадай оладиган тирик жон  
борми ёруғ оламда?

## Дўст

Дўст, нега чақирдинг?

Нега безовта қилдинг? Мен ҳам бола-чақали одамман, ташвиш бош-  
дан ошиб ётибди. Хилват ўрмонда нима бор сенга?

Биламан, ичингда шунақа дардларинг борки, мендан бошқа бирон  
кимсага ёрилмагансан. Асл изтиробу кечинмаларингни биладиган ягона  
одам менман. Мен ҳам сенга ишонаман, бор-йўғи ўрмондаги бир ер-  
тўла экан-ку, жаҳаннамга десанг ҳам бораман, энг хатарли маҳаллардаям  
содиқ биродаринг бўлиб қолавераман.

Дўст, сен чақирасан-у, мен бормайманми?!

Ахир, укангни, қариндошингни ё отангни эмас, мени чорладинг-ку!

Менинг ҳам сендан бошқа кимим бор?!

Албатта, келаман-да қошингга!

Ертўлага тушарканман, сени соғ-саломат кўриб қанчалар энгил торт-  
дим! Хайрият, бирор кор-ҳол рўй бермабди.

Кел, бир бағримга босай – чанг-ғуборга ботган шу ғалати макон ер-  
тўласида, эски ашқол-дашқолларнинг қоқ ўртасида.

Биласанми, сен хумпарнинг елкангга муштлаб-муштлаб қўйгим келяпти!  
Ҳазиллашиб-да!

Пешонамга битган ёлғиз дўстимсан, борингга шукур!

### Хотима

#### Она

“Ой қизим, энди борақол уйингга, – деди отам. – Бундан бу ёғига йиғлама. Бу ертўлага бошқа тушма, йиғи эшигини маҳкам ёп.

Ахир, чидашинг керак. Чидамасанг бўлмайди.

Гулдай болаларинг бор. Жон болам, чида. Ҳали яхши кунлар келади, чида, болагинам!”

#### Ота

Йўқ, тезроқ борақолай уйимга.

Мен-ку дунёи дунда ғоят ёлғизман, аммо уйимда менга ишонган сод-дадил болаларим бор. Эр кишиман-ку, чидамасам бўлмас.

Чидамасам, уларга қийин...

Ҳа, яна озгина сабр қилсам бас. Кейин болалар катта бўлади, ўз-ўзини эглаб кетади.

Ҳозир менга кераги – сабр. Бир чимдимгина сабр...

#### Ўғил

“Юр, юрақол юқорига, – деди дўстим кулимсираб. – Бу ерда нима бор сенга?!”

Ёруғ кунлар ҳали олдинда. Ўша кунларни бирга кўришимиз керак. Ота-миз, онамиз, болаларимиз билан, юзимиз ёруғ бўлиб, юрак-юрагимиз шукронага тўлиб, қўлма-қўл, елкама-елка, бирга-бирга етишимиз керак, дўст!”


Елкама-елка...

Бирга-бирга...

### Ровий сўнгсўзи

Алқисса, бир оиланинг уч вакили ғалати ертўлани тарк этиб, юқорига – офтоб нур сочиб турган ҳаёт бағрига қайтди.

Бир ўзим қолдим. Найлайин, ертўладан чиқай десам – чиқолмайман. Қолавераман, ғалати ўрмоннинг, ертўланинг, сас-товушларнинг ҳайбат-лари аро... чуқур-чуқурларга яшириб қўйилган маънолар қаршисида лолу ҳайрон, музтар-музтар...



# TERMIZIY SIYOSATNOMASI

Самандар – ўт ичра туғилиб, ўт ичра яшовчи афсонавий мавжудот. Буюк термизийлардан бири – Муҳаммад Бакохожа ўзига Самандар деб тахаллус танлаганда бундай ният қилган экан: шояд менинг сўзим одамлар қалбига олов ташласа... Дарҳақиқат, миллий маданиятимиз тарихига Хожа Самандар Термизий номи билан муҳрланган зотнинг сўзи уч юз йилдан буён кишилар қалбига муттасил алангаланиб турибди.

Хожа Самандар Термизий таржимаи ҳолини шарқшунос ва адабиётшунос олимлар Бўрибой Аҳмедов ҳамда Жаббор Эсоновлар “Музаққир ул-аҳбоб”, “Муҳит ат-таворих” маълумотларига таяниб куйидагича баён этади. Мир Ҳайдарий тариқатига мансуб шайхлар наслидан бўлмиш ушбу зотнинг таваллуд ва вафот санаси аниқ эмас. Бироқ у мавлоно Лутфийдек узоқ умр кўргани – 100 йил атрофида яшагани маълум. Бу муддат XVII асрнинг 30-йилларидан XVIII асрнинг 30-йилларигача бўлган даврни қамрайди.

Термизий ҳаёти аштархонийлар сулоласига мансуб уч Бухоро хони – Абдулазизхон

(1645–81), Субҳонқулихон (1681–1702) ва Убайдуллахон (1702–11) ҳукмронлиги даврида кечган. Бухоро ва Балх мадрасаларида таҳсил кўриб, замонасининг етуқ зиёлисига айланган Термизий 1702 йилгача Қаршида диний раислик лавозимида хизмат қилган. (Диний раис XVII–XIX асрларда шарият кўрсатмаларининг бажарилишини назорат этиб турувчи мансабдор бўлиб, X–XVI асрларда мушриф деб номланган – М.Р.) 1702 йили ушбу лавозимдан истеъфо берганидан сўнг у зироатчилик билан ҳаёт кечиради ва ижод-ла машғул бўлади. Термизий каттагина ер-сув эгаси бўлишига қарамай, қўл остидаги корандалар билан баб-баравар меҳнат қилган, ҳосилни ўзи ва улар ўртасида адолат билан тенг тақсимлаган, даромаднинг бир қисмини эса етим-есир, қашшоқ-муҳтожларга эҳсон этган (Аҳмедов Б. *Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари (Қадимги давр ва Ўрта асрлар)*. Т., “Ўқитувчи”, 1991, 197–198-бетлар); Эсонов Ж. *Хожа Самандар Термизий туғилган жой*. // *Хожа Самандар Термизий*.

*Дастур ул-мулук. Т., Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1997, 4–58-бетлар).*

Термизий ўз аждодлари каби тариқат ҳайлидан бўлиб, Олий Жамол ва Камол сари таважжуҳ қилган зот эди. Ўн йилдан зиёдроқ вақт қаландардек юртма-юрт кезгани ва ҳатто Ҳинд заминида бўлгани ҳам унинг ботинан қайта туғилмоғига хизмат этган. Дунё жилваларига бепарво қараган Термизий аксар дарвешона либосда юрган ва хонақоҳдан оёқ узмаган. Талай мурид ортирган бу зотнинг соҳибқаромат бўлгани хусусида турли ривоятлар юради. Шундай ривоятлардан бирида айтилишича, у мирғазаб Ҳисор беги талаби билан қорға уруғ қадаб, қишда ҳандалак етиштирган эмиш.

Термизийнинг икки асари бизгача етиб келган, булар – “Дастур ул-мулук” (“Подшо-ларга қўлланма”, 1695) ва “Анис ул-фуқаро” (“Фақирларнинг дўсти”, 1735) рисолалари-дир. Унга кўпроқ шуҳрат келтирган асари эса дастлабки рисоласи бўлди. Бу асар мусулмон Шарқда яратилган сиёсатномалар ичида энг табаррукларидан саналади. Гарчи “Дастур ул-мулук”нинг бош мавзуи сиёсат бўлса-да, унда ахлоқ, тарих, ҳарб иши, тасавуф ва бошқа соҳаларга доир қатламлар ҳам мавжуд. Биз бу–мақоламизда “Дастур ул-мулук”ка сиёсий рисола сифатида назар ташлаш билан кифояланамиз.

Термизий сиёсатномаси ислом оламида тўпланган тажриба, шаклланган анъаналарга таянади. Унинг ғоялари мусулмон Шарқда сиёсатга доир илмга асос солган Абу Наср Форобий (873–950) ва ундан сўнг шу илми давом эттирган Абулҳасан Мовардий (958–1059), Хожа Низомулмулк (1018–92), Абу Ҳомид Ғаззолий (1058–1111), Ибн Божжа (1070–1139), Ибн Халдун (1332–1406) ва бошқаларнинг қарашларига наинки ҳамоҳанг, балки жуда ўхшашдир. Шу сабаб, “Дастур ул-мулук” тадқиқидан аввал ўқилдизи IX асрга бориб қадалувчи ана шу тажриба ва анъанага бир қур назар ташлаш жоиз.

Маълумки, Форобийнинг сиёсий таълимоти фозил шаҳар – идеал давлат ҳақидаги ғояга асосланади. Бироқ “Муаллим ус-соний” ворислари, афсуски, унинг каби энг

оқилона сиёсий тузум қандай бўлмоғи керак, деган масала устида бош қотирмади, балки бу борада форсларнинг подшоҳлик (монархия) тузумини истисносиз мақбул топиб, сиёсий тафаккурни ҳам яқаш шу тузум негизи бўлмиш ҳукмдор ахлоқиға боғлаб қўйди. Шу боисдан, сиёсатга доир илм ҳам ҳукмдор табақа ахлоқи масалалари билан чекланиб қолди.

Форобийдан кейинги ҳукмрон нуқтаи назар Абу Ҳомид Ғаззолийнинг “Насихат ул-мулук” асаридан олинган мана бу иқтибосда яққол акс этади: “Билгил ва англагилки, Тангри таоло одам болаларидан икки гуруҳини танлаб олиб, уларга бошқаларга қараганда афзаллик берди. Бир гуруҳи бу – набилар бўлса, ҳамқаши шоҳлардир. Аллоҳ ўз бандаларига ўзи томон тўғри йўлни кўрсатиш учун пайгамбарларни юборди. Шоҳларни бўлса У одамларни бир-биридан кўриқлаш учун танлаб олди... Худо шоҳларга баланд мартаба ато этди. Бу пайгамбар ҳадисида ҳам келтирилган: “Шоҳ – Худонинг ердаги соясидир (зиллulloҳ)”. Яъни шоҳ Худо томонидан халқ учун сайланган кишидир, шу сабабли билмоқ лозимки, кимниким Худо подшоҳликка лозим тогган бўлса, унга қарши курашмасдан, адоватли бўлмасдан, уни севмоқ ва итоат этмоқ шарт, зеро, Тангри таоло дебди: “Ўз Аллоҳингизга, унинг пайгамбарига ва ўз ҳокимларингизга итоат этингизлар”... Ҳақиқий подшоҳ Худо бандаларини адолат бўйича идора этадиган ва жабру зулм, адолатсизликка йўл қўймайдиган одамдир. Золим подшоҳ – фалокатлар оломати, у узоқ ҳукмронлик қилолмайди, зеро, Пайгамбар (с.а.в.) деганлар: “Шоҳлик куфр ҳукмронлигида барқарор бўлиши мумкин, аммо у адолатсизликда узоқ сақланиши мумкин эмас” (*иқтибос куйидаги манабдан олинди: Саид Муҳаммад Ҳотамий. Ислом тафаккури тарихидан. Т., “Минҳож”, 2003, 212-бет).*

Иқтибосдан аён бўладики, биринчидан, подшоҳ ҳам пайгамбардек умумтоз, яъни Оллоҳ унияи одамлар орасидан сайлаб олган. Бунда тож-тахтга даъвогарнинг ўз саъй-ҳаракати асло кифоя эмас. Иккинчидан, подшоҳни Худо сайлаган экан, демак,

у Оллоҳ олдидагина масъул. Яъни халқ олдида жавобгар эмас. Учинчидан, Худо кимни подшоҳ қилиб сайлаган бўлса, халқ унга бўйсунуниши шарт. Ҳатто золим бўлса ҳам унга қарши курашмаслик даркор. Чунки Оллоҳ айни халққа шундай подшоҳни лозим топган. – “Одил подшоҳ солиҳ бандаларига Худонинг неъмати бўлса, золим подшоҳ гуноҳкор бандаларига Унинг жазосидир. Ҳар икки хил подшоҳ ҳам илоҳий адолат ифодаси ҳисобланади” (*Ўша асар, 213-бет*). Тўртинчидан, одил ёки золим бўлиш подшоҳнинг ўз ихтиёрида, лекин у барибир адолат ва зулм оқибатини билмоғи лозим. Ҳукмдор раиятга Оллоҳ ризоси учун адолат қилмоғи зарур. Шунда у Қиёмат куни Худо олдида осон ҳисоб беради ва мукофотга сазовор бўлади. Бешинчидан, подшоҳ ҳам пайғамбардек мумтоз зот бўлса-да, маърифат бобидаги мақоми уникаддек эмас. Чунки пайғамбар илми тўғридан-тўғри Оллоҳнинг ўзидан олади, подшоҳ эса бундай имтиёздан бенасиб. Демак, у Ҳақ билан халқ ўртасида кўприк бўлган валийлар ҳамда пайғамбар вориси ҳисобланган олимлар кўмағига муҳтож. Улар подшоҳга айнан адолат ва зулм оқибати ҳақида насихат қилмоғи даркор. “Дастур ул-мулук” муаллифи худди шундай зотлардан бири ўлароқ ҳукмдорни панду ўғитлар орқали Худо ризолиги йўли – инсофу адолатга даъват этади.

Хожа Самандар Термизий, Арасту муҳиби бўлмиш Форобийдан фарқли ўлароқ, ҳақиқатни топиш мезони деб тўғри фикрлаш усули – мантиқни олмайди. У ана шундай мезон деб тажрибага сўянади ва уни маҳак тоши билан бундай муқояса этади: маҳак тошини суртиб олтин ва кумушнинг асл ёки ноаслиги аниқлангани каби тажрибага мурожаат этиб ҳам бирор ҳукмнинг чин ёки ёлғонлиги аниқланади. Шу жиҳатдан, Термизийнинг “Дастур ул-мулук”и икки жуздан таркиб топгани бежиз эмас. Биринчи жузни ҳикматлар баёни ташкил этса, иккинчи жуз тарихий воқеалар баёнидан иборат.

Юқорида зикр этилганидек, Термизий сиёсатномасининг аксар гоялари салафлар меросидан олинган. Қайси ҳикмат қайси манбага боғланишини аниқлаш алоҳида тад-

қиқот мавзуси. Шу сабабдан ҳозирча бу юмшунуни бир четга суриб, диққатни фақат Термизий қарашларининг м а з м у н - м о ҳ и я т и г а қаратамиз. Лекин бу борада бир заҳмат борлигини холисанилло айтмоқ жоиз.

XI асрнинг 82-83-йилларида Кайковус ибн Искандар ўғли Гилоншоҳга бағишлаб ёзган ва Фарбий Эрон подшоши бўлмиш бобоси Қобус шарафига “Қобуснома” деб атаган асарида бундай дейди: “Эй фарзанд, агар шоирлик қилмоқчи бўлсанг, ҳаракат қил, токи сўзинг осон ва фойдали бўлсун, ...ўзинг англаб, ўзгалар унинг шарҳига муҳтож бўлгудек сўзни айтмагил, нединким, шеър айтгон киши халқ учун айтур ва ўзи учун айтмас” (*Кайковус. Қобуснома. Форсчадан Муҳаммад Ризо Осаҳий таржимаси. Т., “Ўқитувчи”, 2006, 144–145-бетлар*). Кайковус бу талабни нафақат назм, балки насрга ҳам тааллуқли деб билган. Зеро, насрий йўлда битилган шу “Қобуснома”нинг ўзида ҳам услуб соддалиги манаман деб туради. Бироқ Термизий даври – XVII асрга келиб назму насрга доир талаблар бирмунча ўзгарган. Шу боисдан Термизий “Дастур ул-мулук” учун Кайковус талабларидан кескин фарқланувчи хашамдор услубни танлаган. Мазкур асар бошдан-оёқ истиора либосига бурканганки, уни талқин этиш, яъни тушунча “тил”ига ағдарिश анча қийин.

Форобийдан кейинги мусулмон сиёсатшунослар подшоҳлик (монархия) тузумини сўзсиз мақбул топдики, бундай ёндашувда эса асосий гап подшоҳ ахлоқиға боғлиқ бўлиб қолди, деб айтдик. Хўш, ана шу мутафаккирлар сирасига мансуб Термизий фикрича, давлатнинг негизи – ҳукмдор қандай бўлмоғи керак? (Табиийки, шу тарзда муҳокама юритганда фикр реал ҳукмдордан идеал ҳукмдорга кўчади.) Мазкур саволга



лўнда қилиб қуйидагича жавоб бериш мумкин: подшоҳ исломий талабларга мувофиқ одил бўлмоғи лозимки, бунда мудом раият билан бирга бўлиш, унга ғамхўрлик кўрсатиш асосий шарт деб эътироф этилади. Айни чоқда, бу шартлар ҳукмдорнинг мамлакатни обод, халқни фаровон этиш йўлида бирор дақиқа ҳам тиниб-тинчимаслигида зуҳур топади.

Подшоҳи одил бўлган давлатда ҳам раиятга адолатсизлик қилиниши мумкинми? Бу саволга "Ҳа" деб жавоб беради Термизий. Унда қайси сиёсий куч бундай адолатсизлик манбаи бўлади? Муаллиф мансаб-лавозимини суиистеъмол қилиб, халқ ва давлат ҳисобидан бойишга интилувчи амалдорларни шундай куч дея кўрсатади. Термизий шу ўринда Ануширвони одилни ибрат ўлароқ ёдга олади ва подшоҳга баднафс амалдорларни унингдек беаёв жазолаш лозимлигини уқтиради. "Раҳбар... бедодликни қаҳр болтаси билан чолиб, ер билан яксон қилмаса, замон боғидаги... орзулар ниҳоли хазон бўлади", дейди у истизоар тили билан (*Хожа Самандар Термизий. Дастур ул-мулук. Форсчадан Жаббор Эсоновнинг эркин таржимаси. Т., Фафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1997, 63-бет. Бундан кейин ушбу манбага мурожаат этганда, китоб номи ва саҳифа рақамини келтириш билан кифояланамиз*).

Подшоҳ мансабдорлар кори аъмолидан воқиф турмоқ учун раият арзини сабр билан тинглай олмоғи лозим. Агар раият баъзи амалдорлар зулмидан ҳукмдорга бот-бот арз этса, бундан унинг диққати ошмаслиги даркор. Чунки, донишмандлар айтганидек, подшоҳ – табиб, раият эса – бемордир. Бемор бор дардини тўкиб солмаса, табиб унинг касалини қандай топсин?! Демак, раият арзини эшитмаган ҳукмдор унинг дардига адолат малҳами ҳам ҳам қўя олмайди.

Бироқ амалдорларнинг кори аъмолини тўлиқ ва аниқ билмоқ учун бунинг ўзини кифоя эмас. Шу муносабат билан Термизий "Чашми подшоҳ – гўши подшоҳ" деган нақлни ёдга олади. "Бунинг маъноси шуки, подшоҳнинг кўзи ҳаммиша қулоғида бўлиши керак", дейди у (*ўша асар, 66-бет*).

Ҳукмдорнинг атрофидаги кишилар – вазирлар, ҳокимлар, амалдорлар баъзан уни ранжитмаслик учун, баъзан эса қабиҳ ният билан мамлакатдаги кўнгилсиз ҳодисаларни пинҳон тутади. Термизий шу ярамас ҳолатга барҳам бериш учун ўз даврига мос бир чорани таклиф этади: подшоҳнинг ҳеч қандай амал-мансаби йўқ, нафс қутқусидан ҳам озод софдил, дарвешсифат дўстлари бўлмоғи лозим. Зеро, бундай кишилар мамлакатни кезиб, халқ-ла тиллашиб, қайси ҳоким, қози, миршаб адолатни ўзига раҳбар қилганию қайсиси, аксинча, адолатсизликни касб-кор этганини аниқлаб, буни подшоҳ билан суҳбатда ҳеч тап тортмай, кўркмай айта олади. Ҳукмдор уларнинг маълумотларига таяниб, одил мансабдорларга лутф кўрсатади, золим амалдорларга жазо тайинлайди (*ўша асар, 66-бет*).

Табиийки, мулозимларнинг қандай бўлиши, кўп жиҳатдан, улар қандай танланиши ва тарбияланишига боғлиқ. Термизий подшоҳга мулозимини асилзодалар орасидан танлаш зарур, деган маслаҳатни беради. Зоти паст кишиларни давлат хизмати учун тарбиялашга уриниш бесамар иш деб ҳисоблайди у. Чунки, мутафаккир фикрича, зоти паст одамлар ҳеч қачон зоти тоза одамлар сафига қўшила олмайди. Зоти паст киши мудом шундай бўлиб қолишини у Худо иродаси, Тақдир ҳукмига боғлайди.

Термизий мулозим бўлиш учун асилзодаликни бирламчи шарт деб ҳисобласа-да, бироқ шунинг ўзинигина етарли деб билмайди. Мутафаккир фикрича, ҳеч бир инсоннинг кадр-қиммати унинг ота-бобоси қилган хизматларга қараб белгиланмаслиги керак. Бинобарин, мулозимнинг кадр-қиммати ҳам ота-бобосининг шухрати эмас, балки ўзининг қобилияти билан ўлчанмоғи зарур. Бундан аён бўладики, давлат хизматида асилзодалардан ҳам энг қобилиятлиларини танлаб, тарбиялаган маъқулдир. Термизий қобилиятнинг бош мезони сифатида ақл-тафаккурни эътироф этади. Мутафаккир фикрича, кимнинг ақли равшан, фикри теран бўлса, у энг паст лавозимдан энг юқори мартабага кўтарилиши мумкин. Чунки ақл одам учун ҳар қандай вазиятда ҳам одил қозидир.

Ақл-тафаккурдан ташқари, подшоҳ мулозимидан виждони пок, ҳиммати баланд бўлиш ҳам талаб этилади.

Табиийки, ҳар қандай мулозим ҳам гоҳ билиб, гоҳ билмай бирор айб, хато қилиши мумкин. Термизий шундай вазиятда сабр ва афви подшоҳ тожидаги икки бебаҳо дур деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, сабр мояси – ақлдир. Зеро, подшоҳ оқил бўлса, ғазабни ичга ютади – сабр қилади. Шу тариқа у гўё ўтни сув билан ўчиргандек бўлади. Айни чоқда, подшоҳ учун афв ҳам жуда зарур фазилатдир. Зеро, ҳукмдор шукухи шафқатлилиги билан ҳам ўлчанади. У хизматкорининг озгина айби учун ҳам гина ва адоватга бормаслиги зарур. Илло, Қуръони каримнинг 3-сура 134-оятда одамларнинг хато-камчиликларини афв эта олувчиларгина асл тақводорлар экани марҳамат қилинган.

Албатта, подшоҳ теграсида аччиқ тил, ғийбат ва бўхтон билан уни жаҳлу ғазабга миндирувчи манфур кимсалар бўлиши мумкин. Лекин чин ҳукмдор денгиз ва тоққа ўхшайдик, денгизни жаҳл суприндиси лойқалата олмагани каби тоғни ҳам ғазаб бўрони тебрат олмайди. У бирон бир ишнинг туб моҳиятини исботу ҳужжатлар асосида аниқ билмагунча ҳеч кимни жазога тортмайди. Бу хусусда Термизий подшоҳ Субҳонқулихон билан валиаҳд Сиддиқ Муҳаммад ўртасида бўлиб ўтган фожеий воқеаларни ибрат йўсинида баён этади. Балхда ҳоким бўлиб турган Сиддиқ Муҳаммад, атрофидаги ғийбатчи-бўхтончилар қутқуси-ла, ўз ҳузурига ташриф буюрган олийнасаб падари юзига қалъа дарвозаларини тақа-тақ ёптиради, шу билан ҳам қаноатланмай, тождор валинеъмат ва унинг қўшини устига замбароғу милтиқлардан ўқ ёғдиради. Эвоҳки, Сиддиқ Муҳаммаднинг бу исёнини бостирган Субҳонқулихон ҳам атрофидаги ғийбатчи-бўхтончилар қутқусига таслим бўлади – у ўғлини қатл эттириш ҳақида фармон беради...

Тарих гувоҳлигига кўра, ҳеч бир салтанатда мутлақ тинчлик ҳукм сурган эмас. Гоҳ-гоҳ фитна ва исёнлар ҳам кўлиб турган. Бунда подшоҳ душманлари унинг оила аъзолари, айниқса, валиаҳд шахзодалардан

маккорона фойдаланган. Тож-тахт васвасида ёвуз кучлар таъсирига тушиб қолган валиаҳдларнинг ўз падари жони ёки соғлиғига қасд этиши – ё ўлдириши, ё мажруҳ этиши тарихда жуда кўп учрайди. Хоразм подшоҳи Анушахон қисмати мисолида Термизий бундай ёзади: "Анушахоннинг бошқа фарзандларига нисбатан жуда ортиқ даражада севадиган, ... қалбининг қувончи, кўзининг нури деб юрган бир ўғли бор эди. Ана шу эрка ўғил отасининг кўзига мил тортди, яъни қизитилган темир таёқчанинг ўткир учи билан уни кўр қилди" (*Уша асар*, 163-бет). Термизий ана шу тариқа подшоҳга хавф ва таҳдид унинг оиласи ва фарзандларидан ҳам келиши мумкинлигини таъкидлайди. Зеро, ҳукмдорни орадан кўтаришга қасд қилган кучлар аксарият "сопини ўзидан чиқариш" усулини қўллайди. Модомики, подшоҳ хавфсизлиги мамлакат хавфсизлиги кафолати экан, демак, у ўз оиласи ва фарзандларидан ҳам огоҳ турмоғи зарур.

Термизий машваратни подшоҳнинг доғнишманд одамлар билан мажлиси деб таърифлайди. Бундай мажлис, одатда, бирор мушул вазият пайдо бўлганда қақрилади. Оқил ва тажрибали одамларнинг маслаҳати ана шу вазиятдан чиқишда тенгсиз чора бўлиши мумкин. Зеро, араблар "Бир тўп ботир йигитдан бир доғнишманд чол яхши" деб бежизга айтмаган.

Подшоҳ маслаҳатчилари орасида эса вазирнинг мақоми айниқса юқоридир. "Шуни билиш керакки, ...доно ва одил вазир мавжуд бўлса, давлат бутун ва фаровон бўлади", деб ёзади Абу Ҳомид Ғаззолий "Насиҳат ул-мулук" асарида. Ғаззолий издоши бўлган Термизий ҳам ўз сиёсатномасида вазир шахсияти ва ахлоғига алоҳида фасл ажратади. У вазирнинг асосий қуроли деб яна ақлни эътироф этади ва шу қурол билан у мингта тугунни бир жаҳд ила ечиб ташламоғи зарур, деб таъкидлайди.

Вазир салтанат ёвларига қарши курашда айниқса ғалаба гарови бўлмоғи лозим, дейди Термизий. Агар душман куч-қувватда устун бўлса, вазир бундай вазиятда ҳийланайранг ишлатиб – совға-саломлар юбориб, ҳамду санолар айтиб, сохта тавозелар кўр-

сатиб унга тузоқ қўйгани дуруст. Ахир, ҳар қанча ўжар, саркаш қушни ҳам силаб-сийпа-лаб қафасга солиш мумкин-ку! Аммо вазир ўзининг ана шу қилмишидан хижолат тортмаслиги, ор этмаслиги керак. Зеро, ўзинг ҳазар қиладиган қўлни ҳам, зарур бўлса, юз бор ўпасан.

Подшоҳ чексиз ҳокимият эгаси бўлгандан кейин камтар, мўътадил, бардошли бўлишдан тойиб, калондимог, манман, такаббурга айланиши мумкин. Вазир бу иллатларни бир касаллик деб билиши ва подшоҳни ундан насиҳатдориси билан даволаши лозим. Токи ҳукмдор тўғри йўлга қайтсин ва адолат манзилини кўзласин.

Муаллиф подшоҳ ва вазир ҳамжиҳатлигидан сўз очиб, улар, бир томондан, салтанат дўстларини қўллаб-қувватлаши, бошқа томондан, салтанат душманларини бартараф этиши лозимлигини таъкидлайди. Шу йўсин ҳаракат қилмоқ керакки, дея ўғит беради Термизий, токи душманлар ўртасида ўзаро ихтилоф юзга келсин. Чунки душманлар ҳаловатдан айрилса, дўстлар ҳаловат топади.

Термизий давлат сиёсатини юритишда вазир каби элчи ҳам муҳим шахс эканини ёдда тутиб, ушбу лавозим эгаларига алоҳида эътибор қаратади. Унинг фикрича, элчи тилдан ўткир шамширдек гоят абжирлик билан фойдаланувчи инсон бўлмоғи лозим. У музокара ва сулҳ аввалида гапни ҳатто дўқ-пўписа тарзидаги дағал сўзлар билан бошлаган бўлса ҳам, уни албатта меҳрибонлик йўсинидаги юмшоқ лутфлар билан яқунламоғи даркор. Шу билан бирга, элчи икки масалада жуда ҳушёр турмоғи керак. У ўз мамлақати шаън-шавкатини ҳимоя этгани ҳолда, қарши тарафнинг макр-ҳийласига чап бермоғи лозим. Термизий элчини подшоҳнинг тил-забони деб билади ва шу боис бирон бир ўлкага элчи жўнатар экан, подшоҳ у билан алоҳида суҳбат курмоғи зарур, деб ўғит беради. Токи элчи подшоҳ иродаси, мамлакат манфаатини аниқ-равшан тушунсин ва ўз саъй-ҳаракатини ана шунга мувофиқ қурсин.

Термизий қолган барча мулозимларга умумий йўсинда панд-насиҳат қилади. Амалдор шуни яхши англаб олмоғи лозим-

ки, деб таъкидлайди мутафаккир, у ўтказган ёвузлик ниҳоли ҳам, эзгулик кўчати ҳам бир кун мева беражак. У биридан зиён-зарар мевасини терса, бошқасидан наф-фойда ҳосилини олади. Хўш, Термизий эзгулик кўчати деганда нимани назарда тутуди? Унинг фикрича, амал-мартаба бу – подшоҳ илтифотиدير. У ўткир майдек аксар одамни сархуш этади. Бироқ ақлли мулозим барибир хушёрлигича қолади. У ўзига берилган мансабни Оллоҳ инояти деб билиб, шундай азим ишларга чоғланадики, улар юртга ободлик, халққа фаровонлик олиб келади. Демак, Термизий эзгулик кўчати деганда амал-мартабадан халққа ғамхўрлик қилиш йўлида фойдаланишни тушунган.

Ёвузлик ниҳоли деганда-чи, аллома нимани назарда тутуди? У раиятга қилинажак ҳар қандай зулми шу сирага киритади, бироқ жабр қандай шаклларда намобн бўлади, деган саволни, афсуски, бежавоб қолдиради. “Дастур ул-мулук” муаллифи, шунга қарамай, порахўрликни қайта-қайта тилга оладики, бундан эса у айни иллатни энг оғир зулм тури деб билганини илғаш мумкин. Термизий шу муносабат билан икки тарихий шахс номини махсус тилга олади. Биринчиси юз уруғининг амири Урус Султон бўлиб, муаллиф уни бундай тавсиф этади: “Унинг фикр қуввати нима яхши, нима ёмон, нима арзийди, нима арзимайди, нима муносиб, нима номуносиблиги хусусида мулоҳаза юритишдан ожизлик қилар эди. Агар бирорта ярамас, ақли паст кимса пора сифатида унга бир неча динор берса, ... бирор мансабга кўтариб қўйиш борасида тавсиянома... берар эди” (*ўша асар, 176-бет*). Иккинчиси эса Қарши ҳокими Жувонбий оталиқ бўлиб, муаллиф у ҳақда бундай ёзади: “Унинг қалб ойнаси порахўрлик ва бирон буюм эвазига сотилиш доғлари билан ифлосланмагани сабаб, бирон бир масаланинг моҳиятини аниқлаш борасида чин билан ёлгонни мусаффо тонгдек фарқ қилар эди” (*ўша асар, 152–153-бетлар*). Мазкур икки тавсифни муқояса этиб, қуйидагича хулосага келиш мумкин: пора давлат амалдорига ҳақни ёлгондан, адолатни эса зулмдан фарқлашда тўсқинлик қилади.

Термизий юқори мансабли мулозимга, ўзингни паст мартабали кимсалардан олиб қочма, дея таълим беради. Бунинг сабаби шуки, "бирон бир вазифани бажаришда улардан ҳам фойдаланиш мумкин бўлар" (*ўша асар, 75-бет*). Муаллиф шу ўринда, ўз фикрига таъсирчанлик бахш этиб, бундай мажоз келтиради: баъзан найза билан бажариб бўлмайдиган ишни игна билан адо этиш мумкин; ёхуд қамишдан қалам ясамоқ учун пичоқ турганда шамширға қўл узатмоқ на ҳожат! Термизий фикрича, ҳақир, нотавон кўринган ҳар қандай кишида ҳам зарардан сақланиш ва фойда қозониш учун муайян қобилият, имконият бўлади (*ўша жойда*).

Мулозимлар подшоҳ марҳаматидан сира мағрур бўлмаслиги лозим, дея таъкидлайди Термизий. Зеро, подшоҳ ўз хоҳиш-ирода-сида мутлақ эркин бўлгани боис, гоҳ хиёнаткорни жазолаш ўрнига мукофотлаб, гоҳ садокатлини мукофотлаш ўрнига жазолаши мумкин. Термизий бунинг ҳукмдорнинг феъл-атвори ўт ва сув ораллигида бўлиши билан изоҳлайди. (Шу ўринда муаллиф идеал ҳукмдордан реал ҳукмдорга кўчиб фикрлайди.) Демак, мулозим турли фалокатларга йўлиқмаслик учун "қўпол, кўрс табиатли бўлишдан ўзини сақлаб, ҳар доим юмшоқ, майин... сўзлар билан муомала қилиши жоиздир" (*ўша асар, 87-бет*).

Термизий назарида, ҳар бир киши – у хоҳ подшоҳ, хоҳ мулозим бўлсин, вақт-соати етиб тахту амални бой бермоғи мумкин. Зеро, Оллоҳ ўз бандасига раво кўрган Тақдирдан қочиб қутулмоқ душвор. Шундай вазиятда мақбул йўл – қаноат этагини тутмоқдир. Оз нарсага ҳам қаноат қилмоқни Иброҳим Адҳамдан ўрганмоқ жоиз. "Ҳикоя қиладиларки, – дея машхур ривоятни баён этади муаллиф, – Султон Иброҳим ибн Адҳам (уни Оллоҳ раҳмат қилсин!) Ҳақ йўлида ўз мулки, тожу тахти, ҳамма бойликлари, хизматкорлари, аъёнларидан воз кечиб, подшоҳлик кийимини бир чўлонга бериб, ўзи эса... унинг жандасини кийиб, саҳрога чиқиб кетди. Бир кекса одам... "Оҳ, Иброҳим, ҳали ҳеч ким подшоҳлиқни... фақирликка алмаштирган эмас, сен нега бу ишни ихтиёр этдинг?" деб ундан сўради. Иброҳим жавоб

берди: "Ҳамма нарсага ҳирс қўйишдан кўра, озгина нарсага қаноат қилиш афзалдир" (*ўша асар, 106–107-бетлар*).

Термизий "Дастур ул-мулук"ни таълиф этар экан, унда, табиийки, XVII асрнинг долзарб сиёсий муаммоларига ечим излади. Бироқ ушбу рисолада биз яшаб турган XXI аср учун қимматли тавсиялар ҳам бир талай. Замонавий фан ушбу ғояларнинг баъзиларини тўлиқ, айримларини қисман қабул қилса, бошқалари билан баҳс-мунозарага киришади. Куйида ана шулардан бир нечасига қисқача тўхталиб ўтаемиз.

Қиёсий таҳлилни сиёсатда ахлоқ зарурми ёки нозарур деган масаладан бошланган маъқул, албатта. Термизий ушбу савол қаршисида иккиланиб турмайди, балки қатъий қилиб "Шубҳасиз зарур!" дейди. Бугунги сиёсатшунослар эса айна масалага икки хил ёндашади. Яъни Термизий тарафдорлари қатори унга муҳолифлар ҳам мавжуд. Масалан, поляк сиёсатшуноси С. Запасник ахлоқни сиёсатдан буткул қувгин қилмоқ лозим деб ҳисоблайди. Буни ҳозирги ижтимоий тараққиётнинг ўзи талаб этмоқда, дея таъкидлайди у. С. Запасник фикрича, сиёсатда биргина прагматизм қолса кифоя (*Гаджиев К. Политология. М., "Логос", 2004, стр. 354*). Лекин бундай нуқтаи назар рус адиби Андрей Платоновнинг муҳандис Вермо деган персонажи "орзу"ларини ёдга солади. Вермо ўлиқлар беҳудадан-беҳуда кўмиб юборилаётганидан қайғуриб, ваҳоланки, улардан қанча-қанча совун, шам, миҳ олиш мумкин эди, дея надомат чекади. Демак, сиёсат ва ахлоқ бир-бирини қатъиян тақозо этади, деб ҳисобловчи сиёсатшуносларни илғор, мутараққий десак тўғри бўлар, назаримизда.

Термизийнинг давлат – адолат-ла пойдор, деган ғояси барча даврлар каби бугун ҳам ғоят долзарбдир. Замонавий сиёсатшунослик бу борада "Дастур ул-мулук" ғояларига ҳамоҳанг, бироқ анча кенг қарашларни илғори суради. Ҳозирги фанда адолатнинг уч хил таъриф-тавсифи мавжуд бўлиб, улар орасида етук либерал ёндашув кўпроқ диққатга сазовор. Бу концепция америкалик файласуф Жон Ролзнинг (1921–2002) "Адолат назарияси" асарида батафсил ёритилган. Ролз

фикрича, адолат икки тамойилга таянади:

1) барча инсонлар асосий эркинликлардан фойдаланишда тенг ҳуқуқли бўлмоғи лозим;  
2) ижтимоий-иқтисодий нотенглик шундай бартараф этилмоғи зарурки, токи, а) бундан ҳаммага бирдек фойда етсин ва б) мансаб ва мартаба эшиги барчага очик бўлсин. Бошқача айтганда, жамиятдаги нотенглик фақат бир ҳолатдагина, яъни кам таъминланган қатлам вакиллари камбағаллиги учун муайян имтиёзларга эга бўлган, масалан, озроқ миқдорда солиқ тўлаган ва ижтимоий ҳимоядан фойдаланган тақдирдагина мақбулдир. Мамлакат қийин вазиятга тушиб қолган даврларда иккинчи тамойил қурбон қилиниши мумкин, ammo шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига доир биринчи тамойил сўзсиз сақланиб қолиши даркор.

Бугунги сиёсатшунослик Термизийнинг подшоҳ ва мулозим ахлоқиға доир ғояларини янги тарихий шароит, янги сиёсий тузумга мослаб бирмунча кенгроқ ва чуқурроқ ёритади. Масалан, олмон социолоғи Макс Вебер (1864–1920) сиёсий раҳбар ва ижрочи ҳодим ахлоқи тубдан фарқ қилишини таъкидлайди. Унинг фикрича, сиёсий раҳбар ўз қарорлари учун шахсан масъул, бу эса ундан юксак маънавиятли бўлишини тақозо этади. Ходим эса раҳбар фармойишини (ҳатто у хато бўлса ҳам) аниқ ва тез бажариши шарт. Чунки шундай интизомсиз ҳеч бир идора самарали ишлай олмайди. Демак, ходим маънавияти учун мезон – унинг касб маҳорати ва иш унумдорлигидир (*ўша асар, 356-бет*).

Кадрларни танлаш ва тарбиялаш бобида бугунги сиёсатшунослик Термизий билан қизгин баҳс-мунозарара киришади. “Дастур ул-мулук” муаллифи амал-мартабаға фақат хосларгина муносибдир деб ҳисоблайди. Бироқ ҳозирги демократик жамият, ўз табииатиға кўра, мансаб ва мартаба эшиги ҳар бир фуқароға, хоҳ у хос, хоҳ авом бўлсин, бирдек очиб қўйилишини тақозо этади. Чунки амалдорлар фақат хослар орасидан танланса, бошқарув аппарати халқдан бегоналашиб, ичидан бузилади. Демак, энг тўғри йўл ҳар икки манбадан ҳам баб-баравар озикланишдир. Бироқ демократия шароитида оломон вакиллари – маданияти ва маъри-

фати ўртамиёна, ҳатто ундан паст одамлар ҳам ҳоқимиятға араллашиб қолиши мумкин. Улар амал-мансабидан фойдаланиб, ўзидан қобилиятли кишиларға тўсқинлик қилиши ҳам эҳтимондан йироқ эмас. Демак, ҳар икки усулнинг кучли томонлари билан бирға заиф томонлари ҳам бор. Ҳамма гап ана шу заиф томонларни бартараф этишда қолган.

Термизий порахўрликка қарши кураш масаласида бундай мавқеда туради: амалдорда шундай юксак ахлоқни тарбиялаш жоизки, токи у порадан расмана ҳазар қилсин. Замонавий сиёсатшунослик эса порахўрликка шунинг ўзи билангина чек қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблайди. Бунинг учун яна шундай тизимни ҳам яратмоқ зарурки, у порахўр қаршисиға чинакам ғов қўя олсин. Ушбу тизим ўзини ўзи муттасил такомиллаштириб бормоғи шарт, албатта. Чунки порахўр ҳар қачон тўсиқни айланиб ўтишға интилади.

Сиёсий раҳбарнинг ёлгон сўзлаши, шакшубҳасиз, ахлоқсизлиқдир. Бироқ шундай вазиятлар ҳам бўладики, мазкур қоидаға кўр-кўрона риюя этиш оғир оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Чинакам сиёсатчи учун ҳар бир қоидада маълум истисно бўлиши табиийдир. Зеро, эзгулик йўлида ёлгон ишлатиш – сиёсатда ҳам ижозат этилган усулдир. Шу жиҳатдан, Термизийнинг агар рақибинг кучли бўлса, унга ёлгон мақтов ёғдир, тавозе кўрсат, ҳада бер, деган ўғити наинки бугун, эртаға ҳам шаксиз барҳаёт.

XXI асрда Термизийнинг ахборот ва бошқарув муносабатига доир ғоялари қиммати беҳад ортганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунки биз ҳозир жамият ҳаётининг барча соҳалари каби сиёсат жаҳбасида ҳам жараёнлар беҳад мураккаблашган ва жадаллашган даврни бошдан кечириямиз. Бундай шароитда зудлик билан оқилона қарорлар қабул қилмоқ жуда муҳимки, бунинг учун етарлича чин ахборотға эга бўлмоқ талаб этилади.

Мабодо раҳбарға яқин кишилар, Термизий огоҳ этганидек, уни айрим “номақбул” ахборотлардан паналамоқчи бўлса, бундай вазиятда қандай чора кўрган маъқул? Ушбу саволға “Дастур ул-мулук” берган жавоб аллақачон эскирган, бинобарин, замонавий

сиёсатшунослик муаммо ечимини мутлақо бошқа омилда кўради. Бу – оммавий ахборот воситаларига мумкин қадар кўпроқ эркинлик бериш заруратидир. Зеро, фақат шундай муҳитдагина мамлакат ҳаётидаги барча муҳим воқеа-ҳодисалар дарҳол ахборотга айланиб, бир зумда аҳоли онгига етиб боради. Тўғри, бу муҳим воқеа-ҳодисалар турли ижтимоий табақалар манфаатига мослашиб турлича талқин этилиши мумкин. Бироқ уларни бир-бирига таққослаш орқали, барибир, асл манзарани тиклаш мумкин.

Маълумки, жамият ҳаётидаги “нозик ҳаётлар”, одатда, танқидий ахборотда ўз аксини топади. Биз тилга олган тўсиқлар аксар ана шундай ахборот олдига қўйилади. Бунда “юқори”дан бўлган танқидга тоқат этилгани ҳолда “қуйи”дан келган танқидга бетоқат қарашдек одат ҳам муайян роль ўйнайди. Афсуски, бундай ҳолатга ислом ахлоқи асосида шаклланган жамиятларда кўллаб дуч келиш мумкин. Бунинг сабаби, мазкур жамиятларда раҳбар ва тобе муносабати оиладаги ота ва фарзанд муносабатига

қийсан тасаввур қилинади: “Отага ҳурмат қанчалик лозим бўлса, раҳбарга ҳурмат ҳам шунчалик лозимдир!” Бу нуқтаи назар тўғри, албатта. Аммо бир шarti ҳам бор: ҳурмат оқилона меъёрдан ошмаслиги даркор. Акс ҳолда файласуф шоиримиз Абдулла Орипов қаламга олган ушбу нохуш ҳолат юзага келиши мумкин:

*Юпунгина хонадонда ёмғирли бир кун  
Чакка тома бошлади-ку ногаҳон шифтдан,  
Томга чиқиб чорасини кўрмоқлик даркор.*

*Ўғил деди: Ўтирибди муҳтарам отам,  
Қандай чиқай бошларига – уйнинг устига.  
Оқибатда ҳаммасини том босиб қолди.*

Хожа Самандар Термитий “ақл олмосида суфталанган гавҳар, ҳикмат маҳакида синалган зар билан” тўла “Дастур ул-мулук” рисоласи хотимасида “Мудом бўлсин маоний аҳлининг илкинда жойи”, дея орзу ва умид қилган эди. Бу орзу ва умид ижобат топиб, “Дастур ул-мулук” уч асрлик вақт масофаси оша бизгача етиб келди. У келгуси авлодларга-да етиб бормоғига шубҳа йўқ.



Омонулла МУТАЛОВ

# ELLIK YILDA KELGAN ISHNING ANDISHASI

**Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади.  
Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса ўзликни  
англаш мумкин эмас.**

Ислом КАРИМОВ

XVI аср бошларида вужудга келиб, ўтган асрнинг 20-йилларида барҳам топган Хива хонлиги тарихи ҳали етарлича ўрганилмаган. Ваҳоланки, салкам 400 йиллик ушбу тарихда тадқиқ этишга арзиғулик саҳифалар бисёр. Бу саҳифалар аро бизга аждодларнинг гоҳ масъуд, гоҳ маҳзун қиёфалари боқиб туради. Зеро, Хива хонлиги манғлайига ҳам ёруғ, ҳам қора кунлар баб-баравар ёзилган эди... Ушбу давлатнинг саодатли йиллари кўпроқ Оллоқулихон даврига тўғри келди.

Беркасултон ўғли Элбарс 1511 йили Хива хонлигига асос солиб, Хоразм воҳасида марказлашган давлат барпо этади. XVI–XVII асрларда хонлик сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий жиҳатдан барқарор ривожланади. Лекин XVIII асрда воҳада таҳликали давр бошланади. 1740 йили Эрон ҳукмдори Нодиршоҳ (1736–47) Хивани босиб олиб, талон-тарож қилади. Элбарс Иккинчи (1728 йилда тахтга ўтирган) йигирмага яқин аъёни билан бирга қатл этилади.

Хонликнинг бошига оғир кунлар тушади. Мунис Хоразмийнинг ёзишича, пойтахт Хивада саноқли оилагина жон сақлаб қолади, ўлкада қаҳатчилик ва очлик ҳукм сура бошлайди, ит ва эшак гўшти ҳалол деб фатво берилади.

Шундай қийин замонда ўзбекнинг кўнгирот уруғидан бўлган Муҳаммад Амин иноқ (1729–90) сиёсат майдонига чиқади. У сиёсий бўҳронни бартараф этишга интилган кучлар ёрдамида Иброҳим иноқ бошлиқ мухолифларни маҳв этади. Шу тариқа Хива хонлигида ҳокимият янги – кўнгирот сулоласи қўлига ўтади.

Хонлик сиёсий ва иқтисодий инқироздан чиқиб, ривожланиш сари юз тутаети. Айниқса, Муҳаммад Раҳим Биринчи (1806–25) ва Оллоқулихон (1825–42) даврида ўтказилган ислохотлар туфайли халқ турмуши бирмунча яхшиланади. Ички низолар тўхтаб, маданий ҳаёт секин-аста жонланади. Жумладан, Алишер Навоий ижодида

қизиқиш кучаяди. Буюқ шоирнинг бир нечта асари китоб қилинади.

Шаҳзода – валиахд Оллоқулихон зукко, илмли, интилувчан, ватанпарвар, олиму фузало суҳбатига иштиёқи баланд, давлат ишларида фаол ва адолатли шахс бўлиб етишган эди.

Оллоқулихон 1825 йилнинг 7 майида тахтга ўтиради.

Огаҳий "Риёз уд-давла" асарида мазкур тарихий воқеани бундай баён қилади: "Муҳаммад Раҳимхон тақдир тақозосига тан бериб, ул кеча қазоси етгач, Хоразмнинг жами донишманду улуғлари, машхур ва меҳрибон шаҳзодалари, қудратли ва олижаноб давлат арбоблари жам бўлишиб кенгашдиларки, бу тартибга келтириб қўйилган салтанат, яъни дину давлат низоми, мулк ва миллат мақоми кимга муносибдир. Кенгаш аҳли маслаҳатлашиб олгандан сўнг, барча улуғлар иттифоқ билан ҳазрат Оллоқулининг азиз бошини хонлик тожига лойиқ деб топдилар ва унинг қобилятини ҳукмдорлик қилишга мувофиқ кўриб, ул ҳазратнинг хизматига астойдил бел боғлаганликларини изҳор этдилар. Шаҳзода ўткинчи дунё салтанатига рағбати йўқлигини айтиб, таклифга, одоб доирасидан чиқмаган ҳолда, рад жавобини берди. Шунда улуғлар илтимос ва илтижо қилдиларки, агарчи фоний дунёда инсон савоб ишлар қилмаса, боқий дунё саодатига эришмайди. Подшоҳ адолат билан ҳукмронлик қилса, икки жаҳон мамлақати унинг фармониغا киргусидир. Ҳадиси шарифда айтилганидек, "Бир соатлик адолат бир йиллик ибодатдан афзал". Энди тангри таолонинг ризоси ва мажлис аҳлининг тақозосига рияз қилиб, нафақат бир хонлик халқи, балки башарият аҳли кўнглини шод этиб, хонлик тахтига ўтирсангиз, чунки халқнинг осойишталиги ва давлат равнақи Сизга боғлиқ, дедилар. Ул олий зот, яъни Оллоқулихон ёши ўттизга етганда, кўпчиликнинг юзидан ўта олмай, ҳижрий 1240 товуқ йилининг бошида, Рамазон ойининг 19-да<sup>1</sup>, соат кечки олтига яқинлашганда тахтга ўтирди".

Оллоқулихон ўз ҳукмронлигини давлат ҳокимиятини мустаҳкамлаш, қўшни ўлкаларга элчилар юбориб, улар билан дўстона

алоқаларни давом эттириш, осойишталик ўрнатиш мақсадида нотинч ҳудудларга иниси Раҳмонқули тўра бошчилигида катта қўшин юборишдан бошлади.

Хива хонлигида тегишли масалалар "Салтанат юргизиш" ва "Давлат ишларининг низоми"га биноан давлат арбобларининг саралари ва замонасининг етук қонуншунослари маслаҳатига таянган ҳолда машварат йўли билан ҳал қилинар эди.

Муҳаммад Раҳимхон Биринчи даврида ташкил этилиб, Оллоқулихон замонида такомиллаштирилган Кенгашга турли даъволарни кўриш ва қарор чиқариш ҳуқуқи берилган эди. Оллоқулихон муҳим қарор чиқаришдан олдин Кенгаш чақирган. Кенгаш мустақил қарорлар чиқармаган, лекин хонлиқнинг ички ва ташқи сиёсатига оид масалаларни муҳокама қилгач, ўз хулосасини меҳтар (бош вазир) орқали хонга билдирган.

Хонлиқда деярий барча ишлар шарият йўл-йўриқлари асосида олиб борилган бўлса-да, жамият бошқаруви тизимида жамоат фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олган ҳолда, адолат мезонларига амал қилишга уриниш, умумжамият аҳамиятига молик масалаларни ҳал этишда машварат усулидан фойдаланиш каби муҳим жиҳатлар кўзга ташланади. Ўтказилган маъмурий-ҳудудий бошқарув ислохотлари натижасида хонлик вилоят ва масжидларга бўлинган.

Хонлиқнинг маъмурий аппарати – молия-солиқ маҳкамаси ҳашар ишларини, чунончи, ариқлар қазишни ҳам бошқарган. Ер солиғи маҳкамаси аҳолидан солиқларни йиғиш ишига ҳам мутасадди бўлган.

Хонлиқда асосий бож-хирож йиғувчилар девонбеги, қушбеги ва меҳтар бўлган. Улар давлат ҳамда хонга қарашли ерлардан солиқ йиғиш ва даромад ҳисобини олиб боришдан ташқари, хазина маблағининг сарфланишини ҳам назорат қилган.

Ўн саккиз вилоятдаги барча маъмурий ва ижтимоий юмушлар ҳокимлар зиммасига юкланган.

Энг кичик маъмурий бирлик масжид ҳисобланган. Ҳар бир масжидга 10 таноб ер ажратилган. Масжид жамоаси бошқаруви оқсоқол ва кадхудолар қўлида бўлган.

<sup>1</sup> Милодий 1825 йил 7 май.

Йигитларнинг ҳарбий хизматга чақирилиши билан масжид жамоаси шуғулланган. Ўғил болалар асосан 12 ёшдан маҳалла худудигадаги масжид ҳаёти билан боғлиқ барча тадбирларда иштирок этган. Ўспирин балоғатга етгач, саломатлигига қараб, масжид имомининг тавсиясига биноан ҳарбий хизматга чақирилган. Навкарликка одам берган оилаларга ер ажратилган, солиқлардан озод қилинган. Навкарлар доимий маош билан таъминланган.

Қозикалон хонлиқдаги фуқароларнинг даъво ва арзлари билан шуғулланган. Олий жазо талаб қиладиган жиноий ишлар унинг вазифасидан хорижда бўлган. Бу ишларни хоннинг ўзи кўрган. Хонлиқда қозикалондан ташқари қозиаскар ҳам фаолият юритган. Тинчлик даврида қозиаскар қозикалон илтимосига биноан баъзи фуқаролик ишларини ҳам кўриб чиққан. Уруш ҳолатида қозиаскар бевосита хонга бўйсунган.

Хонлиқда олий ҳарбий ҳокимият хон кўлида эди. Йирик амалдорларнинг аксарияти ҳарбий кишилар бўлиб, уларнинг ҳар бири саркарда этиб тайинланиши мумкин эди. Жумладан, атоқли шоирлар Мунис ва Огаҳий ҳам ҳарбий ишларга жалб этилган.

Оллоқулихоннинг илм, адабиёт, санъат ва маданият аҳлини ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлаш одати ота-боболаридан мерос эди. Шу боис маданий ҳаёт ривожланган, янги шаҳар-қишлоқлар барпо этилган. Хивадаги қўллаб меъморий обидалар таъмирланган. Бу ҳақда "Риёз уд-давла"да, жумладан, бундай дейилади: "Маълум бўлсинким, 1840 йил Раҳмонбердибей отаси Элтузархон даврида солдирган мадрасаси вақт ўтиши ва таг-заминнинг намлиги жиҳатидан бинонинг асоси зарар кўрган эди, уни йиқдириб, ўрнига тошдан мадраса бино қилдирди. Мадраса иморатининг қурилиши поёнига етгандан сўнг ҳазрат султон Оллоқулихон зиёфат берди. Зиёфатдан сўнг ҳазрат подшоҳ моҳир усталарга мартабаларига қараб сарупойи тиллобоф ва ханжари жавоҳир ғилоф ва лаълсимон тож ва олтин буюмлар пешкаш қилди. Уламо ва аҳли сипоҳга доғи офтоб шуъо кийдириб, барчани зарпош ва дилхуш қилиб, мезбонлиғ русумида нозик дид билан

бирортасини четлаб ўтмай иззати тамом ва ҳурмати лакалом била узатди"... Шу асарда яна куйидаги сатрларни ўқиймиз: "1840 йил Хевақ шаҳрида Муҳаммад Амин иноқнинг ёғочдан ишланган мадрасаси вақт ўтиши жиҳатидин кўҳна бўлиб, бино асосига зарар етиб эрди. Ул ҳазрат Оллоқулихон вазири аъзам Муҳаммад Юсуф меҳтарга буюриб, кўҳна иморатни йиқдирди ва янгидан тош била қилдурдиким, бағоят хуш бино ва дилқушо ва пурсафодур".

Бунёдкорлик ишлари хонлиқнинг барча худудларида амалга оширилган. Чунончи, Чин қалъаси харобалари таъмирланган, Махон мавзесида янги қалъа, Марв дарёси узра кўприк қурилиб, Тошҳовуз шаҳри барпо этилган.

Оллоқулихон даврида Мунис Хоразмий, Огаҳий, Рожиҳ, Диловар, Мирзо Масиҳо, Саид Мирзо Жунайд каби адиблар баракали ижод қилган. Одатда, тарихчию адабиётшунослар Огаҳийнинг буюк шоир бўлиб етишишида амакиси Мунис Хоразмийнинг улкан хизматларини эътироф этади. Аммо ҳеч ким бундай ўринларда "таворихвонлиғ ва шеършунослиғ ва латифагўйлик ўқувининг ҳайлида диққат тирноғин андоғ ишлатур эрдиким, фузаллоий замонга ҳайрат бармоғини тишлатур эрди", деган юксак таъриф олган Оллоқулихонни ёдламайди. Зеро, Оллоқулихон кўплаб соҳаларда Огаҳийга устоз ва ҳомий бўлган.

Мирхонд ва Хондамирнинг Алишер Навоий ташаббуси ва ҳомийлигида ёзилган ҳамда жаҳон тарихига бағишланган "Равзат ус-сафо" асарини Оллоқулихон даврида Мунис ва Огаҳий ўзбек тилига таржима қилган. Мазкур муаллифлар томонидан Хоразмнинг қадимдан то 1825 йилгача бўлган тарихини ўз ичига олган "Фирдавс ул-иқбол" асари ёзилган.

Хонлиқда тарбия ишлари билан асосан диний муассасалар шуғулланган. Ўнлаб мадрасалар қурилган. Хива шаҳрининг ўзида 22 мадраса фаолият юритган.

Экинбоп ерлар хусусий, вақф ва хонлик ерларига бўлинган.

Заминдорлар ер солиғи – солғут тўлаган. Солғут тўловчилар уч гуруҳга: аъло (ери 10

танобдан кўп), авсат (ери 5-10 таноб) ва аднога (ери 5 танобгача) ажратилган. Ҳар бир таноб ер учун аълолар уч тиллодан, авсатлар икки тиллодан, аднолар бир тиллодан солғут тўлаган. Тарихчиларнинг таъкидлашчи, ери бир танобгача бўлган деҳқонлар бола-чақасини бемалол боққан. Бир оила учун ўн танобдан кўп ерни уддалаш қийин бўлгани боис, заминдорлар ўзига қарашли майдонларни деҳқонларга ижарага берган. Ижарага берувчи сув, уруғлик, ўғит ва иш қуроллари билан таъминлашни ўз зиммасига олган. Ҳосил ижарачи билан ер эгаси ўртасида тенг тақсимланган.

Хонликда аҳолини сув билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Янги ерлар ўзлаштириш ва каналлар қазिशга кенг жамоатчилик жалб этилган.

Хонликда ҳар бир деҳқон баҳор, куз ойларида янги ариқ ва каналлар қазииш, эскиларини тозалаш, кенгайтириш ишларида иштирок этиши мажбурий эди.

Қишлоқ хўжалиги аҳоли эҳтиёжини бемалол таъминлай олган. Улус осойишта ҳаёт кечирган, воҳа ерларида деҳқончилик ривожланган, боғ-роғлар ва янги суғориш тармоқлари барпо этилган. Оллоқулихон тахтга ўтиришидан олдинроқ Хивада бўлган рус саёҳи Н.Муравьев бундай ёзади: "Хонлик ерларининг манзараси ажойиб: ҳаммаёқда кўм-кўк далалар, серҳосил галлазор, ариқларнинг бўйларига тоқзор ва мевазор боғлар яшнаб ётибди. Хонликда ундирилган галланинг миқдори халқнинг эҳтиёжидан анча кўпдир".

Оллоқулихон даврида Хива хонлигининг кўшни ўлкалар билан ўзаро сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий ҳамда маданий алоқалари кенгайган. Аммо хонлик ерларининг унумдорлиги, қазилма бойлиқларининг бисёрлиги баъзи йирик мамлакатларнинг "кўзини ўйнатиб" келаётган эди. XIX аср аввалида Русия Ўрта Осиёга шимолдан кириб кела бошлаган бўлса, аллақачон Ҳиндистонни забт этиб, энди Афғонистонни қўлга киритиш учун жанг олиб бораётган инглизлар жанубдан яқинлашиб қолган эди.

Муаррих Юсуф Баёний инглиз резиденти Жеймс Абботнинг Оллоқулихон билан

ўтказган музокараларида Русиянинг Хивага солаётган таҳдидидан гап очиб, хонни қўрқитмоқчи бўлгани тўғрисида бундай ёзади: "Қамоли голиб будурким, яна эллик йилдан сўнг (Русия) сизларнинг вилоятингизни олур... Агар хоҳласангизким, вилоятингиз давом қўлингизда туриб, ҳеч кимга анга мўтааррез бўлолмагай, вилоятингизни хатлатиб бизга беринг. Хоразм инглиз юрти бўлди, деган сўз иштихор топсин, андин сўнг, бу хавфдин форуғ бўлурсиз. Бизнинг сизга бу сўзимиз ҳашоқим нафсоният юзидан бўлмай, балки маҳзи дўстликдурким, ғаразимиз Русияга Ҳинд йўлини бекитмоқдир. Биздан сизга фойда етар, асло зарар етмасдур. Хатлашганда хоҳишингизча шартнома ёздуринг, биз қабул этармиз..."

Абботнинг ушбу тақлифига хоннинг айтган куйидаги сўзларига эътибор беринг: "Алҳол ул (Русия) бизнинг устимизга юриш этган эмас. Эллик йилгача ким бор-у, ким йўқ. Биз эллик йилда келур ишнинг андишаси билан бугун юртимизни қўлдан бировга бермасмиз!"

"Хоннинг бу қатъиятига, ишончу гурурига тасанно айтмоқ мумкиндр, – деб таъкидлайди ушбу масалани тадқиқ қилган ёзувчи Хайриддин Султон. – Агар шу қатъият билан келажак ёв йўлига қарши тадбирлар кўрганида, сарҳадларни мустаҳкамлаганида, лашкарининг ғамини еганида – уни даққиюнусдан қолган қиличу пилтамилтиқлар ўрнига замонасига муносиб аслаха билан қуроллантириш хусусида қайғурганида, мамлакат ўғлонларини дунёвий илму ҳунарларни эгаллаш учун ажнабий ўлкаларга сафарбар этганида... ким билсин, балки авлодларнинг олқиш ва дуоларига қолган бўлармиди?"

Абботнинг муроди ҳосил бўлмагач, Хивага Англиянинг яна бир вакили – капитан Шекспир юборилади. Шекспир Хива хонлиги амалдорларини сотиб олиш учун кўп пул сарф қилади, лекин бу жосус ҳам ниятига ета олмайди. Бироқ йирик давлатларнинг Хивани забт этиш борасидаги сиёсий ўйинлари барҳам топмайди.

Тобора атрофга "тўр солиб", йўлидаги барча ҳудудларни ўз домига тартаётган



XIX asrda yasalgan қилич (Хива хони хазинасидан)

Русия Хива билан алоқаларда кўпроқ кучга таяниб иш кўради. 1825 йилнинг бошида Хоразмга йўл олган ва оғир замбараклар билан қуролланган 625 нафар рус ҳарбийси Бештепада хон лашкарлари қаршилигига учрайди ва чекинишга мажбур бўлади. Кўп ўтмай император Николай Биринчининг яқинларидан бўлган полковник Берг раҳбарлигида Устюрт, шунингдек, Каспий ва Орол денгизлари оралигидаги кенгликларни тадқиқ этиш мақсадида экспедиция ташкил этилади. Экспедицияни кузатиб борган 2 минг 300 кишилик ҳарбий қарвонни Оллоқулихон нон ва туз билан кутиб олади. Воиз Ниёзни Русияга элчи қилиб юборади. Лекин элчи пойтахт Петербургга киролмайди. Николай пошшо токи Хива хони аввалги ҳарбий қарвонга етказилган зиён учун товон тўламаз экан, музокара ҳақида гап бўлиши мумкин эмаслигини айтади.

Хон бу талабни бажармайди. Русия ва Хива муносабатлари тобора чигаллаша бошлайди. Сирдарё бўйидаги кўчманчи қозоқларнинг Хива хонлигига бўйсунishi Русия ҳукуматининг гашига тегар эди.

Ташқи хавф кучайиб бораётганидан қаттиқ ташвишга тушган Оллоқулихон муайян чора-тадбирлар кўришга киришгани, жумладан, Бухоро амиридан кўмак сўраб, уни Русияга қарши биргаликда иттифоқ тузишга ундагани маълум. Лекин Бухоро амири Насруллохон рад жавобини бериш билан кифояланибгина қолмай, Болтақулибек Раҳматбековни Русияга элчи сифатида юбориб, Оллоқулихон устидан шикоят қилади ва оқ пошшони хоннинг "адабини бериб қўйиш"га чақиради. Натижада Русияда тижорат ишлари билан юрган мингдан ортиқ хивалик савдогар ҳибсга олиниб, мол-мулки мусодара қилинади.

Русия 1839 йили Хивага қарши яна бир юриш бошлашга қарор қилади. Оренбург ҳарбий губернатори, генерал В.Перовский бошчилигидаги 4 минг кишилик ҳарбий қарвон 14-17 ноябрь кунлари Оренбургдан Хивага қараб йўлга тушади ва 1840 йилнинг 1 февралда хонлик чегарасига етиб келади. Аммо ҳаддан ташқари оғир келган қиш соғуғида қарвон деярли барча уловидан ажралади. Олдинда эса янада машаққатли йўл, қалин қор билан қопланган Устюрт ястаниб ётар эди. Ҳарбийлар орасида касаллик кўпаяди. В.Перовский ортага қайтишга мажбур бўлади.

Оллоқулихон Русияда тутқинликда азоб чекаётган фуқаролари тақдирдан ташвишда эди. Шунинг учун у Хивадаги барча рус асирларини ватанига қайтариб юборишга қарор қилади. Огаҳий "Риёз уд-давла"да бу ҳақда қуйидагича ёзади: "...Ложарам Хоразм диёридаги ўз ихтиёри билан кетмакка тоғиб бўлгон (418 нафар) урусларни жам этиб, Отажон охунди элчиликка тайин этди. Муҳаммад Шариф нўғайни ҳибсдан чиқариб, шаҳона саруполар кийдуриб, Отажон охундга қўшуб, урусларни уларга топшириб, мазкур йил (1840 йил) жумодус соний ойининг тўртида, душанба кун рухсат берди. Инглиздан элчи бўлиб келган бир соҳиб урус юртига борурга майл кўргузуб ижозат талаб эрди, уни ҳам элчиларга ҳамроҳ қилиб юборди. Қорли юзбошини токим Тенгизга<sup>1</sup> боргунча уруслар аҳволидин хабардор бўлиб, кемага киргузиб қайтмай деб уларга қўшди... Тенгиз киргоғига етишдилар. Қорли юзбоши урусларни ва элчиларни ўз назарида кемага солиб қайтди... Элчи ва асирлар урус вилоятига дохил бўлгандан сўнг, дарҳол урус подшоҳидан жавоб олиб, қарвон аҳлига рухсат бериб, барча мол ва ашёлари биля Хоразми эрам сори узатдилар. Элчиларни шох хизматиға элтмак учун элчихонаи дилкушоға топшуруб, эъзоз ва икром кўргуздилар. Қарвон аҳликим, урус юртидин чиқдилар, қафасдан қутулган қўш каби бепоеён биёбонлардан ўтиб, Хевақ шаҳриға дохил ва аҳли авлодининг висолиға етишдилар".

Хива хони 19 июлда қуйидаги мазмунда фармон беради: "...Буюк Урусия императо-

<sup>1</sup> Каспий денгизи

ри билан дўстона муносабатлар ўрнатишга қарор қилдик, энди ҳеч бир зот урус мулкига ҳужум қилмаслиги керак. Агар ким бизнинг олий истагимизга риоя қилмай, урус ерларига ҳужум қилса ёки урус асирларини сотиб олса, бизнинг хонлик қазабимиздан қочиб қутулмайди ва қилмишига яраша жазо олгусидир...”

Шундан сўнг Хива билан савдо алоқаларини тиклашга аҳд қилган Русия ҳукумати узил-кесил тинчлик шартномасини тузиш йўлини тутди. Шу мақсадда Хива хонидан рус элчиларини қабул қилишни сўрайди.

1841 йили Русиядан Хивага капитан Н.Никифоров бошчилигидаги миссия келади. Бу миссия зиммасига дипломатик алоқалар ўрнатишдан ташқари, Хива хонлигида топографик ва стратегик маълумотлар тўплаш билан боғлиқ махфий вазифа юкланади. Хивада миссия катта иззат-икром билан кутиб олинади. Лекин хон музокаралар давомида Русияга ён босмайди – Сирдарё шимоли ва Каспий денгизининг шарқини Русияга қарашли ҳудудлар деб тан олмайди.

Уша йилнинг 10 мартада Вайсбой Набиев бошчилигидаги 16 кишидан иборат Хива вакиллари император Николай Биринчи қабулида бўлади. Музокаралар якунида Русия Ташқи ишлар вазирлиги тинчлик ва савдо алоқаларини ўрнатиш учун Хивага элчи юборишга қарор қилади. Бу ўта муҳим вазифани бажариш яна ҳарбийга – подполковник Г. Данилевскийга топширилади. Миссия янгиладани-ю, махфий топшириқ, асл мақсад – хонлик ҳудудининг ҳарбий топографик чизмаларини тайёрлаш, разведка маълумотларини тўплаш – эскилигича қолади.

Хон Петербург таклифларини яна рад этади. Зеро, шартнома лойихасида Русия томонига катта устунлик берилган эди. Хон имзоланажак шартнома ўзаро тенглик асо-сига қурилишини талаб қилади.

Бу Оллоқулихоннинг дипломатик маҳорати юқори бўлганидан далолатдир. Аф-

суски, Буюк Британия, Русия каби йирик давлатларга ҳам ўз шартларини ўтказиш борасида қатъий турган хон 1842 йилнинг 22 ноябрида 48 ёшида вафот этади. Унинг ўрнига – тахтга ўгли Раҳимқулихон ўтиради ва Г. Данилевский 1 декабрда шартномади ўз мақсадига мувофиқ тузишга эришади.

Шу ўринда хоннинг ўлимига рус элчисининг алоқаси йўқмикан, деган савол туғилади. Бу шубҳа-ғумонда жон бор. Зеро, Г. Данилевскийга берилган махфий топшириқлар орасида “Оллоқулихонни орадан кўтариш” вазифаси ҳам бўлган. Русиядан келиб, Хивада муқим яшаб қолган мутахассислардан баъзилари хоннинг хос хизматида ҳам бўлган. Тўпчилар сардори, хонга таом тайёрловчи баковуллар шулар жумласидандир.


Оллоқулихондан кейин ўтган саккиз хондан бирортаси давлат ишларини юргизишда унинг муносиб давомчиси бўла олмади. Тахт учун кураш кучайиб, ўзаро ички низолар авжига чиқди. Бунинг оқибатида хонлардан тўрттаси қатл этилди. Хонликнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий аҳволи кескин оғирлашиб, алаоқибат Русиянинг мустамлакасига айланди.

Оллоқулихон даврида Хива хонлигида амалга оширилган сиёсий, иқтисодий ва маданий ўзгаришлар, унинг бошқа юртлар билан олиб борган самарали алоқалари мустақил ташқи сиёсат юритишга интилганидан далолатдир.

Афсуски, Оллоқулихоннинг истилочиларга қарши биргалиқда курашиш борасидаги саъй-ҳаракатларини ўлкадаги бошқа ҳукмдорлар – Бухоро амири, Қўқон хони қўллаб-қувватламади. Уч ҳукмдорнинг боши бирикмади. Бўлинганни эса бўри ер. Пировардида бутун Марказий Осиё мустамлакачилар оёғи остида қолди.

Истибод ғоят узоқ – халқимиз мустақилликка эришгунича – 1991 йилнинг 1 сентябргача давом этди.

# Sulh qurboni Xonzodabegim



Иброҳим ҲАҚҚУЛ

Бобур Мирзонинг элчиси Хонзодабегим билан ўн йиллик айрилиқдан кейинги учрашуви  
("Бобурнома" ва иллатисан минтақасардордан)

## 1

Адабиёт – инсон руҳи кўзгуси. Одам қисмати баъзан шу қадар мураккаб ва зиддиятли бўладики, унинг туб моҳияти, ички боғланишларини фақат адабиёт сувратлантириб кўрсатиши мумкин. Ҳис-туйғу, кайфият, эҳтирос, аслини олганда, ўткинчи, бебақо. Аммо улар адабиётдан жой эгалаганда, ҳар бири одам маънавий-руҳий оламнинг тирик тилмочига айланади.

Шарқ мумтоз адабиётида шу боисдан ҳол ва ҳолат тасвири, ҳис-туйғу драмасы, дард, изтироб ва руҳоният "спектакл"и алоҳида ўрин тутди. Қисматдан қисмат томон бориш, танҳоликни фақат танҳолик орқали босиб ўтиш йўлларини айрилиқ ва ҳижрон азоблари жуда тез ойдинлаштиради. Маҳрумият ва йўқотиш азоби кучайганда, эришиш ва муваққатлик майллари ўз-ўзидан

ортиб, янги бир кўникмани юзага келтиради. Бобур Мирзо бежиз “Ёр қадрин билмадим, то ёрдин айрилмадим...” демаган.

*Ҳижрон ғамидин заиф жоним сўлди,  
Ғурбат алами бирла учим қон бўлди.*

Жонни сўлдириб, ични қонга тўлдирган бу беаёв ғурбат ва ҳижрон Бобурни то сўнги нафасигача таъқиб этган. Бобур шеърларини ўқиганда сезгир шеърхон беихтиёр ҳижрон қийноқларининг манзара ва даражалари, ғурбат ва ғарибликнинг ҳали номланмаган макомлари ҳақида ўйлаб кетади. Ва битта юрак шунча кулфат ва жудолик, шунча ҳасрат ва ғам-ғуссага чатнамасдан, бўшашмасдан дош берганидан ҳайратга тушади. Бобур шу қадар ростгўйки, бошига ёғилган балою офат, толесизлигу надоматларнинг баридан бирийла қутулиб “ўлум уйқусига” чўмганини ҳам яширмайди: “Ўлум уйқусига бориб жаҳондин бўлдим осуда, / Мени истасангиз, эй дўстлар, кўргайсиз уйқуда”.

Бунақа хаёл ва кечинмалар Бобур кўнглидан кўп ўтган. “Бобурнома”да эса “Бу оламда ўтган вақоъий туш ва хаёлдек кўзимга ва кўнглумга кўрунур ва кечар эрди”, деган фикр бор. Гарчи бу гап қутилмаган бир ҳодисага шарҳ сифатида айтилган бўлса-да, Бобур нигоҳида ўткинчи дунёнинг қанчадан-қанча воқеа ёки ҳодисотлари айнан рўё ва хаёлга менгзаб қолган. Аммо “Сўғднинг улуг шохжўйлариға қоронгу кечада уруниб, йўл итируб, юз ташвиш бирлан тонг” оттирган бир тун – Шайбонийхондан енгилиб бобошаҳри Самарқандни ташлаб, Шайхзода дарвозасидан ўғринча чиқиб кетган тунни у ҳеч унутолмайди. Ўша мудҳиш тунни эслаганда “аъзойи бадани музлаб кетар, яраланган арслондек ўзини қаерга уришни билмай қолар эди” (*Ҳайриддин Султон. Бобурийнома. Тошкент, 1997, 26-бет*).

Умаршайх Мирзо ўғилларининг тўнғичи Заҳириддин Муҳаммад Бобур бўлса, қизларининг каттаси Хонзодабегим эди. Бобур у ҳақда “Бори қизларидан улуг Хонзодабегим эди, менинг била бир туққон эрди. Мендин беш ёш улуг эрди”, дейди (“*Бобурнома*”, *Тошкент, 1960, 66-бет*).

Қай бир томондан опанинг толеи уқаникига ўхшар, шу ўхшашлик уларнинг ҳар иккиси учун ҳам бахтсизлик ва ҳасрат эди. Эгачининг укага, уқанинг эгачига қуйинишлари эса юракда адоқсиз қайғу ва ғусса бўлиб оқарди. Хонзодабегимнинг бахтсиз тақдири, омадсиз ҳаёти учун Бобур ўзини айбдор ва гуноҳқор деб ҳисобларди.



## 2

“Мен Самарқандни олгонда, – дейди Бобур, – ўн тўққуз ёшда эдим. Не кўп иш кўруб эдим, не тажриба бўлуб эди. Иккинчи буким, менинг ғанимим Шайбонийхондек пуртажриба ва кўп иш кўрган ва улуг ёшлиқ киши эди...” (*ўша асар, 141-бет*.)

Шайбонийхондек тажрибали, “кўп иш кўрган ва улуг ёшлиқ киши” билан жанг қилиб, уни мағлуб этиш Бобур учун ростдан ҳам осон эмасди. Навбатдаги урушда ғанимнинг ғолиб бўлишига бир сабаб шу эди.

“Бобурнома”да ёзилишича, ўшанда Шайбонийхон сулҳ сўзини орага ташлайди. Бобур чорасизликдан сулҳга рози бўлганини изоҳлаб бундай дейди: “Агар бир тарафдин умидворлиғ бўлса эди, ё захира бўлса, сулҳ сўзига ким қулоқ солур эди. Зарурат бўлди, сулҳгина қилиб, кечадин икки паҳр бўлар ёвушуб эдиким, Шайхзода дарвозасидин чиқилди. Волидам хонимни олиб чиқтим. Яна икки хотун киши чиқти... Менинг эгачим Хонзодабегим ушбу чиққонда Шайбоққоннинг илгиға тушти” (*ўша асар, 151-бет*).

Бобурдек мард, шижоатда тенгсиз бир шаҳзоданинг “қари ғаним”, “қавий душман” деб атагани Шайбонийхонга опасини ташлаб кетиш ҳолатини тасаввур қилса бўлар, бироқ уни сўз билан тасвирлаш душвордир. Жон жигарини бой берган ўша машъум кечадаги ҳолини Бобур эҳтимол шунинг учун

хам гўё мажозий тарзда ифодалаб мана бу жумлаларни ёзиб қолдиргандир: "Йўлда борурда Қанбар Али ва Қосимбек била от тортуштук. Менинг отим ўтти. Оркамға қайтиб боқтимки, уларнинг оти нечоғлиқ кейин қолиб экин, қийшайиб боқаримда отимнинг оили узулуб, эгари ўргулди. Бошим била ерга йиқилдим, агарчи ўшул замон кўпуб отландим, вале ақлим охшомғача қарорига келмади" (*ўша асар, 151-бет*). Отдан ногаҳоний қулаш, қаттиқ зарб еган бошдан маълум муддат ақлнинг қочиши, бизнингча, Бобурнинг ўшандаги ботиний аҳволига ҳам аниқ шарҳдир.

Хусу латофатда ҳам, ақлу идрок, фаҳму фаросатда ҳам Хонзодабегим ҳақиқатда шоҳ хонадонига муносиб қиз эди. Ундаги ғайрат, туғма журъат, хусусан, қалб саховати камдан-кам маликаларга насиб этгандир. Эллик ёшдан ўтган бир хонга ўзини

"Агар ўз синглингиз Хонзодабегимни менга берсангиз, орамизда сулҳ тузилади ва иттифоқлик алоқалари ўрнатилади", деб айтгизиб юборди. Охири Хонзодабегимни ўша хонга бериб, ўзларининг қайтишлари зарур бўлди" (*"Хумоюннома", Тошкент, 1959, 25-бет*). Демак, Шайбонийхоннинг сулҳдан кўзлаган бир мақсади Хонзодабегимни хотинликка олиш бўлган. Чунки тарихий китобларда қайд этилганидек, "Темури ва Чигатой наслидан қиз олиб Туркистонда маънавий нуфузини юксалтириш" нияти йўқ эмасди унинг.

Бобурга кўра, сулҳ тузиш ташаббуси Шайбонийхондан чиққан. Шайбонийхоннинг ёзишича, наинки сулҳ, ундан мурувват ҳам тиланган: "Басо, Самарқандда бир ботмон буғдой минг олтунга етти. Бобур Мирзо қариндошини бериб (Хонзодабегим назарда тутилаётир – **И.Х.**) мурувват тилади эрса,

**Ш**айхзода дарвозасидан ўғринча чиқиб кетган тунни Бобур ҳеч унутолмайди. Ўша мудҳиш тунни эслаганда "аъзойи бадани музлаб кетар, яраланган арслондек ўзини қаерга уришни билмай қолар эди".

хотинликка чоғлаш – гулдек умрни хазон этиш билан баробар эди. Наинки ҳукмдор ука, балки бутун оила ҳаётини омон сақлаб қолмоқ учун Хонзодабегим шу қисматга рози бўлган эди. Бобур эса бу фидойилик туфайли тирик қолишдан кўра, ўлимни афзал кўрарди. Лекин унинг ўйлагани эмас, опасиники амалга ошди. Таънаю маломат эса Бобурнинг бошига ёғилди.

Муҳаммад Ҳайдарнинг ёзишича, Бобур Хонзодабегимни "Шоҳибекхон Самарқандни қамал қилганда ўз жонини қутқариш эвазига хонга бериб Самарқанддан кетган эди" (*"Тарихи Рашидий", Тошкент, 2010, 354-бет*).

Гулбаданбегимнинг ҳам фикр-мулоҳазалари шунга яқин: "У ҳазратга (яъни Бобур Мирзога – **И.Х.**) дуч келган укубат ва хатарлар оз подшоҳларга дуч келган... Олти ой давомида Самарқандни олмоққа уриндилар, лекин мақсадларига ета олмадилар... Ҳеч жойдан мадад келмагач, маъюс бўлдилар. Ана шундай вақтда Шоҳибекхон

шафоат қилиб юбордим. Бу ғазал анда воқе бўлди". Ғазал

*"Бор, бор, Шайбон, ҳалложвор, сўзла  
сўзунг мажнунвор,  
Топтинг эранлар суҳбатин ҳар тун-ла  
сен ухламайин"*

деган сўзлар билан тугайди (*Шайбонийхон. Девон. Анқара, 1998, 214-бет. Бундан кейин келтирилган насрий ва шерьий мисоллар ҳам шу нашрдан олинди*).

Ўзларига қолса, на Қутлуг Нигорхоним, на Бобур, на бошқа қариндош-уруғлар Хонзодабегимнинг Шайбонийхонга турмушга чиқишига рози бўлмасди. Биринчидан, Шайбонийхон темурийлар сулоласига ашаддий ғаним эди. Иккинчидан, унинг Хонзодабегим билан никоҳ ўқитишга на шаръий, на маънавий ҳаққи бор эди. "Юнусхоннинг улуг қизи (яъни Меҳр Нигорхоним – **И.Х.**) менинг онамнинг туққон эгачиси эди", дейди Бобур (*"Бобурнома", 76-бет*). Чунончи, Бобур ва

Хонзодабегимнинг онаси Қутлуғ Нигорхоним Шайбонийхоннинг хотини Меҳр Нигорхонимга сингил бўлган. Шариат қонун-қондаси бўйича жиян – Хонзодабегим, ҳола – Меҳр Нигорга кундош бўлиши тақиқланган. Бу тақиқни хон шариат арбобларининг кўмаги билан гўё четга суриб ташлайди. Яъни ви-солга йўл талоқ орқали очилади.

"Юнусхоннинг улуг қизини, – дейди хон, – талоқ солиб, синглининг қизини олгонда бу байтни айтиб йиборилди..." Байтда эса талоқ ҳодисаси тақдир ва Ҳақ хоҳиши сифатида шарҳланган:

*Ким азалдан бўлса тақдир бўйла найлайин,  
Қудратин Ҳақ бўйла қилди ўзга тадбир найлайин.  
(214-бем).*

Боёқиш Хонзодабегим эса бир кун келиб ҳоласидан-да баттар аҳволга тушишини хаёлга ҳам келтиролмасди, албатта.

### 3

Гурбат, ғариб, ҳажр, фироқ, айрилиқ – булар Бобур шеърлятида, хусусан, рубоийларида теран тасвирланган тушунча ва ҳолатлардир. Ушбу калималар бир ўринда шеърхон кўнглини оловдай куйдирса, бошқа жойда дард кўзгаб жонини ўртайди. Шоир зорланиб, "Нега бу фалак солғуси гурбатқа мени, / Ҳар лаҳза тугонгусиз машақатқа мени", дейди. Гурбат ва ҳасратнинг эса ниҳояси кўринмас, баъзан ҳатто нафас олиш ҳам оғирлашар, қоғозга сўз эмас, балки кўзёши оқиб тушарди:

*Ҳижрон қафасида жон куши дам қиладур,  
Гурбат бу азиз умрни кам қиладур.  
Не навъ битай фироку гурбат шарҳин,  
Ким кўзёши номанинг юзин нам қиладур.*

Бундоқ қаралса, бу рубоий бегона ўлкаларда ёзилгандек, аслида эса, у Афғон ёки Ҳинд тупроғидамас, ўз диёрида, бошқа бировларгамас, Бобурнинг опасига йўлланган мактуб муносабати билан битилган.

Давр ва даврон Бобур Мирзони кўп кулфат ва офатларга юзлаштириб, ақл бовар этмас айрилиқларга гирифторм қилган. Опасини Шайбонийхон қўлига ташлаб, Самарқанддан чиқиб кетиши унинг ҳаётидаги энг азобли ва

унутиб бўлмас йўқотишлардан эди. Эгачиси билан у асосан элчи ва хат орқали алоқа боғларди. Мактублардан бири ҳақида хон бундай гувоҳлик беради: "Басо, Бобур Мирзонинг элчиси келди. Хатини қариндошига (яъни Хонзодабегимга – **И.Ҳ.**) кўрсатдим. Эrsa бир дардлик оҳ чекди. "Қайда борга сен... қайда ер толга сен...", деди".

Шайбонийхон нечоғли қаҳри қаттиқ ва муруватсиз бўлмасин, Хонзодабегимнинг ҳолатига бефарқ қарамайди: қалбини хотира оташи ўртаб юборади ва ўз укасининг душман қўлига асир тушганини эслайди: "Эrsa менинг ҳам Маҳмуд Баҳодирнинг ёғига тушгандаки ўти ичимда қайра қилди (такрор ёнди). Мижмардек куйиб кўзим ёши бирла бу ғазални айтиб йибордим..." Мана, ўша ғазалнинг илк байти:

*Фурқатинг ўтида бағрим бори бирёндур яна,  
Кўрмасам юзунгни бир дам дийда гирёндур яна.*

Беш байтли ушбу шеърнинг кейинги сатрларидаги сўзлар муаллифдан кўра, ихтиёрий тутқунлиқдаги аёл, яъни Хонзодабегим аҳвол-руҳиясини кўпроқ акс эттиради десак хато бўлмайди:

*Сендин айру мен не бўлгум, мени сен сўрмас эсанг,  
Ҳажр ўтидин дам-бадам бу кўнгул хумдондур яна.*

*Кўзларим ёши оқиб кўксим ўтин сўндурмас,  
Ул сабабдин жисм шаҳри бори вайрондур яна...  
(354-бем).*

Дард, азоб, армон бор юракда инсонийлик йўқолмайди. Инсоний ҳис-туйғулар дилни тарк этмадимми, демак, шеърга йўл очик...

Шу ўринда Шайбонийхоннинг шоирлиги тўғрисида икки оғиз сўз. Ёшлигидан у арабий ва форсийни ўрганиб, дин, шариат илмини ўзлаштиришга ҳам алоҳида диққат қилган. Хожа Аҳмад Яссавий йўлидаги шоирларнинг тажрибасига қизиқиш билан бирга, Алишер Навоий шеърлятидан ҳам илҳомланиб ғазаллар ёзган. Навоийга назиралари махсус қайдлар билан бошланади. Шайбонийхонни бошқа мумтоз шоирлардан ажратиб турадиган хусусиятларидан бири, кундалик ҳаёт воқеа-ҳодисалари ва таассуротларини шеърга асос қилиб олиши,

билган ва ҳис этганларини мумтоз санъат талабларидан узоқ бир шаклда қозоғга туширишидир. Шунинг учун унинг девонида анъанавий мавзу ва ифода йўлларида четга чиқмаган замондош ижодкор асарларига қараганда тарих, этнография, фольклор, география каби соҳаларга доир қайд ва маълумотлар кўп. Тўғри, Шайбонийхонни улкан истеъдод соҳиби деб бўлмайти. Аммо унинг:

*Билгил, эй Солиҳ, Хонгоҳдадур мева,  
Етимлар учун хуштур Ирник била ул Хива.*

*Майхонаву май кўптур Хоразмнинг элинда,  
Орифлар ичиб андин гур-гур этадур тева.*

*Маъшук неча зебодур, ошиқ анга шайдодур,  
Анга фидодур жоним ҳар неча қилур шева...*

каби байтларини бошқа бир қаламқашда учратмайсиз.

Темур асос солган салтанатнинг бутунлай парчаланиб кетишига инонган Муҳаммад Солиҳ “Маҳдийи замон” оstonасига нажот истаб боради. Шайбонийхон ҳам ундан марҳаматини дариг тутмайди. Ўртадаги манфаат яқинлиги, хоннинг зоҳирий ишонч ва суяшлари шоирнинг илҳомига гўё қанот бағишлайди ва Шайбонийни ислом оламининг энгилмас ҳамда ҳассос халоскори қиёфасида тасаввур этиб, ниҳоят, “Шайбонийнома” номли катта бир дoston яратди. Унда энг олий сифат, фазилат ва камданкам шохларга насиб этган фазилатлар соҳиби ҳақида сўз юритади. У мусулмон оламининг беназир ҳукмдоригина эмас, гўёки пайғамбар мақомини эгаллаган бир зот: “Хон эмас Ҳазрат Мусодур бу, / Қул не билсун – яди байзодур бу...” Ҳаммадан кўра унинг Сулаймон пайғамбарга монандлиги алоҳида таъкидланган: “Не ажаб хонни Сулаймон

**Н**анки ҳукмдор ука, балки бутун оила ҳаётини омон саклаб қолмоқ учун Хонзодабегим шу қисматга рози бўлган эди. Бобур эса бу фидойилик туфайли тирик қолишдан кўра, ўлимни афзал кўрарди.

Шайбонийхоннинг ҳаёти, сиёсий фаолияти, янги давлат барпо этишдаги кураши, адабий мероси олис асрлардан буён мутахассислар томонидан тадқиқ этиб келинган. Аммо бу борада ҳали қилинадиган ишлар кам эмас.

Камалиддин Биноий, Мулло Шодий ва Муҳаммад Солиҳ эса Шайбонийнинг бадиий образини яратган. Биз бу ўринда Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома” дostonидаги асосан мавзуга дахлдор жиҳатлар хусусида мухтасар баҳс юритиш билан чекланамиз. Гапни дoston муаллифидан бошлайдиган бўлсак, у XVI аср ўзбек мумтоз адабиётининг кўзга кўринган вакилларида бири, билимли, савияси анча баланд, ҳаётнинг оқу қорасини ажрата олган қалам соҳиби бўлган.

Шоирнинг эътирофига қаралганда, барча донолар “Давлати олий Темур кеткусидур, / Навбат ўзга кишига еткусидур. // Ул киши бордур Шайбонийхон, / Хони Шайбондур у Маҳдийи замон”, дея башорат қилган. Амир

дегоним, / Бори оламга они хон дегоним. // Ким онинг ҳукмидадур ваҳш ила тайр, / Ҳам онинг илқидадур шар била хайр. // Ким онинг амридадур деуу пари, / Ҳукмида ер юзининг хушқу тари...”

4

Шайбонийхон Бухорони забт этиб Самарқандга юриш бошлаганида Бобур Кешда эди. “Кешга келгандан бир-икки ҳафтадин сўнг, – деб ёзади Бобур бу ҳақда, – хабар келдики, Султон Али Мирзонинг онаси Зухрабегим оға билмаслигининг ва беақлигининг маҳфи Шайбонийхонга киши йиборур, бу мазмун билаким, Шайбонийхон ани олур бўлса, ўгли Шайбонийхонга Самарқандни бергай. Отасининг вилоятин олгандин сўнг Султон Али Мирзога бергай” (“Бобурнома”, 135-бет). Зухрабегим не истаса, хон шуларни бажа-ришга ваъда беради. Иш битгач, ваъдаи воҳид фаромуш бўлиб, она ҳам, ўғли ҳам ба-лога гирифтор этилади. “Бу бедавлат хотун

(яъни Зухрабегим – И.Х.) чун ноқиси ақл эди, эрга тегар хавоси била ўглининг хону монин барбод берди”, дейди Бобур. Ақлсизлик ва алдов қурбони бўлган Мирзонинг қисмати, албатта, ачинарли.

Бутун бир асарга арзигулик ушбу фожиани айрим тафовутлар билан Муҳаммад Солиҳ ҳам баён этади. Воқеани у “қарс икки қўлдан чиқади” тарзида ифодалаб, дастлаб Зухрабегим сўзларига диққатни қаратади: “Деди: “Хонга деки, бундан ортиқ / Фурқатинг ичра менга тоқат йўқ! // Эл сенинг, мулк сенинг, шаҳар сенинг, / Мен сенинг, лутф сенинг, қаҳр сенинг. // Менинг ўғлимга иноят кўргуз, / Кўрмагил ёт, они қилгил ўз”.

Қосиддан бу сўзларни эшитган хони мулк-гир маликани аллақачон ғойибона севиб қолиб, ҳажрда ўртаниб, куйиб ётганини унга етказди:

*...Эшитиб мен сифатини бисёр,  
Ғойибона мен анга ошику зор.*

*Мен Самарқандни онсиз нетайин,  
Жасади тиранни жонсиз нетайин?*

*Ўғли ўғлимдур, ўзи – ёрим,  
Дилбару ҳамнафасу дилдорим.*


Хуллас, она ва ўғил атрофида тўқилган миш-миш, ишончли ва ишончсиз гапларни баҳона қилиб, хон бошлиқ аркони давлат Зухрабегимни аллақандай бир кишига берадилар. Ўғил ўрнида қабул қилинган Мирзо қатл этилади. Муҳаммад Солиҳ қиссадан бундай ҳисса чиқаради:

*Лаънат ул нав анога ким ул,  
Нафси учун ўлума берди ўғул.*

*Кимки хотун сўзи бирла бўлгай,  
Ажаб эрмас буки қони тўлгай.*

*Чунки Мирзо иши андоқ бўлди,  
Шаҳар хон қўлларига зевулди.*

Шайбонийхоннинг ишқу ошиқлик саргузашти шу билан тугганида, кулфат Хонзодабегим тақдирига балки чанг солмасди. Бироқ у Хонзодабегимга ҳам ғойибона ошиқ бўлади: “Ғойибона сифатини эшитиб, / Ишқда иш бу ерларга етиб. // Бир замон йўқ эди ором анга, / Оҳ ила нола эди ком анга. //



Бобур Мирзонинг Самарқандни қамал қилиши  
("Бобуринома" га илганган миниятуралардан)

Селдек ёш оқар эрди кўзидин, / Дард зоҳир бўлур эрди сўзидин... // Кеча тонг отқуча бедор эрди. / Ишқдин кўзлари хунбор эрди”.

Булар уйдирмадан бошқа барса эмаслигини изоҳлашга ҳожат йўқ. Хонзодабегим ва Қутлуғ Нигорхонимнинг Шайбоқхонга муносабатини акс эттирадиган сўзлар янада ишончсиз: “Қиз доғи бўлди фараҳнок баса, / Тушти онинг бошига ҳам хаваси. // Аноси ҳам фараҳ этти бисёр, / Жон аро шодлик этти ихзор. // Хон вакилин тилаб олдилар, / Шаҳр аро тўй сўзини солдилар. // Хонга ул ойни никоҳ айладилар, / Айш сўзин мубоҳ айладилар...”

Бу парчадаги иккита калимага ишона бўлади: бири – тўй, иккинчиси – никоҳ. Дарвоқе, Шайбонийхоннинг хабарига қаралганда, тўй анча дабдаба билан ўтказилган: “Қуксаройда тўй қилиб волидамни тахтга миндириб, ул мажлисда зебо санамларни

келтуруб, ўғлум Муҳаммад Темур Баҳодирни сандалида ўлтуртуб бу ғазални айтдим". Ғазал Хонзодабегимга аталганини куйидаги биргина байт ҳам тасдиқлайди:

*Ул парини Кўксарой ичинда  
ҳар дам кўргали,  
Зулфи анбарбўю мушкин  
васфида девонидур.*

Шайбонийхоннинг маслак ва мафкура-сида дин, миллат, юрт равнақиға хизмат қиладиган муҳим жиҳатлар бўлган. Буни инкор этмаслик даркор. Бобурнинг Шайбоний ҳақида "ҳар неча кунда бир бемаза байт айтур эди ва минбарда ўқитиб, Чорсуда остуруб, шаҳр элидин сила (инъом, бахшиш) олур эди", деган сўзларини ҳам холис танқид дея баҳолаш қийин. Аммо Шайбонийхоннинг шахсияти жуда мураккаб, зиддиятли, ботинидаги мустабидлик ҳирсларига бас келиш қийинлигидан ҳам кўз юммаслик лозим. Шеърларидан бирида у "Нафсу ҳаво бордур баданда Шайбоний ёғу, / Жуҳҳол кўнмасалар ислом ила қувармен", деган бўлса ҳам, ҳал қилувчи паллаларда вужуддаги ўша "ёғу"дан ғолиб келолмаган.

Шайбоний Шоҳ Исмоилдан Марвда мағлуб бўлиб ўлдирилганда, Хонзодабегим туркманларга асир тушади. Бобурнинг опаси экани аён бўлгач, унга яхши муносабатда бўлиб, турли ҳада ва инъомлар билан Қундузга – укаси хузурига юборишади. Ун йилдан зиёд айрилиқдан сўнг опанинг ука билан дийдорлашувини, яқин-яқинда сабога илтижо қилиб "Етгил дағи иштиёқ ила Бобурдин / Зинҳор дегил: Салом туққонимға (яъни, туғишганимға)" дея шеърый мактуб-

лар битган уканинг эгачига меҳрини тасаввур қилинг. Иккинчи томондан, бир уканинг акага куйинишини ҳам меҳрсизлик деб бўлмаслиги қизиқ. Шайбонийхоннинг укаси Маҳмуд Султон, Хонзодабегим душман хонадонининг фарзанди, ундан барибир дўст чиқмайди, деб акасиға тақрор-тақрор уқтиради. "Шундан сўнг Шоҳибекхон укасининг маслаҳати билан бегим менинг ҳаётимға қасд қилмасайди деб хавфсирай бошлайди. Шу боисдан уни талоқ қилиб, йирик сайидлардан ... Саид Ҳодиға бериб юборди" ("*Тарихи Рашидий*", 354-бет). Марвдаги жангда Шайбонийхон билан бирга Саид Ҳоди ҳам қатл қилинади. Қундузга келиб яшай бошлагач кўп вақт ўтмай Хонзодабегимнинг яккаю ёлғиз ўғли Хуррамшоҳ ҳам вафот этади. Шоир бекорға "О, инсон қисмати бунчалар чигал, / Бунчалар хилмахил фоже ва аза", демаган.

Бобур Мирзо ва бобурийлар наслидан неча ўнлаб гўзал, доно, оқила аёллар етишиб чиққан. Улар орасида Гулбаданбегимдек зукко олима, Зебуннисо каби беназир шоиралар бўлган. Давлат ва салтанатга дахлдорлик ўша хотин-қизлардан қай бириға омад, мавқе-мартаба эшигини очган бўлса, бошқа бирини эса бахтсизлик, ғам-ғуссаға гирифтор этган. Шулардан бири Хонзодабегим эди. Аммо умрининг энг оғир, мусибат кунларида ҳам темурийзода бу аёл ақлидроки юксак, иродаси букилмас шахслиғини кўрсата олган. Бу, албатта, жуда камёб ва бағоят ибратли ҳодисадир. Хонзодабегимнинг мунгли-мусибатли тақдирига қизиқиш сўнмаётганининг сабабларидан бири ҳам ана шунда!..

Шомирза ТУРДИМОВ

## Chechanning oq'zida qissa o'ynaydi



Ҳар неки бор, ўз тақдирига эга.

XIX асрда шумерлар эпоси – “Билгамиш”нинг эрадан уч минг йиллар бурун сопол карпичларга ёзилган нусхаси топилиб, олимлар уни ўқигач, унут бўлган этнос бадий ижоди ҳақидаги тасаввурлар қайта уйғонди. Айтувчиси номаълум бу асар инсоният тарихидаги илк эпос деб тан олинди.

Юнонларнинг “Илиада” ва “Одиссея” дostonлари ҳам ёзма ҳолда етиб келди. Ғарб адабиёти ва санъати ҳали-ҳануз уларга таъзимда. Бу дostonларни куйлаган Ҳомер ўтмишнинг илк бахшиси сифатида эътироф этилди.

Тақдир битиги шундай экан...

Ўзбек бахшилари XX аср ўрталаригача гуриллаб дoston куйлади. Эпик ижод “Космос асри”гача жонли ижрода яшади. Икки дунё бир қадам бўлган у даврда кўп дostonлар қоғозга туширилиб, ёзма бисотга айланди. Китоб ҳолида ўқувчиларини толди. Бошқа тилларга таржима қилинди.


Билганлар “Алпомиш”, “Гўрўгли”ни “Билгамиш”, “Одиссея”ларга қиёсламоқда, Эргаш шоир, Фозил шоир, Пўлкан шоир, Исломо шоир каби бахшиларимизни Ҳомерга менгзamoқда.

Тақдирнинг битиги шундай экан...

XIX асрда юртимизга мажор олими ва сайёҳи Ҳерман Вамбери келди. Тошкент, Бухоро, Хивада бўлди. Бу пайт Қўрғонда Жуманбулбул, Жоссоқ, Ёрлақаб, Султон кампир, Тилла кампир, Булунгурда Йўлдошбулбул, яна ўнлаб етук бахши-шоирлар авжи илҳом отида эди. Лекин олимнинг гузари бошқа манзиллардан ўтди.

Фольклоршунос Альберт Лорд албан бахшисини тинглаб, Ҳомер ўз дostonларини шундай куйлаган бўлса керак, деб ёзди. У ўзбек бахшисидан дoston эшитганида мифопоэтик тафаккурнинг нодир ҳолатини кўрган, ҳайратланган, жаҳонга жар солган бўлмасмиди?!





Ўзбек фольклорининг Навойиси

Бу ҳам тақдир экан.

Ўкинч ва афсусга ҳожат йўқ. Ўзбекнинг эпик хазинаси исзиз кетган эмас. Эпосимизнинг жаҳонга кўз-кўз қилса арзирлик мумтоз намуналари ёзиб олинди. Ҳозирги кунда ЎЗР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг фольклор архивида биргина “Алпомиш” дostonининг ўттизга яқин варианты сақланмоқда, шулардан бештаси нашр этилган. “Гўрўгли” туркумининг қирқдан ортиқ дostonи ҳам китоб бўлиб чиқди. Бу улкан хазинанинг келажак авлодга мерос бўлиб қолишида атоқли бахшилару фольклоршунос олимларимизнинг хизмати катта.

Ўзбек бахшиси инсоният тарихида оғзаки эпик ижод аънаналарини ва мумтоз эпос намуналарини жонли ижрода ХХI асргача дахлсиз сақлаб келган санъаткор шоир сифатида қолади.

Ўзбек бахшисининг пешонасига яратганнинг битгани шу экан.

Фахр қилса арзирлик тақдир бу!

Ўзбек бахши-шоирлари ҳақида сўз борса, Эргаш шоир, Фозил шоир, Пўлкан шоир, Ислom шоир номлари биринчилардан бўлиб тилга олинади. Улар орасида Эргаш Жуманбулбул ўгли беназирдир. У 1868 йили ҳозирги Самарқанд вилоятининг Қўшрабoт туманига қарашли Қўргон қишлоғида, бахши-шоир Жуманбулбул хонадонида дунёга келди. “Таржимаи ҳoл” дostonида ўзи ҳақида бундай деган: “...мен, ёзувчи, Зарафшон вилоятининг Нурота жарибининг Жўш даҳасининг Қўргон қишлоғидан Мулла Эргаш, олтмиш бир яшар, Жуманбулбул ўгли, Жуманбулбул Мулла Хoлмурoд ўгли, Мулла Хoлмурoд Мулла Тошнинг ўгли, Мулла Тош Уста Лафаснинг ўгли, Уста Лафас Ёдгорнинг ўгли, ўзим ўзбек” (*Булбул тароналари. 5-том. Т., “Фан”, 1973, 21-бет*). Шоир дostonда oта-бoбoлари чечан бахши бўлиб ўтганини фахр билан таъриф-тавсиф этган. Шоирлик авлоддан авлодга ўтиб келаетганини айтган.

Эргаш шоир туғилган олти уйлик Қўргон қишлоғида икки касб вакиллари – бахши-шоир ва темирчи усталар истикомат қилган. Аслида, Қўргоннинг усталари шоир, шоирлари уста бўлган. Қадим-қадимдан бу икки касб эл орасида эъзозланган. Шажарада саналган оталарнинг мулла сифати эса бу авлод вакилларининг аксарияти хат-саводли, зиёли бўлганидан далoлат беради. Қўргон бахшилари дostonларни “сулув” услубда ижро этган, демак, улар мумтоз адабиётни пухта билган. Эргаш шоир ана шундай адабий муҳитда камол топди. Ҳoди Зарифнинг “Эргаш ёзма адабиётдан ҳам баҳраманд бўлгани, Навоийдек улуг шоирларнинг санъатидан озиклангани туфайли шерикларига нисбатан сўзга бойроқ эди” (*Булбул тароналари. 1-том. Т., “Фан”, 1971, 23-бет*), деган фикри унинг салафлари, oта-бoбoларига ҳам тааллуқлидир.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Қўргонда йигирмадан ортиқ бахши-шоир яшаб ижод қилар, Эргаш шоирнинг отаси Жуманбулбул, амакилари Жoссоқ ва Ёрлақаб уларнинг пешқадамлари эди. Халқ орасида

"Қўрғоннинг қудугидан сув ичган киши шоир бўлмай қолмайди", деган гап юради. Олимлар аниқлаган Қўрғон дostonчилари Ёдгор бахшидан бошлаб эллик нафардан ошади. Қўрғон дostonчилик мактабининг тарихи, аънаналари Эргаш шоир санаган беш авлод билан чекланмайди. Шоирнинг бобокалони Ёдгорга устоз бўлган Жолмон бахши ҳам Қўрғон қишлоғига асос солган тўрт ака-ука – Ўр уста, Эр уста, Сори усталарнинг кенжаси – Қўйчи Сорининг авлодидир. Маълум бўладики, усталик ва бахшлик боболардан мерос, бу аънаналар илдизи Аму ва Сир ёқаларида истиқомат қилган сак-массает уруғ-қабилаларининг эпик оламига улаиб кетади. Жуманбулбулнинг момоси Тилла кампир айтган "Ойсулув" дostonининг Ҳеродот ёзиб қолдирган массаетлар маликаси Тўмарис ҳақидаги афсонага уйғунлиги тасодиф эмас. Аслида, бу каби дostonлар бирламчи манба ҳисобланади. Дostonчиликда эпик билим, эпик қолип ва аънана ўта муҳим ўрин тутади. Дostonлар дафъатан пайдо бўлиб қолмаган, неча асрлар давомида қатрама-қатра шаклланган ва ибтдоси Одам Атога англашилган муқаддас СЎЗга боғланади.

"Ойсулув" дostonини Эргаш шоирдан Ҳоди Зариф ёзиб олган. Эргаш шоир уни отаси Жуманбулбулдан эшитган. "Отam айтар эди: "Тилла кампирнинг бир дostonи бор, уни мен ҳам билмайман, Жоссок ҳам билмайди, бошқа шоирларнинг ҳам айтганини эшитмадик. Тилла кампир ёш вақтида кўшиқ қилиб айтар экан, қариган сўнг эртак қилиб айтар эди. Мен кўпда қулоқ солмас, эртак-да деб кета берар эдим". Бир кун "Тилла кампирнинг эртагини айтиб беринг", дедим отамга. Шунда шоир қулиб, "Мен момонгдай айтолмайман-да, билганимни айтсам, айтиб берайин", деб ёнбошлаб ётиб нақл қилиб эди" (*Уша манба, 38-бет*).

Дostonда Турон маликаси Ойсулув ва унинг ўғли Кунботирнинг Эрон шоҳи Доро ва унинг лашкарбошиси Паҳлавон Қайсарга қарши кураши куйланган. Паҳлавон Қайсар ҳийла билан Кунботирни асир олиб, зиндонга ташлайди. Паҳлавоннинг қизи Оф-

тобой Кунботирни бандилиқдан халос этади. Кунботир Турон ва Эрон қўшинининг шиддатли жанги устидан чиқиб, Ойсулув қўшини сафида жангга киради. Турон лашкари голиб келади. Доро ва Паҳлавон Қайсар ҳалок бўлиб, Ойсулув ўғли Кунботирга Офтобойни олиб беради. Ҳамма мурод-мақсадига етади.

**Б**изнингча, "Ойсулув" дostonи фақат аёллар даврасида айтиб келингани боис, Жуманбулбул бошқа бахшилардан уни эшитмаган бўлса керак. Чунки бизда катта давраларда аёллар бахшлик қилиб дoston куйлаши урфдан чиққан эди. Султон кампир, Тилла кампир каби чечан аёллар ўзи билган дostonу қўшиқларни аёллар ва болаларнинг тор йигинларидагина куйлаган. Фикримизни Эргаш шоирнинг набираси Абдугани ота хотирлаган ушбу воқеа ҳам тасдиқлайди: "Онам – Зарбиби саводхон эёл эди. Талай дoston, матал (эртак), қўшиқ биларди. Қўшни аёллар уйимизга тўпланиб, онам уларга дoston, матал айтганини кўп кўрганман. Бирон бир эркак, ҳатто мен келсам ҳам онам жим бўлиб қоларди. Бўлмаса, ўша вақтлар етти-саккиз яшар боламан. Шунда ўзимни ухлаганга солиб эшитиб ётардим. Онам бир гал "Ўртоқ" деган дostonни айтган. Бир подшонинг икки ўғли бўлади, каттаси уйлиниб, кичиги етти ёш вақти ота-онаси ўлади. Шунда янгаси болани хафа қилади, у уйдан аразлаб чиқиб кетади. Акаси уни узоқ излаб, охири толади.

*Келинг, Ўртоқ, ўйнайлик,  
Дарёларни бўйлаётлик.  
Балиқларга роз айтиб,  
Бир худо деб йиғлайлик,*

деб айтилган қўшиқ ёдимда қолган. Шунга ўхшаш қўшиқлари кўп эди. Кичкина шахзоданинг исми Ўртоқ бўлади, шунгами дoston "Ўртоқ" аталган. Бошқа бировдан бу дostonни эшитмадим" (*муаллифнинг шахсий архивидан*). Зарбиби онадек аёллар Қўрғон дostonчилик мактабининг бешгини тебратган. Биз улардан Тилла кампир, Сул-

тон кампир каби атоқли намояндаларнигина биламиз. Тилла кампирдан ўзининг аччиқ қисмати акс этган куйидаги:

*Куйдирди мени куйдирди,  
Кўзимнинг ёшин куйдирди,  
Қаддимни ёйдай ийдирди,  
Элу халқимни жийдирди,  
Кўкдан кийим кийдирди,*

сатрлари ва Эргаш шоирга сўзлаб берган "Ойсулув" достонигина ёдгор қолди. Айтишларича, Тилла кампир эридан, болаларидан эрта айрилган, устига устак, куйдирги хасталигидан кўп дард чеккан. Қийинчилик пайтида ана шу кўшиқни айтиб опанган экан.

Султон кампирнинг қозоқ оқини билан савол-жавоби ҳам эл орасида афсонага айланган. Қўрғон бахшилари, хусусан, Жуманбулбулнинг шуҳратини эшитиб, қозоқ оқинларидан бири Қўрғонга келибди. Баъзи манбаларда оқиннинг исми Мойлихўжа дейилади. XIX асрнинг ўрталарида, айнан Жуманбулбулга замондош яшаган икки Мойлихўжа номи маълум. Уларнинг бири Келес атрофида, бошқаси Қизил Ўрда тарафда ўтган. Назаримизда, Жуманбулбул билан дўст тутинган оқин қизилўрдалик Мойлихўжа эди. Жуғрофий жиҳатдан олинса, Нуорта билан Қизил Ўрда ораси анча яқин ва бу худудлар ўртасида мунтазам маданий-иқтисодий алоқалар йўлга қўйилган.

Қозоқ оқини Қўрғонга келганда жазирама обдон забтига олганмиш, қараса, кекса бир аёл кудуқдан сув тортиб, новни тўлдирыпти. Бу – Султон кампир экан. Оқин салом бериб, отини новга қўйиб, бу элнинг одами қандай экан, билай-чи, деб аёлга сўз қотибди:

*Сендан савол сўрайман турган зайип,  
Ўси турган товларинг неча жасар?*

Султон кампир:

*Худойимнинг ишин кўр,  
Фалакнинг гардишин кўр,  
Мен билмайман ёшини,  
Оғзин очиб – тишин кўр, –*

деб жавоб қилибди. Оқин "Бу элнинг номи чиқмаган аёли шундай чечан бўлса, доврўғи достон Жуманбулбули қандай бўлди экан?.." деб изига қайтиб кетган экан. Кейинчалик оқин Жуманбулбул билан дўст тутиниб, борди-келди қилган дейишади. Султон кампирнинг оқинга берган жавобида, оқиннинг бу жавоб қувватини англаб изига қайтишида улкан ҳикмат бор. Илк ибтидо, ёлғиз Биру Борнинг чеварлиги билан бунёд бўлган оламнинг сиру синоатларини англаб етишга ҳеч бир ақл эгаси қодир эмас. Бу – хаёл оти ета олмайдиган гардишсиз фалакни қамраб оламан дегандек бехуда гап. Чорва илмининг моҳири бўлган одам молнинг тишини кўриб, ёшини айтиши мумкин, лекин тоғнинг тишини топа олмайди. Аслида, тан олдирувчи кучдан тан олувчи қувват устун туради. У танийди, танитади.

Зар қадрини заргар, сўз қадрини доно билади. Султон кампиру Тилла кампирдан халқ орасида мерос қолган кўшиқлар уларнинг нақадар сўзга уста, сўзга бой бўлганини намоён этади. Эргаш шоирнинг Ҳоди Зарифга айтган ушбу иқрори фикримизни тасдиқлайди: "Ўғлим! Ёшлиқда билмабмиз, беш-олти оғиз кўшиқни ўрганиб олиб, шунга кўнглимиз ўсиб, ҳеч ерда болаларга гап бермай: "Мен Жуманбулбулнинг ўғли бўламан, кўшиқни ҳам ўзим топиб бераман, гап десанг, хирмони билан уйиб бераман", деб кета берибмиз, бу замонга келиб, керак бўлувини билмабмиз. Ёшлигимизда элда юрган шоирларнинг қадрига етмабмиз. Отамиз бечора ҳам шу гапни айтар эди: "Ёшлик қилдик, Тилла кампирдан гап – кўшиқ ўрганмадик. Биримиз – Жоссоқ, шоирларнинг устоди; биримиз – Булбул, булбул билан кўшиқ айтишганда, ўртадагилар бизникини қилади маъқул, Тилла кампирнинг ҳам топгани шул, деб ўта бердик. Сўнг билсак, биз той эканмиз, у – тулпор, биз жилга эканмиз, у – булоқ, биз дарёмиз деганда, у – денгиз экан" (Булбул тароналари. 1-том. Т., "Фан", 1971, 37-38-бетлар). Эргаш шоир ва Жуманбулбулнинг бу иқрорида тан олиш, танитиш санъати намоён.

**Ж**уманбулбул мулла боболари изидан борсин, менинг йўлимдан юриб, бахши бўлсин, деган орзуда Эргашни мактабга қўйди – Бухоро мадрасасида ўқитди. У Бухорода таълим олган даврда бир мударрисга отаси бахши эканини айтибди. Мударрис бахшилик санъатига нисбатан белисанд гап қилибди. Иттифоқо, ўша кунлари Жуманбулбул ўғлини кўришга борибди. Шунда Эргаш шоир кичик зиёфат уюштириб, мударрисни ҳам таклиф этибди, таом тановулидан сўнг Жуманбулбулдан “Кунтуғмиш” дostonини куйлаб беришни илтимос қилибди. Дostonнинг Кунтуғмиш болаларидан айрилиб, кўкка муножот қиладиган ўрни келганда мударрис йиғлаб даврадан чиқиб кетибди. У бир йилча аввал навжувон ўғлидан жудо бўлган экан... Орадан бир неча кун ўтиб мударрис ўйламай айтган гапи учун Эргаш шоирдан узр сўрабди.

Отаси бевақт вафот этгач, Эргаш шоир мадрасани яқунлай олмади. Шунга қарамай, фавқулodда ноёб хотира ва шоирлик иқтидорига эга эмасми, ўз билимини бойитибгина қолмай, бахши боболари меросини ҳам ўзлаштирди, ривожлантирди. Шоир ижодини яқиндан ўрганиб, уни ўзига устоз деб билган Ҳоди Зариф бундай ёзган: “Эргашдаги ҳофиза қувватининг кучлилиги кишини ҳайратга солади. У ўзбек тилидаги бирор шеърый асарни иштиёқ билан бир-икки марта ўқиб чиқса, бошдан-оёқ эсда сақлаб қолар эди. Эргаш дoston “қори”си эмас эди. У устозларини ҳурмат қилган ҳолда ўрганган дostonларини қайта-қайта ишлар, ижодий қобилиятини ишга солиб, дostonларнинг бадиий қимматини оширишга тиришар эди” (*ўша манба, 23-бет*).

Шоирни ноёб иқтидор билан сийлаган фалак “унинг танглайига берди-ю, манглайига бермади”. У ўзининг аччиқ қисмати ҳақида бундай деган: “Менинг бошимга тушган савдонинг адади, поёни йўқ... Икки ини, икки сингил, тўрт-беш қиздан, тўрт-беш ўғилдан, хотиндан, боладан айрилиб, бир ҳовлида бир ўзим қолиб, айрилиқ ўтига чидай олмай, хув, деб элдан чиқиб, дашту

биёбонларда, чўлларда, танимаган элларда сарсон-саргардон бўлиб улоқиб, ҳижрон-айрилиқнинг ўтида тутаб, алам, ситам, қайғу, мотамлар билан кунларни, ойларни, йилларни ўтқариб, ўзимга бирор мунгдош, ҳамдам, ҳамроз топмай, ғам лойига ийланиб, айрилиқ ўтига ўртанганни тополмай, ўзимдай соп бўлганни кўролмай, жаҳон айвонини излаб, мендай бежигар бормикан, деб элма-эл, юртма-юрт, шаҳарма-шаҳар, кўрғонма-кўрғон, овулма-овул довдираб юрганман.

Эй ўртоқлар, жон биродарлар! Ҳар кишининг қанча ситам-алами бўлса, тилдан чиқади. Ҳар қандай вақтда оҳ тортиб, бир байт, бир мисра ё бир мухаммас билан айтиб, ўз ҳолини билдирса, бир яхши кўрган одами билан мунглашгандай, дарди бир оз озайгандай бўлиб, чидолмай айтади” (*Булбул тароналари. 5-том. Т., “Фан”, 1973, 72-бет*). Шул сабаб ҳам эл “бузук (трагик)” дoston деб сифатлаган “Кунтуғмиш”ни Эргаш шоир мумтоз даражада куйлаган.

Куйган кўнгилнинг хили куй-қўшиқ гулханини ёқади, тафти кўнгилларга ҳарорат беради, ҳар киши бу кўшиқ, куйда ўз тақдири лавҳаларини топади. Ҳарорат кўнгилларда ёлқилланиб, дарду ғам арийди, руҳ тозариб, юксак мақомларда озод парвоз этади.

Эргаш шоир “Таржимаи ҳол” дostonида ўз кечмишини қўшиққа солган. Дostonнинг “Кунларим” бўлими анъанавий:

*Пайдо бўлдим икки гавҳардонадан,  
Тарбиятлар толиб манзил хонадан,  
Аваллам таваллуд топдим знадан,  
Одамнинг жисмига кирган кунларим,*

тўртлиги билан бошланиб, умрининг ҳар бир ёшига алоҳида тавсиф берилган.

*... Ўн саккиз ёшимда отамиз ўлди,  
Биздай “нодон” энди етим бўп қолди,  
Меросхўрлар энди тиртага олди,  
Ҳар бириман вағирлашган кунларим.*

Ота вафотидан сўнг Эргаш шоирнинг оғир кунлари бошланди. Ука-сингиллари ёш, фотиҳа қилинган қаллиги отасининг уйида қолган. Меросхўрларга борини талатган шоир ўз ҳолини бундай баён этган:

*"Оғайнилар" айтди: "Рўзгор қилолмас,  
Балки яхшилик кунлар кўролмас,  
Балки эл учида энди юролмас",  
Элатга маломат бўлган кунларим.*

"Ўлмаган кул олтин аёқдан сув ичар" дейдилар. Шоирнинг қайнотаси Жўш даҳасининг хатиби эди. Ўтамурод хатиб хирмонма-хирмон юриб уч минг уйли халқдан капсан олар эди. Унинг олти қизи бор эди, қариганда икки хотини икки ўғил туғди. Ўтамурод хатиб хотинларининг маслаҳати билан Эргаш шоирни ёнига олди, капсан йиғувчи қилди. Орада амирлик амлоқдори Қўзибекка Эргаш шоирнинг хат-саводи хуш келиб, уни хатибдан тилади. Қўзибек кўлида уч йил мирзалик қилди, унинг ишончини қозонди:

*Охири ихтиёрни берди қўлима,  
Ишонди, ҳар не деб айтсам тилима,  
Неча марта кўриб, айб тополмай,  
Мени кўя берди ўзим айўлима...*

Ҳалоллик, тўғрисўзлик, омонатдорлик Эргаш шоирга қондан ўтган эди. Қўзибек бошқа даҳага амлоқдор этиб тайинланди. У ўзи билан шоирни ҳам олиб кетмоқчи бўлди. Шоир рўзгоридан ортиб, бора олмаслигини айтиб узр сўради:

*Энди бунда биз бўл қолган рўзгордор,  
Бу ватандан чиқмоғимиз кўп душвор.  
Чақирса ҳам боролмадик биз энди,  
Биз – бечора, сипоҳилик на даркор?!*

Шоирнинг бахти оиласида, ўз тенгини топганида эди:

*Аёлим, ёронлар, кўп мулла эди.  
Эси-ақли бутун, кўп доно эди,  
Ҳеч ишдан кам эмас эди, хунардан,  
Кўп хушурат, таърифсиз барно эди...*

Жуманбулбул васият қилганидек, Эргаш шоир инилари Абдухалил ва Абдужалилни бахши этиб тарбиялади.

*Чечанликда сўзга сувдайин оққан,  
Айтган сўзи ҳамма одамга ёққан,  
Ўтириши, айтган сўзи адабли,  
Сўзга либос бериб, гавҳарлар таққан...*

Аввал Абдужалил вафот этди. 1898 йил юртга чигиртка офати келди. Хатирчи бегининг талаби билан Тоғайбек чигирткага

қарши ҳашар уюштирди. Бек элни овутиш учун бахшиларни йиғди. Абдухалил шу ҳашарда қўшиқ айтиб, халқнинг олқишини олди-ю, бехосдан дардга чалиниб чин дунёга солди. Жудолик Эргаш шоир қалбини ларзага солди.

Қувонч ҳам, ғам ҳам эгиз келар экан. Тез орада шоирнинг оиласи тутдек тўкилди. Унинг бир юпанчи сўз, қўшиқ бўлди. Элма-эл кезди, тоғдан тоққа ошди. Маълумотларга кўра, шоир бир кетганида Афғонистондан ўтиб, Мозондаронгача бориб изига қайтган экан. "Шунча юрдим, Темир қозик (Қутб юлдузи) ҳеч тепамга келмади", деганини эслайдди одамлар. Шу билгана армон замирида шоирнинг кўнгил олами иқлимлари неча турланиб, тусланганини англаш мумкин. Юлдуз тўла осмонга тикилиб, Темир қозикни мўлжал олиб кезган кўнгил нималарни тилаган, қайси бир манзил-маконларда кўним топган, кимлар билан тиллашиб, сирлашган? Гўрўғли бўлиб Ғиркўк билан Боғи Эрам, Қўхиқофу Торкистонларга неча бор бориб келган, Кунтуғмиш бўлиб қаландарлик кўчаларида девонаҳол кезган...

Тақдир шоирнинг яқинларини олиб жабр этди, эвазига кўнгил мулкининг қопқаларини очиб, дилларни англаш, англашиш калитини берди. Шоир суҳбатларининг кўри, қуввати ушбу мулкка эгаллигида эди. Бу қувват Эргаш шоирга қайда бўлмасин, қай даврада ўтирмасин, синиқ кўнгилларга рўшнолик олиб киришида, ғам лойида ийланган тақдир эгалларини, ёруғ муродга ундашида куч берди. Инсон номини улуг тутишида таянч бўлди.

*Мана турган Жўш элда,  
Егани семиз гўш элда,  
Ғамдан изласанг толмайсан,  
Димоғи доим хуш элда,*

деб, доимо ёруғликка интилишга ундади. "Мен шоирман, шундай айтсам ярашар", дея қуйлаган бахши шоирлик мақомини улуг тутди, унга муносиб яшади. Шу файзи илоҳий сабаб Эргаш шоир тузган давранинг сеҳри, оҳанрабоси бор эди. Шоирнинг невараси Абдуғани ота бундай хотирлайди: "Эргаш отанинг суҳбатидан эсини билган одам кетмасди. Шу ерда бир дostonни бошласа, тўрт

киши бўлсак, бир одам иш учун "тўрс" этиб келган бўлса, у ҳам иши эсидан чиқиб ўтириб қоларди, бешов бўлардик. Аста-аста, эшитма-эшит бешов олти, боринки, ўн-ўн беш бўлиб, одам уйга сиғмай қоларди.

У кишининг яна бир хислати, сўзлаганда бирор воқеа "бундай бўлган экан, ундай бўлган экан", деб эшитма гап қилмасди. Эргаш ота худди кўргандай, ўзи бирга араллашиб юргандай "шуйтиб юборди, уйтиб юборди", деб айтарди. Сиз ҳам эргашиб шу гапнинг ичига кириб кетаверардингиз".

**Ш**оир мактаб очиб, болаларни ўқитган санани Ҳоди Зариф 1924-25 йиллар деб кўрсатган. 1925 йил кузида Ўзбекларни ўрганиш комитетининг ташаббуси билан Эргаш шоир Самарқанд шаҳрига юборилади. 1926 йил у Муҳаммадқул Жонмурад ўғли Пўлкан ва Жоссоқ шоирнинг ўғли Жолғош бахшиларни ҳам қўмига олиб келган. Шу йилнинг ёзида Эргаш шоир Самарқанд вилояти Булунгур туманининг Қирқшоди қишлоғида Пўлкан шоир билан бирга дostonларни қозоғга туширишга киришади.

Тақдир Эргаш шоир билан Ҳоди Зарифни учраштирагани ўзбек халқининг бахтидир. Натигада Кўрғон дostonчилик мактаби, унинг шоирлари, репертуари билан танишиш имкони туғилди. Бугун биз Эргаш шоир фаолияти, ҳаёт йилини ўрганиб бахши шоир шахси, сиймосини таниймиз. Бахшилик санъатининг сир-синатини тушунамиз. Санъатнинг чинакам вакиллари руҳан яқин, бир иқлим кишилари бўлишини англаймиз.

Эргаш шоир "Гўрўғли" (туғилиши ва болалиги), "Холдорхон", "Хушкелди", "Авазхон", "Ҳасанхон", "Далли", "Равшан", "Хиромон", "Қундуз ва Юлдуз", "Нурали", "Алпомиш", "Юсуф – Аҳмад", "Алибек билан Болибек", "Қунтуғмиш", "Якка Аҳмад", "Вомиқ – Узро", "Қумри", "Ошиқ Ғариб", "Қизжибек", "Тулумбий", "Махтумқули" каби йигирмадан ортиқ дostonни, жуда кўп термаларни айтган. Бу асарларнинг ярмига яқини ёзиб олинган, холос. Шундай бўлса-да, ундан қолган ёзма мероснинг ўзиёқ Эргаш Жуманбулбул ўғли

"Ўзбек фольклорининг Навойиси" (Абдулла Орипов таърифи) эканини тасдиқлаб турибди.

Эргаш шоир куйлаган халқ дostonлари, терма, айтимларни ҳар жиҳатдан тадқиқ этиш мумкин. Устод Ҳоди Зариф шоир ижодида нисбатан кам ўрганилган "Холдорхон" дostonи ҳақида бундай дейди: "Холдорхон" дostonининг сюжет қурилиши "Гўрўғли" туркумига кирган бошқа намуналардан ажралиб туради. Бунда Гўрўғлининг Қримга бориши тасвири орқали бахшиларнинг ҳаёт ва ўлим, фаний дунёда яхши ном қолдириш, азал ва тақдир, абадият ва армон ҳақидаги фалсафий қарашлари ифодаланган". Бу фикр шоир асарларига теранроқ қарашга ундайди. Аслида, халқнинг борлиқ, ҳаёт, азал ва абад, инсонийлик моҳияти ҳақидаги барча хулосалари унинг фольклорига, Эргаш шоир каби Сўз санъаткорлари меросида бадиий ифодасини топган.

Таниган танилади. Танилганнинг изи ўчмайди.

Эргаш шоир кўнгил дардларини куйлаган "Қунтуғмиш" дostonида келган ушбу байтларнинг маъно қўлами бир ўзанга сиғмайди, денгизлар, уммонларга уланади:

*Э ёр, алам кўрган, қайдин келасан, айғил?  
Кўп ранжу ситам кўрган, қайдин келасан, айғил?  
Ким эрдинг гули сўлган, шум паймонаси тўлган,  
Ёки боласи ўлган, қайдин келасан, айғил?  
Диёридан айрилган, қанотидан қайрилган,  
Ё ёридан айрилган, қайдин келасан, айғил?*

Ёки:

*Қаладан қалампир юклар қалачи,  
Дурдонадан анбар тоғининг оғочи,  
Аналҳақ деб Мансур сенга осилди,  
Ассалом алайкум, дорнинг оғочи.*

Дostonда Холбека тилидан, болаларини танимай дорга буюрган Қунтуғмишга қарата ушбу муножот куйланган:

*Мен сени шохзода дедим, мард дедим,  
Сен қандай сийнам кўйган дард эдинг,  
Чиқсин кўзинг, танимадинг болангни,  
Не тилинман буни дорга торт, дединг.  
Аввал-охир мени мунча кўйдирдинг,  
Ғам билан кўзингнинг ёшин кўйдирдинг,  
Чиқсин кўзинг, танимадинг болангни,*

*Пошто бўлиб, ўз болангни сўйдирдинг.  
Армон билан билмаганим билдирдинг,  
Зор йиғлатиб, кўзим ёшга тўлдирдинг,  
Не тилингман бунни дорга торт, дединг,  
Пошто бўлиб, ўз болангни ўлдирдинг.  
Юра бермай юрар йўлдан тойрилдим,  
Чиксин кўзинг, танимадинг болангни,  
Армон билан мен боламдан айрилдим,  
Мен сени шоҳзода дедим, мард дедим,  
Сен қандай сийнам кўйган дард эдинг.*

Онаизорнинг оху нидоси шу қадар таъсирли ифода этилганки, эпик шеър аъаналари ирмоғи қирғоғидан тошган кўшиқ Эргаш шоирнинг индивидуал маҳорати юксаклигини, инсон қалб кечинмаларини ифодалашда беназир заргар эканини кўрсатади. Бу кўшиқни бемалол XX аср ўзбек шеърятининг мумтоз намуналари қаторига қўйиш мумкин. Шундай бадий юксак, юракка яқин сатрлар Эргаш шоир куйлаган бошқа достонларда ҳам бисёр. Бахши-шоирнинг ўзи:

*Катта шоирларнинг йўли дostonим,  
Байтларини мен ўзимдан бойладим,*

деб таъкидлаганидек, у аъаналар изидан бориб, инсон руҳининг юксак парвозларини сўз ва соз билан уйғунлаштириб, чинакам санъат намуналарини яратган.

**Э**ргаш Жуманбулбул ўғли эпик билан алломаси, ҳакими. Унинг дoston, дostonчилик, сўз ва соз ҳақида йўл-йўлакай айтиб ўтган фикрлари ҳам бунни тасдиқлайди. Эргаш шоир бадий Сўзни муқаддас билган. “Ҳар нарсадан суҳан қиммат, ёронлар, / Яхши сўзни қилинг ҳурмат, ёронлар”, деб таъкидлаган бахши шоирлиқни, дostonчиликни юксак мақомда сақлаш, бадийлик мезонларига амал қилиш шарт эканини уқиб, ўзгаларга ҳам уқтиради:

*...Чала сўзни кўрсам зардам қайнайди,  
Чечанинг og'zida қисса ўйнайди.*

Шоир чала сўз кўшиқ қилинганини кўриб, куйиниб бундай дейди:

*Байти ҳам йўқ, суҳан ҳам йўқ, йўл ҳам йўқ,  
Сандиратиб отин дoston кўйибди...  
Яхши сўзни ёмон қилиб юрибди,  
Доно сўзни сомон қилиб юрибди,*

*Иззатли, ҳурматли улуг эрларни,  
Хўр қип, юзин туман қилиб юрибди.  
Шодлик ерга олиб келиб хўрлиқни,  
Сўзнинг барин сарсон қилиб юрибди.  
Эл ичинда калта-калта матални  
Ямаштириб дoston қилиб юрибди.  
Бошласа ортини йиғиб ололмай,  
Жамлай олмай ваирон қилиб юрибди.*

Бахшилик санъатида мезон саналмиш бу талаблар Кўрғон шоирларининг асрий аъаналари, бадий-эстетик талабларидан келиб чиқиб айтилмоқда, бу фикрлар “ўтган катта шоирлар”нинг бадий савияси нақадар баланд бўлганидан далолат беради. Ушбу мезонлар улгу бўлиб, Эргаш шоирдек “чечанликда сўзга сувдай оққан” бахши-шоирлар иқтидори, меҳнати билан “Алломиш”, “Гўрўғли” каби дostonлар мумтоз шаклга келган. Бахшининг шахси бутун, кўнгли дарё бўлса, у ҳеч қачон “шодлик ерга хўрлиқни” олиб келмайди. “Иззатли, ҳурматли улуг эрларни хўр қип, юзин туман қилмайди”, дostonу эртақлар якунида айтилганидек, ҳар юмушни эзгу мурод-мақсадига етказилади. Эргаш шоир шундай ижодкор эди, “Кунтуғмиш” дostonини:

*Яхши етсин муродга,  
Ёмон қолсин уятга,  
Ёмон фақир не қилти,  
У ҳам етсин муродга,*

деб якунлаши бахшининг чинакам ҳикмат оламига ошно бўлганига далилдир. Устоз Тўра Мирзаев “Ҳоди Зариф суҳбатлари” китобида устоднинг қуйидаги сўзларини келтирган: “Эргаш шоирдан ёзиб олинган ёки ўзи ёзиб берган асарларидаги ҳар бир сўз, ҳар бир рамз ва изоҳга алоҳида эътибор бериш зарур. Бу заковатли инсон бадий сўзни юксак қадрлаган. Айтаётган сўзини ҳеч маҳал елга учириб юбормаган. Шунинг учун ҳам у сўз ва соз, суҳан ҳақидаги қарашларига доир махсус термалар яратиш билан бирга, уларни ўрни-ўрни билан дostonларнинг қатқатиға ҳам сингдириб юборган. Агар унинг асарларида қўлланган сўз ва соз ҳақидаги атамалар, лексик бирлиқлар бир жойга жамланса, дostonчилик санъатига доир мўъжаз лўғатнинг юзага келиши шубҳасиздир”.



*Сўзга либос бериб, гавҳар таққан бахшилар: Эргаш Жуманбулбул ва Пўлкан шоир*

Абдугани ота бундай хотирлайди: “Эргаш отам Тошкентга бориб қайтганидан кейин биз дўмбира олиб беринг, деб юрдик. Чулондан битта дўмбира қилдириб кеб берди. Уни биз чертмоқ қаёқда, амакимиз – Бекпўлат ака чертиб юрди. Бекпўлат ака тузукина бахши эди. Айниқса, бор бахшиларни эриклаб, ҳаммасини худди ўзидай овозини қилиб, элни кулдириб юрарди” (*муаллифнинг шахсий архивидан*).

Эргаш шоир 1937 йили невараси Абдугани Турдимурод ўгли хонадонида вафот этди. Шоирдан ёзиб олинган дostonу термалар ҳозиргача мунтазам чоп этиб келинмоқда. Алоҳида нашрлардан ташқари, “Эргаш Жуманбулбул ўгли” (икки жилд),

“Булбул тароналари” (беш жилд), “Песня булбуля” (уч жилд, рус тилида) китоблари минглаб нусхада китобхонлар қўлига етган. Бу асарлар кейин ҳам чоп этилаверади... Шоир айтганидек:

*Ўлган куну оти ўчар,  
Сўзим қолса мендан нойиб.  
Эшитганлар дуо қилса,  
Мўмин бўлса қўлин ёйиб,  
Менинг сўзим бир бўлакдир,  
Бошқа сўзга кетар ҳайиб.  
Одамдан яхши от қолса,  
Арвоҳи юрмас саргайиб.*

Шоирдан эзгу сўз қолади. Эзгу сўз ҳамиша элда ардоқ топади, эл сўз эгасини улуглаб, азиз билади.

Михли САФАРОВ

# Mo'jizakor

# Leonardo

Италиялик забардаст мусаввир Леонардо да Винчи Оврупадаги

Уйғониш – Ренессанснинг (XIV-XVI) буюк намояндalarидан ҳисобланади. Леонардонинг замондоши, таникли итальян рассоми, меъмони ва тарихчиси Жоржо Вазари (1511–74) “Энг машхур расомлар, ҳайкалтарошлар ва меъморлар ҳаёти” (1550) китобида уни “универсал даҳо”, “беназир қобилият эгаси” деб атайди. Да Винчининг серқирра салоҳият соҳиби экани санъат, бадияят оламида бамисоли камалак ранглиридай турфа ҳолатларда жилоланиб кўзга ташланади.



ҳайратимизни яширолмай, беихтиёр: “Қанчалар ҳаётӣ ва жонли!” дейишдан ўзимизни тия олмай қоламиз”.

Мусаввирдан мерос

қолган етти минг саҳифадан ортиқ кундаликларида минглаб кичик тасвирларни учратиш мумкин. Уларнинг мавзу доираси гоъят кенг. Расмлар орасида Леонардо келгусида яратишни ўзича хаёл қилган йирик полотноларнинг ўзжжи қораламалари, табиат манзаралари, турфа этюдлар бор. Бундан ташқари, фан-техника, анатомия каби соҳаларга оид сон-саноксиз чизмалар... “У атроф оламни зийраклик ва теран нигоҳ билан кузатади, – деб ёзади М.Алпатов. – Чунончи, қушлар парвозининг дақиқ жиҳатларини ўта синчковлик билан илғайди. Кузатишлар асосида парвоз ҳақида рисола туғилади. Унда ҳозирги замон авиацияси ютуқларига асос бўлган жиҳатлар бўй кўрсатиб турибди... Уни инсон ва ҳайвонларнинг тана тузилиши қизиқтиради, уларни ўзаро қиёслаш жараёнида шундай антиқа фикрларга келадики, улар ҳозирги қиёсий анатомия ва генетика ривожига асос бўлди” (Алпатов М. *Немеркнущее наследие. М., 1990, стр.75*).

Леонардо да Винчи ўз даврида тасвирий санъатнинг тенгсиз вакилларида бўлган. Унинг мусаввирликда якто бўлганига оид эътирофлар кейинги даврлар мутафаккирлари китобларида ҳам учрайди. Жумладан, рус мутафаккирларидан бири Г.Плеханов “Санъат ва ижтимоий ҳаёт” рисоласида бундай ёзган эди: “Леонардо да Винчи, айтайлик, оппоқ соқолли қария қиёфасини яратса, расмга кўз ташлаб

\*\*\*

Дарвоқе, унинг анатомия ва ботаникага оид расмлари кўплаб мамлакатларда олий ва ўрта мактаб дарсликларидан ҳам ўрин олган.

Баъзи санъат тарихчилари "Леонардо да Винчини умрини кундаликлар тўлдириш, сон-саноксим ҳуда-беҳуда чизмалар, лойихалар, қаламчизги расмлари битишга сарфлаб совурди", деб ёзади. Аммо биз бой мероси билан қаршимизда турган Леонардони оқилона идрок этишимиз керак. У тасвирий санъатнинг буюк устаси бўлгани шубҳадан холидир. Тарихда ҳеч бир рассом ўзидан бу қадар бой мерос қолдирмаган. Бунинг устига, да Винчи қандай мавзуда расм ишламасин, уларнинг ҳар бирида юксак тасвир маданиятини намоиш эта олган. Даҳо энг хонаки чизгиларда ҳам даҳолигича қолишини Леонардо ўз қаламчизгиларида етарлича исботлаган.

Масалан, унинг кундаликлари орасида "Арно водийсидаги момақалдироқ" деб аталган жажжи қаламтасвир бор. Оддий оқ-қора чизгиларда акс этган бутун водийни ларзага солган момақалди роқ манзараси кишини сескантириб юборади! Кўз илгамас, ваҳимали табиат ҳодисасини кафтдай тасвирда, оқ-қора чизгиларда бу қадар яққол бўрттириб кўрсата олиш учун Леонардо да Винчидай буюк санъаткор бўлиш керак, албатта!

Леонардо қўлғезмаларида муҳрланиб, сақланиб қолган минглаб расмлар Ренессанс давридан бутун инсониятга мерос ғоят бой ва мангу хазинадир.

\*\*\*

Улуғ мусаввирнинг Франческо Мельчи исмли миланлик истеъдодли шоғирди унинг қўлғезмалари орасидан тасвирий санъатга оид ўй-фикрларини жамлаб "Рангтасвир тўғрисида рисола" китобини тайёрлаган. Китоб 1651 йили Парижда нашр этилган.

Леонардо рангтасвирни "илм-фаннинг ўзига хос тури ва табиатнинг боқира қизи", "илоҳий санъат" деб, анча-мунча идеаллаштириб талқин этади. Рангтасвир жанрининг ижодий-эстетик имкониятларини ҳатто шеърят, мусиқа ва ҳайкалтарошлиқдан

юқори кўяди. Леонардонинг фикрича, "шоир кўнгил кечинмаларини сўзга ишонса, мусаввир ҳаёт бойлигини бевосита унинг ўз рангларидан инсон кўз ўнгида яққол гавдалантира олади". Мусаввир мусиқа ҳақида фикр юритар экан, уни рангтасвирнинг "синглиси" деб атайди. Бунинг сабаби, рангтасвир инсоннинг бош сезги аъзоси – кўзга, кўришга суянса, мусиқа иккинчи сезги – эшитишга таянади. Леонардо бу борада яна шундай дейди: "Рангтасвир асар мусиқа садосига ўхшаб, туғилган заҳотиёқ барҳам топмайди, аксинча, яшаб қолади". Мусаввир рангтасвирни ҳайкалтарошлиқдан ҳам қудратлироқ санъат, деб билади. "Ҳайкалтарошлик иши ташқаридан бўладиган ёруғликка, нурга ғоят муҳтож. Рангтасвир асариде эса нур бор, ёруғлик ҳам, соя ҳам унинг ўзидадир", деб ёзади у. Леонардонинг назариде, ҳайкалтарошлик асари табиий ранглардан маҳрум, рангтасвир асари эса табиатнинг бор ранг бойлигини ўзида намоён этади ва асрлар оша яшайверади. Леонардо рангтасвирнинг илоҳийлигини ҳам унинг бевосита табиат оламига ҳамнафаслиги билан изоҳлайди. Яъни, табиат, ундаги жўшқин ва абадий тирик ҳаёт, ҳайратомуз гўзаллик – илоҳий ҳодисадир. Рангтасвир эса айнан ана шу илоҳий неъматни – табиатнинг қудрати ва гўзаллигини ўзида жиллолантиради.

Шуни таъкидлаш керакки, да Винчининг бизгача етиб қолган йирик рангтасвир асарлари унчалик кўп эмас. Рус санъат тарихчиси М.Алпатов айтганидай, Леонардо да Винчи "узоқ умри давомида ҳатто Рафаэль Санти атиги ўттиз етти йил яшаб яратган асарлардан ҳам хийла оз картина қолдирган" (*ўша асар, 79-бет*). Бу картиналарнинг ҳам ярмидан кўпроги йўқолиб кетган. Масалан, Миландаги "Махфий оқшом" номли машҳур девор манзараси (фрескаси) ҳозир бузилиб кетиш арафасида. "Ангиари ёнидаги жанг" деворманзараси эса Леонардонинг ўзи ишлашга улгурган марказий қисм – "Байроқ учун жанг" саҳнасининг овруполик бошқа буюк рассом Рубенс шу асосда ишлаган гравюра (яъни тахтага ўймакорлик билан туширилган) нусхаси орқалигина бизга маълум. Мўйқалам устасининг бошқа асарларидан умидимизни узсак ҳам бўлади, уларнинг

тикланиши амримаҳол. Масалан, миланлик герцог Сфорцонинг отлик ҳолатдаги лойдан моделлаштирилган ҳайкали 1499 йили француз армиясининг гасконлик ўқчилари томонидан йўқ қилинган. Баъзи асарлари эса тугалланмаган. Шундай асарлардан бири "Чўпонлар таъзими" (1481) деворманзарасидир. Леонардо ушбу асарда Инжилда тилга олинган сюжетни ҳаётийлаштириб, психологик композицияга айлантиришни ният қилган. Сюжет бундай: Биби Марямнинг ўғли илоҳий табиатли инсон – Исонинг туғилишига гувоҳ бўлган чўпонларни чексиз ҳаяжон қамраб олган. Мусаввир бу кечинмаларни чўпонлар хатти-ҳаракат ва ҳолатлари орқали кўрсатишни кўзлаган. Асарда одамлар гуруҳи Ренессанс даври учун улкан янгилик – пирамида услубида кўрсатилиши керак эди. Леонардо ўз гоёсини картон қоғозда ифодалайди ва кейин бу ижодий ишга қайта қўл урмайди. Нега? Бунинг сабаби ёлғиз Леонардога аён. Ҳатто буюртмачи-роҳиблар ялиниб-ёлворганида ҳам Леонардо ишни давом эттирмаган. Уни, роҳиблар таклифига биноан бошқа рассомлар чизган...

Да Винчи ижодий меросидаги бундай нотугалликлар тадқиқотчиларни мудом ўйлантириб келади. Баъзи тарихчи ва санъатшунос олимлар Леонардо ижодиётидаги нотугаллиқни унинг табиат ва инсонга санъаткор сифатида эмас, балки, энг аввало, олим сифатида қарашга одатлангани, яъни масаланинг моҳияти ойдинлашгач, ўзи қўл урган ишни – санъат асари бўладими ёки

илмий тажрибами – дарҳол тўхтатиб бошқа йўналиш ва мавзуларга андармон бўлиб кетиши билан изоҳлайди.

Леонардога хос ижодий нотугалликларнинг мусаввирга боғлиқ бўлмаган сабаблари ҳам бор. Масалан, Милан саройида, умрининг айни гуллаган ўн етти йилини (1482–99) кундалик ташвишлар – саройда тез-тез ўтказиладиган байрам ва тантаналарнинг безагини ҳозирлаш, шаҳар миқёсидаги турли муҳандислик масалаларини ҳал қилишга бағишлаган.

Шунга қарамай, Леонардо да Винчининг ҳозирги кунгача етиб келган кам сонли асарлари Уйғониш даврининг дурдоналари ҳисобланади. Уларнинг ҳар бирида мусаввирнинг ўзига хос маънавий-ижодий даҳоси ёрқин намоён.

Ренессанс тарихи билан шуғулланган рус олими В.Рутенбург "Уйғониш титанлари" (*"Титаны Возрождения"*. Л., 1976) китобида да Винчининг рангтасвир асарлари сони оз бўлса-да, улар "улуғ меҳнаткаш, донишманд аллома ва даҳо санъаткорнинг ижоди гоёят самарали бўлганидан далолат беради", дейди. Унинг фикрича, самарадорлик шунда кўринадики, шу кам сонли асарларнинг чуқур ва ҳамisha долзарб фалсафий-бадиий дунёси Уйғониш даври санъатининг юксак чўққиларидан бирига айланган.

\*\*\*

Хўш, Леонардо рангтасвирининг ўзига хос жиҳати нимада? Уйғониш даври санъатида қандай ўрин тутайди? Леонардонинг тасвир ва ифода дунёси жаҳон маданияти ва инсоният маънавиятида қандай аҳамиятга эга?

"Олам гўзаллиги кўзда мужассам." Леонардо да Винчининг бу сўзлари Уйғониш даври тасвирий санъатининг бош мезонидир. Шу пайтгача худолар ва афсонавий-илоҳий қаҳрамонларгагина маҳлиё бўлиб келган тасвирий санъатда борлиқ ва инсон илк бор бош мавзу ва масалага айланади.

Да Винчи олим-тадқиқотчи сифатида табиат қонунларининг мукамаллигидан ҳайратланса, санъаткор сифатида табиат ва инсон гўзаллигидан илҳомланган. "Табиатнинг яратганидан-да гўзал, табиий ва ишонarli



"Ангари ёнидаси жанг"

хилқатни топиб бўлмади, табиат ихтиролари доимо бекам-кўст", деб ёзади Леонардо кундаликларида (Соколов В. *Очерки философии эпохи Возрождения. М., 1962, стр.97*).

Леонардо гўзал табиатдан нусха кўчирмаган. Унинг борлиққа ёндашуви ҳаёт ва инсонни теран тадқиқ этишга асосланган. Мусаввирнинг қўлёзмалари орасида "Сирли ғор" деб аталган рамзий бир лавҳа бор. "Моҳир ижодкор – табиат яратган хилма-хил ҳаёт шакллари биллишга ўта қизиққанам боис, – дейилади бу лавҳада, – қорамтир қоялар орасидаги ғор озига рўбарў бўлдим. Унинг бағрида нималар юз бераётганини билиш учун энгашиб, ғор ичкарисига синчковлик билан тикилдим, бироқ қуюқ қоронғилик қаъридан ҳеч нарса билмай олмадим. Ногоҳон дилимда икки ҳиссиёт уйғонди: кишини "ейман-ютаман" деб турган ваҳимали зулматдан **қўркув** ва аксинча, унинг зулматли қаърида наҳотки бирон ажойиб нарса бўлмаса, деган **қизиқиш...**" (таъкид бизники – **М.С.**)

Наҳотки, борлиқ ва одамларнинг ички дунёсида бирон антика нарса бўлмаса, деган қизиқиш, табиат ва инсонни чуқур билиш, тадқиқ этишга ташналик буюк аллома ва санъаткор Леонардони доим олға интилишга ундаган.

\*\*\*

Ўрта асарларда христиан черкови табиат, инсон ва уларнинг гўзаллигига маҳлиё бўлишни "маъжусийлик" деб баҳолаган, бу даврда фақат Биби Марям, Исо Масиҳ ва авлиёларнинг жамолигина тасвирга ва тараннумга муносиб, деб ҳисобланарди.

Уйғониш даври тасвирий санъатидагина Борлиқ ва Инсон кенг ўрин эгаллади. Манзара жанрининг ривожланишида Леонардо да Винчининг хизмати ниҳоятда салмоқлидир. У ҳатто асоирий ва афсонавий сюжетларнинг маъносини очишда ҳам реал борлик манзараларидан унумли фойдаланди. Ж.Вазарининг ёзишича, Португалия қироли Леонардо да Винчига мактуб йўллаб, ундан Одам Ато ва Момо Ҳаввонинг жаннатдаги қисқа муддатли ҳолатини махсус картинада тасвирлаб беришини илтимос қилади. Леонардо буюрт-

ма-картинада жаннат муҳитини яратишда тирик борлиқда ўсадиган хурмо ва анжир дарахти ҳамда уларнинг меваси тасвирдан фойдаланади. Реал воқеликнинг бундай ноёб тасвирлари картинада ҳаёлий жаннатни шу қадар мафтункор реаликка айлантирадики, Португалия қироли ушбу тасвири махсус ҳарир дарпардага зардўзлик усулида кўчиртириб, унинг жаннатий бўёқларидан баҳраманд бўлар, ўзини бамисоли жаннатда юргандай ҳис қилар экан. Леонардо да Винчининг назарида, ҳақиқий жаннат – мавжуд борлиқнинг ўзидир. Атроф олам, ҳаёт, табиатдан ўтадиган мўъжиза йўқ.

У инсон қиёфасига хос табиий гўзалликни қадрлайди. "Рангтасвир ҳақида рисола"сида "Инсонга хос гўзалликлар орасида чиройли кийим-бош эмас, балки табиий ҳусн-жамол муҳимдир", дейди у. Табиий инсоний гўзаллик – Леонардо учун бебаҳо илҳом манбаидир.

Леонардонинг аксар рангтасвир асарлари диний сюжетлар, ривоятларга асосланган. Собиқ шўро тузуми давридаги илм-фанда Уйғониш даври санъатининг динга муносабати мутлақо атеистик руҳда талқин этилди. Ривоятлар бор-йўғи уйдирма, афсона ва улар эски ақида ҳамда қарашлар ифодасидир, шу боис диний ривоятлар Ренессанс санъаткорлари томонидан тубдан қайта ишланган, деб таъкидланди. Бизнингча, диний ривоятлар, сюжетлар ҳамма динларда ва барча замонларда инсониятнинг тарихий тажриба ва донишмандлиги ифодаланган ноёб дурдоналардир. Библияда баён этилган кўпдан-кўп ривоятлар Ренессанс санъаткорларини ўзининг ҳикмати билан ром этган. Бунинг ёрқин далили "Махфий оқшом" деворманзарасидир. 1495-97 йиллари Милан шаҳридаги Санта Мария делла Грацие монастири базмлар залига ишланган бу асар Инжилдаги ривоятга асосланган. Унга кўра, кечки овқат маҳали Исо Масиҳ дастурхон атрофида ўтирган асҳобига улардан бири сотқинлик қилганини қайғули бир аҳволда маълум қилади. Табиийки, Исо Масиҳ ўзи ишонган ҳаворийлар орасида хоин борлигидан чуқур қайғуга чўмади. Бундай тубанлик асҳобини ҳам мушкул аҳволга солиб қўяди. 12 нафар ҳаворий, 12 хил қалб, дунёқараш

эгаси бу шумхабарни эшитиб ларзага келади. Ушбу драматик сюжет Илк Уйғониш (Кватроченто) даври rassomлари томонидан ҳам бир нечта асарда талқин этилган. Аммо уларда юзакилик кўзга ташланади, хусусан, Исо Масих машъум хабарни айтган чоқда узун столнинг бир томонида ҳаворийлар, сотқин Иуда эса иккинчи томонда ёлғиз ўтирган ҳолатда кўрсатилган. Стол атрофида тизилиб ўтирган асҳоблар авзойида эса фақат бир хил рухий ҳолат: таажуб, хоинликка ишониб-ишонмаслик, уларга қарама-қарши ўтирган Иуданинг боши эгик, қўлида хоинлик эвазига орттирган тангалар солинган халтача, нигоҳида безовталиқ ва бесаранжомлик.

Да Винчи ушбу анъанавий сюжетни ўзгача талқин қилади. Хусусан, Иудани алоҳида тасвирламай, бошқа ҳаворийлар орасида кўрсатади. Шу йўсинда буюк мусаввир сюжетнинг драматик таъсирини оширади. Шум хабарни эса ҳаворийларнинг ҳар бири ўзгача идрок этади. Масалан, юксак эҳтирос соҳибиде Иоханнинг боши эгилган; қовоғи уйилган Пётрнинг қўли белидаги ханжарнинг солига ёпишган – хоиннинг кимлигини билса, тигдан ўтказишга тайёр; Фома шармандали хабарга ишониб-ишонмай олазарак ўтирибди; Яков "Буёғи қандай бўлди?" дегандай кўлларини икки томонга ёйган; навқирон Варфоломей кўлларини кўксига қўйган – валинеъматини бало-қазодан сидқидилдан химоя этишга шай; хоин ва очкўз Иуда эса кумуш тангалар солинган халтачани титроқ кўллари билан ғижимлаб олган... Ўртада Исо Масих ҳар доимгидай хотиржам, сокин, аммо мадорсиз кўлларини столга қўйиб, сўлгин ўтирибди. "Рухият – хатти-ҳаракат ва ҳолатларда ўз аксини топади" деб ёзади Леонардо. "Махфий оқшом" деворманзараси бунинг юксак намунасиدير. Мусаввир ушбу монументал асарда бетакорор ташқи ҳолатларда ва хатти-ҳаракатларда ўзлигини намоён этган Исо Масих ва ҳаворийлар орқали муҳаббат ва нафрат, садоқат ва хиёнат, олийжаноблик ва тубанликнинг ўзаро курашидан иборат абадий инсоний муаммоларни мутлақо ўзига хос бир тарзда қўяди. "Махфий оқшом" – улкан ички рухий-маънавий қудратга эга нодир асардир.

Ушбу деворманзарани яратишда мусаввир талай машаққатларни бошдан кечирган. Ж. Вазарининг ҳикоя қилишича, монастир нозир Леонардонинг ҳавоза устида ўз чизмаларига соатлаб ҳаракатсиз, бекордан-бекор тикилиб ўтириб, вақтни беҳуда ўтказибганидан норози бўлиб, герцог Морога шикоят қилади. Моро бу масалада Леонардони хузурига чақириб, нозирнинг арз-додини унга маълум қилади. Мусаввир герцогга ижодий иш ўз маромида кетаётгани, бироқ айни шу кунларда Исо Масих ҳазратларига хоинлик қилган Иуданинг жирканч қиёфасини гавдалантиришга қийналаётганини айтади. "Ишни тезлаштириш учун, агар рози бўлса, майли, Иуданинг қиёфасини нозирга қараб чизиб қўя қолишим мумкин", дейди Леонардо. Шундан кейин нозир Леонардони ўз ҳолига қўяди ва тез орада фрескада Иуданинг манфур башараси ўз аксини топади. Ж.Вазари, шу йўсинда, Леонардо ижодий изланишларининг бир сирини очади: мусаввир диний-афсонавий қахрамонлар тасвирида ён-атрофидаги одамлардан андаза сифатида фойдаланган. "Махфий оқшом" деворманзарасини ишлаётган кезлари черков хорининг ёш қўшиқчилари орасида Исо Масихнинг ўз хаёлидаги мукамал тимсолини учратиб қолади ва устахонасига таклиф этиб, унга қараб хомаки расмлар чизади.

Орадан бир муддат ўтиб, Леонардо энди Иуда қиёфасини излашга тушади. Ниҳоят, мусаввир бир куни ариқда думалаб ётган ёш, аммо барвақт қариган, ирқит, маст-алас, жулдур қийнган кимсага дуч келади. Леонардонинг шоғирдлари уни бир амаллаб асар чизилаётган девор ёнига судраб келишади. Мусаввир ўша кимсанинг аянчли башарасини деворманзарарага қўчириб бўлаёзган дамда у хушига келиб, асарга тикилиб қолади.

– Мен бу картинани аввал ҳам кўрганман!  
– деб бақириб юборади у.

– Қачон? – деб сўрайди ажабланиб Леонардо.

– Уч йил бурун. Бор-будимдан айрилмасимдан аввал. У пайтлари хорда қўшиқ айтардим, ҳаётим орзуларга тўла эди. Ушанда бир rassom менга қараб Исонинг қиёфасини чизган эди...

Да Винчининг тугалланмаган "Авлиё Иероним" асари ҳам бадииятнинг юксак намунасидир. Қум ва тошлардан иборат сахро, этни увиштирувчи манзара, тирикликка бегона аянчли муҳит. Шу яланг тошли, қоқуруқ муҳитда авлиё Иероним кўкка боқиб, нидо қилаётир. Сал нарида чўзилиб ётган шер ҳам ҳайкалдек қотган. Иеронимнинг ўзи ҳам деярли тошга айланган. Бироқ нафақат Леонардо да Винчи ижодиди, умуман Ренессанс тасвирий санъатида кўрилмаган ҳол: тош ҳайкал ҳолатидаги Иеронимнинг изтиробли нигоҳлари бесас, бежон муҳитга жон бағишлаб, уни тирилтириб юборгандек... Асарда ифодаланганидек, тошга айланишнинг ўзи бир бахтсизлик, мислсиз азоб бўлса, тош вужуднинг қайта жонланишга интилиши ҳам мислсиз бир қулфатдир. "Авлиё Иероним" битмаган ҳолатида ҳам ҳаёт ва ўлим, ҳайқириқ ва чексиз сукунат ўртасидаги абадий кураш фалсафасини ўзида мужассам этган беназир асардир. Тошлар ҳам ҳаётнинг теран маъносини очувчи манзара сифатида Ренессанс санъатининг янгилиги эди.

Леонардо да Винчи ижодиди асавия динига ҳамнафас яна бир мавзу – Мадонна тимсолига мурожаат ҳам салмоқли ўрин туади.

Тасвирий санъатда оналик меҳри, қувончи ва шарафли бурчи ҳақидаги тасаввурлар билан боғланиб кетган аънавий мадонна мавзуи замирида диний мотивлар туради. Ғарбий Оврупо санъатида асрлар мобайнида Исо Масиҳ томонидан бошига тож кийгизилиб, зийнатли либослар ва тансоқчилар қуршовида тахтга ўтқазилган Мадонна – Биби Марям қиёфаси тараннум этиб келинди. Мария – ҳукмдор аёл сифатида Дуччо, Жотто, кейинчалик Мазаччо, Фера Анжелико, Донателло, Пьер делла Франческо, Боттичелли каби буюк расом ва ҳайкалтарошлар ижодида ҳам ўз ифодасини топди.

Бироқ XVI асрга келиб, италиялик расомларни оддий аёлнинг улугворлиги ҳамда гўзаллиги тобора кучлироқ қизиқтира бошлагач, Мария образига ёндашув ҳам ўзгарди. Тождор Биби Марям кўкдан Ерга, ҳаёт бағрига тушиб, жозибадор ва самимий она Мария образига айланди. Аини пайтда, тасвирий санъатда Биби Марям қиёфаси акс



"Мадонна Литта"

эттирилганида эса унинг илоҳий сиймосида аёлларга, оналарга хос майинлик, гоҳида ҳатто камсукумлик, хокисорлик ҳам тасвирлана бошлади.

Да Винчи Мадоннанинг ботиний ва зохирий талқинида беқиёс ижодий изланишлари билан санъатда янги йўл очди. Аввало, мусаввир ёшлигида яратган "Мадонна Бенуа" ва "Мадонна Литта" каби дастлабки асарларидаёқ оддий аёлларни Мадонна даражасига кўтарди. Ҳозирда Санкт-Петербургнинг Давлат Эрмитажи хазинасида сақланаётган бу портретларда дўмбоқ чақалоқларини эркалатиб ўтирган мадонналарни кўрамиз. Буюк мусаввир уларнинг тимсолида Ергади ҳаётни юксалтираётган оналарни, уларнинг оддий одамларга хос эзгу ҳис-туйғуларини тараннум этади.

Шунингдек, илгари тасвирий санъатда мадонналар улугвор, маънос ва ўйчан ҳолатда гавдалантириб келинган бўлса, Леонардо да Винчи асарларида хушчақчақ, дилкаш мадонналарни кўрамиз. Мўъжазгина асар – "Мадонна Бенуа"да (бу асар "Гул кўтарган мадонна" деб ҳам аталади) эркатой ўғилчасига гул ту-

таётган она Мария ва қўлларини гулга узатган болакай тасвирланган.

Леонардо ижодида кундалик ҳаёт воқеалари ва оддий одамларга бағишланган асарлар ҳам бор. Уларда ҳам мусаввир даҳоси кўзга яққол ташланиб туради.

1503-06 йиллари да Винчи Флоренция Республикаси қароргоҳи бўлган Веккио палатосининг Кенгашлар зали деворига "Ангиари ёнидаги жанг" деб аталган машҳур деворманзара асарини чизади. Бу асар Оврупо тасвирий санъатида жангнома жанрининг илк мумтоз намуналаридан биридир.

Леонардо да Винчининг санъаткорлик номини абадиятга ҳамнафас этган яна бир асар, – "Жоконда"дир. Парижнинг Лувр музейида сақланаётган бу асар ўтган беш аср мобайнида инсоният бадиий истеъдодининг мўъжизаларидан бири сифатида оламшумул шухрат қозониб келмоқда. Жоконданинг сирли нимтабассуми афсонага айланган.

"Жоконда" Ғарбий Оврупо санъатида реалистик портретнинг биринчи шохы намунасидир. Тўғри, Леонардодан олдин Илк Уйғониш даврининг буюк рассоми Сандро Ботичелли (1445-1510) ҳам портретлар яратган. Аммо, тадқиқотларда таъкидланганидек, унинг портретларида рамзийлик, мажозийлик, шoirона орзу-хаёл, имо-ишоралар тили билан сўзлаш тамойиллари устунлик қилади. Леонардонинг "Жоконда"си бетакор инсон тимсолидир. Жоконда тасвири, энг аввало, соддалиги ва самимийлиги билан ажралиб туради. Томошабиннинг диққат-эътиборини тортадиган биринчи ҳолат – Жоконданинг хотиржама қиёфаси ва кундалик одми либосида эканидир. У ёш ҳам, беҳад гўзал ҳам эмас. Аммо Жоконданинг зукко нигоҳи, айниқса, унинг сирли табассуми портретнинг мафтуноклигини ошириб юборган.

Хўш, бу қадар ҳаётийликка қандай эришилган? Қарангки, бошида азадорлик аломати бўлган қора ҳарир рўмол, аммо руҳи синмаган, ҳаётнинг оғир синовларидан мардона ўтаётгани кўриниб турибди. Ҳатто мусибат онларида ҳам чиройли табассум қила олган матонатли аёл ички руҳий кучи нимада? Юзлаб тадқиқотларда шундай саволлар қўйилади ва қилни қирқ ёрган мутахассислар

уларга жавоб топишга уринади. Аммо жавоблар қанчалик асосли, ҳикматли, ҳаётий бўлмасин, барибир, нимадир камдек, недир етишмайди. Талқинлар Леонардо да Винчи мўйқалами жодуси қаршисида ожизлигича қолаверади.

Ҳозиргача Леонардо да Винчи тўғрисидаги китобларда, асосан, Ж.Вазари қолдирган маълумот тақрорлаб келинади. Ж.Вазарининг ёзишича, Леонардонинг мазкур асарида флоренциялик бадавлат савдокур Франческо дель Жоконданинг рафиқаси Мона Лиза ди Антонио Мария ди Нольдо Герардининг қиёфаси тасвирланган. Шу боис, "Жоконда"ни санъатшунослар "Мона Лиза" деб ҳам атайди.

"Жоконда" портретининг тарихи хийла мураккаб. Лекин асар қайси аёлга қараб чизилган бўлмасин, ушбу ноёб портретнинг баркамол ва ҳайратомуз тасвирини тўлиқ юзга чиқаришда даҳо санъаткорнинг қудратли истеъдоди ҳал қилувчи омил бўлгани аниқ.

\*\*\*

Ренессанс даври тасвирий санъатида дунёвийлик, илмийлик муҳим тамойилларга айланди. Табиат ва инсон тасвирида реализм, ҳаққонийлик, ҳаётийлик даври бошланди. Мутаносиблик ва перспектива, шунингдек, грация қонуниятларининг кашф этилиши ва равнақ топиши тасвирий санъатни реализм чўққиларига кўтарди. Тасвир ва ифодада мислсиз уфқлар очди. Масалан, "перспектива" тамойилини олиб кўрайлик. "Перспектива" лотинча сўз бўлиб, "яққол кўриб турибман" деган маънони англатади. Рассом асарида табиат ва инсонни муайян масофадан туриб кузатиб тасвирлайди. Масофадан эса яқин ва узокда турган нарсалар турли ҳажмда кўринади. Ёки табиат манзаралари ва инсоннинг сув бағридаги ҳолатини олайлик. Бундай манзарани тасвирлаш ҳам ўзига хос перспектива қонуниятларини талаб қилади. Перспектива қонуниятлари Ренессанс даврида математика, геометрия, оптика фанлари тажрибасига асосланиб, бутун бошли фанга айланди.

Леонардо да Винчи Илк Уйғониш даври бой ижодий тажрибасини ривожлантириб

"Рангтасвир ҳақида рисола"сида грация, пропорция ва перспектива қонуниятларига оид истиқболли қарашларини баён этди.

Аллома ижодкорнинг ушбу масалаларга оид қарашлари йирик тадқиқотларга мавзу бўла олади. Биз бу ўринда мусаввирнинг фақат пропорцияга оид фикрларига қисқача изоҳ берайлик. Мусаввир, аввало, Ренессанс даврида дунёга келган пропорцияга оид таълимотни обдон ўрганганини алоҳида таъкидлаш керак. Чунончи, у ўзига маълум маънода устоз мартабасида бўлган математик олим Лука Пачолининг 1509 йили нашр этилган "Илоҳий мутаносиблик (пропорция) ҳақида" китобига геометрик шакллар чизиб берди. Ушбу чизмалар Пачолининг пропорцияга доир қарашларига ноёб илова эди.

Кейинчалик Леонардонинг ўзи ҳам "Рангтасвир ҳақида рисола" ёзди. У пропорцияни санъатдаги гўзаллик ва уйғунликнинг муҳим асосларидан бири, деб талқин қилди. Леонардонинг фикрича, тана аъзоларининг пропорцияси инсоннинг ёшига ҳам боғлиқ. Шунингдек, пропорция инсон танасининг эгилиб-букилганида бошқача шаклда намоён бўлади. Масалан, узатилган қўл ўлчами эгилиб турган қўл узунлигига тенг эмас... Хуллас, турли ёшда, турли хил тана тузилишларида, турлича тарздаги ҳаракат ва бурилишларда пропорция турлича кўриниш олади. Буни пайқаш ва тасвирлаш учун расом синчков ва кузатувчан бўлиши зарур. Леонардонинг пропорция ҳақидаги қарашлари чуқур анатомик билим ва тажрибага асосланган.

Мусаввирнинг асарлари эса грация, пропорция ва перспектива қонуниятларига ижодий амал қилишнинг тенгсиз мактабидир.

Леонардо тасвирий санъатда "сфумато" деган ўзига хос тасвир усулини кашф этди. "Сфумато" италянча сўз бўлиб, "тасвирдаги сўнгсизлик", "чизгиларнинг чексизликка сингишиб кетиши" каби маъноларни англатади. Сфумато чизиқлари гоят майинлиги, ўта нозиклиги, кўз илғамаслиги ва борлиқ бағрига сингиб кетиши билан ажралиб туради. Масалан, Леонардо да Винчининг кекса ёшидаги кўриниши акс этган машҳур авто-



"Жоконда"

портретда очик ҳаво бағрида фақат оппоқ сочли боши кўриниб турибди. Оппоқ соч толлари бўшлиқ қаърига сингиб кетган. Бунда сфумато чизгилари орқали ҳаёт уммони бағрида бутун бошли тана, бутун бошли умр, қисмат турганига ишора қилинади.

"Авлиё Иероним" полотноси – рамзий ифодалар сфуматосидир. Бу асарда ҳар бир чизгида, борлиқнинг ҳар бир белгисида ва Иеронимнинг юз ифодасида адоқсиз рамзий маънолар мужассам.

"Сфумато" усули жаҳон тасвирий санъатида нафақат реализмнинг, балки бошқа ижодий йўналиш ва оқимларнинг шаклланиши ва қарор топишида ҳам муҳим омил бўлди.

Леонардо да Винчининг табиат ва инсонни идрок этиш билан боғлиқ илмий ва бадий реализми – мутафаккирлик, буюқ кашфиётлар ва улкан ихтиролар манбаидир.

# NURLI DARICHA


## *Farhod HAMROYEV mutolaa qiladi*

Тиниб-тинчимас ихтирочилар ҳам бор бўлсин, сўнги техника мўъжизасидан ҳайратланиб юрганмизда бошқа бир аломат янгилик тухфа этиб, ақлни шоширишади. Ридер, планшет деганлари пайдо бўлдию ёш авлод босма китобдан воз кечиб, электрон китобга кўнгул қўйди. Майли-да, шоир айтмоқчи, “кимгадир ёқар лола, ким атиргул шайдоси”. Китоб – электронми, босмами – қай шаклда бўлишидан қатъи назар, ўқилгани муҳим-ку, шундай эмасми? Шундайликка шундай, лекин айрим мутахассислар “Босма китобнинг кунни битди” дея элбуртдан ҳукм чиқариб қўйганига нима дейсиз! Хўш, оқибат нима бўлди? Оқибат – тўйдан олдин ногора чалганлар бугун ер чизиб қолди. Дунёнинг ётакчи илм даргоҳларида ўтказилаётган тадқиқотлар анъанавий китобхонликнинг афзаллигини тасдиқлаётир. Ридерга маҳлиё бўлманг, китобни фақат босма шаклда мутолаа қилинг, дея яккаш фикримизни маъқулламоқчи эмасмиз. Бу ёгини сўрасангиз, мутолаа ҳам маҳбубага изҳори дил қилишдек гап – ҳар ким ўзига мақбулу манзур йўлни танлаб олаверади. Мен эса босма китобдан қўямасин дейман. Ва китобни маънавий даричага менгазайман. Кўнгул хонасига нур узатувчи даричага...

### **“РИМДА ИККИНЧИ БЎЛГАНДАН...”**

**Филип Стенхоп Честерфилд. Письма к сыну. Максими. Характеры. Москва, “Наука”, 1978.**

Бу китобни илк бор ўқувчилик кезларим – ўн беш ёшимда мутолаа қилганман. Шўро мактабининг “рисоладагидек” дарсликлари хийла зериктирган эканми, “Ўғлимга мактублар”нинг фавқулодда эркин руҳи мени ўзига ром қилган-қўйган, хазина топган девонадек ютоқиб ўқиб чиққанман уни.



Филип Стенхоп Честерфилд (1694-1773) – давлат арбоби, дипломат ва нотик. Таржимаи холи бошқа аслзодаларниқига ўхшаш: муҳтожлик кўрмасдан улғайди; замонасининг энг олди муаллимлари қўлида таҳсил олди; нуфузли университетни тамомлади; “Эски дунё” мамлакатларида беармон сайру саёҳат қилди; отаси вафотидан кейин граф унвонини олиб, Британия ҳукумати ва парламентида юқори рутбаларни эгаллади. Ким билсин, агар Стенхоп ўғлига мактублар битмаганида ва ўша хатлар унинг ўлимидан кейин чоп этилиб, қўлма-қўл ўқилмаганида у ҳам империянинг юзлаб оқсуяклари каби унутилиб кетармиди...

1732 йили граф Стенхоп ўғил кўради ва оилавий анъаналарга кўра фарзандига ҳам ўз исмини беради. Кичик Филип ўн ёшга тўлганида отаси унга инглиз, француз ва латин тилларида мактублар ёза бошлайди. Бу ўзига хос педагогик лойиҳа эди. Замонасининг маърифатли арбобларидан бўлган граф ёлғиз ўғлига оқу қорани, яхшироқ ёмонни фарқлашни ўргатади. Ун беши ёруғ, ўн беши қоронғи шу ҳаёт ҳақиқатларини хиҷжалаб тушунтиради.

Нома – кўҳна жанрлардан бири. Антик даврдан бери бу жанрда неча ўнлаб нодир асарлар битилган. Ҳўш, Стенхоп қаламига мансуб номаларнинг ўзига хослиги, алоҳида қиймати нимада?

Авалло, отанинг иқрору тазаррулари, самимий мулоҳазалари мактублар қадрини оширади. Хос номалари кун келиб китоб ҳолида чоп этилиши графнинг тушига ҳам кирмаган, балки шу боисдир, у кўнглидаги гапларни “қоғозга ўрамай” тўкиб солади. Мактубларни тарих, жуғрофия, сиёсатшунослик, диншуносликка оид қимматли маълумотлар билан бойитади.

Стенхопни замонасининг маърифатли арбоби деб атадик. Бунинг боиси, давлатманд граф Вольтер, Монтескье, Свифт каби ёзувчи ва файласуфлар билан қалин дўст бўлганидагина эмас. Аждодларидан етти пуштига етадиган мол-давлат мерос қўлганига қарамай, граф Стенхоп ҳар бир мактубида ўғлига “*Бойликка зинҳор ишонма, илм эгалла!*” деб такрорлашдан чарчамайди. Айни пайтда, илмни хўжақўрсинга ўрганишдан қайтаради: “*Соатингни чўнтакда сақлаганинг каби илмингни ҳам ҳуда-беҳуда кўз-кўз этаверма!*”.

Ортиқча мақтов мансабдорни оёғидан чалади, чоғга қўлатади. Хушомадгўйларнинг турфа тоифасини кўрган граф ўғлини ҳам бу иллатдан огоҳ этади: “*Биров сени мақтаса, зинҳор ўзингдан кетма, пухта ўйла, тафаккур қил; агар ўзингда йўқ сифатлар билан кўкка кўтарайтган бўлса, билгинки, сени мазох қилаётир!*”.

Ёдингиздадир, Бобур Мирзо фарзанди аржуманди Ҳумоюнга йўллаган мактубида мураккаб, жимжимадор ифодадан қочиб, содда ва тушунарли тилда – “пок алфоз”да нома битишни тайинлаган эди: “*Хатингни худ ташвиш била ўқиса бўладур, вале асру муғлақтур... Такаллуф қилай дейсен, ул жиҳаттин муғлақ бўладур. Бундин нари бетакаллуф ва равшан ва пок алфоз била битий. Ҳам сенга ташвиш озроқ бўлур ва ҳам ўқувғичиға...*”.

Қарангки, орадан икки асрча вақт ўтиб, инглиз арбоби ҳам ўғлига шу йўсинда ўғит беради: “*Мактубларингда жумлалар қовушмаган ўринлар бор, гапларинг палапартиш, сийқаси чиққан мақоллар, даққюнусдан қолган маталларни ишлатгансан. Бундай хат битмоқ аслзодага уятдир!*”.

Граф Стенхоп сарой фитналари авжига чиққан замонда яшади. Тузуккина адабий иқтидори бор корчалон умрининг талай йилларини сиёсий ўйинларга совурди. Уста дипломат, ишнинг кўзини биладиган арбоб сифатида мушкул муаммоларни хамирдан қил суғургандек битирди. Асов табиати, тўғрисиўзлиги сабабидан инглиз



қиролининг ғазабига учраган, саройдан қувилган пайтлари ҳам бўлди. “Айримлар ўтқир ақл эгасига ҳавас қилади, айримлар унга ўхшашга интилади, кўпчилик эса ундан қўрқади” деган аччиқ хулосани, эҳтимол, боши узра қора булутлар тўпланган кезларда ёзгандир.

Стенҳоп барча ғарблик оталар каби фарзандини етакчилик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратади. “Юлий Цезарь Римда иккинчи бўлгандан қишлоқда биринчи бўлганим афзал деб бежиз айтмаган” дея Рим қайсари тутумидан ибрат олишга ундайди. Шарқ адабиётида таълим-тарбия мавзудидаги асарлар кўп. Асар пандномаларда фарзандлар ройиш, оғир-вазмин, муросағўй бўлишга даъват этилади. Биринчиликка интилиш, етакчилик иштиёқи у қадар қўллаб-қувватланмайди. Бу кўп асрлик шарқона тарбия таъсирида шаклланган қараш бўлса ажаб эмас. Лекин, назаримда, бугун фарзандларимизни, шарқона одоб меъёрларини унутмаган ҳолда, етакчилик руҳида тарбиялашимиз керак. Ёш авлод спорт, санъат ва илм-фанда тенгсиз бўлиши лозим. Вольтер “тарбия ҳақидаги энг яхши асар” дея юксак баҳолаган “Ўғлимга мактублар”дан ўрганишимиз керак бўлган жиҳатлардан бири ҳам шу.

Айтганча, зиёли ота йиллар давомида кўз нури, қалб кўрини тўкиб ёзган мактублар самара бердими? Кичик Филип падари орзу қилгандек, ақли расо арбоб бўлиб вояга етдими? “Тадбирнинг энги билан тақдирни яшириб бўлмас” дейишади. Ота ҳар қанча тадбир қилмасин, тақдир ўғилга ўзга қисматни ҳозирлаган эди. Буниси энди бошқа тарих...

## КИПЛИНГ ХАТО ҚИЛГАН ЭДИМИ?..

Курбан С а и д. Али и Нино. Москва, “Ад Маргинем пресс”, 2008.

Ҳар бир миллатнинг ўз муҳаббат киссаси бор. Шарқда “Лайли ва Мажнун”, “Фарҳод ва Ширин”, Ғарбда “Ромео ва Жульетта”, “Тристан ва Изольда” муҳаббатномалари маълуму машхур. Сўз санъати юзага келибдики, бу мавзуда неча минглаб назм ва наср дурдоналари яратилган. Дарҳақиқат, муҳаббат – адабиётнинг абадий мавзуси. Эътибор берганмисиз, ишқ киссалари негадир кўнгилга яқин туюлади. Эҳтимол, ошиқлар тимсолида ўзимизни кўрармиз. Ҳар не бўлганда ҳам, Ҳоди Тоқтош “Муҳаббат эски савдо, ҳар бир юрак уни ёнғарта” дея топиб айтган.

“Али ва Нино” романи боқулик ошиқ-маъшуклар – озар Али Ширвоншир ва гуржи Нино Кипиани қисматидан ҳикоя қилади. Ўтган асрнинг бошлари. Тагли-тугли оиладан чиққан мусулмон йигит насроний қизини севиб қолади ва унга уйланишга аҳд қилади. Сезиб турганингиздек, йигит ва қизнинг ота-онаси бу никоҳга қарши чиқади. Воқеалар ана шу зиддият таъсирида шиддатли тус олади.

Асар ишқий романларда бўлгани каби “Али ва Нино” асарида ҳам саргузашт, детектив мотивлари кўзга ташланади. Шунга қарамай, ошиқлар кечмиши бир восита экани, ёзувчи икки ёш тақдирни орқали XX аср биринчи чорагидаги озарбойжонликлар қисматини кўрсатмоқчи бўлганини сезиш қийин эмас. Биринчи жаҳон урушидан кейин мавлоно Низомий юртида инқилоб рўй беради, кўп ўтмай, мамлакат фуқаролар уруши домига тортилади. Роман бош қаҳрамони Али Ширвоншир каби илғор фикрли ёшларнинг саъй-ҳаракати билан Озарбойжонда мустақил демократик давлат тузилади. Бу воқеа Али ва Нино тақдирини ҳам ўзгартириб юборади.

Ишқий-романтик асарларда, одатда, бош қаҳрамонлар тош келса кемириб, сув келса симириб тўсиқларни фидокорона энгиб ўтади. Бироқ “Али ва Нино” романи бундай сохта кўтаринкилик, баландпарвозликдан холи. Муаллиф икки дин, икки маданият вакили бўлган қаҳрамонларнинг мураккаб кечмиши, чигал муно-



сабатларини муболағаларсиз, рўйи рост тасвирлайди. Улар тимсолида ислом ва насронийлик, Шарқ ва Ғарб маданияти ўзаро "ҳисоб-китоб"га киришади. Гоҳида Нино шарқона тутумларга кўниқолмай бор аламини йигидан олади, гоҳида севган қизининг оврупоча тантиқликларини кўриб Алининг тепа сочи тикка бўлади. Нинонинг ёридан кўнгли совиб, бошқа бир бойвачча (Мелик Нахарарян) билан кетиб қолгани-чи?! Ана холос, ишқий романларда қахрамонлар кўз очиб кўрган маҳбубини деб бошини кундага қўйишга ҳам тайёр бўларди-ку?! Гап шундаки, "Али ва Нино" анъанавий муҳаббатномаларга ўхшамайди. Муаллиф персонажларга сидрасига оқ ёки қора бўёқ бериб, уларни фақат ижобий ё салбий образ тарзида тасвирламайди. Персонажларнинг ожизлиги қудрати, фазилату камчилигини кўрсатади. Шу тариқа икки ёшнинг муҳаббати сандонга солинган пўлатдек обдон тобланади.

Муҳаббат қиссалари бахтли яқун топса деймиз, ошиқлар мурод-мақсадига етишини чандон тилаймиз. Аммо Қурбон Саиднинг романида воқеалар ўзгача ечим топади: Али ватан озодлиги йўлида қахрамонларча ҳалок бўлади, Нино эса қизи Тамара билан Тифлисга жўнайдди. Албатта, роман бахтли яқун топиши, Али Ширвоншир ота юртини босқинчилар ғорат қилганда ўз жони ҳузурини ўйлаб, рафиқаси билан чет элга қочиб кетиши ҳам мумкин эди. Лекин, нафсиламри, бу ўринда ошиққа висолдан кўра юрт озодлиги йўлидаги шаҳидлик кўпроқ ярашади.

Дарвоқе, романнинг тарихи ҳам қизиқ. 1935 йили Венадаги нашриётлардан бирига номтаълим мухлис "Али ва Нино" асари қўлғезмасини ташлаб кетади. Қўлғезмада муаллиф сифатида Қурбон Саид номи кўрсатилган эди. Шу тариқа роман 1937 йили Венада илк бор немис тилида чоп этилади. Иккинчи жаҳон урушидан кейин роман адабий жамоатчилик ёдидан кўтарилади. 1969 йили немис рассоми Граман хоним эски китоблар дўконидан "Али ва Нино" романининг хийла урссон нашрини сотиб олади. Немис ижодкори унутилган романини таржима қилиб, Америкада чоп эттиради. Шу тариқа боқулик ошиқлар қиссаси дунёнинг ўттиздан зиёд тилига ўгирилиб, бестселлерга айланади.

Роман муаллифи борасидаги мунозаралар ҳалигача тингани йўқ. Бир гуруҳ адабиётшунослар асарни озар адиби Юсуф Чемеңземинли "Қурбон Саид" тахаллуси билан ёзган дейди, бошқа бир гуруҳ тадқиқотчилар роман немис ёзувчиси Лев Нуссинбаум қаламига мансуб деб ҳисоблайди. Яна бир гуруҳ адабиётшунослар эса муаллиф сифатида баронесса Эльфрида Эренфельс фон Бодмерсхоф номини тилга олади. Олимлар вақти келиб роман муаллифи борасида узил-кесил бир тўхтамга келар. Биз эса ҳозирча узумини еб, боғини сўрамай тураммиз...

Инглиз адиби Редьярд Киплингнинг "Ғарб ва Шарқ бошқа-бошқа олам, улар қиёмат кўпиб, замин кунфаяқун бўлгандагина бир ёқадан бош чиқаради" деган мазмундаги мунозарали фикрини ўқигансиз. Назаримда, Али ва Нинонинг оташин муҳаббат қиссаси бу қарашни йўққа чиқараётгандек. Некбинликка нима етсин, шояд, Киплинг хато қилган бўлса!..

## ОСИЁНИНГ ИСЁНКОР ЮРАГИ

**Виктор Петров. Мятажное сердце Азии. Москва, "Крафт+", 2003.**

Сўнги йилларда Хитой Халқ Республикаси таркибидаги Шинжон уйғур автоном районига бағишланган кўплаб тадқиқотлар дунё юзини кўрди. Илмий доираларда мазкур ҳудудга қизиқиш ортиб бораётганини сайёрамиздаги геосиёсий ўзгаришлар билан изоҳлаш мумкин. Тарихчи Виктор Петров ҳам ўз тадқиқотида геосиёсий манфаатлар тўқнаш келаётган ўлканинг яқин кечмишига назар ташлайди.



Авалло, “Шинжон” атамасига қисқача изоҳ. Шинжон – Синьцзян (хитойчада “Янги ҳудуд” дегани) истилоҳи 1760 йили муодалага киритилган. Унга қадар ҳудуд рус ва ғарб манбаларида “Шарқий Туркистон”, “Хитой Туркистони”, форсий адабиётларда “Уйғуристон”, қадимги хитой манбаларида эса “Ғарбий ўлка” деб аталган. Ҳарбий ва сиёсий курашлардан кейин ўлка Хитой Халқ Республикаси таркибига киргач, 1955 йил 1 октябрда унга расман муҳтор ўлка мақоми берилган.

Тарихчи В.Петров Шинжонда туғилган, ўтган асрнинг 30-40-йиллари ҳудудда рўй берган шиддатли тўқнашувларни ўз кўзи билан кўрган. Шу боис, муаллиф ўша давр воқеаларини ҳолис ва ишонарли тасвирлай олган.

Ўлка жуғрофий ҳижатдан қулай жойлашган. Тўрт томондан Олтой, Ғарбий Тангритоғ (Тяньшан), Помир, Қорақурум, Тибет тоғлари билан ўралган. Ғарбдан шарққа чўзилган Тангритоғ ҳудудни икки қисмга бўлади. В.Петровнинг қайд этишича, тоғнинг шимолий томони – Жунғория, жануби – Кошғария деб аталади. Муаллиф ўлкада кўп асрлардан бери яшаб келаётган уйғур ва бошқа миллатларнинг ҳаёт тарзига оид қизиқарли маълумотлар келтиради. Шахсий кузатишлари билан бирга сайёҳларнинг хотираларидан унумли фойдаланади.

Буюк ипак йўлининг стратегик нуқтасида жойлашган Шинжон асрлар давомида йирик салтанатларнинг эътиборида бўлиб келган. Ҳудуд бир муддат хитой ва туркий сулолалар, бир муддат Ёркенд, Жунғор хонликлари қаламравида бўлган. Хусусан, XIX асрнинг иккинчи – XX асрнинг биринчи ярмида Шинжон қалтис сиёсий уйинлар ва мурасасиз курашлар майдонига айланган эди. 1864 йили маҳаллий халқ манжур сулоласига қарши қўзғолон кўтаради. Ана шу мураккаб тарихий шароитда Қўқон хонлиги саркардаси Муҳаммад Ёқуббек (1820-77) Кошғарга келади, пароканда ҳудудни бирлаштириб, Етти шаҳар давлатига асос солади. Мазкур давлат ўн икки йил яшайди, Ёқуббек вафотидан кейин минтақада манжур сулоласи ҳукмронлиги қайта тикланади. Халқ қўзғолонлари ва галаёнлар шу билан тўхтамайди. 1940-йиллари ҳудудда Шарқий Туркистон Республикаси тузилади. Айтиш жоизки, ушбу тарихий воқеа илмий манбаларда турлича талқин этилган. В.Петров таъкидлаганидек, Ғарб олимлари Шарқий Туркистон Республикасининг таъсис этилишини “совуқ уруш” мафқураси таъсирида бирёқлама баҳолаб келган. Сўз юритилаётган тадқиқотда эса муаллиф тарихий вазиятни атрофлича тадқиқ этади.

XIX аср охири – XX аср бошларида Россия, Буюк Британия сингари империяларнинг ўзаро сиёсий кураши Шинжонга ҳам кўчган. Бу борада кўплаб манбалар мавжуд. Тадқиқотчи В.Петров эса сир пардаси ёпилган воқеаларга эътибор қаратиб, япон ва немис жосуслик хизмати фаолияти хусусида янги маълумотлар келтиради.

Муаллиф рус муҳожирлари ҳаётига ҳам батафсил тўхталган. Айтиш жоизки, шўро даврида бу мавзудаги илмий изланишлар тақиқланган эди. Тарихчи В.Петров турли сабабларга кўра Хитой Туркистонига келиб қолган руслар ҳаётига оид илмий жамоатчиликка маълум бўлмаган ахборотларни тақдим этади. Хусусан, атаман Александр Дутов тақдирига батафсил тўхталган олим мазкур тарихий шахс образи киноэкран ва бадиий адабиётда сохталаштирилганини танқид қилади.

Манбаларга кўра, Шинжон ўлкасидан 24 хил ёзув, 17 тилда битилган қўлёзмалар топилган. Шу биргина далилдан ҳам билиш мумкинки, минтақада азалдан турли маданиятлар ривож топган. В.Петров қаламига мансуб китобни ўқиб, мазкур ҳудудга тааллуқли бир талай жумбоқларга жавоб топасиз.

## АҚЛНИНГ ТАГИ – НАҚЛ

Тўра М и р з а е в. Ҳоди Зариф суҳбатлари. Тошкент, 2013.

Таниқли фольклоршунос Тўра Мирзаев кўп йиллар аллома Ҳоди Зариф ҳақида хотира китоби ёзишни кўнглига тугиб юрганидан хабардорман. “Хотираларнинг аллақанчаси қоғозга тушган, анча-мунчаси хаёлимда пишиб етиляпти. Устознинг ибратли ҳаёти ва жўшқин илмий фаолияти хусусида китоб ёзиш мен учун ҳам қарз, ҳам фарз”, дея бот-бот такрорларди Тўра ака. Ҳоди Зарифдек улуг олим, олижаноб инсон сабоғини олган Тўра Мирзаев ваъдасининг устидан чиқди. “Суҳбатлар” нафақат филологлар, халқ оғзаки ижодига қизиқувчи китобхонлар учун ҳам ўзига хос тўхта бўлди.

Ҳоди Зариф – ўзбек фольклоршунослигига тамал тоши қўйган фидойи олим. Алломани “Ўзбек фольклори”, “Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси”, “Ўзбек халқ дostonларининг тарихий асослари”, “Ўзбек халқ бахшилари” каби фундаментал тадқиқотлари орқали билар эдик. Тўра ака эса илк бор забардаст олимнинг инсоний қиёфасига, сурат ва сийратига чизгилар беради.

“Ақлнинг таги – нақл” дейди эскиларимиз. Авлоддан авлодга оғзаки ўтиб келган ҳикматли нақллар фольклоршуносларнинг машаққатли меҳнати туфайли қоғозга кўчди, ёзма манбага айланди. Ҳоди Зариф бутун умр фольклор намуналарини асл ҳолатда сақлаш йўлида жон қуйдирган. Китобда, жумладан, олимнинг қуйидаги мулоҳазалари келтирилади: *“Фольклоршунос бирор дostonни ёзиб олаётганда бахшини “етаклаши”, ундан “замонабоб” ниманидир талаб қилиши, унга “замонавийлик” ҳақида маслаҳатлар бериши кечириб бўлмас гуноҳи азимдир. Тўпловчи бунинг ўрнига бахшидан устозларидан қандай ўрганган ва эл орасида қандай куйлаб келаётган бўлса, шундай айтиб бериши илтимос қилиши зарур”*.

Буни қаранги, шўро даврида айрим қаламкашлар ўзбек халқи номидан сохта қўшиқ ва дostonлар тўқиб тарқатган экан. Масалан, 1925 йили журналист Л. Соловьев конибодомлик кексалар оғзидан ёзиб олинган деган иддао билан Ленин ҳақида дoston чоп эттиради. Куйинчак олим Ҳоди Зариф журналистнинг ёлғонини ўз вақтида фoш этади.

1954 йили “Нигор ва Замон” дostonини нашрга тайёрлаган О. Собиров эса асарни мафкура чиғиригидан ўтказиб обдон қисқартиради, образларни қайта ишлайди, диний мотивларни чиқариб ташлайди. Ҳоди Зариф бу ҳолатни ҳам танқид қилиб, халқ оғзаки ижоди намуналарига қалам уриш, уларни сохталаштиришга йўл қўймаслик лозимлигини ўқтиради.

Фольклор бисоти бахши-шоирларнинг омонатдорлиги туфайли бойиб келаётир. Дoston ё қўшиқни салафидан ўрганган бахши мўътабар манба сифатида ўздан кейинги авлодга етказилади. Кўп йиллар давомида устози ўғитларини жон қулоғи билан тинглаган Тўра ака ҳам омонатга хиёнат қилмай уларни ўқувчига асл ҳолида тақдим этди.

Огаҳийнинг *“Фазл аҳлига ҳамсуҳбат бўлмога ибo қилма, /Ким, булғусидур ортарга ибo боис”* деган байти бор. Дарҳақиқат, фазл аҳли даврасига интилган, уларнинг суҳбатини олган инсон кам бўлмайди. “Ҳоди Зариф суҳбатлари” муаллифи ҳам бизни ана шундай нафис мажлисга чорлайди. Барчамизга фозиллар ҳикматини ўқмоқ саодати насиб этсин!



# Yoshlar va NNT

Мамакатимизда бугунги кунда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагога ва илмий кадрлар малакасини ошириш "Истеъдод" жамғармаси, "Соғлом авлод учун" ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси, Амир Темуру халқаро жамғармаси, Имом Бухорий халқаро жамғармаси, "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, Ўзбекистон Республикаси Байналмилал маданият маркази, "Тадбиркор аёл" Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмаси, Республика маънавият тарғибот маркази, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати каби фаолияти ёшлар муаммоларини ҳал қилишга йўналтирилган ва улар манфаатини ифодалайдиган қўллаб-қувватлаш нотижорат ташкилотлар иш юритмоқда.

Шунингдек, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, БМТнинг Болалар жамғармаси – ЮНИСЕФ, АҚШ Халқаро ривожланиш бўйича агентлиги, Германиянинг Конрад Аденауэр жамғармаси, Фридрих Эберт жамғармаси, Гёте институти, Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA), Туркия халқаро ҳамкорлик агентлиги (TICA), Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) каби юздан ортик халқаро ва хорижий мамлакатлар нодавлат ташкилотлари ва-колатхоналари ва филиаллари ҳам кенг фаолият юритмоқда.

Бугунги кунда ёшларни бирлаштириш, соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашга қўмаклашиш, ўлар манфаатини ҳар томонлама ҳимоя қилишда давлат органлари ҳамда жамоат ташкилотлари узвий ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Вазирлик, ташкилот ва муассасалар билан нодавлат нотижорат ёшлар ташкилотлари ўртасида имзоланган ҳамкорлик битимлари мамлакатимизда изчил олиб борилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг ижросини таъминлаш, ёшлар ташаббусини қўллаб-қувватлашга доир ишларни янги сифат босқичига олиб чиқишга хизмат қилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, "ёшларнинг ўй-фикрлари, оруз-умидларига йўл очиб, уларнинг ҳаётий манфаатларини қатъият билан ҳимоя этиши, бошқача айтганда, давлат ва ёшлар ўртасида бамисоли бир кўприк бўлиши, давлатимизнинг ёшлар сиёсатини уларга, ёшларимизнинг ўй-ташвишларини, оруз-интилишлари ва муаммоларини эса давлат ташкилотларига етказиб туриши, уларнинг

ҳақиқий ҳимоячиси бўлиши зарур" (Ислам Каримов. *Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз*. Т.9.Т., "Ўзбекистон", 2001, 217-218-бетлар).

Ёшларнинг ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш, қишлоқ ёшларининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан лойиҳаларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ёшлар ташкилотларининг ўрни катта.

Жамият ҳаётида демократик тамойилларни жорий этиш муайян ижтимоий қатлам ва гуруҳларнинг иштирокида кечади. Улар орасида уюшмаган ёшлар билан ишлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шундай экан, бугун ёшлар билан ишлашнинг янги усулларини топиш ва амалга таъбиқ қилиш борасидаги фаолиятимизни яна бир бор кўздан кечириш лозим. ННТ фаолияти кўпроқ уюшган, таълим ва муайян машғулот билан банд бўлган ёшларгагина мослашган, уюшмаган ёшлар билан ишлаш бирмунча суст. Дейлик, маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилотини тузиб, маҳалладаги ишсиз ёшлар "Маҳалла" хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда иш билан таъминланса ҳамда жамият ҳаётида фаол иштирок этиши йўлга қўйилса, уларнинг эртанги кунга бўлган ишончи янада ортади.

Бугунги кунда ёшлар тафаккури, маънавияти, саъй-ҳаракатида кўп янги жиҳатлар кўзга ташланмоқда. Уларнинг ҳаётга муносабати ўзгармоқда. Бу эса бевосита сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда туб янгиланишларга асос бўлмоқда. Шу боис, нодавлат ташкилотлар ёшлар талаб ва эҳтиёжларига мослашиши, умумийликдан қочиб, ёшларнинг ихтисослашган соҳаларда фаолият кўрсатиши, ёшлар ташаббуси ва иштирокида тадбирлар ташкил этиши, уларнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ҳамда маънавий муаммолари бўйича тақлифлар тайёрлаши, қишлоқ ҳудудларидаги ёшлар муаммоларини бартараф этишга кўпроқ эътибор қаратиши, ёшлар билан ишлашда ноанъанавийлик, интерфалот тарғибот, иш услубларидан фойдаланиши зарур экани ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Ўртбосимиз шундай қайд қилади: "Ёш кадрларнинг ҳаётга бўлган ишончи сўниб қолишига йўл қўймаслик, уларнинг қобилиятини, эришаётган ютуқларини доимо кузатиб бориш усул-усулбларини, бугунги тил билан айтганда, мониторингини ташкил этиш зарур... Ҳаракат эндигина турмуш қўрган ёш оилаларга маълум бир имтиёзлар берилиши, айтилик, уларга кейин бўлиб-бўлиб қайтариш шарти билан имтиёзли кредитлар ажратилиши ҳақида ўз тақлифларини илгари суриши ва уларни амалга

ошириш учун ҳаракат қилиши ўринли, деб биламан" (*Ўша асар, 205-бет*).

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, жамият демократиялашуви жараёнида ёшлар қобилияти, имкониятларини рўйбга чиқариш учун мамлакатимизда кенг шароит яратилган. Бугунги кунда ўсиб келаётган ҳар бир йигит-қиз ўзини эркин ҳис этиши, яратувчанлик қобилиятини шакллантириши, том маънода ўз тақдирини ўзи белгилаши лозимлигини англамоқда.

Демак, ёшларда жамият ҳаётига, миллат ва мамлакат тақдирига дахлдорлик туйғуси шакллана бошлади. Жамиятнинг демократлашуви билан уйғунликда ёшларнинг сиёсий қиёфаси такомиллашуви мамлакатимизнинг янада ривожланишига хизмат қилмоқда.

**Сухроб ҒАНИЕВ.**

*ЎзФА Тарих институти катта илмий ходим-изланувчиси*

## O'yin hikmati

Бугунги кунгача ўйин, унинг мазмун-моҳияти ва намоён бўлиш шакллари турли адабиётларда илмий-назарий, фалсафий ва методологик жиҳатдан бирмунча таҳлил қилинган (*Huizinga J. Homo Ludens: Vom Ursprung der Kultur im Spiel. Hamburg, 1961, s.193; Аверинцев С.С. Культурология Иохана Хейзинги. "Вопросы философии". 1969, № 3, стр. 174; Гессе Г. Игра в бисер. М., 1969, стр.158; Нейман Дж., Моренштерн О. Теория игры и экономическое поведение. М., 1970; Лотман Ю.М. Игра. БСЭ. 3-е изд. 1972, Т. 10, стр.79; Исупов К.Г. В поисках сущности игры. "Философские науки", 1977, № 6, стр. 154; Эльконин Д.Б. Психология игры. М., 1978, стр. 304; Теория игр. Под ред. Н.Н.Воробьева. "Наука". Ленинград. отд.-нше. 1980). Уларда ўйиннинг маънавий мазмуни, маданий-маърифий хусусиятлари, вазифалари ўрганилган. Ўйиннинг учун ва жамият ҳаётидаги ўрни, ролини англаш инсон унинг фалсафий моҳиятига етиш лозим. Ўйин мазмунида болаларга хос идрок қилишдан то фалсафий мушоҳадага йўрилган тушунчаларгача жамулжамдир. Шу боис ўйин дастлаб жўн, фойдасиз фаолият туридек тушунилган бўлсада (*Философский энциклопедический словарь. М., "ИНФРА-М", 2009, стр.168*), аслида бу тушунчанинг моҳиятида оддийликдан мураккаблик томон илгариллаб борувчи жиддий маъно ва мазмун мужассам.*

Ўйин – бирон бир маҳсулот яратиш кўзланмагани ҳолда инсонга руҳан тетиклик бахш этувчи жараён-дир. Агарда ўйинни муайян амалий мақсадга йўналтирсак, бутунлай ўзгача маъно касб этади. Ўйиндан натижа эмас, балки жараённинг ўзи муҳимдир. У хилма-хил жисмоний ва ақлий фаолиятнинг бир кўриниши сифатида аниқ амалий мақсадга эга.

Инсон ҳаётининг энг беғубор ва бахтли лаҳзалари ўйин билан боғлиқ. Ўйин ўйнаётган киши ўзини ижтимоий ҳаётнинг чекловларидан холи ҳис этади. Ўйинга хос унсурларнинг ўзга фаолиятларга татбиқ этилиши уларнинг янада самаралироқ ва қизиқарлироқ бўлишига хизмат қилади. Бинобарин, ўйин ўзига хос кўтаринки руҳ пайдо бўлишига шароит яратиб берувчи воситадир. Ўйин барча инсоний муносабатларга хос, ижтимоий турмушда турли-туман кўринишларда намоён бўлади ва шу тарзда ин-

сон ҳаётдан муҳим жой олади. Шу боис ҳар қандай маданият ўйин билан чамбарчас боғланган. Инсон ўйин майдонида ўйин омили мазмунини ўзгартириб, бутун тафаккурини амалиётда қўллашга интилади.

Ўйин тадқиқот объекти сифатида етарлича эътиборга лойиқ кўрилмади. Бунга унинг муҳим ҳаётий эҳтиёжларга алоқаси йўқлиги сабаб қилиб кўрсатилди. Чунки инсоният учун моддий ишлаб чиқариш бирламчи ҳисобланиб, фан ҳам асосий эътиборини шунга қаратган эди.

Ўйин моҳиятига антик даврдаёқ қизиқиш бўлган. Унга кўп вазифали (полифункционал) биологик ва ижтимоий ҳодиса сифатида қараш Платоннинг ўйин тўғрисидаги гоғларига бориб тақалади. Айнан Платон файласуфлар орасида биринчи бўлиб "Ўйнаб яшаш керак" (*Асмус А. Античная философия. М., 1996*), деган тамойилни илгари сурган ва унинг ҳаётийлигини исботлашга уринган. Унинг фикрича, инсон – худоларнинг ўйлаб топган эрмагидир. Платон ўйиннинг жамоавий ва индивидуал ҳаётда муҳим аҳамиятга эга эканини илк бор эътироф этган. "Гўзал ўйинлар" санъат ўйинлари бўлиб, улар сирасига қурбонлик маросимлари, ашула ва рақслар кирди (*Платон. Федон. // Сочинения. В 3-х т., Т.2. М., "Мысль", 1970, стр.553*), дейди файласуф.

Аристотель фикрича эса, ўйин – кўнгил очишдан бошқа нарса эмас. Мутафаккир сиёсий арбоб маҳоратини саҳнадаги актёрнинг ўйинига қиёслайди (*Аристотель. В 4-х т., Т.4. М., "Мысль", 1984, стр. 630*). Уйғониш даври мутафаккирлари ҳам ўйиннинг турли жиҳатларини ўрганиб чиққан. Николай Кузанский уни "етуклик рамзи" деб ҳисоблайди (*Кузанский Н. Игра и шар. // Сочинения. В 2-х т., Т.2. М., "Мысль", 1980*). У ўйинни ўзликни англашнинг фаол шакли деб билди. Мишель Монтень ўйинни, ёши ва ижтимоий мақомидан қатъи назар, инсоннинг зарурий эҳтиёжларидан бири сифатида қайд этади. Т.Гоббс инсоний муносабатларда ўйин феноменини тадқиқ қилган. И.Кант ўйинга қомил инсонни тарбиялашнинг ибтидоси сифатида қарайди. Ф.Шиллернинг фикрича, ўйин инсонни бурчдан, мажбуриятдан озод қилади, у озодлик маҳзанидир. Шиллер ўйинни гўзалликка боғлаб тадқиқ қилади,

уни гўзалликка бўлган инсоний эҳтиёжнинг ҳосиласи деб ҳисоблайди (*Шиллер Ф. Письма об эстетическом воспитании человека. Собрания сочинений. М., 1957, Т. 6, стр. 302*). Шу тарзда у ўзин эстетик фаолиятга қаратилганини таъкидлайди.

Классик ва ноклассик фалсафада ўйинни тадқиқ этишга дахлдор баъзи тушунчалар мустақил онтологик категориялар сафига киритилган. "Ўйин" тушунчаси поливариантлик, ассоциативлик ва ҳатто мантиқсизлиқни акс эттирувчи полисемантик (кўп маъноли) тушунчадир. Шу боис ўйинларни англаш ва тушунтиришда бир-бирини истисно қилувчи ифодалар учраши табиий. Ўйин (масалан, болаларнинг компьютер ўйинлари билан узоқ вақт машғул бўлиши) инсон турмуш тарзини, маиший ҳаётини оқиллона йўлдан, нафосатдан чалғитадиган, маъносиз ёки аксинча, уни бойитувчи, мазмундор қилувчи ва завқ бағишловчи жараён бўлиши ҳам мумкин. Ўйин омили яшовчанлиқни таъминлайди ва ҳаётнинг муҳим шarti сифатида намоён бўлади. Шу сабабли, ўйин ўз функционал имкониятларини кенгайтира бориб, инсоннинг ҳам ботинан, ҳам зоҳиран эркинроқ бўлишига хизмат қилади. Ўйинда инсон табиий имкониятлар доирасидан чиқиб, такомиллашиб борувчи эркин субъект сифатида намоён бўлади. Ўйин орқали хилма-хил ижтимоий тажриба орттирилади. Унинг ижтимоий аҳамияти шундаки, ўйин доимо шуғулланиш, тайёрланиш имконини беради. Агар жисмоний ва интеллектуал фаолият ўйинга айланса, бажарилиши осон кечади.

Ўйинга мойиллик инсоннинг муҳим хусусиятидир. Ўйинда у ҳар дам ўзини янгидан кашф этади. Инсон бутун ҳаёти мобайнида анланган ва анланмаган тарзда ниманидир ўйнайди. Ижтимоий ҳаётнинг модели сифатида ўйин омад, муваффақият ва ҳатто, ҳокимиятга эришишга умид уйғотади. Ўйин аксар ҳолларда ғайришуурийлик ва онглилик, иррационаллик ва рационаллик ўртасидаги қарама-қаршилик тарзида қабул қилинади. Ҳар бир индивид, ижтимоий гуруҳ, цивилизация ўзи яратган сунъий муҳитнинг умумий манзарасини ўзида акс эттирган ўйинларни кашф қилади.

Ўйин назарияси асосида оламнинг ўзаро алоқадор ўйин мажмуаларидан ташкил толгани ҳақидаги ғоя мужассам. Бунда қатъий белгиланган тузилма йўқ, балки бир ўйин ҳолатидан иккинчи ўйин ҳолатига ўтувчи занжирсимон чексиз ҳаракат мавжуд. Оламнинг ўйин ҳолати очиқ тизимдир, шу сабабли у ташқи олам билан доимий алоқада бўлади.

Инсон ўйнамаслиги мумкин эмас, у бутун Коинот билан ўйинга жалб этилган. Ўйин инсоният руҳий маънавий оламини кўтаришга хизмат қилувчи, интеллектуал потенциалнинг хийла катта қисмини ташкил этади. Шу боис ўйин феномени бугунги кун постноклассик фан ва фалсафада кенг кўламли таҳлилни талаб этувчи категория ҳисобланади.

Шоира КУБАЕВА,  
СамДУ тадқиқотчиси

## Noosfera: progressmi yoki regress?

Биосфера эволюциясининг янги босқичи ноосфера (грекча noos – ақл, онг ва sphaira – қобик) деб аталади. У инсон ақлининг Ер сайёрасига геологик ва биологик таъсири ортши билан боғлиқ. Бироқ биосфера ва ноосфера эволюцияси айна бир жараён эмас. Бунда биосфера эволюцияси дастлаб бир хужайрали мавжудотларнинг ("ҳаёт сфераси" – биосферанинг) пайдо бўлишидан то инсоннинг вужудга келиб, ақлу идрокни ҳамда билгани кўлами ва таъсири глобал аҳамият касб этгунига қадар бўлган даврни қамраб олади.

Француз илоҳиётшуноси ва файласуфи Тайёр де Шарденнинг "Инсон феномени" асарида ноосферанинг вужудга келиши Homo sapiens (онгли одам) пайдо бўлиши давридан бошлангани айтилади. Ноосферани "социосфера", "антропосфера", "техносфера" каби атамалар билан боғлаш унинг реал мазмуни ва кўлами кенглигини англатади.

Ноосфера эволюцияси бўйича икки нуқтаи назар шакланган. Биринчисига кўра, ноосфера босқичи жамият тараққиётида прогрессив ҳодисадир. Минг йиллар давомида тўлланган билим одамларнинг иродаси ва ижтимоий тузилмаларга таъсир ўтказиши натижасида анъанавий жамият батамом ўзгариб, янгича маданий ҳаёт вужудга келган (*Вернадский В. Начало и вечность жизни. М., 1989, стр.136*). Босма дастгоҳнинг яратилиши, буюқ географик ва илмий-техник кашфиётлар инсоният тараққиётида янги даврни бошлаб берди.

Иккинчи нуқтаи назарга кўра, ноосфера салбий ҳодиса сифатида табиат ва кишилик жамияти ҳаётига кескин ва хатарли таъсир этади. Ақлнинг чексиз қуввати оқибати бўлган бу хавфни анча кеч – ўтган асрнинг 70-йиллари аввалидагина англай бошладик. Инсоният қандай хавф қаршисида тур-

ганини, атроф-муҳитга инсон фаолиятидан етказилаётган зарар қандай натижаларга олиб келганини яққол ҳис этдик. Инсоннинг табиат имкониятлари ва унинг ривожланиш қонуниятларини ҳисобга олмай юритаётган ҳўжалик фаолияти, Рим клубининг "XXI аср йўли" деб аталмиш тадқиқотларидан бирида кўрсатиб ўтилганидек, Ер юзюда тупроқ емирилиши, ўрмонлар камайиши, балиқларнинг ҳаддан ташқари кўп овланиши, тузли ёмғирлар, атмосфера ифлосланиши, озон қатлами бузилиши ва ҳоказоларнинг рўй беришига олиб келди (*Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. Т., "Ўзбекистон", 1997, 113-бет*). Экология ўзгариши натижасида юз бераётган табиий офатлар инсоният ҳаётига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳозирги кунда одамзод бир юз ўттиздан зиёд глобал инкирозга рўбарў турибди. Агар жаҳон ҳамжамияти ушбу инкирозларнинг биттасини бартараф этишга ўн йилдан сарфласа, улардан буткул халос бўлиш учун бир минг юз юз йил ҳам камлик қилади. Табиий инкирозлар одамзоднинг бирёқлама фаолияти оқибатидир. 50 йилдан кўпроқ вақтдан бери хавф солиб турган атом даҳшатли оқибатларини математиканинг ҳозирги ютуқлари асосида моделлаштириш шуни кўрсатади, бизнинг давримизда тўпланган 50 мингдан ортиқ ядро зарядларининг 100-150 мегатонна (Хиросимага ташланганидан 10-15 баравар катта) қувватга эга қосми (битта сув ости атом кемасидаги портловчи модда 200 мегатонна) портлатилса, Америка, Оврупо ва Осиёдаги асосий шаҳарлар вайрон бўлиши, бир ойдан сўнг Ер атмосферидаги ҳарорат 15 – 20 градус, Сибирь маркази ва айрим минтақаларда эса 40 – 45 градуса пасайиб, унинг айлиниши (циркуляцияси) буткул ўзгариши мумкин. Чўчүк сув манбалари музлайди, экологик мувозанат бузилади, наботот барбод бўлади. Алал-оқибат Ердаги ҳаёт тугайди (*қаранг: Фалсафа. Ўқув қўлланма. Т., "Шарқ", 1999, 341-бет*). Бундай фалокатларсиз ҳам Ернинг реал потенциали камайиб боруятди. Бу эса инсонлардан қўшимча ҳаётий захира топишни талаб қилади. Академик В.Вернадский "Ноосфера ва биосфера" асариде "Ноосфера ҳаёлий утопиями ёки яшаб қолишинг реал стратегиясими?" деган саволни ўртага ташлаб, ноосфера даврида Ерни сақлаб қолиш ва унинг ривожу учун 12 вазифага эътибор қаратди: 1) одамларни ўзга сайёраларга жойлаштириш; 2) мамлакатлараро тезкор алоқа воситаларини жорий этиш; 3) мамлакатлараро сиёсий алоқаларни мустаҳкамлаш; 4) инсоннинг биосферада кечётган геологик жараёнларга таъсири ортиб бораётганини эътиборга олиш; 5) коинотга чиқиш ва биосфера чегарасини кенгайтириш; 6) янги энергия манбаларини топиш; 7) диний ва иркий тафовутларга кўра камситишларни бартараф этиш; 8) ички ва ташқи муаммоларни ҳал этишда халқ оммаси ролининг

ортиб бориши; 9) илмий тафаккур эркинлиги учун қулай муҳит барпо этиш; 10) халқ таълими тизимини такомиллаштириш ва халқ фаровонлигини ошириш, очлик ва тўйиб оватланмаслик ҳисобига касалликлар келиб чиқишининг олдини олиш; 11) табиатдан инсоннинг тобора ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондирадиган даражада оқилона фойдаланиш; 12) урушларнинг олдини олиш (<http://bibliotekar.ru/1vemadskiy.html>).

Дунё буйлаб мазкур талабларни бажаришга уринишлар бўлаётгани қувонарли. Жумладан, жаҳонда ядровий урушларга қарши курашиш, демократия ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, одамларнинг миллати, ирқи, дини ва эътиқодидан қатъи назар, тенглиги қадрият сифатида эътироф этилган. Маълум маънода, "ҳозир биз биосферанинг янги геологик ўзгаришида яшаймиз. Бизнинг демократик идеалларимиз табиат қонунилари – геологик жараёнлар билан ҳамоҳанг. Шунинг учун келажакка ишонч билан қараш мумкин. У бизнинг қўлимизда. Биз уни қўлдан чиқармаймиз" (*Моуссеев Н. Вернадский и современность. // "Вопросы философии". 1994, №4, стр.3-13*), деганда Вернадский ҳақ эди. Ноосфера даврида вужудга келган бу жараёнлар табиатни муҳофаза қилиш масаласига ақл билан ёндашишни долзарб вазифа қилиб қўйди. Шундай жараёнга даъват сифатида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов бундай дейди: "Асрлар туташ келган паллада бутун инсоният, мамлакатимиз аҳолиси жуذا катта экологик хавфга дуч келиб қолди. Буни сезмаслик, қўл қовуштириб ўтириш – ўз-ўзини ўлимга маҳкум этиш билан баробардир... Табиат ва инсон ўзаро муайян қонуниятлар асосида муносабатда бўлади. Бу қонуниятларни бузиш ўта ўнглаб бўлмас экологик муаммоларга олиб келади" (*Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. Т., "Ўзбекистон", 1997, 112-113-бетлар*).

Ана шу даъватга жавобан миллий гоё йўналишида таҳсил олаётган магистрантлар учун Ўзбекистонда илк бор "Ноосфера: геосиёсат ва мафкура" деган янги курс киритилиб, шу мавзуда ўқув қўлланма нашр этилди (*Иброҳим Каримов. Ноосфера: геосиёсат ва мафкура. Ўқув қўлланма. Т., "Фан", 2007*). Унда иккита масалада ноосфера даври хусусиятларини ҳисобга олиш зарурийлиги таъкидланади: ҳар бир давлат геосиёсатида давр хусусияти эътиборга олинса, урушларга секин-аста барҳам берилиши мумкин; ҳар бир мамлакат миллий мафкураси бунёдкорликка йўналтирилиши керак. Вайронкор хатти-ҳаракатлар оқибатларига эса ноосфера даври талабларига мувофиқ баҳо бериш лозим.

Низом ТАНГИРОВ,

Низомий номидаги ТДПУ тадқиқотчиси

# Mutakallimlar ustozlari

Моварсуннахрга ислом дини кириб келган даврдан бошлаб ўлкамизда калом мактаблари пайдо бўлди. Хусусан, Абу Ҳанифа (ваф. 150/767 й.) асос солган мактаб анъаналари маҳаллий халқ маданияти ва урф-одатларига яқинлиги сабабли кучлироқ мавқега эга эди. Бу таълимот янги заминда маҳаллий анъаналар асосида қайта ишлаб чиқилди ва тартибга солинди. Мазкур хайрли ишга ватанимиздан етишиб чиққан мутакаллим олимларнинг бир неча авлоди беқиёс ҳисса қўшди. Улар орасида Абу Мансур ал-Мотуридий (ваф. 944 й.) муҳим ўрин тутди.

Манбаларда Абу Мансур ал-Мотуридий ҳақида жуда кам маълумот учрайди. Абул Муин Насафий (ваф. 508/1114 й.) "Табсират ул-адилла" асарига Самарқанддаги калом мактабини тавсифлаб, аллома асарларини батафсил илмий таҳлил қилган (*Насафий Абул Муин Маймун ибн Муҳаммад. Табсират ул-адилла фи усулиддин. 2 жилдлик. К. Сафома нашрга тайёрлаган. Дамашк, 1990-1993. Ж.1, 358-359-бетлар*).

Алломанинг тўлиқ исми – Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд Абу Мансур ал-Мотуридий ас-Самарқандий ал-Ҳанафийдир. Алломага "Имом ул-худо" (*Тўғри йўл раҳнамаси*), "Имом ул-мутакаллимин" (*Мутакаллимлар имоми*), "Райису ахлис-сунна" (*Ахли сунна раиси*), "Мусахиху ақидатил-муслимин" (*Муслимларнинг эътиқоди тўзатувчиси*), "Ал-Имом аз-зоҳид" (*Зоҳид имом*) ва "Маҳдиюл-уммати фи заманиҳи" (*Замонаси умматининг маҳдийси*) каби сифат-ноملар берилган.

Абул Муин ан-Насафий аллома ҳақида бундай ёзади: "...Номлари зикр этилган олимлар бўлмаганд ҳам, Абу Мансур Мотуридий кифо қилар эди. У илм уммонининг энг қаърига шўнғиб, ундан дургавҳарларни олиб чиққан ва диний ҳужжатларни ўзининг фасоҳати, мислсиз заковати билан зийнатлаган зотдир" (*Уша манба, 358-бет*).

Мотуридийнинг илмий меросини мавзусига кўра тўртга ажратish мумкин. Биринчиси – Қуръон ва тафсири илмига оид "Таъвилоту ахли ас-сунна" ёки "Таъвилот ул-Қуръон" асари. Истанбул кутубхоналарида асл номи "Китаб ат-таъвилот" бўлган асарнинг қирқдан ортиқ қўлёзма нусхаси сақланади.

Абул Муин Насафий, Қураший, Ҳожи Халифа ва Муҳаммад Зоҳид ал-Кавсарийнинг таъкидлашича, "Таъвилот ул-Қуръон" тафсири илмида мисли йўқ асардир. Зеро, ўша вақтга қадар бу борада таълил этилган биронта асар унга тенглашолмайди (*Насафий. Табсира. Ж.1, 359-бет; Қураший Абу Муҳаммад Абдулқодир ибн Абил-Вафо Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Мисрий. Ал-Жавоҳир ал-музия фи табақот ал-ҳанафия. 8 жилдлик. Ҳайдаробод,*

*1332/1913, Ж.2, 130-бет; Ҳожи Халифа. Кашф аз-зунун 'ан асосийл-кутуб вал-фунун. 2 жилдлик. Истанбул, 1360-62/1941-43, Ж.1, 335-бет; Муҳаммад Зоҳид ал-Кавсарий. Муқаддимату ишроот ал-маъром. 7-бет*). Муаллиф "Таъвилот ул-Қуръон"да оятни оят билан тафсири қилган, баъзи ўринларда далил сифатида ҳадислардан фойдаланган.

Мотуридийнинг ушбу тафсири биринчи марта 2004 йили Байрутда Фотима Юсуф ал-Ҳимайний томонидан "Таъвилоту ахлис-сунна" номи билан 5 жилдда тўлиқ нашр этилган. Профессор Бекир Топол ўғли ва Муҳаммад Аручи эса асарнинг биринчи жилдини Истанбулда чоп қилдириган.

Алоуддин Муҳаммад ибн Аҳмад ас-Самарқандий (ваф. 539/1144 й.) "Таъвилот ул-Қуръон"га шарҳ ёзган. Ас-Самарқандийнинг қайд этишича, "Таъвилот ахлис-сунна" асарини Мотуридийнинг маърузалари асосида шоғирдлари қозоғга туширган.

Иккинчи гуруҳга алломанинг калом ва жадал илмларига оид асарлари киради. Хусусан, "Китаб ат-тавҳид"да алломанинг каломга оид қарашлари ва муҳим эътиқодий масалалар бўйича фикр-мулоҳазалари акс этган. Мотуридий таълимоти улаомлари калом илмига оид асарларда ҳамда эътиқодий масалаларни шарҳлашда асосий манба сифатида "Китаб ат-тавҳид"га мурожаат қилган.

"Китаб ат-тавҳид" Кембриж университети кутубхонасида 3651-рақам билан сақланган қўлёзма асосида Фатхуллоҳ Хулайф томонидан илк марта таҳриқ қилиниб, 1970 йили Байрутда "Дор ал-машриқ" нашриётида чоп этилган. Сўнг Истанбул (1979), Искандария (1982), Анкарада (2003) нашр этилган. 2002 йили Бекир Топол ўғли турк тилига таржима қилган. Европалар ва туркиялик тадқиқотчилар, жумладан, германиялик шарқшунос олим У.Рудольф ушбу нодир манбани тадқиқ этган.

Мотуридий "Китаб ат-тавҳид" асарида ислом динига мансуб ноанъанавий фикрлар билан мунозара ва муноқаша қилган. Шу билан бирга бошқа дин вакиллари билан ҳам назарий баҳслар олиб борган. Жумладан, асарнинг иккинчи қисмида даҳрийлар, суманийлар (бутпарастларнинг бир тоифаси), суфастийлар, санавийлар (дуалик тарафдорлари), монавийлар, дайсонийлар ва маркунийларга раддиялар берган. Бундан ташқари, юнон файласуфи Арасту фикрларига муносабат билдириб, унинг "Ал-Мантик" китобига ишора қилган.

Бағдодий ва Фуод Сазгин калом илмига оид "Рисолатун фил-ақида" (Ақида ҳақида рисола) ёки "Ал-ақида ал-мотуридия" номли ўн беш варақдан иборат мухтасар асарни Мотуридийга нисбат берган. (*Ал-Бағдодий. Ҳадиёт ул-орфун. Ж.2, 37-бет; Фуод Сазгин. Тарих ат-турок ал-арабий. Ж.4,*

42-бем). Бироқ асар Мотуридийга тегишли экани маълум эмас. Фақат баъзи ўринларда алломанинг фикрлари келтирилган. Асарда мотуридийлар ва ашърийлар ўртасидаги ихтилофли масалалар борасида ҳам баъх юритилган. Демак, асар муаллифи Мотуридий эмас, балки мотуридия таълимотига мансуб кейинги даврда яшаган бирор муаллиф бўлиши мумкин. Турк тадқиқотчиси Талип Ҳудеш ҳам рисола алломанинг шогирдларидан бирига дахлдорлигини айтиди (*Talip Ozdeş. Maturidinin tefsir anlayishi. Ankara, Kurtiş, 2003, 52-бем*). Бу асар Абу Лайс Самарқандий, Исмоил ал-Хотирий ва Ато ибн Али ал-Жузжонийга ҳам нисбат берилади. Рисола услуб жиҳатидан Абу Лайс Самарқандийнинг "Шарҳ ал-фиқҳ ал-абсат" асарига яқин.

Ан-Насафийнинг ёзишча, Мотуридийнинг калом илмига оид "Рисолатун фил-иймон" (*Йймон ҳақида рисола*) номли яна бир асари мавжуд (*Насафий Абул Муъин Маймун ибн Муҳаммад. Ат-Тамҳид ли қавоиди-т-таъхид. Жийбуллоҳ Ҳасан Аҳмад нашрга тайёрлаган. Миср, "Дору-т-тибаъа ал-Муҳаммадия", 1986, 102-бем*). "Ал-мақолат" тўплами эса мақола жанрида ёзилган илк китоблардандир. К.Брокельман "Ал-мақолат" ва "Китоб ат-тавҳид"ни битта китоб деб қайд этган (*Brockelmann C. Geschichte der arabischen Litteratur. Weimar-Berlin, 1898. Ж.4, 42-бем*).

Мотуридий раддия жанрида ёзган "Баён ваҳмил-муътазила" (*Муътазиллиларнинг асосси зумони баёни*) асарида мазкур фирқанинг ботил ғояларига қарши далиллар келтиради. Алломанинг "Радд авоил-ли-адилла лил-Каъбий" (*Каъбийнинг асосий далилларига раддия*) асари ҳам муътазила фирқасининг йирик намоёндаларидан бири Каъбийнинг (ваф. 319/931) "Авоилул-адилла" асарига раддия сифатида ёзилгани тахмин қилинади. "Радду тахзибил-жадал лил-каъбий" рисоласи эса, Ибн Надимнинг фикрида баён қилинганидек, Каъбийнинг "Ал-жадал" асарига раддия саналади.

Бундан ташқари, Мотуридийнинг "Ар-радду ал-имомата", "Ар-радду ала фуруи ал-қаромита", "Ар-радду ал-имомата ли баъзи ар-равофиз" каби гулувга кетган фирқаларга жавоб сифатида битган асарлари ҳам бор. Раддия жанрида ёзилган мазкур асарлар бизгача етиб келмаган, фақат биографик манбаларда зикр этилган.

Мотуридийнинг қироат ва тажвид илмига оид "Рисолатун фима ла яжузу ал-вақфу алайҳи фил-Қуръон" (*Қуръон қироатида тўхташ жоиз бўлмаган ўринлар ҳақида рисола*) асари қўлёзмаси Кўнрулу (*Köprülü*) ва Сулаймония кутубхоналарида сақланади.

Фуод Сезгин алломанинг форс тилида битилган беш саҳифадан иборат "Васоя ва муножот" ёки "Фавоид ва муножот" номли асари ҳам бўлганини зикр қилади (*Фуод Сезгин. Таърих ат-туроқ ал-арабий. Ж.2, 378-бем*). Бу асарнинг қўлёзма нусхалари Сулаймония, Ҳасан Чалабий кутубхоналарида ҳамда ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик қўлёзмалар институти фондида сақланади. Ун боб ва мухтасар муножотдан иборат бу асар насихат ва тавсияларни ўз ичига олган.

Тадқиқотларда Мотуридий Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбонийнинг фикҳ илмига оид "Ал-Жомеъ ас-сағир" (*Кичик тўплам*) асарига шарҳ ёзгани қайд этилган.

Қолаверса, алломанинг усул ул-фиқҳга (*фиқҳ асослари*) бағишланган "Маъхаз аш-шароий" (*Шаръий ҳукмлар манбаси*) ва "Ал-Жадал" (*Мунозара*) асарлари VI – XII асргача ҳанафий мазҳаби усул илмида асосий манба саналган.

Айтиш жоизки, алломанинг талай асарлари бизгача етиб келмаган (*Зубеод Ш. Абу Мансур ал-Мотуридий ва унинг "Китоб ат-таъвилот" асари. Монография. 35-бем*). Ушбу мавзуда кенг қамровли тадқиқот олиб борган У.Рудольф қуйидагиларни қайд этади: "Бизгача фақат "Китаб ат-тавҳид" ва "Таъвилоту ахлис-сунна" асарларининг қўлёзмалари етиб келган, холос. Бошқа асарларидан парча ҳам сақланмаган, бизга уларнинг фақат номи маълум (*Рудольф У. Мотуридий. 208-бем*).

Дунё олимлари юртимиздан етишиб чиққан буюк аллома Мотуридий мероси бўйича илмий изланишлар олиб бораётган бир вақтда мазкур нодир мерос ворислари бўлган биз – ўзбекистонлик ёш тадқиқотчилар ҳам фаол бўлмоғимиз лозим. Аллома асарларини чуқур тадқиқ этиш ва таржима қилиш ёш олимлар олдидаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Соатмурод ПРИМОВ,  
Тошкент Илм университетининг  
мустақил тадқиқотчиси

## Daqiqaga jo bo'lgan kechmish

Модернизм XIX аср охири – XX аср бошларида пайдо бўла бошлаган, ноанъанавий адабий тажрибалар, йўналишларнинг умумий номи сифатида майдонга чиққан. Адабиётнинг кўплаб истеъдод-

ларини ўзига жалб этган, бетакрор асарлар яратишига туртки бўлган, адабиёт ва санъатга кучли таъсир ўтказиб, эстетик дидни сезиларли ўзгартирган йўналиш.

Ўзбек адабиётида XX аср бошларида бир қур кўзга ташланган, сўнг истиқлол даврида яна майдонга чиқиб, ривожлана бошлаган ушбу йўналиш бир қатор янги асарларни тақдим этди. “Капалаклар уйини” романи ҳам шулардан бири.

Тўхтамурод Рустам қаламига мансуб мазкур асар илк бор “Ёшлик” журналининг 1999 йил 4–6-сонларида (2000 йил 1–2-сонларида ҳам) эълон қилинган ҳамоно қизгин баҳсларга сабаб бўлди. Таниқли адиб Примқул Қодировнинг “Маънавият, модернизм, абсурд” (“ЎЗАС”, 2004 йил, 26 март), адабиётшунос Санжар Содикнинг

“Пруст йўлидан” мақолалари фикримиз далилидир.

Асар сюжети изчил эмас. Ундаги воқеалар одатий мантиққа, ҳатто вақтга бўйсунмайди. Роман “Бақаҳовуз вақти билан соат роппа-роса 16:44” деган жумла билан бошланади. Асардаги бутун воқеалар фақат шу бир дақиқа, яъни 16:44 да роман қаҳрамони Бадал Армон хотирасида жонланади.

Асар сюжетиға тўхталишдан олдин унинг қурилмасини чизиб олган маъқул. Зотан, бир-бирига боғланиб кетган воқеалар хотира оламида содир бўлади, уларни эслаб қолиш мушкул.



Асар қаҳрамони Бадал Армон роппа-роса 16:44 да троллейбусдан тушиб, хаёлот оламиға сайр бошлайди. Дастлабки бекат – бир вақтлар хотини ўлган ва ёлғиз ёдрони – қизи билан қолган Тош тоға. Унинг харитасида фақат Шоша элтувчи йўл чизилган. Бунинг боисини китобхон кейинроқ билиб олади. Сюжет Тош тоғадан ўсиб, Жи-Ти домлаға уланиб кетади. Мазкур персонаж зирот ва сизаворшунослик куллиётининг домласи – эслаб бир сўзни айтолмайди. Чизик домладан Шошийға қараб тортилади. Шоший шу куллиётда таҳсил олади, “илон ва аждарга дарс берадиган, автобусда сўқирлар баҳона имтиёзли юрадиган, ҳатто чиптачини алдайдиган” образ. Сўнг сюжет Шошийнинг дўсти, шу куллиётнинг яна бир талабаси Насимға бориб уланади. У спорт билан шуғулланади, “Мени ташлаб кетма, Нас-и-м” деб ёлворадиган Гулнозға оналик бахтини ато этган. Ушбу образ станцияда кутиб олиш лавҳасиға боғланади, ҳар ҳафта сафарға чиқувчи Насимни бу гал Бадал, Шошийдан ташқари Ибод, Гулноз, Шаҳло ҳам кутиб олади. Шу ерда Бадалнинг Гулнозға бефарқ эмаслиги, Гулнознинг ҳомиладорлиги аён бўлади. Насим сафарда денгизни – ўзининг етти, балки етмиш аждоди орзуси бўлган жойни кўради. У сафарға жўнаши олдидан юз берган воқеани эслайди: дўсти Сардор “Кетдик!” деганда Насим негадир ўрнидан кўзгалмайди ва шу боис дўстининг ўлимида ўзини айбдор санайди. Сюжет чизиги яна Насимнинг ўзига уланади, у “пўлат куш” деразасидан Бадал айтган денгизни кидиради. Иллюминаторда денгизни кўрганда эса капалаклар тилида “Veni” деб қичқириб юборади. “Келдим” деган маънони англатувчи

бу ҳайқирикқа самолётдаги йўловчилар эътибор қилмайди – худди мактаб даврида синфга кириб, “Ўзим ҳақимда бор гапни билдим”, деб бақирганида ҳам биров уни тингламагани каби. Ушанда унинг бу хитобига фақат Бадал эътибор берган эди.

Китобхон роман сюжети бир текис давом этмаётгани, бу ёзувчи қўллаган усул туфайли эканини дарҳол илғайди. Масалан, денгиз тасвири баҳонасида “етти, ким билсин етмиш аждоди” деган жумла саккиз ўринда келтирилган. Бу ҳол бир оз ғашга тегади, асардан олинажак бадий завққа халал беради.

Асарнинг бир қарашда парокандадек туюладиган воқеалари ички боғлиқликка эга. Машинадан тушиб қолган Бадал йўқалганда, романда миршаблар образи пайдо бўлади, шу баҳонада Бақаҳовузда Тош тоғанинг қизидан бўлак ҳеч ким йўқолмагани аёнлашади. Бу фақат уруш йилларида Бадалнинг акиси Ғойибдан олган хатларға, бу “Сирли курра” уюшмасидагиларни лол қолдирган “қайнар хумча” ва “учар ликопча” ихтиро қилган Сувон Абдол образига бориб тақалади. Сюжет давомида Сувон Абдол яратган қайнар хумчаға тўрт кило гуруч солса, бутун элга етарли ош бўлиши, бироқ у ҳайъат аъзолари олдидан ишламагани ойдинлашади. Ушбу тафсилотдан Сувон Абдол бир куни ўзи ясаган ликопчада учиб кетиши тасвириға ўтилади. Мазкур тасвирдан асар қаҳрамони ва Сувон Абдол фарзандларининг кўчаға чиқиб ўтириши, ҳар замонда осмонға қараб қўйиши сабаби маълум бўлади. Айни изоҳдан Бадал Армоннинг самоға парвоз қилиб, бу ердан бош олиб кетиш ҳақидаги истаги аён бўлади: “Кетаман... Барибир бош олиб чиқиб кетаман...” Ушбу

лавҳа аса Сардорнинг ўлими хотирасига бориб уланади. Бадал илк бор Сардорнинг ўлганини эшитганда шундай дейди. Ўлим китобхони Шумшукка етаклаб келади. Ориф тунукасоннинг ўғли Сардор Шумшукнинг ишончига кириб олгани учун унинг "улов"ида бемалол юради. Бирок шаҳардан ташқари чиқмас эди. Битирув оқшомида иттифоқо шаҳар ташқарисига чиққан Сардор миршаблар қўлига тушиб, уч йилга озодликдан махрум этилади. Икки йилда қамоқдан чиққан Сардор яна шу "улов"да дўстлари олдига боради. Бадал унинг "Кетдик!" деган даъватини жавобсиз қолдиради. Сардор ўзини машина билан Бўрижарга отгани ҳақидаги хабар сабаб Шоший, Насим ва Ибод ҳам ўша "Кетдик!" хитобига жавоб бермагани аён бўлади. Мазкур лавҳа сюжетни Бадалнинг акасига олиб бориб улайди. Ғойиб урушдаги дўсти Шаҳобнинг аянчли ўлимини эслайди. Бу хотира сабабли Ғойиб бозор растасидаги саллали киши – бомдод намозига йўл олган Исҳоқ домладан чўчиб кетади.

Мухтасар айтганда, асар тили "китобхон гўр азобини тортар" даражада қийин эмас. Уни зерикмасдан, қийналмасдан ўқиш мумкин. Ваҳоланки, асарнинг шу жиҳати ҳам анча-мунча танқидга дучор бўлган эди. Жумладан, Примкул Қодиров "Маънавият, модернизм, абсурд" мақоласида "Капалаклар ўйини"да Жеймс Жойсининг ўринсиз кинояларига тақлид ҳоллари кўп учрайди. Муаллиф Тошкент вақтини "Бақаҳовуз вақти" атамасига ўзгартиради. Ҳатто кино тарзида "Бақаҳовуз ҳақиқати" деган газета бორлиги ҳам такрор-такрор қайд этилади, дейди. Романни ночор ва зарарли асар деб ҳаҳолайди.

Биринчи бўлиш осон эмас. Лекин адабиётда бирхилликдан қочиш, янгича йўллارни қидириш шартдек, назаримизда. Бизнингча, "Капалаклар ўйини" Тўхтамурад Рустамнинг илк романи эканини ҳам инobatга олиш зарур. Унутмайликки, ёш адибларнинг изланишларини ҳақ-ноҳақ танқид қилавериш билан бадий тафаккурда янгилинишга эришиб бўлмайди.

Санжар Содиқ "Пруст изидан" мақоласида "Асар ҳаддан ортиқ даражада ғайритабиийлиги учун уни зерика-зерика ўқиб тугатгунча китобхон гўр азобини бошидан кечиргандек бўлади. "Капалаклар ўйини" адабиётда жиддий ҳодиса бўладиган асар яратиш йўлида ташланган биринчи нимжонгина, мажолсизгина қадам", дейди.

Жеймс Жойсининг жаҳон адабиётшунослари бетакрор бадий асар деб эътироф этган "Улисс" романи ҳам дастлаб чоп этилган кезларда аёвсиз танқидга учраган. Аммо вақт ўтиб, "Улисс" бадий савияни белгиловчи мезонга айланди. "Капалаклар ўйини" романи ҳам шаклан ноъанавий бўлгани учун рад этилиши тўғри эмас. Зотан, бадий асарни тушуниш учун унга меҳр билан ёндашиш, авайлаб таҳлил қилиш зарур. Бизнингча, ушбу роман бир неча адабий йўналиш синтезидан иборатлиги, қаҳрамонлар тутуми ғайриодатийлиги, сюжет қурилмаси фавуқулдоғлиги билан адабиётимизда ўзига хос ҳодисадир.

Дилафрўз ҚАЛАҶДАРОВА,

ЎЗМУ катта илмий ходим-изланувчиси

## Ilk milliy telefilm

Ўзбекистонда телевидение ташкил этилган 1956 йил 5 ноябрдан 1971 йилгача барча кўрсатувлар эфирга тўғридан-тўғри узатилган. Ўша вақтда энг оммавий томоша саналган телеспектакллар намойишини каттаю кичик интиқил билан кутар эди. Тўғридан-тўғри эфирга узатилган кўрсатувларни ҳозирлаш жараёнида ёш актёрлардан то техник гуруҳ ходимларигача обдон чиқиқди.

Дастлабки телережисёрлар театрда тобланган ижодкорлар эди. Хусусан, Неъмат Дўстхўжаев, Мақсуд Юнусов ва Маҳкам Мухамедов актёрлар билан ишлаш, пьеса ёки сценарийни пишиштириш, рассом, овоз режиссёри билан ҳамкорлик боради театрда орттирган ижодий тажрибасидан телевидениеда ҳам самарали фойдаланди. Телевидениеда янги ифода воситаларини топиш, ижодий изланишларни кенгайтириш имконияти пайдо бўлди. Ана шундай изланувчан ижодкорлардан бири ҳозирда таниқли режиссёр ва мураббий Маҳкам Мухамедов эди.

Дастлабки кезлари М.Мухамедов саҳналаштирган "Етим", "Гаврош", "Архип бобо ва Ленка", "Тўйга мархабо", "Янги йил оқшоми", "Элмурод" каби телеспектакллар намойиш қилинди. Улар ўзТВдаги ilk бадий кўрсатувлар эди. Телемарказнинг тор хонасида, мураккаб шароитда суратга олинган театрлаштирилган томошаларни кенг омма катта воқеа сифатида қабул қилар эди.

"Ўзбектеlevision" студияси очилгунга қадар ўтган саккиз йил ичида бадий телекўрсатувлар савияси юксалди. 1961 йили ўзТВ тарихида ilk бор "Азизахон" телефильми суратга олинди. Дебют телекартина истеъдодли театр режиссёри ва тажрибали актёрлардан иборат гуруҳ томонидан яратилди.

"Азизахон" телефильми янги жанр бўйича ўзига хос тажриба, дастлабки қадам бўлди. Ёш режиссёр М.Мухамедов сценарий муаллифи Ж.Абдуллахонов, оператор Ф.Алимов, рассом В.Субботин, бастакор Сайфи Жалил, овоз режиссёри А.Тўлаганов, монтажчи Т.Усмоноҳўжаевдан иборат ўз ишининг фи-

дойиси бўлган ижодкорлар гуруҳини тузди. Фильмда халқ артистлари Саъдихон Табибуллаев, Лутфиҳоним Саримсоқова, Яйра Абдуллаева, Тўйчи Орипов асосий ролларни ижро этган.

ЎЗТВда янги жанрга асос солган режиссёр иштиёқ билан меҳнат қилди. Телевидениеда суратга олиш учун техник воситалар етишмаслиги, зарур шaroит йўқлиги боис "Ўзбекфильм" киностудиясининг жиҳозларидан фойдаланилди. Картина монтажи ва дубляжи, умуман, фильмни яратиш билан боғлиқ барча жараёнларда "Ўзбекфильм" мутахассислари яқиндан ёрдам берди.

У маҳаллар сониясига йигирма беш кадрни суратга оладиган камера овоз билан тасвир уйғунлигини таъминлай олмас эди. Шу боис телекартинага овоз ёзиш кўп вақт талаб этарди.

Ижодий гуруҳ кишлоқ манзарасини суратга олиш учун Тошкент вилоятидаги Бўстон кишлоғига, кўприк қурилишини ҳаққоний кўрсатиш учун эса Қумсолга борди. Бошқа саҳналар телемарказ биносига суратга олинди. Ўтган асрнинг 60-йилларида телевидениеда бор-йўғи иккита студия бўлиб, уларда фильм суратга олиш учун етарли шaroит йўқ эди. Кенг павильонли янги бино 1975 йил қурилди.

Қайд этиш жоизки, телефильмда расом ва тасвирчининг маҳорати яққол кўзга ташланди. Дастлабки кадрда ёш келинчакнинг кишлоққа – қайнона-қайнонасиникига келиши кўрсатилади. Ёри дарё устига катта кўприк қуришга раҳбарлик қилади. Шаҳарлик қиз йўлда келгунича кишлоқдаги шaroит ва ҳаёт тарзи тўғрисида ўйлаб, ваҳимага тушади. Келинчакнинг ҳайдовчи билан мулоқоти чиройли ракурсда суратга олинган. Оператор ушбу кадрларда қувноқ кишлоқ йигити ва қатъиятли шаҳарлик қизнинг характерини аниқ кўрсатган.

Қутиб олиш саҳнасида ўзбекона меҳмондўстлик ва меҳр-эътибор таъсирчан гавдалантирилган. Шаҳарлик қиз ва кишлоқ хонадонидagi одмиллик ўзаро мувофиқ келмаслиги ҳаётий ифодаланган, кишлоққа хос турмуш тарзи аниқ деталларда кўрсатилган.

Фильмдаги таъсирчан саҳналардан бири – ёмғир лавҳаси телемарказ яқинидаги кўчада суратга олинган. Бунинг учун ўқ ўчирувчилар машинасидан

фойдаланилган. Кадрдаги нур-соя манзараси, қаҳрамонлар кийими ва бошқа жиҳатлар фильм ижодкорлари иштиёқ билан изланганини кўрсатади. Шарос ёмғир қуяётгани акс этган ҳаяжонли лавҳа сюжет воқеаларига шиддатли тус берган.

Сайфи Жалил басталаган куй ва кўшиқлар миллий колоритни тўлдирган. Маъшур хонанда Неъматжон Қулабдуллаев ижро этган кўшиқлар фильмга ўзгача руҳ бағишлаган. Келинчак пойтахтдан олисдаги кишлоққа – эрининг уйига илк бор келиб, нотаниш одамлар билан бир дастурхон атрофида ўтирибди. Шу маҳал уни ноқулай ҳолатдан чиқармоқчи бўлгандай ҳофиз кириб келади ва кўшиқ айтиб, барчани хурсанд қилади. Мусиқа ва кўшиқнинг дилтортар оханги таъсирида келин бир зумда ўзгариб, ўзини кадрдонлари даврасида ўтиргандай ҳис қила бошлайди, хавотири арийди.

Сўнги саҳна ҳам таъсирчан чиққан. Келинчак шаҳарга қайтаётди, қайнотаси ва қайнонасининг меҳр тўла боқишларини эслайди. Кишлоқда қолишга аҳд қилиб, машинани орта қайтаради...

М.Муҳамедовнинг айтишича, суратга олиш жараёни тўрт ой давом этган. Телефильм 1961 йил 20 августда эфирга узатилиши мўлжалланган. Аммо бундан олдин у махсус комиссия – бадий кенгаш кўригидан ўтиши керак эди. Кенгаш телефильмни ижобий баҳолади. Фильмдаги фақат бир саҳна – келиннинг "Zinger" машинасида кийим тикиши саҳнасига "тузатиш" киритилди. Немис тикув машинаси ёзуви акс этган кадрлар қирқиб ташланди. Фильм 90 нусхада кўчирилди, яқин хориж давлатлари телевизион каналларида ҳам намойиш қилинди.

Ушбу дебют янги жанрни оммалаштириб юборди. Кейинроқ кўп қисмли телефильмлар суратга олишга киришилди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, ўзбек телевидениесининг асосчиларидан бири Маҳкам Муҳамедов "Азизахон" телефильми билан янги-янги картиналар яратилишига тўртки берди.

**Элдор Йўлдошев,**

*Ўзбекистон давлат Санъат ва маданият институти катта илмий ходим-изланувчиси*



## SUMMARY

### **Interview with Dr.Ibrokhim Abdurakhmonov. pp. 4-15.**

Cotton is one of the key crops in Uzbekistan. Its successful cultivation depends on its resistance to various harmful pests and herbs. However, today's world textile industry requires not only quantity, but quality. Longer, stronger cotton fiber determines the future of cotton producers. Cotton varieties Porloq-1, Porloq-2, Porloq-3, Porloq-4 cultivated by Uzbek scientists have been enthusiastically accepted by world scientific establishment, textile industry and cotton producers. Cotton producing countries are interested about King Cotton, cotton variety cultivated in Uzbekistan. Uzbekistan is a member of The International Cotton Advisory Committee (ICAC). In 2013, Uzbek biologist Dr.Ibrokhim Abdurakhmonov who cultivated King Cotton was recognized by ICAC as The Cotton Researcher of the Year. In the interview he tells about what makes King Cotton distinct from other cotton varieties and its history.

### **Mansurkhon Toirov. Hail Mountain and Seven Heavens. pp. 22-35.**

Koran, holy book of Muslim people, has been criticized by non-Muslims, ex-Muslims and atheists. They try to show scientifically and logically erroneous assumptions in Koran. Mansurkhon Toirov, PhD in physics argues that Koran is Devine book and scientifically correct. In the article, he analyzes two assumptions of Koran about hail mountains and seven heavens. "From heaven's mountains He sends down the hail, pelting with it that He will and turning it away from whom He pleases." (Koran 24:43) "We have created seven heavens above you; of Our crea-


tion We are never heedless.” (Koran 23:17) According to him, there is no contradiction between science and Koran; all contradictions are a result of misleading exegesis of the holy book.

**Abdulla Sher. Vivifying Grief and Hopeful Laugh. pp. 45-49.**

Human being is so unique creature who can find vivifying soul from his grief, make philosophical teachings from his laugh. He can laugh with tears in his eyes and cry laughing. Because, two poles – misery and joy constitute his life. As a walking center of these double poles, he is destined to befriend misery and joy. This destiny influences his search for spiritual values, urges to create, and raises his artistry. In aesthetics, these two poles are called ‘tragedy’ and ‘comedy’. The author of the article examines and analyses them and points their place in the spiritual life of humanity.

**Uzoq Juraql. “The Past Days” in the World Literature. pp. 54-61.**

“The Past Days” novel of Abdulla Qodiriy has been seen by literary scholars as the first novel in Uzbek literature. World literature presented numerous novels with distinctive plots before and after Qodiriy. The author of the article argues that “The Past Days” is not only the first Uzbek novel but its plot is unique in world literature. He considers that “encounter motif” in world literature begins with a story of the encounter of Adam with Eva. Lover meets with Loved by chance, and this unexpectedness changes course of events. In “The Past Days” this motif appears in the fate of Otabek and Kumush, and ends with tragic death of Kumush. The article by analyzing this feature of the novel, tries to point to its newness.



*Ўзбекистон халқ рссамси Ўрол Тансиқбоев ижодий бисотидан*

Хр6275

Нашр кўрсаткичи: 869/870  
Баҳоси келишилган нарҳда

# ТАФАККУР

ТАФАККУР 3/2014



ISSN 2010-6491



9 772010 649005